ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ислом Каримовнинг

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ВА СЕНАТИНИНГ 2010 ЙИЛ 12 НОЯБРДАГИ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ «МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ» МАВЗУСИДАГИ МАЪРУЗАСИНИ ЎРГАНИШ БЎЙИЧА

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



Тошкент – 2010

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА

Тошкент – 2010

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2010 йил 4 декабрдаги 3-сонли қарорига мувофиқ нашрга тавсия этилган.

Ушбу ўқув-услубий мажмуа Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** мавзусидаги маърузасида билдирилган муҳим амалий таклиф ва хулосалар асосида жамиятни ислоҳ этиш, мамлакатимизни модернизация қилиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида ўтган қарийб 20 йил давомида амалга оширилган кенг кўламли улкан ишларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти атрофлича очиб берилган. Шунингдек, Юртбошимиз томонидан демократик ўзгаришларни янада чукурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари, конун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чукурлаштириш борасида илгари сурилган қонунчилик ташаббуслари ўрин олган.

Мажмуадан олий ўқув юртлари талабалари, ўқитувчилар, илмий ходимлар, аспирант ва тадқиқотчилар, тарғиботчилар, мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт, суд-ҳуқуқ тизими, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнларига қизикадиган кенг китобхонлар жамоатчилиги фойдаланиши мумкин.

МУҚАДДИМА

Мамлакатимиз ўзининг қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиёти давомида ҳаётнинг барча соҳа ва тармоқларида оламшумул ютуқларни қўлга киритди, дунё ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаб, миллий давлатчилик асосларини мустаҳкамлаб, том маънодаги озод ва суверен мамлакатга айланди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида сўзлаган маърузасида Ватанимиз, халқимизнинг ана шу тарихан қисқа бир даврда эришган улкан ютуқ ва марралари ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб берилди. Юртбошимиз бу ҳақда гапирар экан, қуйидаги рақамларга алоҳида эътибор қаратди. Аввало, мустақил тараққиётимиз мобайнида **Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани** алоҳида таъкидланди. **"Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланган ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидласак арзийди",** деди давлатимиз раҳбари.

Маърузада шу каби яна кўплаб улкан муваффақиятларимиз барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасидаги узоқ ва мураккаб йўлнинг фақат бир қисми экани, айни вақтда эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал воқеликдан узилиб қолиш мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлиги ва истиқболига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилди. Ўзбекистон Президенти ўз маърузасида **"эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор"**лигини таъкидлаб, яқин келажакда амалга оширилиши лозим бўлган энг муҳим устувор вазифаларни белгилаб берди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига мувофиқ, мамлакат Президенти қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга. Шу конституциявий нормадан келиб чиқиб, Юртбошимиз ўз маърузасида мамлакатимизнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, гуманитар ҳаётига оид энг муҳим устувор йўналишлар бўйича амалий таклиф ва ғояларни илгари сурди.

SAMARQAND IQTISODIYOT
VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI

Биринчи устувор йўналиш **"Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш"** деб номланади. Унда ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини амалиётга татбиқ этишни янада такомиллаштириш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатини амалда таъминлаш, қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти органлари ваколатлари ҳамда назорат вазифалари доирасини аниқ белгилаб бериш, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий Мажлис (унинг палаталари), Бош вазир ваколатлари тизимига, демакки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг тегишли моддаларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш борасида қатор таклифлар билдирилди.

Маърузанинг **"Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш"** деб номланган иккинчи устувор йўналишида мустақиллик йилларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотларнинг моҳияти ҳамда уларнинг реал натижалари аниқ рақамлар орқали кенг очиб берилди. Президентимиз мазкур йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш, жумладан, жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш вазифаларини самарали ҳал қилишга қаратилган саккиз йўналишдаги муҳим таклифларини билдирди.

Маълумки, жамият ҳаётини демократлаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини амалда таъминлаш масаласи мамлакат аҳолисини ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини тарқатиш эркинлиги, оммавий ахборот воситалари мустақиллигининг таъминланишига бевосита боғлиқ. Юртбошимиз ўз маърузасининг **"Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш"** деб номланган учинчи устувор йўналишида бу борада мамлакатимизда ҳозирга қадар олиб борилган муҳим тадбирларни эътироф этган ҳолда, соҳани ривожлантириш, оммавий ахборот воситалари ҳуқуқ ва эркинликларини янада кенгайтириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, бунда давлат томонидан уларни қўллаб-қувватлашни қонуний асосга қўйиш сингари муҳим йўналишларда қатор янги қонунларни қабул қилиш, мавжуд қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни ҳаётнинг ўзи талаб қилаётганини таъкидлади.

"Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш" деб номланган тўртинчи устувор йўналиш мамлакатимиз сайлов тизимини шакллантириш, уни босқичма-босқич такомиллаштириш борасида ҳозирга қадар эришилган муваффакиятлар таҳлили билан бошланади. Айни вақтда юртимизда ўтказилган охирги сайлов тажрибаларидан, қолаверса, ривожланган давлатларда бу борада эришилган натижалардан ижодий фойдаланиш асносида сайлов тизимимизни янада такомиллаштиришга қаратилган муҳим қонунчилик ташаббуслари илгари сурилади.

Маърузанинг бешинчи устувор йўналиши **"Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш"** деб аталади. Унда фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жумладан, ўзини ўзи бошқариш тизимининг юртимизга хос муҳим ва ноёб бўғини бўлмиш маҳалла институти фаолиятини қонуний асосга қўйиш борасидаги саъй-ҳаракатлар, уларнинг амалий натижалари таҳлил этилди. Юртбошимиз мамлакатимизнинг бошқарувида фуқаролик жамияти институтлари роли ва таъсирини ошириш, бунинг учун эса уларнинг ҳуқуқ ва ваколатлари доирасини янада кенгайтириш мақсадида қатор янги қонунлар яратиш, амалдаги қонун ҳужжатларига муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарурлигини аниқ таклифлар асосида кўрсатиб берди.

Маълумки, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг собиқ шўро тузумининг умрини ўтаб бўлган маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечилиб, бутун дунёда "ўзбек модели" деган ном билан ҳақли равишда эътироф этилаётган ўзига хос тараққиёт йўли Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилди ва бугунги кунда ўзини тўла оқламоқда. Мазкур модель иқтисодиётни мафкурадан холилиги, унинг сиёсатдан устунлиги, қонун устуворлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи бўлиши, ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга ошириши, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш каби муҳим тамойилларни ўз ичига олади. Маърузанинг **"Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш"** деб

номланган сўнгги устувор йўналишида юртимизда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиёт соҳасининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш, бунда, айниқса, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, хусусий мулк дахлсизлигини сўзсиз таъминлаш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан банд қилишдек муҳим ижтимоий аҳамиятга молик масалалар ечимидан келиб чиқиш лозимлиги таъкидланди.

Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузаси мустақил давлатимиз, халқимиз ва жамиятимизнинг бугунги ҳамда келажак ҳаётининг энг муҳим устувор соҳалари ривожини ўзида мужассам этган, том маънода тарихий, дастурий концептуал аҳамиятга эга муҳим ҳужжат ҳисобланади. Буни Юртбошимизнинг қуйидаги якуний мулоҳазалари ҳам яққол тасдиқлайди: **"Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган Концепцияси Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида биз қарийб 20 йил олдин бошлаган жараённи давом эттириш бўйича Олий Мажлис томонидан узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлади, деб ишонаман".**

Президентимизнинг ушбу маърузасида белгилаб берилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари, турли ижтимоий қатламлар, айниқса талаба ёшлар томонидан унинг мазмун-моҳияти теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Шунга кўра, маърузани талабалар томонидан чуқур ўрганиш, унда ёритиб берилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш мақсадида махсус курсни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат иқтисодиёт университети (Н. Жумаев, А.Бекмуродов, М.Болтабаев, Б.Алиев, У.Ғафуров, А.Мухторов, Т.Султонов, Ш.Мустафакулов, А.Раҳмонов, К.Ахметова), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Н.Жўраев, Х.Дўстмухамедов, Д.Муитов), Ўзбекистон Миллий университети (А.Муминов, Ш.Жалилов, И.Хамраев, Н.Раҳмонов, Т.Эшбеков), Тошкент юридик институти (О.Хусанов, С.Хидиров, Ш.Асадов, О.Турғунов, И.Беков) ва Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (А.Мўминов, Х.Юнусов, О.Алламберганов) профессор-ўқитувчилари томонидан тайёрланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича махсус курснинг

ЎҚУВ ДАСТУРИ

(барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича махсус курснинг

ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

(барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)

Мавзунинг тартиб рақами	Мавзунинг номи	Ажратилган ўқув соатлари
Маъруза машғулотлари		
1-мавзу	Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар	2 соат
2-мавзу	Давлат хокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш	2 соат
3-мавзу	Ўзбекистонда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш	2 соат
4-мавзу	Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш	2 соат
Жами:		**8 соат**
Амалий машғулотлар		
1-мавзу	Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан кадамлар	2 соат
2-мавзу	Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси	2 соат
Жами:		**4 соат**
Ҳаммаси:		**12 соат**

Юқоридаги жадвалда келтирилганидек, махсус курс Президентимиз маърузасининг мазмуни, унда баён этилган муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгилаб берилган чора-тадбирларнинг тавсифи ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда, 12 соатлик (8 соат маъруза, 4 соат семинар машғулотлари) ҳажмда белгиланган.

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

1-мавзу. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар (2 соат)

Мамлакатимизда қарийб 20 йил мобайнида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида эришилган ютуқ ва натижаларни баҳолаш зарурати туғилаётгани.

Тараққиётнинг ўзбек моделининг маъно-мазмуни, ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотлар самарасини таъминлашдаги роли. Иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги улкан амалий қадамларнинг дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилиши.

Мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритилган юксак ютуқ ва марралар натижасида мамлакатимиз қиёфасининг бутунлай ўзгариб, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи тобора ошиб бораётгани.

Эзгу мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлда дуч келишимиз мумкин бўлган хавфнинг мавжудлиги. Тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясининг мавжудлиги – мамлакатимиз ва халқимизнинг шировард натижада муваффақиятга эришиши гарови экани.

Мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларни кучайтириш, уларни янги, янада юқори босқичга кўтариш зарурлиги. Жамиятимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар – мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан жадал ривожланиб боришини таъминлайдиган ҳал қилувчи куч.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар

Мазкур маъруза машғулотини ўтказишда дастлаб талабаларнинг билим ва тасаввурларини фаоллаштириб олиш муҳим ҳисобланади. Бунинг учун интерфаол ўқитишнинг "ақлий ҳужум", блиц-сўров, инсерт техникаси усулларини қўллаган ҳолда, Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги ютуқ ва натижалари тўғрисидаги талабаларнинг билим ва тасаввурларини фаоллаштириб олиш мақсадга мувофиқдир. Шундан сўнг ахборотли-маъруза усулида ўзбек моделининг маъно-мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашдаги роли ҳамда иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришларни визуал тақдимот кўринишида баён этиш мумкин. Тақдим этилган маълумотларнинг талабалар томонидан пухта ўзлаштирилишини таъминлаш учун таркатма материаллардан самарали фойдаланиш тавсия этилади.

Мустақил тараққиёт йилларида қўлга киритилган улкан марралар натижасида мамлакатимиз қиёфасининг бутунлай ўзгариб, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётгани тўғрисида махсус маълумотнома тузиш ҳамда талабаларга тарқатиш уларнинг бу борадаги билимларини янада мустаҳкамлашга имкон яратади. Шунингдек, мамлакатимизда молия ва иқтисодиёт соҳаларида фаолият юритаётган таниқли мутахассис ва амалиётчиларни таклиф этган ҳолда, муаллифлик маърузаси, бинар маъруза, экспертлар иштирокидаги маъруза, муаммоли маъруза усулларини ҳам қўллаш мумкин.

2-мавзу. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш (2 соат)

Мамлакатимизда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаб берилган асосий йўналишлар.

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлардан кўзланган мақсад-мудлаолар.

Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг ваколатларининг бозор тамойилларига мувофиқлаштирилиши, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролининг камайтирилиши. Бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш масалаларига катта аҳамият қаратилгани.

Қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилиш асослари. Ҳозирги пайтда давлат ҳокимияти субъектлари ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларнинг юзага келиши.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 96- ва 98-моддаларининг таклиф қилинаётган янги таҳрири. Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлашнинг янада демократик принципларини ифодалайдиган янги тартибининг ўрнатилиши. Ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқарилиши.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасига тузатишлар киритиш таклиф этилиши муносабати билан бошқа моддаларига ҳам тегишли ўзгартишлар киритиш заруратининг туғилиши. Ушбу чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб бериши.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш. Мамлакатимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш ҳал қилувчи вазифа экани. Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши.

Суд тизимини ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқариш имконининг яратилиши. Судларнинг уларга хос бўлмаган вазифалардан сезиларли даражада халос бўлиши.

Умумий юрисдиксия судлари ихтисослаштирилиб, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ташкил этилиши. Фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатларининг жиддий тарзда кучайтирилиши.

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда одил судловнинг сифати ва тезкорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилаётгани. Амалдаги қонунчиликка адвокатура мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши.

Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини янада либераллаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига мувофиқлаштиришнинг энг муҳим йўналишга айлангани. Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги чораларнинг ижобий натижалари. Ўзбекистонда ўлим жазосининг бекор қилиниши ҳамда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бирининг яратилиши.

Дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар. "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши.

Тергов ва шахсни қамоқда сақлаш муддатларининг қисқартирилиши. Ҳуқуқни қўллаш ва суд амалиётига ярашув институтининг киритилиши. Сўнгги йилларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар.

Бугунги кунда суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш борасидаги вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида амалга ошириш таклиф этилаётган ташкилий-ҳуқуқий чоралар. Амалдаги "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётгани. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг айрим боб ва моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш. "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонунни қабул қилишнинг зарурлиги ва аҳамияти. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексни ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилишнинг зарурлиги. Адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишнинг талаб этилиши. Ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини

тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарурлиги.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар

Маърузани экспертлар иштирокида ёки маъруза-конференция кўринишида ташкил этиш нисбатан яхши самара беради. Экспертлар сифатида суд-ҳуқуқ тизими мутахассислари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари, юқори малакали ҳуқуқшунос ва педагог-мураббийлар таклиф этилиши мумкин. Шунингдек, маъруза-конференцияда талабаларнинг махсус тайёргарлик асосидаги чиқишлари, фикр-мулоҳазалари тингланади.

Маърузада мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, мамлакатда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш борасида кенг кўламли чора-тадбирларнинг амалга оширилгани ва бу борада эришилган ютуқлар ҳақида маълумот берадиган ҳужжатли фильмлардан фойдаланиш мумкин. Мавзунинг асосий мазмунини баён этишда олдиндан тайёрлаб олинган тақдимот материалларини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Олинган маълумотларнинг талабалар томонидан мустаҳкам ўзлаштирилишини назорат қилиб бориш мақсадида инсерт жадвалидан самарали фойдаланиш мумкин.

3-мавзу. Ўзбекистонда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш (2 соат)

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш. Фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти экани. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларнинг амалга оширилгани. Оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган мустаҳкам қонунчилик базасининг яратилгани.

Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг ахборот соҳасини демократлаштиришда фаол иштирок этишини таъминлашга қаратилган кенг қамровли институционал ислоҳотларнинг амалга оширилиши.

Ўзбекистон телекоммуникациялар тизими имкониятларининг кенгайиши. Замонавий рақамли ва мультимедиа технологияларининг жорий қилиниши.

Оммавий ахборот воситалари ва давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларнинг устувор жиҳатларини тўғри белгилаш билан боғлиқ, долзарб аҳамият касб этаётган чора-тадбирлар. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида", "Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш зарурлиги. Муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш. "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"ги ва бошқа қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш. "Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун нормаларини янада такомиллаштириш, рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурининг ишлаб чиқилиши.

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш. Сайловлар – фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли. Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда самарали демократик сайлов тизимини шакллантириш ва ривожлантириш сохасида амалга оширилган чуқур ўзгаришлар. Миллий сайлов тизимининг мустахкам конунчилик базасининг шаклланиши. Сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилишининг қатъий белгилаб қўйилиши. Марказий сайлов комиссиясига мутлак ваколатларнинг берилиши.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш бўйича концепциянинг ишлаб чиқилиши.

2008 йили сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларнинг сайлов тизими ривожида муҳим босқич бўлгани. Қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилиши. Сайлов тизимимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини ошириш муҳим аҳамият касб этгани.

Сайлов жараёнларининг янада демократлашуви муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган қонунчилик ташаббуслари. Сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутиш лозимлиги. Овоз бериш арафасида турли суиистеъмоллик ҳолатлари ва қонун бузилишларининг олдини олиш имконини таъминлаш. Муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидаси билан боғлиқ муаммонинг ҳал этилиши. Сайловчилар ҳуқуқларининг янада таъсирчан ҳимоя қилиниши. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатасига депутатларни сайлаш бўйича ўтказиладиган конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳуқуқининг белгилаб берилиши.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, фуқароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти эканини талаба ёшларга ахборотли маъруза сифатида етказиш талаб этилади.

Сайлов жараёнларининг янада демократлашуви муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган қонунчилик ташаббуслари, сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган Б/Б/Б, ФСМУ техникаларидан кенг фойдаланиш тавсия этилади.

4-мавзу. Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш (2 соат)

Ўзбекистонда кейинги ўн йиллик даврнинг турли фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлгани. Мамлакатимизда нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолияти.

Фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳозирги кунда демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланаётгани. Фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан таъсирчан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги ролининг ортиб бораётгани.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган қонун ҳужжатларининг қабул қилингани. Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ҳамда таркибига нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар, молиявий тузилмаларнинг масъул ходимлари кирган Парламент комиссиясининг ташкил қилиниши.

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик жамияти институтлари ролини янада кучайтириш ўз олдимизга қўйган мақсадларимизни рўёбга чиқаришда ҳал қилувчи омил экани.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштиришнинг долзарб аҳамият касб этиши.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик жамияти институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш зарурлиги. Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқишнинг аҳамияти. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш чоралари.

Атроф-муҳитни ҳимоя қилишни таъминлаш тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнининг белгилаб берилиши.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991-2000 йилларда марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини шакллантиришга эътибор қаратилгани.

Ислоҳотларнинг кейинги босқичида қабул қилинган қонун ҳужжатларининг иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда мустаҳкам ҳуқуқий асос, амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилаётгани.

Иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлиги. Давлат хусусий мулкдор ҳуқуқларининг ҳимоячиси экани. "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида", "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги. Бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнес қонунчилик базасининг яратилиши.

Молия-банк тизимининг янада мустаҳкамланиши банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши, энг юксак халқаро стандартлар талабларига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратиши.

Ҳозирги даврда, бозор муносабатлари ривожланишининг янги реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, бу борадаги қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлиги. "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунни танқидий қайта кўриб чиқишнинг тақозо этилиши. Мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилишнинг долзарблиги. "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарурлиги.

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини такомиллаштириш, "Рақобат тўғрисида"ги янги қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги. Бугунги кунда "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонунни қайта кўриб чиқишнинг тақозо этилиши.

Стратегик муҳим тармоқлар ва корхоналарда акцияларнинг назорат пакетини давлат ихтиёрида сақлаб қолган ҳолда, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларида нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш. Эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишнинг тақозо этилиши.

Истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳаларининг амалга оширилишига алоҳида эътибор бериш – яқин истиқболдаги энг муҳим вазифа.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнларини давом эттириш бўйича узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлиши.

Маъруза машғулотини ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар

Ўзбекистонда кейинги ўн йиллик давр мобайнида шаклланган фуқаролик жамияти институтлари, иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш, стратегик муҳим тармоқлар ва корхоналарда акцияларнинг назорат пакетини давлат ихтиёрида сақлаб колган ҳолда, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармокларида нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш бўйича талабалар билимларини мустаҳкамлашга қаратилган ахборот асосидаги маъруза тақдим этилади. Мазкур ахборотли маъруза асосида "ақлий хужум" техникасини қўллаш оркали талабаларнинг билими фаоллаштирилади ҳамда улар билан мавзу доирасида мунозаралар уюштирилади. Назорат топшириклари асосида талабаларнинг мустақил таълим олиши таъминланади.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАВЗУЛАРИ

1-машғулот. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан кадамлар (2 соат)

1. Мамлакатни модернизация килиш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш – муҳим устувор вазифа.
2. Ўзбекистонда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш борасида эришилган натижалар.
3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва солиқ юкини енгиллаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар.
4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш – мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили.
5. Инвестиция дастури ва техник модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари доирасида амалга оширилган ишлар ва қўлга киритилган натижалар.
6. Ижтимоий соҳани янги босқичга кўтариш борасида эришилган ютуқлар.

2-машғулот. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (2 соат)

Режа:

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш.
2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш.
3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.
4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш.
5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш.
6. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Амалий машғулотларни ўтказишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш бўйича услубий кўрсатмалар

Амалий машғулотларни самарали ва юқори савияда ўтказиш учун талабаларни гуруҳларда ва ўзаро ҳамкорликда ўқитиш усулларидан кенг фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш масалаларини тақдимот кўринишида баён этиш муҳимдир. Бунда инсерт,

график органайзерлар техникаси, “Т-схема”, категориялар жадвали, “Б/Б/Б”, “ФСМУ” техникаларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Муаммоли вазиятлар ва уларнинг ечимини топишга каратилган ҳолатларда “Балиқ склети”, “Ҳаракатларни йўналтириш”, “Нима учун?” каби усуллардан фойдаланиш самарали ҳисобланади. Машғулотларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида видеомаъруза, мультимедия воситалари, видеопроектор, флип-чат ва бошқа техник воситаларни қўллаш жараёнларининг олдиндан технологик карталарда режалаштириб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича

ЎҚУВ ҚЎЛЛАНМА

1. ЎЗБЕКИСТОНДА ҲУҚУҚИЙ ДЕМОКРАТИК ДАВЛАТ, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ БАРПО ЭТИШ ВА БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ЙЎЛИДАГИ УЛКАН ҚАДАМЛАР

1.1. ИҚТИСОДИЁТНИ ТУБДАН ЎЗГАРТИРИШ ВА ИСЛОҲ ЭТИШДА ЎЗБЕК МОДЕЛИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, "ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди. Юртбошимиз томонидан ишлаб чиқилган мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш концепциясига асосан, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш, мамлакатимизда ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Яқин ўтмишга қараб шуни таъкидлаш мумкинки, ҳақиқатан ҳам, мустақиллик қўлга киритилган давр ўта мураккаб бўлиб, у пайтда собиқ иттифоқ парокандаликка юз тутган, мамлакатимизда сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият тобора кескин тус ола бошлаган эди. Шундай қалтис вазиятда ўзлигимизни англаш ва топталган миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш янада кучайди. Ўша таҳликали ва оғир вазиятда республика раҳбари Ислом Каримов босиқлик билан оқилона иш тутиб, қатъий сиёсий иродани намоён этиб, мамлакатимизни чуқур таназзулдан олиб чиқишга қаратилган, барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этишнинг ҳар томонлама пухта ўйланган ислоҳотлар стратегиясини ишлаб чиқди ва уни амалга оширишга раҳнамолик қилди. Юртбошимиз раҳбарлигида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш мақсадида ғоят машақатли, шу билан бирга, шарафли тараққиёт йўли босиб ўтилди.

> Биз ислоҳотларни инқилобий усулда, яъни "шок терапияси" йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.
>
> ***Ислом Каримов***

Истиқлолимизнинг илк йилларидаёқ, Президентимиз юксак демократик талабларни ҳаётимизга тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти барпо қилиш, фаровон ҳаётга эришиш билан чамбарчас боғлиқ ва узлуксиз давом этадиган жараён эканини таъкидлаб, бундай даражага кўтарилиш ҳеч қачон осонликча кечмаслигини уқтириб ўтган эди.

И.А.Каримов "Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" рисоласида мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейинги дастлабки йиллардаги ривожланиш жараёнларини таҳлил қилиб, Ўзбекистонда давлат қурилиши ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш дастурининг ўзаги сифатида 5 та асосий тамойилни белгилаб берди. Илмий ва амалий жиҳатдан пухта ишлаб чиқилган бу дастур нафақат ўша даврдаги авлод тақдири, балки келажак авлодларимиз тақдирини ҳам ўйлаб тузилган бўлиб, эски тузумдан мерос бўлган иллатларни тезроқ бартараф этиш, мамлакатимизнинг ривожланган, маданиятли давлатлар даражасига чиқиб олишини таъминлашни кўзда тутган эди. Бу ҳақиқатан ҳам Президентимиз номи билан бевосита боғлиқ ҳолда жаҳонга танилган тараққиётнинг ўзбек модели эди.

Ислоҳотларнинг ўзбек модели бундан олдин дунёда яратилган ва мавжуд бўлган моделларнинг бирортасини такрорламаган ҳолда, ўз моҳияти ва мазмуни жиҳатидан бутунлай янги тараққиёт модели бўлди. **Тараққиётнинг ўзбек модели қуйидаги беш тамойилга асосланади:**

биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, яъни иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак. Шунингдек, ички, ташқи ва иқтисодий муносабатларни мафкурадан ҳоли этишни таъминлаш зарур;

иккинчидан, ўтиш даврида давлат асосий ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши шарт;

учинчидан, қонун устуворлигига эришиш, қонунларга қатъий риоя этиш лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни барча ҳеч истисносиз ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим;

тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш керак. Аҳолининг салкам 50 фоизини 16 ёшга етмаган болалар ташкил этадиган Ўзбекистонда бунинг алоҳида аҳамияти бор;

бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, яқин ўтмишдаги "инқилобий сакрашлар"сиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ислоҳ қилиш ва юртимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш асосида чуқур таназзулдан халос бўлиб, барқарор тараққиёт ва аҳоли турмуш фаровонлигига эришишга қаратилган туб ўзгартиришлар сиёсатининг стратегик мақсадлари И.А.Каримов томонидан қуйидагича изоҳлаб берилди:

- ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш;
- кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш;
- корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларини бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш;
- иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур таркибий ўзгаришлар қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиб бориш;
- кишиларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш[1].

Мустақилликнинг илк йилларида, яъни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қуйидаги икки вазифани бирданига ҳал қилиш мақсад қилиб қўйилди:

- тоталитар тизимнинг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;
- республиканинг ўзига хос шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш;

Мазкур вазифаларни ҳал қилиш учун биринчи босқичда ислоҳ қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари аниқлаб олинди ва амалга оширилди:

- ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг қонуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш;
- маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш;

---

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., "Ўзбекистон", 1993, 18-бет.

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№

- ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш.

Республикада бозор муносабатларига ўтишнинг биринчи босқичида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳада юз берган туб ўзгаришлар унинг ўз тараққиётида кейинги сифат жиҳатдан янги босқичга ўта бошлаш учун мустаҳкам шарт-шароит яратди. Шу билан бирга, ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи натижалари кейинги босқичнинг стратегик мақсадлари ва йўналишларини аниқ белгилаб олиш имконини берди.

Иккинчи босқичда иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислоҳ этишни янада чуқурлаштириш, инвестиция фаолиятини кучайтириш, чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, шунинг негизида иқтисодий ўсишни таъминлаб, бозор муносабатларини тўлиқ жорий қилиш мақсад қилиб қўйилди. Шу мақсаддан келиб чиқиб, мазкур босқичда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар қуйидаги тартибда белгиланди:

- давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишни охирига етказиш;
- ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш;
- миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш;
- иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш.

Ўтиш даврининг иккинчи босқичида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялашни кучайтириш, уларга тегишли ёрдам кўрсатиш борасида биринчи босқичда тутилган йўл давом эттирилди.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаб ўтганидек, мазкур босқичда "эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштириш нафақат иқтисодий, балки ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий вазифаларни ҳал қилишнинг асосий шартидир"[1]. Бу эса иқтисодиёт соҳасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишни кўзда тутди:

- иқтисодиётнинг барча соҳа ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш;
- хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида мулкдорлар синфини шакллантириш;
- мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш;
- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётда устувор ўрин эгаллашига эришиш;
- мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш;
- иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш.

Шундай экан, демократик жамият қуришдан кўзланган мақсад юртимизда истиқомат қиладиган барча инсонлар учун муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш, ривожланган демократик мамлакатлар каби кафолатланган юксак турмуш даражаси ҳамда эркинликларни таъминлашдан иборат. Мазкур эзгу мақсадни амалга ошириш учун бирламчи аҳамият касб этган, яъни ижтимоий бозор иқтисодиётини яратишга йўналтирилган иқтисодий ислоҳотларга эътибор қаратилди.

Иқтисодий ислоҳотлар эса ўз ўрнида жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда давлат қурилиши соҳаларидаги туб ислоҳотлар билан чамбарчас, узвий боғлиқликда амалга ошириб келинмоқда.

---

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. -Т.: "Ўзбекистон", 2000, 15-бет.

1.2. ИҚТИСОДИЁТНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА ҲАЁТ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириш вазифаси иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда доимо диққатимиз марказида бўлиб, иқтисодий ривожланиш борасида эришган ютуқларимизнинг муҳим омили ҳисобланади. Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатдошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Чунки дунёдаги ҳар қандай мамлакатнинг рақобатдошлиги энг аввало унинг иқтисодиёти қанчалик рақобатга дош бериши билан белгиланади.

Ички ва ташқи бозордаги рақобатдошлик ўзаро жиддий фарқ қилиши мумкин. Бу ҳолат бозорларда ички ва ташқи муҳитни ташкил этувчи омилларнинг турлича экани, яъни тўловга қодир талабнинг ҳажми, ички ва ташқи бозордаги нархлар ўртасидаги фарқ, олиб борилаётган ташқи савдо сиёсати ва ҳ.к.лар билан изоҳланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашиш даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашгани, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислоҳотлар стратегияси қай даражада илмий асосланган ва ўзгаришлар жараёнларини ҳисобга олгани ҳамда бошқа бир қанча омилларга боғлиқ.

Мураккаб тизим сифатида иқтисодиётнинг барча элементлари орасидаги шаклланган ва ўзгариб борадиган пропорциялар ва ўзаро нисбатлар таркибий ўзгаришларни тавсифлайди. Миллий хўжаликнинг мақбул таркиби, алоҳида турдаги ишлаб чиқаришларнинг ривожлангани ва баланслашгани, уларнинг ўзаро мутаносиблиги ҳар қандай давлат ривожининг пировард мақсади бўлган аҳоли турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Мамлакат хўжалигининг қандай белги, аломатлар асосида турли бўлак ёки қисмларга ажратилишига кўра, иқтисодиёт таркибий тузилишининг турлари ўзаро фарқланади (1.2.1-расм).

Собиқ шўролар тузуми исканжасида бўлган даврда Ўзбекистон, асосан, пахта етиштиришга ихтисослашган бўлиб, СССРда етиштирилган пахтанинг учдан икки қисмини яратиб, СССР саноат марказларининг ва, ҳатто, бутун социалистик тизимнинг хомашё базасига айланиб қолган эди. Республиканинг барча иқтисодий ресурслари пахта комплекси деб аталган мажмуага йўналтирилиб, хўжаликнинг бошқа соҳалари эътиборсиз қолдирилди. Пахта яккаҳокимлигининг вужудга келиши оқибатида республиканинг дон ва ундан олинадиган ўта муҳим озиқ-овқат хом ашёси турлари, гўшт ва сут бўйича, яъни энг зарур озиқ-овқат таъминоти бўйича марказга, бошқа республикаларга қарамлиги вужудга келган эди. Оқибатда аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашда жиддий қийинчиликлар вужудга келди. Пахта яккаҳокимлиги туфайли илмий жиҳатдан асосланган алмашлаб экиш тизими бузилди, ер ўз ҳосилдорлигини йўқота борди, сув ресурсларининг етишмовчилиги кучайди.

> Маълумки, собиқ тузум даврида республикамизнинг иқтисодиёти бир томонлама ривожланган, фақат хомашё етиштиришга йўналтирилган бўлиб, машъум салбий оқибатларга олиб келган пахта яккаҳокимлиги авжига чиққан эди. Ўзбекистон ўзининг қолоқ ишлаб чиқариш ва социал инфратузилмаси билан собиқ иттифоқда жон бошига истеъмол даражаси бўйича энг паст ўринда турарди.
>
> ***Ислом Каримов***

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, пахтанинг 95 фоизи қайта ишланмасдан, республикадан ташқарига олиб кетилар эди. Умуман, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари кўп бўлса-да, уларни қайта ишловчи саноат тармоқлари ва корхоналари ривож топмади.

Ишлаб чиқаришнинг таркибий тузилишидаги номутаносиблик Ўзбекистонга юқоридан туриб зўрлаб тиқиштирилган ихтисослашув оқибати эди. Собиқ шўролар даврининг 50 йили мобайнида енгил саноатнинг умумий ишлаб чиқариш ҳажмидаги улуши 54 фоиздан 37 фоизгача, озиқ-овқат саноати улуши эса 30 фоиздан 14 фоизгача тушиб қолди[1].

Мустақилликка эришгандан сўнг ёш республикамиз олдида жуда кўп муаммолар қаторида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш масаласи ҳам кўндаланг турар эди. Юқорида баён этганимиздек, энг катта муаммо шунда эдики, собиқ иттифоқнинг пахта базасига айланиб қолган Ўзбекистонга шу чоққача кўплаб турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари бошқа жойлардан олиб келинарди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий турларини ўзимизда етиштириш ва бу маҳсулотлар бўйича бошқа мамлакатларга қарам бўлиб қолмаслик нафақат иқтисодий, балки сиёсий мустақилликни ҳам таъминловчи муҳим омиллардан бири эди.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолиси дон ва дон маҳсулотларини нисбатан кўпроқ истеъмол қилади. Жумладан, 90-йилларда Ўзбекистонда ҳар бир киши йилига ўртача 170 килограммдан дон маҳсулотлари истеъмол қилган бўлса, 1994 йилларга келиб бу рақам 152 килограммни ташкил этди. Ўзбекистонга йилига четдан ўртача 3 миллион тоннага яқин буғдой келтириларди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида малакатимизда ғалла тақчиллиги жиддий муаммога айланган эди. Юртимизда атиги 12-15 кунга етардиган ғалла захираси қолган ўта қалтис ва таҳликали кунларни ҳам бошидан кечиришга тўғри келган пайтлар ҳам бўлди.

Ана шундай мураккаб бир шароитда Президент И.А. Каримов қатъият билан иш юритиб, тез кунлар ичида Россиядан 100 минг ва Украинадан 50 минг тонна дон келтиришга эришди. Шу тариқа юз бериши муқаррар бўлган дон танқислиги муаммоси бартараф этилди. Шундан сўнг Юртбошимиз ғалла мустақиллиги ҳақидаги масалани кун тартибига қатъий қилиб қўйди. Ғалла мустақиллигига эришиш юзасидан ишлар бошлаб юборилди ва атиги ўн йил ичида бу вазифа муваффақиятли адо этилди. Баъзи давлатларга эса бунинг учун 30-40 йил керак бўлгани тарихдан яхши маълум.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, республикамизда 1990 йилда 1 миллион тоннадан зиёдроқ ғалла ҳосили олинган бўлса, 2009 йилда 7,3 миллион тоннадан ортиқ дон етиштирилди.

Мустақилликдан сўнг миллий иқтисодиётни қайта қуриш учун уни таркибий янгилаш йўли танланди ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни мамлакатимизнинг ўзида ишлаб чиқариб, импортга қарамликни жиддий қисқартириш; экспортга мўлжалланган маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқариш; давлатимизнинг халқаро бозордаги рақобатлашув салоҳиятини ошириш; Ўзбекистондаги хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, истеъмолга тайёр маҳсулотларни кўпайтириш каби катор йўналишларда таркибий ўзгаришлар амалга оширилди.

Мамлакат иқтисодиётининг таркибий тузилиши шаклланишида унинг табиий ресурс салоҳияти, географик жойлашуви, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиш даражаси сингари омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлсада, уни ўзгартириш ва такомиллаштиришда давлатнинг таркибий сиёсати ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсати:

- мамлакат иқтисодиётининг диверсификациялашув даражасини кўтариш, яъни ишлаб чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш, ЯИМ, экспорт каби кўрсаткичларда алоҳида тармоқ маҳсулоти ёки маҳсулот гуруҳининг устунлик қилишига барҳам бериш;

---

[1] Абулқосимов Ҳ. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар. –Т.: Akademiya, 2008.

- ташқи бозорлардаги конъюнктура ўзгаришларига кам таъсирчан бўлган тармоқлар ва соҳаларнинг ЯИМ ва бандликдаги улушининг юқори бўлишини таъминлаш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи, шунингдек экспорт қилувчи корхона ва тармоқларнинг хомашё ва бутловчи қисмлар билан таъминланишида маҳаллий корхоналар улушининг устунлигига эришиш;

- юқори технологиялар ва замонавий техника билан билан қуролланган, арзон ва сифатли, ташқи бозорда бемалол рақобатга кириша оладиган саноат тармоқларининг саноат ишлаб чиқариши кўрсаткичларидаги улушини ошириш;

- конъюнктура ўзгаришларига тез мосшлашувчан, капитал сиғими паст бўлган соҳа ва тармоқларнинг ялпи иқтисодий кўрсаткичлардаги салмоғини оширишга эришиш йўналишларида олиб борилмоқда[1].



1.2.1-расм.

Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини такомиллаштириб бориш, чукур қайта ишланган, тайёр, қўшилган қиймат ҳиссаси юқори бўлган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни жадал ривожлантириш ва уларнинг ЯИМ ҳамда мамлакат экспортидаги улушини кўпайтириш муҳим аҳамиятга эга.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда чукур таркибий ўзгаришларнинг амалга оширилиши натижасида республиканинг ёнилғи-энергетика ресурсларига бўлган эҳтиёжи ички имкониятлар ҳисобидан тўла таъминланди. Агар 1990 йилда мамлакатимизда 2810 минг тонна нефть ва газ конденсати ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилда бу кўрсаткич 4500 минг тоннани ташкил этди (1.2.2-расм). Табиий газ ишлаб чиқариш ҳажми ҳам сезиларли даражада ўсиб, 1990 йилдаги 40761 млн. куб метрдан 2009 йилда 61408,2 млн. куб метрга

[1] Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор максадимиздир" ҳамда "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 122 б.

етди.

Бундай ўсиш суръатлари муқаррар равишда мазкур маҳсулотларни четга экспорт қилиш ҳамда шунинг ҳисобидан тушган валюта маблағларига халқимиз эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни олиб келиш имконини берди.

Истиқлол даврида иқтисодиётда янги тармоқлар – автомобилсозлик, целлюлоза-қоғоз, канд-шакар, фармацевтика ва бошқа тармоқлар вужудга келди. Республика саноатида юксак технологияга асосланган ва истиқболли, яъни машинасозлик, ёқилғи-энергетика, кимё ва енгил саноат каби тармоқларнинг ҳиссаси ортиб борди. Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқ тузилишини ўзгартиришда янги нефть конлари, Мингбулоқ ва Кўкдумалоқ конларининг ишга туширилиши, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши, Янги Ангрен ва Толимаржон ГРЭСлари қурилишининг жадаллаштирилиши, металл ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилиши муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мамлакатимиз учун тамомила янги бўлган автомобилсозлик саноатига асос солиниши билан юртимиз Автотранспорт ишлаб чиқарувчилар халқаро ташкилотига, унинг тўлақонли 33-аъзоси сифатида қабул қилинди.



1.1.2-расм. Ўзбекистонда нефть ва газ ишлаб чиқариш хажмининг ўсиб бориши

Мустақиллик йилларида мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй берди. Қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари ўсиши эса 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир.

> Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.
>
> ***Ислом Каримов***

2008-2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008

йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етиши кутилаётгани, келгуси 2011 йилда эса 8,3 фоиз даражасида бўлиши белгилаб берилаётгани кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда[1].

Таҳлил этилаётган даврда ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 1,7 марта ошган бўлса, қишлоқ хўжалиги тармоғининг улуши деярли шунчага қисқарди, транспорт ва алоқа тармоқларининг улуши 1,5 марта, хизматлар соҳасининг улуши эса 1,3 марта ошди. Натижада ялпи ички маҳсулотнинг 24 фоизи саноат, 18 фоизи қишлоқ хўжалиги, 7 фоизи қурилиш, 12 фоизи транспорт ва алоқа, 9 фоизи савдо, 23 фоизи бошқа хизматлар тармоқларига тўғри келди (1.2.3-расм).

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар, айниқса, таркибий ўзгаришлар тез орада ўз натижаларини кўрсатди. Жумладан, миллий хўжалик иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб, маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган бир томонлама ривожланиш ва инқироз ҳолатидан чиқарилди; иқтисодиётнинг барқарор ўсиши таъминланди, макроиқтисодий ва молиявий барқарорлик мустаҳкамланди, иқтисодиёт ва унинг айрим соҳаларидаги мутаносиблик кучайди; бозор механизмининг таркибий қисмлари қарор топди ва унинг инфратузилмалари шакллантирилиб, ривожлантирилди.

Иқтисодий ислоҳотлар эса ўз ўрнида жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий, маънавий ҳамда давлат қурилиши соҳаларидаги туб ислоҳотлар билан чамбарчас ва узвий боғлиқ ҳолда амалга ошириб келинмоқда.

Мустақиликгача бўлган даврга разм соладиган бўлсак, собиқ яккаҳокимлик тизими ва унинг самарасиз хўжалик механизми оқибатида республикамиз халқ хўжалиги издан чиққан тузилишга, ишлаб чиқаришнинг паст техникавий даражасига эга бўлгани туфайли 1990 йилда республикалараро савдо айланмасида салбий сальдо 3,7 млрд. рублни ёки ялпи миллий маҳсулотнинг қарийб 11 фоизини ташкил қилган эди. Бундай ҳол аҳоли турмуш даражасининг пасайишига олиб келган эди. 1990 йилда республика аҳолиси 70 фоизининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан ҳам паст эди.



1.2.3-расм. Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти таркибидаги ўзгаришлар

[1] «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи газетаси. –2010 йил 13 ноябрь.

Мамлакатимизнинг ислоҳотлар модели тўғри экани ва халқимизнинг манфаатларига тўлиқ жавоб бераётганини кейинги йилларда иқтисодиётимизнинг барқарор суръатлар билан ўсиб, янги марраларга кўтарилиб бораётгани яққол тасдиқламоқда. Ўзбекистонда 1996 йилдан бошлаб иқтисодий ўсиш таъминланиб, унинг суръатлари 2001-2003 йилларда ўртача 4 фоиздан, 2004-2006 йилларда 7 фоиздан, 2007 йилдан буён ўртача 8-9 фоиздан юкори бўлиб келмоқда.

Бугунги кунда Ўзбекистон иқтисодий ўсиш суръатларининг юқорилиги ва барқарорлиги борасида МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб турибди. Ҳолбуки, собиқ СССР ҳудудидаги айрим давлатлар ҳали ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1991 йилдаги даражасига ҳам етгани йўқ.

Энг муҳими, Президентимиз И.А.Каримов ўз маърузаларида қайта-қайта таъкидлаганидек, мамлакатимиздаги ялпи ички маҳсулотнинг юкори суръатлар билан ўсиши анъанавий хомашё тармоқлари ҳисобидан эмас, жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура ва айрим хомашё турлари ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, балки биринчи навбатда рақобатга бардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришни белгилаб берадиган жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётида, шу жумладан, иқтисодиёт соҳасида эркинлаштириш, яъни хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллигини, иқтисодий фаолиятнинг бозорга хос механизмларининг самарали амал қилишини таъминлашга қаратилган жараёнларининг кенг амалга оширилиши тараққиёт ва ўзгаришларга янги куч бахш этди. Давлатнинг назоратчилик ва бошқарувчилик вазифалари кискартирилиб, унинг корхоналар хўжалик фаолиятига, биринчи галда, хусусий бизнес фаолиятига аралашуви чекланди. Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини рағбатлантириш, уларга қулай иқтисодий шароит яратиш мақсадида солиқ юки сезиларли даражада пасайтирилди. Агар иқтисодиётдаги солиқ юки 2000 йилда ЯИМга нисбатан 37,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб, 21,8 фоизни ташкил этиши мўлжалланмоқда (1.2.4-расм).



1.2.4-расм. Ўзбекистонда солиқ юкининг ўзгариши динамикаси

Давлатнинг кўплаб бошқарув функцияларини маҳаллий ва ўзини ўзи бошқарув органларига ўтказилиши, солиқ юкининг пасайтирилиши натижасида бюджетга тушумларнинг кўпайиши, давлат бюджети харажатларини оптималлаштириш ҳисобидан республикамизда узоқ йиллардан бери амал қилиб келаётган бюджет тақчиллигининг олди олинди, 2005 йилда ЯИМга нисбатан 0,1 фоиз, 2006 йилда 0,5 фоиз, 2007 йилда 1,1 фоиз, 2008 йилда 1,5 фоиз, 2009 йилда эса 0,2 фоиз миқдоридаги профицит таъминланди.

Президентимиз Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги маърузасида эришилган ютуқлар, натижа ва марраларга изоҳ берган ҳолда, шундай бир ўзбекона ҳақиқатни таъкидлади, у ҳам бўлса, эришилган бундай марралар – барқарор ривожланиб бораётган иқтисодиётга асосланган, ҳуқуқий демократик давлат қуриш, инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари сўзда эмас, амалда олий қадрият даражасига кўтарилган, жаҳон миқёсида обрў-эътибор қозонган жамият барпо этиш борасида биз ўз олдимизга қўйган юксак мақсадга қаратилган узоқ ва мураккаб йўлнинг бир қисми экани алоҳида уқтириб ўтилди.

Бу йўлда биз дуч келишимиз мумкин бўлган шундай бир хавф борки, у ҳам бўлса, авваламбор эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш, реал вокеликдан узилиб қолиш хавфидир. Бу эса мамлакатимиз тараққиётининг самарадорлиги ва истиқболига салбий таъсир кўрсатиши мумкин[1].

Дарҳақиқат, жаҳон миқёсида молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётган бир шароитда аҳоли фаравонлигини таъминлаш, уларнинг орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, турмуш даражасини кўтариш, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш ҳар қачонгидан ҳам долзарб аҳамият касб этади.

Ёруг истиқбол сари жадал олиялаётган Ўзбекистон дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар

- Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслик
- Жаҳон миқёсида глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган бугунги замонда эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолаш, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб бериш, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлиш шартлиги
- Тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясини пухта ишлаб чиқиш
- Эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтириш зарурлиги

1.2.5-расм.

[1] «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси. / Халқ сўзи газетаси –2010 йил 13 ноябрь.

Президентимиз томонидан 2010 йилда иқтисодиётда таркибий ўзгартиришларни янада чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш борасида қуйидаги вазифаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда:

- корхоналар ўртасида барқарор кооперация алоқаларини ўрнатиш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш асосида маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш бўйича ишларни давом эттириш;
- мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турини кенгайтириш ва ҳажмини ошириш орқали истеъмол бозорини улар билан тўлдириш ва мутаносиблигини таъминлаш;
- аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасини янада кенгайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улушини 49 фоизга етказиш;
- кичик бизнесни жадал ривожлантириш, соҳани қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларни кучайтириш;
- ташқи савдо айланмаси, шу жумладан, экспортнинг товар таркибини янада диверсификация қилиш.

Бу вазифалар комплекс тавсифга эга бўлиб, бир-бирини тўлдиради ва иқтисодиётнинг рақобатдошлигини таъминлайдиган унинг оптимал таркибини шакллантириш мақсадига хизмат қилади.

Маълумки, 2008 йилда глобал молиявий инқироз бошланган дастлабки пайтдаёқ Ўзбекистонда Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, уни изчиллик билан амалга ошириш ҳаракатлари бошлаб юборилган эди.

Президентимиз томонидан Инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб берилган комплекс тадбирлар

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш

Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш

Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш

Электро энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш

Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш

1.2.6-расм[1].

[1] И.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. 31-34-б.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса, энг аввало, иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Шунга кўра, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамизда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди (5.4.1-расм).

Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Дастур доирасида амалга оширган яна бир муҳим тадбир – солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир.

Кейинги ўн йил мобайнида юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 3,4 баробар, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси 2,1 баробар, юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси 1,1 баробар, ягона ижтимоий тўлов ставкаси 1,6 баробар пасайтирилган. Бунинг натижасида мамлакатимиздаги умумий солиқ юки ҳам йиллар давомида сезиларли равишда пасайиб бормоқда. Агар 2000 йилда республикамиздаги солиқ юки 37,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилга келиб 22,6 фоизни ташкил этди, яъни 1,6 баробардан кўпроқ қисқарди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

> ....Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қилар эканмиз, уларни ҳаққоний баҳолаш ва ислоҳотлар дастурига маълум ўзгартишлар киритиш билан бирга, биринчи навбатда эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни кучайтиришимиз, уларни янги, янада юқори босқичга кўтаришимиз даркор.
>
> ***Ислом Каримов***

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилда 50 фоиздан ошди. Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганининг самарасидир.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бу қадар жадал ривожланишида энг аввало мазкур соҳа учун белгиланаётган солиқ имтиёзлари етарли даражадаги рағбатлантирувчи роль ўйнаётгани ҳисобланади.

Жумладан, бу борада 2009 йилда кичик саноат корхоналари учун ягона солиқ тўлови 8 фоиздан 7 фоизга пасайтирилди, якка тартибдаги тадбиркорлар учун эса қайд этилган солиқ миқдори ўртача 1,3 баробар камайтирилди.

1996-2010 йиллар мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун белгиланган солиқ ставкалари 38 фоиздан 7 фоизга, яъни 5,4 марта қисқарди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига йўналтирилаётган кредитлар миқдори 2001-2009 йиллар мобайнида деярли 11 баробар ўсди. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишида унга хизмат кўрсатувчи инфратузилма муассасаларининг ташкил этилиши ва хизмат сифати даражасининг яхшиланиб бориши сезиларли таъсир кўрсатди. Бугунги кунда мамлакатимиз кичик бизнес соҳасига ўндан ортиқ

турдаги 8 мингга яқин инфратузилма муассасалари хизмат кўрсатиб, фаолият учун зарур шарт-шароитларни яратиб бермокда.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишнинг муҳим омили сифатида амал қилмокда.

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш давлатнинг аҳолига яхши ҳаёт фаолияти учун берадиган шарт-шароитларини таъминлайдиган бевосита мақсадли кафолатлар тизимидир. Бошқача айттанда, ижтимоий муҳофаза тизими бозор тизими самарадорлигининг тор тасаввурларидан эмас, балки ҳақиқий ижтимоий-иқтисодий самарадорликни таъминлаш масалаларини ҳал қилиш мақсадидан келиб чиқиб ташкил этилиши керак. Шу билан бирга, ижтимоий муҳофаза ўзи амал қилиб турган ишлаб чиқариш муносабатлари тизимидан, жаҳон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати имкониятларидан кенг фойдаланади ва ҳозирги замон талаблари асосида ривожланиб боради.

2. МАМЛАКАТИМИЗДА ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ВА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОНЦЕПЦИЯСИ

2.1. ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИНИ ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ

2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида маъруза қилди. Ушбу маърузада ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламентни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш, фуқаролик жамияти институтларини, оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилди.

> Ўзбекистон Республикаси давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши принципига асосланади.
>
> ***Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 11-модда***

Маърузада таъкидлаб ўтилганидек, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳатлар жуда муҳим бир мақсадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилган эди[1].

Президентимиз "Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда"(1999 й.) асари мамлакатимизнинг янги асрдаги тараққиёти учун 6 та устувор йўналишни белгилаб берар экан, аввало сиёсий, иқтисодий ҳаётни, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштиришни биринчи устувор вазифа қилиб қўйган эди. Бунда сиёсий соҳани эркинлаштириш билан бирга давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий эътибор қуйидаги масалаларга қаратилган эди:

1) ҳокимият барча тармоқларининг мустақил фаолиятини таъминлаш;

2) нодавлат ва жамоат ташкилотлари, фуқаролик жамиятини босқичма-босқич эркинлаштириш. Бунда "Кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари" концепцияси белгилаб берилди.

Бу масалаларни бевосита амалиётга татбиқ қилиш учун "Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз"(2000 й.) рисоласида ҳам 7 та устувор вазифадан биринчи ва иккинчи вазифа қилиб сиёсий соҳада қуйидаги масалалар белгилаб берилди:

1. Сиёсий соҳада:

1) сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш;

2) кўппартиявийлик муҳитини таъминлаш;

3) нодавлат тузилмаларни, фуқаролик жамиятини қарор топтириш;

4) фикрлар хилма-хиллигига эришиш. Оммавий ахборот воситаларини том маънода "тўртинчи ҳокимият" даражасига кўтариш;

---

[1] Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи,2010 йил 13 ноябрь, № 220 (5135).

5) инсон ҳуқуқ ва эркинликларини, одамлар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш;

2. Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида:

1) ҳокимият органларининг конституциявий асосда бўлинишини таъминлаш;

2) маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш;

3) кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, янгилаш тизимини такомиллаштириш;

Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларнинг ваколатларини бозор тамойилларига мувофиқлаштириш ва пировард натижада давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.

> Бу жараёнда марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари ва маъмурий органларининг вазифаларини ўзгартиришга, уларнинг бошқариш, тартибга солиш ва тақсимлаш борасидаги ваколатларини, хўжалик тузилмалари фаолиятига бевосита аралашувини кескин қисқартиришга катта эътибор берилди... Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришидаги ролини жиддий камайтириш кўзда тутилган эди.
>
> ***Ислом Каримов***

Президентимиз Ислом Каримов томонидан кейинги ўтган ўн йил давомида, яъни 2000 йилдан кейинги даврда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масаласига катта аҳамият қаратилди.

"Маҳалла" арабча сўздан олинган бўлиб, "жой" деган маънони англатади. Тарихчи олим Наршахий "Бухоро тарихи" асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халкнинг бошқаруви эканини ёзган эди. "Маҳалла" атамасига Маҳмуд Кошғарий "Девону луғатит-турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарларида ҳам изоҳ берилган. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки, маъмурий-ҳудудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг "Ҳайратул-аброр" ("Яхши кишиларнинг ҳайратланиши") асарида қуйидаги банд учрайди: Шаҳарлар отини маҳалот этиб, Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб. Маҳалланинг "жой" деган мазмуни юқоридаги ташбеҳдан кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳири деб аталган Ҳирот шаҳри юзта кичик "шаҳарча" - маҳаллалардан ташкил топган экан.

Маҳалла деганимизда, авваламбор, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган ва ривожлантирадиган, шу билан бирга, келажак авлодлар қандай бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи, ҳаёт мактабини тасаввур этамиз.

Мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролик жамиятининг асосий институти сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Шунингдек, мазкур органларнинг бошқарув тизимидаги кўламининг кенгайиб бориши билан ҳуқуқий давлатнинг ўз ваколатларини демократик тамойиллар асосида амалга ошириши учун қулай ва кенг имкониятлар пайдо бўлмоқда.

Ривожланган демократик мамлакатларда XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб давлат бошқарувининг марказлашувини чеклаш натижасида ўзини ўзи бошқариш органлари жамиятнинг асосий институтларидан бирига айланди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш (ғарбда "муниципиал" дейилади) деганда, муайян маъмурий-ҳудудий бирликдаги аҳоли ваколатларини ифода этадиган, шунингдек, сайланган органлар ва уларнинг маъмуриятлари томонидан амалга ошириладиган, маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ишларни бошқариш тушунилади. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш демократик тамойиллар асосидаги бошқарувдир. Унинг асосий белгилари қуйидагилардан иборат:

1) мазкур органларнинг фуқаролар томонидан тўғридан-тўғри сайланиши;

2) маҳаллий аҳамиятга эга бўлган ўзини ўзи бошқарувнинг нисбатан мустақиллиги; 1985 йил 15 октябрда Европа Иттифоқи томонидан қабул қилинган "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш тўғрисидаги Европа хартияси"нинг 3-моддасида бу тушунча қуйидагича ифодаланган: "Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш

органларининг ўз масъуллигида, маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида, қонунлар доирасида унинг давлат ишларининг аксарият қисмини бошқариши ва уни реал уддалай олиш қобилиятига айтилади. Бу ҳуқуқлар эркин, яширин, тенг ва тўғридан-тўғри умумий сайловларда сайланган аъзолардан иборат кенгашлар ёки мажлислар ўзларига ҳисобот бериб борувчи ижроия органларига эга бўлиши мумкин. Бу қоидалар фуқаролар мажлисларига, референдумларга ёки фуқаролар тўғридан-тўғри иштирок этишининг қонун йўл қўйган бошқа шаклларига мурожаат этишни истисно этмайди".

Ғарб жамиятшунос олимлари маҳаллий ўзини ўзи бошқаришга доир тушунчаларнинг назарий жиҳатларини ҳам ишлаб чиққанлар. **Биринчи назарияга биноан**, "маҳаллий бошқарув" деганда, давлат бошқарувидан қуйидаги барча бўғинларни, "маҳаллий ҳокимият " деганда эса, "сайланган кенгаш ва унинг ижроия органлари воситасида ўз сайловчилари манфаатларини ифода этувчи ва ҳаракат қилувчи ташкилотлар" тушунилади. Шунингдек, "маҳаллий ўзини ўзи бошқариш" – "миллий бошқарувдан қуйи даражадаги демократик автоном бирликларнинг маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида жамоатчилик муаммоларининг аксарият қисмини мувофиқлаштириши ва бошқариши"дир.

Конституциявий асосдан келиб чиқиб, 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги (янги таҳрири) Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси қуйидагича таърифланди: "**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши** – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасидаги мустақил фаолиятидир".** Кўриниб турибдики, мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари тизими тушунчаси ва унинг ҳуқуқий мақоми ривожлантирилди ва улар илғор демократик мамлакатлардаги ҳуқуқий мезонлар даражасида ифодалана бошланди.

> Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек, улар таркибидаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди. Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади.
>
> ***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 105-модда***

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш, машҳур олим Алексис де Токвилнинг талқинича, "шундай бир сиёсий институтки, у нафақат сиёсатчилар учун, балки, умуман барча фуқаролар учун бир мактабдир. Бу институтга хос бўлган имкониятлар шу қадар юксак-ки, у фуқароларнинг кенг сиёсий иштироки учун шарт-шароитлар яратиб беради. Ўзини-ўзи бошқариш органлари сиёсий маданият элементларини шакллантиришнинг ҳам бекиёс омилидир. Охир-оқибатда бу органлар фаолияти сиёсий тизимнинг бир бутун барқарорлиги ва мослашувчанлигини таъминлаб беради. Миллат жамоавий институтларсиз ҳам эркин ҳукумат шакллантириши мумкин. Лекин у эркинликнинг ҳақиқий руҳига эга бўла олмайди".

XX асрнинг иккинчи ярмида **иккинчи назария** пайдо бўлди. Ушбу "умумий фаровонлик давлати" назарияси билан боғлиқ ҳолда, муниципал (ўзини ўзи бошқаришга доир) концепция ҳам пайдо бўлди. Муниципалитетлар жамиятнинг барча табақалари манфаатларини таъминловчи ва кўрсатиш воситаси сифатида қаралди. Европа, Шимолий Америка ва Япония каби мамлакатларда муниципал кенгашлар мақоми ҳуқуқий жиҳатдан муниципал ижроия бошқарувидан юқори қўйилган бўлиб, уларнинг ваколатига қуйдагилар киради: маҳаллий бюджетни қабул қилиш, юқори ташкилотлар томонидан ҳал қилинмаган айрим масалалар бўйича меъёрий қарорлар қабул қилиш, маҳаллий солиқларни жорий этиш, шунингдек, кўпчилик давлатларда муниципалитетнинг ижроия раҳбарлик органларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш, маҳаллий референдумларни белгилаш.

АҚШ ижтимоий-сиёсий ҳаётида ҳам муниципалитетлар муҳим ўрин эгаллайди. Муниципал мактаблар, шифохоналар, кутубхоналар, санитария ишлари, сув билан таъминлаш, парклар, ёнғинга қарши хизматларни бошқариш асосан муниципал кенгашлар тасарруфидадир. Айрим мамлакатларда (масалан, Германияда) кенгашлар ўз ваколатларини ижроия органларига бериш ҳуқуқига ҳам эга.

Собиқ СССР даврида маҳалланинг мазмуни ва вазифалари бутунлай сохталаштирилган эди. Бу даврда маҳаллалар ўзининг ҳуқуқий мақомини йўқотди. Уларнинг асосий фаолияти собиқ коммунистик партиянинг маҳаллий ташкилотларини қўллаб-қувватлашдан, шунингдек, шўравий одатларни тарғиб қилиш, оилалардаги маросимлар ва бошқа тадбирларни ўтказишда коммунистик партиянинг "кўз ва қулоғи" бўлиб туриш каби вазифалардан иборат бўлиб келди. Бу даврда қадимдан маънавият, таълим ва тарбия масалаларини ҳал этиб келган маҳаллаларнинг ўрни деярли йўққа чиқарилди.

Мустақиллик даврига келиб фуқароларнинг маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир жиддий ислоҳотлар амалга оширилди (2.1.1-расм). Ўзбекистонда маҳаллалар миллий мустақиллик даврига келибгина ўзини ўзи бошқариш органига айланди. Ўзбекистон Конституцияси маҳалланинг мақомини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамлади. Мамлакатимизда шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини олди. Жумладан, мустақиллик даврида юртимизда 10 мингдан кўпроқ ўзини ўзи бошқариш органлари шаклланган бўлса, улардан 8142 тасини маҳалла фуқаролар йиғинлари ташкил этади. Маҳалла мустақил ташкилот сифатида қайтадан мустаҳкамланди ва уларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олди.

> Бошқарув сохасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар миқёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият берилди.
>
> ***Ислом Каримов***

Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойиллари қуйидагилардан иборат:

1. Демократия, ошкоралик, фикрлар хилма-хиллиги тамойили.
2. Ворислик тамойили.
3. Ижтимоий муносабатларни демократлаштириш.
4. Юксак маънавият тамойили.
5. Маҳалла хавфсизлигини таъминлаш тамойили.
6. Фуқаро йиғини раиси (оқсоқоли) ва маслаҳатчиларининг ўз масъулиятини ҳис қилиш тамойили.
7. Ижтимоий ҳимоя, ижтимоий адолат, ижтимоий кафолат тамойили (жамоатчилик ва ўзаро ёрдам).
8. Кенгаш, машварат (маслаҳатлашиш) тамойили.
9. Инсонпарварлик.
10. Мустақиллик ва ҳ.к.

Бундай бошқарув тамойиллари сифат ва миқдор кўрсаткичлари орқали амалга оширилади.

Собиқ шўро даврида **маъмурий-буйруқбозлик тизими** қуйидаги тамойилларга асосланган эди:

1. Бюрократларча марказлашув.
2. Номенклатура (юқоридан рўйхат асосида тайинлаш) бошқаруви.
3. Ўзига ўзи хизмат қилиш, шахсий манфаатларни устун қўйиш.
4. Буйруқбозлик (мажбурлаш, даҳшатли қарорлар чиқариш).

5. Демократияни тан олмаслик.
6. Расмиятчилик (когозбозлик).
7. Махдудлик (махфий маълумотлар асосида бошкариш).
8. Консерватизм ва х.к.



2.1.1-расм.

Мустакиллик йилларида мамлакатимизда бошкарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар микёсига ўтказишда маҳалла тизимини шакллантириш масалаларига катта аҳамият каратилди. Бу эса Президентимиз томонидан эътироф этилган, марказий давлат ҳокимияти органлари ўз ваколатларини борган сари маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ўтказиб бориш лозимлиги хусусидаги ғоянинг амалдаги тасдиғидир.

Ҳозирги пайтда мамлакатимиз аҳолисининг сиёсий-хукукий маданияти ва ижтимоий онг даражасининг ўсиб бориши, жамиятни демократлаштириш ва либераллаштириш жараёнларининг жадал ривожланиши, юртимизда кўппартиявийлик тизимининг тобора мустаҳкамланиши давлат ҳокимиятининг учта субъекти, яъни давлат бошлиғи бўлган Президент, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатларнинг янада мутаносиб тақсимланишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитларни юзага келтирмоқда.

Ислом Каримов

Мамлакатмизда амалга оширилаётган давлат бошқаруви соҳасидаги ислоҳотлар натижасида маҳалла институтининг роли тобора ошиб бормоқда. Бу эса фукароларимиз турмуш тарзининг янада яхшиланишида маҳалла институтининг ўрни ва

роли накадар бекиёс эканини кўрсатиб бермокда. Махаллаларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари сифатидаги мавкеини янада ошириш, роли ва ахамиятини тобора кучайтириш максадида, Президентимиз Ислом Каримов ва хукумат томонидан жуда кўплаб фармон ва карорлар кабул килинди. Факат бизга хос бўлган махалла институти бошка давлатларда учрамайдиган, бетакрор миллий кадрият ва анъаналарга асосланган жамоавий тузилмадир. Махалла бошкаруви давлат хокимияти органлари билан чамбарчас богликдир.

Хокимият – бу кишилар, ижтимоий гурухлар хамда синфларнинг фаолиятига, хулк-атворига, харакатларига, иктисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик килиш, ишонтириш кобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алохида шаклидир(2.1.2-расм).

Давлат хокимияти (давлат аппарати) – бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муайян тузилмага бирлашган давлат хокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир.



2.1.2-расм. Мамлакатимизда давлат хокимияти субъектлари

Президентлик институти ва унинг шаклланиши. Президент сўзи лотинча бўлиб, "олдинда ўтирувчи" деган маънони билдиради. Ўзбекистон тарихида президентлик бошқаруви биринчи бор 1990 йил 24 мартда таъсис этилди ва Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов сайланди. 1991 йил 18 ноябрда "Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. Бу қонунга 1997 йил 26 декабрь ва 1999 йил 19 августда ҳамда 2003 йил 24 апрелда, 2007 йил 11 апрелда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мустакиллик йилларида президентлик институти тўла шаклланди. Ўзбекистон Конституцияси 19-бобининг 89-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат хокимияти органларининг келишилган холда фаолият юритишини хамда хамкорлигини таъминлайди. Президентлик лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон худудида муким яшаган Ўзбекистон фукароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки мартадан ортик президент бўлиши мумкин эмас. Президент фукаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов хукуки асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади.

Президентимиз Ислом Каримов 2005 йил 28 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Бизнинг бош максадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир" мавзусидаги маърузасида давлат қурилиши ва бошқарув соҳасидаги энг муҳим вазифа бўлган мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини кучайтириш, хокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоклари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш йўлларини белгилаб берди. Шунга кўра, 2006 йили Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-модласига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)" лойиҳаси матбуотда эълон килиниб, халкнинг фикр мулоҳазалари ўрганилди ва натижада ушбу қонун Олий

Мажлиснинг Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йили 29 мартда маъкулланди. Президент Ислом Каримов 2007 йил 11 апрелда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонунга имзо чекди. 2010 йил 27 январдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги Президент маърузасида ҳам айнан давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди. Ана шу "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)"ги Қонунга кўра, Конституциямизнинг 89-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди.

Бугунги кунда Конституциямизнинг **89-моддасида** "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди" деган қоида белгилаб қўйилди. Натижада Президентнинг ижро этувчи ҳокимият бошлиғи сифатидаги норма олиб ташланди, парламент фаолиятига оид "мухолифат", "кўпчилик" каби тушунчалар киритилди.

> 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вақтнинг ўзида ижро этувчи ҳокимият бошлиги эканини белгилайдиган норманинг чиқарилиши ушбу даврдаги муҳим сиёсий-ҳуқуқий воқеалардан бири бўлди.
>
> ***Ислом Каримов***

93-модданинг 15-банди қуйидагича таҳрир қилинди: "15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли".

102-модданинг иккинчи қисми қуйдагича таҳрир этилди: "Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади". Ушбу қонун 2008 йил 1 январидан кучга киритилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг илгари эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши давлат ҳокимияти ва бошқарувини либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Демак, мустақиллик йилларида мамлакатимизда президентлик институти шаклланиб, у янада такомиллашди, унинг ҳуқуқий негизлари мустаҳкамланди. (2.1.1-жадвал).

Президентимиз Ислом Каримов давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, президентлик институтини янада либераллаштириш, дунёдаги ривожланган давлатлар бошқаруви тизимига мос тизимга ўтиш бўйича бир қатор таклифларни илгари сурди. Бу таклифлар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига тааллуқлидир.

Мамлакат Президенти турли сабабларга кўра, ўз вазифасини бажара олмайдиган ҳолат юзага келган тақдирда ноаниқлик, ушбу моддани турлича талқин этишга йўл қўймаслик мақсадида унинг янги таҳририни қуйидаги мазмунда баён этиш таклиф қилинди: "Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда, мамлакат Президенти сайлови ўтказилади".

2.1.1-жадвал

Президентлик институти фаолиятининг шаклланиш даври

Давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.
Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, Конституция ва қонунлар кафили.
1990 йил 24 март – Президент лавозими жорий этилди.

1991 йил 18 ноябрда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди ва унга 1997 йил 26 декабрда, 1999 йил 19 августда , 2003 йил 24 апрелда,2007 йил 11 апрелда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.
1991 йил 29 декабрь –Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланди.
1995 йил 26 март – И.А.Каримовнинг ваколатларини 1997 йилдан 2000 йилга қадар узайтириш бўйича референдум ўтказилди.
2000 йил 9 январь – Президент сайловида И.А.Каримовнинг (91.9 фоиз)ғалабаси.
2002 йил 22 январда ўтказилган референдум якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати 5 йилдан 7 йил қилиб ўзгаритирилди.
2007 йил 23 декабрда Президент сайловида тўртта номзод ичидан И.А. Каримов ғалаба қозонди (88.1 фоиз).
Мамлакат Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони (93-моддания 20-банди).
Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизматини тузади (93-моддания 24-банди).
Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиккан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

Давлат хокимияти ва бошкарувини демократлаштириш соҳасида мамлакатимизда икки палатали парламентнинг барпо этилиши натижасида Президент ваколат муддатининг ўзгартирилиши ва унга тегишли айрим ваколатларнинг Сенат ва Бош вазирга ўтказилди. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан мамлакат Президенти бир вактнинг ўзида ижро этувчи хокимият бошлиғи эканини белгилайдиган норма чиқариб ташланди, давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга оид, яъни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларига хукумат дастурларига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмаган тақдирда ўзини мухолифат деб эълон килиши хукукий жихатдан мустаҳкамланди. 2009 йил 1 июлдан кучга кирган "Сайлов тўғрисидаги қонун хужжатларининг такомиллаштириши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мазкур йўналишдаги ислоҳотларни янада чукурлаштиришда мухим аҳамиятга эга бўлди.

Қонун чиқарувчи хокимият (Парламент). Олий конун чикарувчи хокимият ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятга эга ва турлича аталади (масалан, АҚШда – Конгресс, Швецияда - Риксдаг, Хитой Халқ Республикасида – Халқ вакиллари умумхитой мажлиси). Ўзбекистонда бундай хокимият Олий Мажлис деб номланади. Унинг макоми, тизими, тузилиши, вазифалари, иш фаолиятига оид коидаларни белгилашда дунёдаги илғор давлатларнинг ва умуман, олий конун чикарувчи органни ташкил килиш бўйича халкаро тарихий тажриба чукур ўрганилган ва инобатга олинган.

Ўзбекистонда Олий Мажлис айни пайтда хокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи хисобланади, унинг таркибидаги депутатлар халк мафаатларини ифодалайди. Олий Мажлис 5 йил муддатга сайланади. 25 ёшга етган Ўзбекистон фукаролари сайланиш хукукига эга.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Президенти	
Шу кунгача бўлган ҳолат	***Президентимизнинг муҳим таклифлари***
93-модданинг 8-банди: 8) Ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимят ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.	**93-модданинг 8-банди:** 8) Республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.
93-модданинг 12-банди: 12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод килади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади.	**93-модданинг 12-банди:** 12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, **Ҳисоб палатаси** раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади.
93- модданинг 15-банди: 15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини конунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ тушурадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз карори билан лавозимидан озод этишга ҳакли.	**93-модданинг 15-банди:** 15) **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан** вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ тушурадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.
93-модданинг 16-банди: 16) Республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган хужжатларини тўхтатади, бекор қилади.	**93-модданинг 16-анди:** 16) Республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли.**
96-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қўшма қарорига кўра тузилган давлат тиббий комисияси хулосаси билан тасдикланган тақдирда ўн кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавкулодда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан уч ойигача бўлган муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти	**96-модда.** Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз ваколатларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатларини вактинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой ичида "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлиқ мувофик ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади.

вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига умумхалқ сайлови ўтказилиши шарт.	

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг 2010 йил 12 ноябрда ўтказилган қўшимча мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузаси ҳамда мамлакатни демократик янгилаш ва модернизация қилишда Олий Мажлис Сенати ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларининг ролини кучайтириш борасидаги вазифалари муҳим аҳамиятга эга бўлди.

> Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати ваколат муддати – беш йил.
>
> ***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 76- модда***

Аслида парламент французча "parler"- гапирмоқ сўзидан келиб чиққан бўлиб, расмий сўзлашиш жойи маъносини англатади. Парламент давлатнинг олий вакиллик органи ҳисобланади ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади. Парламент қонун бўйича белгиланган сондаги депутатлардан иборат бўлиб, ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида белгиланган ёшга тўлган фуқаролардан сайланади. Парламентаризм тажрибаси шуни кўрсатадики, парламент бир палатали ва икки палатали бўлиши мумкин. Маълумки, демократик мамлакатларнинг аксариятида парламент икки палаталидир. XX асарнинг сўнгги ўн йиллигида икки палатали парламентлар сони 45 тадан 75 тага кўпайди. Ҳозирги замонда икки палатали тизим парламентаризм тараққиётининг асосий тенденциясига айланди. 2000 йилнинг 14 мартида Париж шаҳрида бўлиб ўтган жаҳон сенатларининг махсус анжуманида парламентнинг икки палатали бўлиши мамлакат ҳаётида ижобий роль ўйнайди, деган хулосага келинди.

1990-1994 йилларда мамлакатимиз парламенти Олий Кенгаш номи билан аталиб, бир палатали, 150 депутатдан иборат эди. 1995-2004 йилларда парламент Олий Мажлис номи билан аталиб, бир палатали ва унинг 250 депутати мавжуд эди.

Мустақиллик йилларида халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 депутат, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 30 нафар депутат сайланиши йўлга қўйилди.

2005-2009 йилларда Олий Мажлис икки палатали парламент бўлиб, унинг қуйи Қонунчилик палатаси 120 депутат, Сенат (юқори палатаси) эса 100 сенатордан ташкил топди, жами 220 депутатдан иборат бўлиб келди.

Икки палатали миллий парламентни ташқил қилиш масаласи Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2000 йил 25 майда Олий Мажлиснинг 2-сессиясида илгари сурилди. "Шуни яхши англаб олишимиз зарурки, ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам тегишли ўзгаришлар бўлиши табиийдир. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман, яъни биз 2004 йилда бўладиган сайловларда парламентни икки палатали қилиб ташкил этишимиз лозим"[1].

Олий Мажлиснинг 2001 йил 6 декабрда қабул қилган Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш тўғрисидаги қарорига кўра, 2002 йил 27 январда референдум

---

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Асарлар,8-жилд. Тошкент:Ўзбекистон, 2000- 483-бет.

ўтказилди. Шу асосдаги "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши қонун чиқарувчи ҳокимиятни тубдан ислоҳ қилишнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб берди.

2002 йил 12 декабрда Олий Мажлиснинг 10-сессияси халқимизнинг хоҳиш иродаси билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилди. Шунингдек, 2003 йил 24 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" Қонун қабул қилинди. Дунёнинг ривожланган мамлакатларида тўпланган парламентаризм тажрибаси, Ўзбекистон халқининг қадриятлари ва менталитетини хисобга олган ҳолда, ишлаб чиқилган ушбу қонунлар икки палатали парламентимиз ваколатларини ва фаолиятининг ташкилий шаклларини аниқ белгилаб берди.

Қонунчилик ҳуқуқи фаолиятини қуйидагича изоҳлаш мумкин(2.1.4-расм).

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади

Қонунчилик палатаси Спикери қонун лойихасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмитага топширади. Масъул қўмита хулоса тайёрлайди

Қонунчилик палатаси кенгаши масъул қўмита хулосаси асосида қарор қабул қилади

Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойихаси тегишли материаллар билан Қонунчилик палатасининг қўмиталарига юборилади

Қонунчилик палатаси кенгаши масъул қўмита тақдим этган қонун лойихасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида қарор қабул қилади

2.1.4-расм. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси Қонунчилик палатасидан қонун лойиҳаларининг ўтиш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат (2.1.5-расм).

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида халқаро ҳуқуқ андозалари ва илғор хорижий давлатлар талабларига мос янги сайлов қонунчилиги яратилди. Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги, яъни парламент 4 босқичдан иборат тараққиёт йўлини босиб ўтди:

Биринчи босқич. Конституциямиз қабул қилингунга қадар давр бўлиб, бу даврда Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови ва Референдум тўғрисидаги бир қатор қонунлар қабул қилинди.

Иккинчи босқич. Конституциямиз қабул қилингандан то 1997 йилгача давом этди. Бу даврда миллий сайлов тизими шакллантирилди.

Учинчи босқич. 1997 йилдан то 2003 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда амалдаги сайлов қонунларига айрим ўзгартишлар киритилди. Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (Қонун чиқарувчи ҳокимият): 250 депутат

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик (қуйи) палатаси

Қуйи Қонунчилик палатаси депутатлари сони 150 та, шундан 135 та депутат фақат сиёсий партиялардан сайланади. 15 та депутат эса Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатидан сайланади. Ваколат муддати 5 йил, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал асосида амалга оширади ва қонунлар ишлаб чиқади.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракциялар қуйидагича:

1. ЎзЛД Партияси 53 (79,5фоиз) депутати мавжуд.
2. ЎзХД Партияси 32 (48фоиз) депутати бор.
3. ЎзМТД Партияси 31 (46,5фоиз) депутати мавжуд.
4. Ўз "Адолат" СД Партияси фракцияси 19 (28,5фоиз) депутати бор.
5. Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатининг 15 (22,5фоиз) депутати мавжуд.

Қонунчилик палатаси умумий депутатлар сонининг 33 нафари (22 фоиз) хотин-қизлардир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати

Сенаторлар сони 100та. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари вакилларидан ташкил топган юқори палата – Сенат ҳудудий манфаатларни ифода этади. 84 сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 6 кишидан (яъни, 14 та ҳудуддан 6 кишидан), жами 84 нафар депутат сайланади. 16 сенатор Президент томонидан тайинланади: 84+16=100 сенатор.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 77-модда.

Сенат сўзи лотинча "Senatus", "sinex" сўзларидан олинган бўлиб, ўзбекчада "оқсоқол", "мўйсафид" деган маъноларни англатади. Сенат аъзоларининг 15 нафари аёллардан иборат (15 фоиз). Олий Мажлис Сенатининг раиси этиб Илгизар Собиров сайланган.

2.1.5-расм.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида:

1. ЎзЛД Партияси, ЎзМТД Партияси, Ўз "Адолат" СД Партияси фракцияларининг Демократик блоки тузилган ва у самарали ишлаб турибди.
2. Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси тимсолида парламент мухолифати фаолият кўрсатмоқда.

Тўртинчи босқич. 2003 йилдан 2005 йилгача бўлиб, бу даврда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ сайлов қонунларига ўзгартишлар киритилди ва 2004 йил 26 декабрда Олий Мажлис қуйи Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилди[1].

Қонун ижодкорлиги жараёнининг ҳуқуқий асослари:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси.
2. Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги қонунлар.
3. Ўзбекистон Республикасининг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг регламенти тўғрисидаги қонунлари.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуни ва ҳ.к.



2.1.6-расм.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинаётган қонунлар ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш, ижтимоий–сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш йўлида катта сиёсий аҳамиятга эга бўлмоқда. (2.1.6-расм)

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-боби моддаларига қуйидаги ўзгартишлар киритиш мўлжалланди (2.1.3-жадвал):

2.1.3--жадвал

78-модда.Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргаликдаги ваколатлари	
Шу кунгача бўлган ҳолат	**Киритиш мўлжалланаётган тегишли ўзгартишлар**
78-модданинг 15-банди: 15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.	78-модданинг 15-банди: 15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш. Шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш.

[1] Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи.-Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашриёт- матбаа ижодий уйи, 2004.-11-12-бетлар.

Демак, қонун чиқарувчи ва маҳаллий ҳокимият органларига ҳамда Сенатга 2009 йил 27 декабрда ўтказилган сайловлар жараёнида ва эндиликда қуйидаги мезон ва талаблар устувор қилиб белгиланмоқда:

1. Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми (лот. эрк, ихтиёр, хоҳиш) билдириш ҳуқуқи берилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколати доирасидан чиқарилмоқда.

2. Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартиб белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми (сайловчи ташкилот вакилларининг кўпчилик овози билан қабул қилинган қарорлар) институти жорий қилинмоқда.

3. Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш институти тугатилди.

4. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилди.

5. Олий Мажлисга сайловларни тайинлаш институти тугатилди ва унинг ўрнига "Сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш" институти жорий этилди. Бу вазифани Марказий сайлов комиссияси амалга оширадиган бўлди.

Икки палатали парламент фаолиятининг шартлари қуйидагича (2.1.7-расм).



2.1.7-расм. Икки палатали парламент фаолиятининг шартлари.

6. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили Қонунчилик палатасига киритилди. Бу институт сайлов участкаларида овозларни санаб чиқишда қатнашади. Унга тўлдирилган имзо варақаларини текширишда қатнашиш ҳуқуқи берилди. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакили 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди.

7. Депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди. Яъни 15 депутатлик ўрни оммавий жамоат ташкилоти – Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди. Экологик ҳаракатга депутатлик ўринларини квоталаш институти номи берилди.

Ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси). Ижроия ҳокимият – давлат ҳокимиятининг уч асосий тармоқларидан бири.

Ўзбекистонда давлат ҳокимиятининг тамойили мавжуд шароитларнинг ўзига хослигини инобатга олиш, жаҳондаги ривожланган демократик мамлакатлар тажрибасидан ижодий фойдаланиш асосида амалга оширилмоқда. Шунга кўра, ижроия ҳокимият давлат ҳокимияти тизимининг бир тармоғи ҳисобланади.

Қонунлар рўёбга чиқарилиши учун шарт-шароитларни таъминлаш ижро этувчи органларнинг асосий вазифасидир. Ҳокимиятлар бўлиниши принципига мувофиқ, иккинчи ижро этувчи ҳокимият, яъни мамлакат ҳукумати Вазирлар Маҳкамасига юклатилади. Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

Қабул қилинган конунларга мувофиқ эндиликда Бош вазир нафақат Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини ташкил этади, балки унга раҳбарлик қилади, ҳукумат ҳужжатларини имзолайди, давлат ва хўжалик бошқаруви масалалари юзасидан қарорлар қабул қилади.

Ислом Каримов

Илгари Ўзбекистон Республикаси Президенти эгаллаб турган Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозимининг тугатилиши ҳам либераллаштириш ва демократлаштириш йўлида муҳим қадам бўлди.

Одатда ижроия ҳокимият парламентга ўтказилган сайловлардан сўнг камида бир ой ичида шакллантирилади.

Ижроия ҳокимият органлари тизимига Вазирлар Маҳкамаси раҳбари Бош вазир, ҳукумат-вазирликлар, давлат қўмиталари раҳбарлари, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари, улар раҳбарлигидаги бўлимлар ва бошқармалар, шунингдек, корхоналар, ташкилот ва муассасаларнинг маъмурияти ҳам киради (2.1.8-расм).



2.1.8-расм.

Ижроия ҳокимият органлари жамоавий раҳбарлик асосида ва якка тартибда ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш йўли билан тегишли соҳаларни бошқариш, ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади, уларни амалга оширади. Ижроия ҳокимият идораларининг

тизими, ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари Конституцияга биноан Олий Мажлис томонидан белгиланади.

Мустақиллик йилларида Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижроия ҳокимият – ҳукумат таркиби 4 марта янгидан тасдиқланди. 1993 йил 6 майда қабул қилинган, 1993 йил 29 августда янги таҳрирда жорий этилган "Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонунга кўра, **биринчи марта** Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби 1995 йил 23 февралда тасдиқланди. **Иккинчи марта** 2000 йил 11 февралда, **учинчи марта** 2005 йил 4 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси таркиби тасдиқланди. **Тўртинчи марта** 2010 йил 12 мартда Вазирлар Маҳкамаси таркиби қуйидаги тартибда белгиланди: Вазирлар Маҳкамаси аъзолари – 8 та, вазирлик - 14 та, давлат қўмиталари - 9 та[1], жами 31 та.

> Биз ҳаммамиз шуни аниқ англаб олишимиз зарурки, сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши ҳақидаги конституциявий тартибнинг белгиланиши, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институтининг жорий этилиши ва сиёсий тизимни модернизация қилиш жараёнида амалга оширилиши лозим бўладиган бошқа қатор чора-тадбирлар ўз мазмун-моҳияти билан мамлакатимизни ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичини бошлаб беради.
>
> ***Ислом Каримов***

Демак, бугунги кунда:

I. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари: Бош вазир, унинг биринчи ўринбосари ва 6 нафар ўринбосари мавжуд.

II. Вазирликлар

1. Молия вазирлиги.
2. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги.
3. Иқтисодиёт вазирлиги.
4. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.
5. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги.
6. Соғлиқни сақлаш вазирлиги.
7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги.
8. Мудофаа вазирлиги.
9. Ички ишлар вазирлиги.
10. Ташқи ишлар вазирлиги.
11. Адлия вазирлиги.
12. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
13. Халқ таълими вазирлиги.
14. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги.

III. Давлат қўмиталари

1. Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси.
2. Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси.
3. Давлат солиқ қўмитаси.
4. Давлат божхона қўмитаси.
5. Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси.
6. Давлат статистика қўмитаси.
7. Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси.
8. Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси.
9. Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси.

2005 йили Вазирлар Маҳкамаси раҳбари Бош вазир лавозими жорий этилди. Конституциянинг 89-моддаси биринчи бандидаги Президентга тегишли ваколатлар ижроия ҳокимиятга ўтказилди. Бу ҳолат Франция ва Россия давлатлари Конституциялари

[1] Халқ сўзи, 2010 йил 13 март

нормаларида ҳам мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси қонун, фармон, фармойиш, қарор ижроларини таъминлаш мақсадида махсус қарорлар қабул қилиш ҳамда назорат йўли билан бошқарувни амалга оширади, ижро ҳокимиятини таъминлайди.



2.1.9-расм.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21-боби 99-104-моддаларига мувофиқ, маҳаллий ҳокимият органларининг тузилиши қуйидагича (2.1.9-расм).

Шу жиҳатдан қараганда, Давлат (ҳукумат) ўзининг бош функциясини, ислоҳотларни тартибга солиб туриш, қонун ҳужжатлари ижросини таъминлаш орқали бажаради. Вазирлар Маҳкамаси Президент ва Олий Мажлис олдида жавобгардир.

Ўтган давр мобайнида ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга изчил татбиқ этиш борасида ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар муозанатининг самарали тизимини яратишга доир ҳуқуқий асослар қабул қилинди. Бунда Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонунининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Ушбу конституциявий конун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати фаолиятини ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш ва лавозимидан озод этиш, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари номзодини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиблари ҳамда Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш вазифалари тўғрисидаги масалаларда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга оид нормаларни ўзида мужассам этди.

> Шуни унутмаслигимиз керакки, мазкур ислоҳотларнинг муваффақияти, авваламбор, мамлакатимизни янада демократлаштириш ва либераллаштириш йўлидаги саъй-ҳаракатларимиз суръати, фуқароларимизнинг ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий маданиятининг юксаклигига ва ўз-ўзидан аёнки, биринчи навбатда сиёсий партияларнинг етакчилик даражасига, уларнинг Ўзбекистонимиз тақдири ва келажагига дахлдор бундай улкан масъулиятли ваколатларни ўз зиммасига олишга қай даражада тайёр эканига бевосита боғликдир.
>
> ***Ислом Каримов***

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияларининг дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлиги ёки мослиги юзасидан блок тузишлари, парламентдаги кўпчилик ва озчилик ҳамда мухолифат каби қоидалар назарда тутилган. Айниқса, ҳар бир сиёсий партия фракциясининг вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимини эгаллаш бўйича кафолатли ҳуқуққа эгалигини таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини лавозимига тайинлаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг сиёсий партия фракциялари билан маслаҳатлашув институтининг яратилиши сиёсий партияларнинг жамиятдаги ўрни ва ролини кучайтиришда катта аҳамият касб этди. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари номзодини лавозимга тайинлашдаги маслаҳатлашув институти ҳам сиёсий партияларнинг маҳаллий органлари фаолиятининг янада фаоллашишига ҳисса қўшмоқда.

Мазкур маслаҳатлашув институти орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти билан сиёсий партия фаолларининг янада яқиндан мулоқот қилиш имкони яратилди. Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг фаолиятида сиёсий партия гуруҳларининг ролини кучайтириш асосида тегишли ҳалқ депутатлари кенгашлари ишини ташкил қилиш янада демократлашди. Чунончи, ҳалқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашларидаги партия гуруҳлари томонидан вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти устидан назорат қилиш функциясига оид нормаларнинг мавжудлиги вакиллик ҳокимиятининг ролини кучайтиришга олиб келди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 98-моддасининг Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларига доир нормаларига қуйидаги мазмунда қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклиф қилинмоқда (2.1.10-расм).



2.1.10-расм. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига киритиладиган қўшимча ва ўзгартишлар (таклиф).

Мустақил Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг назарий асослари мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов асарларида асослаб берилган. Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўли 4 принципга асосланади:

- умуминсоний қадриятларга содиқлик;
- халқимизнинг маънавий меъросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик[1].

Демократик жамиятда конун заминида иш кўрувчи ҳокимиятнинг обрўйи баланд бўлади ва кишилар бундай жамиятга жазо тахликасидан эмас, балки унинг хатти-ҳаракатларини маъқуллаганликлари туфайли бўйсунадилар. Ҳокимият – кишиларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракатлари ва одатларига конуний асосда таъсир ўтказиш имкониятидир (2.1.11-расм).



2.1.11-расм.

Жамият ва давлат ҳокимият органлари ўзаро ҳамкорлик асосида бир-бирига таъсир ўтказади. Давлат ҳокимияти органлари жамиятда тартиботни таъминлайди ва кишиларни бирлаштирувчи ғояларни ишлаб чиқади. Ҳар бир ҳокимият органининг ваколатлари ҳокимият ваколатлари доирасидан четга чиқиш, уни суистеъмол қилиш ва давлат ҳокимиятининг бошқа органлари фаолият соҳасига аралашишнинг олдини олиш мақсадида ниҳоятда аниқ қилиб белгилаб берилади. Конституцияга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасида Олий Мажлис, Президент, Вазирлар Маҳкамаси, маҳаллий давлат ҳокимияти, суд ҳокимияти органлари давлат ҳокимиятини амалга оширади.

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифалар юртимизда қонуний асосда белгилаб қўйилган (2.1.12-расм).

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиклол, иқтисод, сиёсат, мафкура. – Асарлар, 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.– 76-бет.

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифалар

- Ҳокимият органларининг бўлинишини, мустақиллигини таъминлаш
- Маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш
- Қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат Парламентининг роли ва таъсирини янада кучайтириш.
- Ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш.

Бу борада куйидагилар бажарилиши керак

- Президент ваколатларининг бир қисмини Парламентнинг юқори палатаси – Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуйи – Қонунчилик палатасининг ваколат ва ҳукукларини кенгайтириш.
- Бош вазир ва, умуман, мамлакат ҳукуматининг ролини ва ана шу билан бирга масъулиятини кучайтириш.
- Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, конуний чора-тадбирларни амалга ошириш.
- Ҳар қандай ҳокимият, у конунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими – буларнинг барчаси қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт. Яъни, ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўз маъсулиятини ҳис қилиши, ўз юкини кўтариши ва, таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор.
- Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, янгилаш тизимни такомиллаштириш.

2.1.12-расм.

Умуман, ҳозирги кунда мазкур ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида ислоҳотлар чукурлаштирилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан киритилиши, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олган ҳолда Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти номига расман

киритилган таклиф бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма мажлиси мухокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилиши, Олий Мажлис палаталари қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилиши, бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқиши борасидаги киритилган таклифлар ушбу йўналишдаги ислоҳотларни янги босқичга кўтаради. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан Бош вазирнинг қарор қабул қилиши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигига номзодлар Бош вазир томонидан тақдим этилиши Вазирлар Маҳкамаси ва Бош вазир ваколатларини ошириб, уларнинг масъулиятини кучайтиради.

Умуман, сўнги йиллар мобайнида Президентимиз Ислом Каримов томонидан жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш борасида муҳим вазифалар белгилаб берилди (2.1.13-расм).



2.1.13-расм.

Демак, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш бўйича қуйидаги умумий хулосага келиш мумкин:

1. Давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш принципи янада демократлаштирилмоқда.
2. Марказий ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқарув тузилмалари, маъмурий органлар ваколатлари, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли камайтирилмоқда.
3. Бошқарув сохасидаги марказлаштириш чекланмоқда.
4. Вилоят, туман, шаҳарлардаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш идораси - маҳалла тизими ислоҳоти ўтказилиб, унинг роли янада оширилмоқда.
5. Икки палатали парламентнинг давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ҳуқуқий мақоми мустаҳкамланмоқда.
6. Юқори палата – Сенат ҳудудий манфаатларни ифода этмоқда.
7. Қуйи – Қонунчилик палатаси фаолияти доимий профессионал асосда амалга оширилмоқда.
8. 2007 йилда Ўзбекистон Конституцияси 89-моддасига тузатишлар киритилди. Президент - давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши, ҳамкорлиги таъминланмоқда.
9. Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилиб, Бош вазир лавозими жорий қилинди ва бу жараён янада либераллаштирилмоқда.
10. Давлат ҳокимиятининг 3 та субъекти: давлат бошлиғи бўлган Президент, Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги тақсимланиш янада мустаҳкамланмоқда.
11. Сиёсий тизимни модернизация қилиш, ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичига қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига киритилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар асосида Президент томонидан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиқлаш демократик принципнинг янги тартиби ўрнатилмоқда. Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи берилмоқда.
12. Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия Бош вазир номзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлмоқда.
13. Бош вазир номзоди Президент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдиқланиши белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилмоқда.
14. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми парламент аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилинади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади.
15. Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилса, Президент вақтинча Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Олий Мажлисни тарқатиб юборади.
16. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколатидан чиқарилмоқда.
17. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 96-моддасининг янги таҳририга кўра, Президентнинг вазифа ва ваколатларига доир янги таклифлар асосида 78- ва 93-моддаларга тегишли ўзгартишлар киритиш белгилаб берилди.
18. Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси Мажлисларида раислик қилишга ҳақли.
19. Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз ваколатларини бажара олмайдиган ҳолатда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Олий Мажлис Сенати раиси зиммасига юклатилади ҳамда бунда уч ой ичида қонунга мувофиқ Президентлик сайлови ўтказилади.
20. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Бош прокурори, Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади ҳамда Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади .
21. Олий Мажлис Сенати Бош вазир ҳисоботларини эшитади ва муҳокама қилади.

22. Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш ҳуқуқи тугатилди.

23. Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилди.

24. Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили Қонунчилик палатасига киритилди.

25. Депутатлик ўринларини квоталаш институти жорий этилди.

26. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди.

27. Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Бош вазир тақдимига кўра, Президент томонидан тасдиқланади.

2.2.СУД-ҲУҚУҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ЭТИШ

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотлардан кўзланган мақсад. Эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан бораётган мустақил давлатимиз инсон ҳуқуқларининг ҳимояси ва демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида жаҳон ҳамжамиятидаги мавжуд сиёсий жараёнлар билан ҳамоҳанг қадам ташламоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, инсон ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро-ҳуқуқий хужжатларни имзолаган. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари ва умуминсоний қадриятлар миллий қонунчилигимизга сингдирилиб, устувор мақомга эга бўлди. Адолатли фуқаролик жамиятнинг ҳуқуқий асослари жадаллик билан шакллантирилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, бунда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини реал таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг Асосий қонуни - Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа бир қатор қонунларда ўз ифодасини топди.

Албатта, республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва умуман, жамият ҳаётини эркинлаштиришга оид барча ислоҳотлар аҳолининг ҳуқуқий онги ҳам унга мутаносиб равишда ошиб борганида кўзланган мақсадга эришиш мумкин бўлади. Шу сабабли ҳам, ислоҳотлар изчиллик асосида, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш билан биргаликда олиб борилмоқда. Юксак ҳуқуқий маданият демократик жамият пойдевори ҳамда ҳуқуқий тизим етуклигининг ифодасидир.

Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий эътиқод ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

Шунга кўра, фуқароларнинг ҳуқуқий маданият даражасини кўтаришга кўмак берадиган ҳуқуқий ахборот тизимини ташкил қилиш масаласи алоҳида амалий аҳамият касб этади. Республикамизда 1997 йил 29 августда "Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш миллий дастури" қабул қилингани ушбу масалага умумдавлат миқёсида катта аҳамият берилганини кўрсатади. Мазкур дастурда - ҳуқуқий таълим ва ҳуқуқий тарбия тизимини такомиллаштириш, барча давлат органлари, мансабдор шахслар ва фуқароларнинг қонунга ҳамда ҳуқуққа ҳурмат билан муносабатда бўлишига эришиш, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини, ҳуқуқий маданиятини ошириш, фуқароларнинг ижтимоий-ҳуқуқий фаоллигини таъминлашни давлатимиз ўз олдига мақсад қилиб қўяди (2.2.1-расм).

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон Республикасидаги демократлаштириш ҳамда тубдан янгиланиш жараёнлари ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олган. Мамлакатимизда ҳақиқий маънодаги фуқаролик жамияти қуришнинг қонунчилик базаси изчиллик билан мустаҳкамланмоқда. Истиқлол йилларида мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, шунингдек, суд-ҳуқуқ соҳасида катта ўзгаришлар юз берди.

Шуни очиқ тан олишимиз керак, қонун устуворлигини ҳаётимизнинг барча жабҳаларида таъминлаш, эскича фикрлаш, умуман, қотиб қолган қараашлардан тезроқ воз кечиш ва аввало, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласини устувор вазифа деб қараш ва шу асосида йўл тутиш, бу жараённи тубдан тезлаштириш бугунги кунда биз учун энг долзарб масала бўлиб қолмоқда. Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви бу шунчаки қонун талабининг юмшатилиши ёки заифлашуви эмас, балки, аксинча қонунларнинг инсонийлик ва демократик асослари мустаҳкамланишидир.



2.2.1-расм.

Суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлардан кўзланган асосий мақсадлардан бири фуқароларда суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан жазоловчи орган эмас, балки шахс ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладиган органлар сифатида қарашни шакллантиришдир. "Яна бир муҳим масала – суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг масъулиятини кучайтириш ҳақида алоҳида тўхталишни ўринли, деб биламан. Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимиятнинг обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди[1]" деган фикрлари Юртбошимизнинг ушбу масалага давлат миқёсида қанчалик эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг тамал тоши бу Асосий қонун – Конституциядир. Мустақил Ўзбекистон Республикаси

[1] Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Асарлар, 13-жилд. Т.: Ўзбекистон, 2005. – 109-бет.

Конституциясининг қабул қилиниши мамлакатимиз ҳаётида улкан сиёсий воқеа бўлди. Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, Конституция давлатимизнинг қонунчилик негизини шакллаштиришнинг асосий пойдевори, мустақил давлатимизнинг тамал тоши бўлади.

Мамлакатимиз Асосий қонуни - Конституция асосида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. 1993 йилда "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши судларнинг мустақил ҳокимият тармоғи сифатида шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат қилди.

Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқлари ва эркинлигига бевосита дахлдор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахсларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади.

Суд ҳокимияти, давлат ҳокимиятининг алоҳида мустақил тармоғи бўлиб, у ўз функцияси бўйича ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи тармоқларидан фарқ қилади. Суд ҳокимиятининг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимиятлар билан биргаликда мавжуд бўлиши демократик давлатнинг муҳим белгисидир.

> Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир. Бир сўз билан айтганда, юртимизда ҳуқуқий давлат асосларини янада такомиллаштириш ва аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш биз учун ҳал қилувчи вазифа бўлиб қолмоқда.
>
> ***Ислом Каримов***

Конституция ва ушбу қонун асосида мамлакатимизда мустақил суд ҳокимияти шаклланди, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги ваколатларини янада кенгайтиришга доир ҳуқуқий асослар такомиллаштирилиши учун замин тайёрланди. 1996 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи чақириқ VI сессиясида сўзлаган нутқида Ўзбекистондаги ҳуқуқий ислоҳотларнинг асосий мақсади суднинг алоҳида ва мустақил ҳокимият тармоғи сифатидаги мавқеини қайта тиклашдан иборат эканини ҳар томонлама асослаб берди. Шу асосда юртимизда суд ҳокимиятининг янги тармоқлари яратилди. Суднинг ваколатлари сезиларли даражада кенгайтирилди. фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини суд орқали ҳимоя қилишни кафолатлашнинг ҳуқуқий меъёрлари такомиллаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг одил судлов органлари давлат ҳокимиятининг мустақил бир тармоғига кирувчи ва қонун устуворлигини таъминлаб, тартибга солиб турувчи органдир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 107-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг суд тизими беш йил муддатга сайланадиган Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикасининг Олий суди, Қорақалпоғистон Республикасининг хўжалик судидан, шу муддатга тайинланадиган вилоят судлари, Тошкент шаҳар суди, туман, шаҳар ва хўжалик судларидан иборат"дир деб белгиланган.

2000 йил 14 декабрь куни қабул қилинган "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририга кўра, юқорида санаб ўтилган суд тизимига ўзгартиш киритилиб, судлар ихтисослаштирилди, яъни жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари жорий қилинди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони (ПФ-2682. 2000 йил 14 август) билан умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви, яъни, фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ажратилгани судларда ишларни кўриш ва ҳал қилиш сифатининг ошишига, судьяларнинг

профессионаллашувига, аҳолининг ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилинишининг янада такомиллашишига сабаб бўлди (2.2.2-расм).

Ушбу фармон талаблари ва республикамизда суд ислоҳотларини олиб боришнинг янги босқичига ўтилишини таъминлаш мақсадидида 2000 йил 14 декабрда Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди. Ушбу қонун умумий юрисдикция судлари ва хўжалик судларининг замон талаблари асосида фаолият юритиши учун ҳуқуқий асос бўлди.



2.2.2-расм.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси асосида судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикция судларнинг фуқаролик ишларини кўриб чиқадиган ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадам бўлди. Бу нарса, албатта, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтиради, судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўлароқ таъминлайди.

Жамият ҳаётидаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишда суд органларининг таъсири кучли бўлиб, улар ҳуқуқни давлат номидан кафолатлайди, фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб берилган ҳуқуқ ва эркинликларини қонун устуворлиги тамойили асосида амалда қўлланилишини назорат килади.

Суд ишлари ичида уларга юклатилган энг асосий вазифа - бу одил судловни амалга ошириш ҳисобланади. Шунингдек, суд ҳокимияти ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

1) конституциявий назорат;

2) давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг конунийлигини текшириш;

3) суд ҳукми ва қарорларининг ижросини таъминлаш;

4) судларга тегишли маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатларини кўриб, текшириб чикиш;

5) суд амалиётидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик масалалари бўйича тушунтириш бериш;

6) судьялар таркибининг шаклланишида иштирок этиш ва шу масалада тегишли органларига ёрдам бериш.

> Судьялар мустақилдирлар, фақат қонунга бўйсунадилар. Судьяларнинг одил судловни амалга ошириш борасидаги фаолиятига бирон-бир тарзда аралашишга йўл қўйилмайди ва бундай аралашиш қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.
>
> ***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 112-модда***

Юртимизда судьяларнинг мустақиллиги асосий конституциявий тамойиллардан бўлиб, суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва самарали фаолиятини, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қила олишини таъминловчи муҳим шартлардан бири ҳисобланади.

Судьяларни лавозимига тайинлаш ва вазифасидан озод қилишнинг алоҳида ҳуқуқий механизми судьялар мустақиллиги кафолатларидан бири сифатида хизмат қилади. Судьялар мустақиллигини таъминлашнинг кафолат тизими "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 67-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, у қуйидагилар орқали таъминланади:

- ❖ қонунда белгиланган тартибда судьяларнинг сайланиши, тайинлапиши;

❖ судьяликдан озод қилиниши;

❖ уларнинг дахлсизлиги;

❖ одил судловни амалга оширишдаги қатъий мезон;

❖ қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқлангани;

❖ судга ҳурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланган;

❖ судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот бериш билан таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти тақдими асосида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан сайланади. Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьялари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан сайланади, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар судлари ҳамда уларга тенглаштирилган судлар (ҳарбий судлар) судьялари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимига тайинланади.

"Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 72-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, туманлараро, туман (шаҳар) судлари, ҳарбий судлар судьясининг ваколатлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; хўжалик судлари судьясининг ваколатлари Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда тугатилади:

1) судья қасамёдни бузган тақдирда;

2) ёзма ариза берган тақдирда;

3) судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверган тақдирда;

4) суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда;

5) Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда;

6) унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда;

7) суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда;

8) соғлиғи ҳолатига ёки бошқа узрли сабабларга кўра, узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда.

> Айнан ушбу даврда кассация инстанцияси ислоҳ қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани ҳам муҳим янгилик бўлди. Мазкур ўзгаришларга мувофиқ эндиликда апелляция инстанцияси ишни янгитдан кўриб чиқишга юбормасдан, уни ўзи тўла ҳажмда кўриб чиқиши мумкин.
>
> ***Ислом Каримов***

Суд-ҳуқуқ ислоҳотларида судьяликка номзодларни танлаш ва лавозимларига тавсия этиш борасида ҳам бир қанча ижобий ўзгаришлар амалга оширилди. "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 мартдаги ПФ-2817-сонли фармони; "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги

ПФ-2943-сонли фармони: Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида" 2006 йил 17 мартдаги ПФ-3725 – сонли фармонлари республикамизда малакали судьялар корпуси шаклланишида муҳим асос бўлди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг яна бир жиҳати суд қарорларининг ижросини таъминлашга қаратилди. 2001 йил 29 августда қабул қилинган "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги Қонун суд қарорлари ижросини таъминлашда муҳим қадам бўлди. Мамлакатимизда судьяларнинг мустақиллигига эришиш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник ва маблағ билан таъминлаш масалаларини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига биноан, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган - Суд қарорларининг ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 31 августдаги "Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори суд қарорларини ижро этиш тизимини такомиллаштиришда муҳим роль ўйнади.

Амалга оширилган ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта кўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилди. Судда ишларни кўришни тартибга соладиган фуқаролик процессуал, жиноят процессуал ва хўжалик процессуал кодексларига киритилган қўшимча ва ўзгартишлар асосида ишни кўриш босқичи сифатида апелляция инстанцияси киритилди (2.2.3-расм).



2.2.3-расм.

Шу борада қуйидаги рақамларга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар 2000 йилда суд хатоларининг деярли ярми назорат тартибида тузатилган бўлса, 2009 йил якунларига кўра, бундай ҳолатларнинг 85 фоиздан ортиғи апелляция ва кассация тартибида бартараф этилган.

Ислом Каримов

Суднинг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори, ҳукмлари устидан апелляция тартибида шикоят бериш ёки протест билдирилиши мумкин. Апелляция институтининг киритилиши фуқароларда қонуний кучга кирмаган суд қарорларини юқори судда қайтадан кўриш имкониятини, унда ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қўшимча кафолатларни яратди. Ўз навбатида кассация инстанциясининг мазмун-моҳияти ҳам ўзгартирилди. Ушбу ўзгаришлар натижасида фуқаролар қонуний кучга кирган биринчи инстанция суд қароридан норози бўлган тақдирда, ўз ҳуқуқ ва қонуний

манфаатларини кассация инстанциясида, ўз адвокати иштирокида бевосита ҳимоя қилиш имконига эга бўлишди. Шу тариқа фуқароларнинг биринчи инстанция судларининг қарорларига нисбатан шикоятларини яширин, ёпиқ тарзда кўриб чиқиш тартиби батамом тугатилганини таъкидлаш лозим. Амалга оширилган ўзгаришлар таҳлили шуни кўрсатадики, жорий этилган янгиликлар биринчи инстанция судлари томонидан йўл қўйилган хатоларни ўз вақтида тузатиш, суд фаолиятида сансалорликка йўл қўймасликнинг муҳим кафолатига айланди.

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатура институти ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш. Одил судловни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатларнинг ўрни беқиёсдир.

Адвокатнинг ёрдами, унинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш фаолияти, айниқса, жиноят ишларини юритиш жараёнида яққол намоён бўлади. Жиноят процесси шахс ҳуқуқ ва эркинликларига жиддий таъсир қилиши мумкинлиги сабабли ҳам у тарафлар тортишуви принципи асосида ташкил қилинган. Жиноят процессида тортишув принципи қуйидаги асосий жиҳатларни белгилайди:

1) айбловнинг суддан ажратилгани;

2) суднинг процессдаги мустақил, фаол ҳолати ва фақат судга иш юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқининг берилиши;

3) ўз функцияларини бажариши учун тарафларнинг тенг процессуал ҳуқуқларга эга бўлиши;

4) айблов ва ҳимоялаш функцияларининг одил судлов вазифасидан ҳамда уларнинг ўзаро бир-биридан ажратилгани.

Айблов ва ҳимоялашнинг мустақил функция сифатида ажратилгани ҳамда уларнинг ўзаро бир-биридан суд фаолиятидан ажратилгани тортишув принципи таянадиган ва амал қиладиган асосдир.

> Айбланувчи ҳимояланиш ҳуқуқи билан таъминланади. Тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланади. Фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади. Адвокатурани ташкил этиш ва унинг иш тартиби қонун билан белгиланади.
>
> ***Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 116-модда.***

Тортишувда тарафларнинг тенглиги – ҳақиқатни аниқлашнинг энг кучли усули, тарафларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари кафолатидир.

Тортишув асоси бутун суд жараёнининг киёфасини, таркибий тузилмасини белгилайди, ҳукмга ўзига хос ишонч беради, унинг ҳуқуқий ва ижтимоий аҳамиятини оширади (2.2.4-расм).

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунларданоқ судда иш кўриш жараёнида тарафлар тенглиги, жумладан, прокурор ва адвокат (ҳимоячи)нинг процессуал тенглигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда. Судда ишларни кўриш тартибини белгилайдиган процессуал қонунлар (ФПК, ЖПК, ХПК), судлар тўғрисидаги, прокуратура тўғрисидаги, адвокатура тўғрисидаги қонунларда тарафлар тенглигини таъминлашга оид қоидалар белгиланиб, улар изчиллик билан такомиллаштириб борилди.



2.2.4-расм.

2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Адвокатура тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши адвокатура институтининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ўрнини оширишда муҳим қадам бўлди. Ушбу фармон асосида адвокатлик тузилмалари тубдан кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди, адвокатлик фаолияти билан шуғулланувчи барча шахсларни бирлаштирган Адвокатлар палатаси тузилди. Ушбу палатанинг тузилиши адвокатлик фаолияти натижаларини умумлаштириш, адвокатлар фаолиятини мувофиқлаштириш, уларнинг ҳуқуқий ҳимоясини ташкиллаштиришда муҳим қадам бўлди. Шунингдек, "Адвокатура тўғрисида"ги Қонунга ҳам адвокатура фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган жиддий ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. 2008 йил 31 декабрда адвокатура тизими такомиллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун асосида жиноят-процессуал қонунга инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини кенгайтиришга қаратилган жуда катта ўзгартишлар киритилди. Жумладан, ҳимоячининг ишда иштирок этиши имкониятини кенгайтирадиган ўзгартишлар киритилди, ҳимояси остидаги шахс билан учрашиш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларидан рухсат олиш мажбурияти бекор қилинди, бунинг учун адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи етарли бўлишини белгилайдиган ўзгартишлар киритилди. Шу билан бирга, жиноят процессида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда жуда муҳим қадам бўлган – гувоҳ адвокати институти жиноят процессига киритилди. Гувоҳ адвокатининг киритилиши ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан процесс иштирокчиларига нисбатан турли ноқонуний хатти-харакатларининг олдини олишда, тергов ва суд хатоларини камайтиришда муҳим восита бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши жиноят ишларини юритиш жараёнида процесс иштирокчилари ҳимоясини таъминлаш борасида энг илғор демократик, умуминсоний принципларни ҳаётга татбиқ этишга олиб келди ва бошқаларга ўрнак бўладиган ҳуқуқий қадриятлар яратилишига замин яратди.

Мазкур қонунга кўра, жиноятларнинг таснифи ўзгартирилди. Бунинг натижасида оғир ва ўта оғир тоифадаги жиноятларнинг қарийб 75 фоизи ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Ислом Каримов

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида (2001 йил 29-30 август) давлатимиз раҳбари "Адолат – қонун устуворлигида" мавзусида маъруза қилди. Ушбу маъруза мамлакатимизда жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноят ва жиноят-процессуал қонунларни, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни янада кенгайтириш йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилди.

2001 йил 30 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди, ушбу қонун асосида жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди. Бундай ёндашув кўпгина демократик, ривожланган давлатлар амалиётига тўла мувофиқдир.

Жиноят қонунида ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жиноятлар 4 турга ижтимоий хавфи катта бўлмаган; унча оғир бўлмаган; оғир; ўта оғир жиноятларга бўлинади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Унча оғир бўлмаган жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киради.

Оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда оғир жазо сифатида беш йилдан ортиқ, лекин ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

Ўта оғир жиноятларга қасддан содир этилиб, қонунда ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш ёхуд умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар киради.

2001 йилда жиноятларнинг таснифи ўзгартирилиши натижасида оғир ва ўта оғир деб ҳисобланувчи жиноятлар сони кескин камайди ва натижада уларга нисбатан қўлланадиган жазо чоралари ҳам ўз навбатида енгиллаштирилди. 2001 йилгача бўлган вақтда жиноят қонунида оғир ва ўта оғир жиноятлар нисбатининг юқорилиги жазо чораси сифатида озодликдан маҳрум қилиш жазосини қўллашни тақозо қилар эди. Бу эса жазонинг мақсадига зид ҳисобланиб, ундан кўзланган мақсадга эришиш имкониятларини камайтирарди. Жазо - бу жиноят содир этишда айбли деб топилган шахсга нисбатан давлат томонидан суд ҳукми асосида қўлланадиган ва маҳкумни қонунда назарда тутилган муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан маҳрум қилиш ёки уларни чеклашдан иборат мажбурлов чорасидир. Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланади.

Амалдаги Жиноят кодексига мувофиқ, қуйидаги жиноий жазо турлари мавжуд:

- жарима;
- муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- ахлоқ тузатиш ишлари;
- хизмат бўйича чеклаш;
- қамоқ;
- интизомий қисмга жўнатиш;
- озодликдан маҳрум қилиш;
- умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Маҳкумларга асосий жазолардан ташқари ҳарбий ёки махсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги қўшимча жазо ҳам қўлланиши мумкин.

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят кодексига киритилган ўзгартишлар туфайли озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллаш имконияти кенгайди. Натижада мамлакатимиз, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахслар бўйича дунёда энг паст кўрсаткичга эга бўлди (2.2.5-расм).

> Жиноий жазоларни либераллаштириш борасидаги бундай чоралар натижасида Ўзбекистонда ҳозирги кунда қамоқдагилар сони жаҳон миқёсида энг паст кўрсаткични, яъни ҳар 100 минг нафар аҳолига 166 кишини ташкил қилади. Қиёслаш учун айтиш мумкинки, Россияда бу кўрсаткич 611 кишини, АҚШда 738 кишини ташкил этади. Мамлакатимизда сўнгги ўн йилда озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган маҳбуслар сони икки баробардан кўпроқ камайганининг ўзи ҳам бу соҳада олиб борилаётган ислоҳотларимизнинг қандай ижобий натижалар бераётганидан далолатдир.
>
> ***Ислом Каримов***

Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши натижасида шахс озодлигини чеклайдиган жазо чоралари ўрнига етказилган зарарнинг ўрнини қоплашни рағбатлантирадиган, айниқса иқтисодий соҳадаги жиноятлар учун жарима шаклидаги иқтисодий санкцияни қўллаш имконияти анча кенгайтирилди.

Жиноий жазо тизимидан инсонпарварлик тамойилларига мутлақо зид бўлган мол-мулкни мусодара қилиш тарзидаги жазо тури чиқариб ташланди. Жиноят қонунчилигида етказилган зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланишини истисно қиладиган рағбатлантирувчи нормалар киритилди.

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг яна бир муҳим босқичи 2005 йилда амалга оширилди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов 2005 йил 28 январь куни "Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир" деб номланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида "Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш борасида биз ҳал этишимиз лозим бўлган яна бир масала – бу жазолаш тизимидан ўлим жазосини чиқариб ташлашдир. Бу ўринда гап, айрим мамлакатларда бўлганидек, ўлим жазосига мораторий қўллаш, яъни маҳкум йиллар давомида ушбу жазо чораси қачон ижро этилишини кутиб ётиши тўғрисида эмас, балки уни бутунлай бекор қилиш ҳақида бормоқда. Биз мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ушбу масалани ҳал қилиш устида иш олиб бормоқдамиз"[1], деб таъкидлаб ўтди.

"Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепцияси" (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сонли қарори билан тасдиқланган)да жазо тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш ва уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиришда устувор йўналишларни амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан 2005 йил 1 август куни имзоланган "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида"ги фармони суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг жуда муҳим босқичи ҳисобланади. Ўлим жазосининг жиноий жазо тизимидан бекор қилинишининг зарурий хусусияти жиноят содир этган шахснинг жазосини енгиллаштириш ёки бундай шахсларга мурувват кўрсатишдан ҳам кўра кўпроқ айбсиз кишиларнинг гуноҳсиз жазоланиб кетишининг олдини олиш учун ҳам муҳимроқ ҳисобланади.

"Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир", – дейилади. Асосий қонунимизнинг 24-моддасида. Мазкур ҳуқуқ – инсоннинг энг асосий ҳуқуқи, уни ҳаёт кечиришининг кафолатидир. Мазкур фармон Асосий қонунимиздаги ушбу қоидани ҳаётга татбиқ этиш имкониятини яратди.

Йилдан-йилга дунёда ўлим жазосидан воз кечаётган давлатлар сафининг ортиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, 1990 йилдан ҳозирга қадар 45 дан ортиқ давлатда ўлим жазоси бекор қилинди. Ҳозирги кунда дунёнинг 69 та давлатида ўлим жазоси сақланиб қолмоқда[2].

Интернет орқали "Халқаро амнистия" ташкилотининг 2005 йил 17 ноябрда берган ахборотида қуйидаги маълумотлар эълон қилинган:

- ўлим жазоси батамом бекор қилинган мамлакатлар – 80 та;
- фақат алоҳида ҳолларда (ҳар бир жиноятлар учун) ўлим жазоси сақланган мамлакатлар – 15 та;
- қонунчилигида ўлим жазоси сақланган бўлса-да, кейинги ўн йил давомида бу жазо ижро қилинмаган мамлакатлар – 23 та;
- ўлим жазоси сақланган бўлса-да, йил сайин бу жазони камроқ қўллаётган мамлакатлар – 78 та;
- ўлим жазоси вояга етмаганларга 1990 йилдан буён қўлланиб келган мамлакатлар – 8 та (АҚШ, Хитой, Саудия Арабистон, Покистон, Эрон, Конго, Яман, Нигерия).

---

[1] Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қаон, ҳечкимга қарам бўлмайди. –Асарлар,13 –жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 188-бет.

[2] Отчёт Специального Докладчика Парламентской Ассамблеи Совета Европы по вопросу смертной казни, Ренаты Вольвенд (Лихтенштейн), «Europe, a Continent, Free of the Death Penalty», 1999

Қайд этиш жоизки, кейинги йигирма йил давомида 50 та давлат, шу жумладан, Канада, Парагвай, Мексика, Туркманистон, Арманистон, Туркия, Греция, Кипр, Сенегал каби мамлакатлар бу жазодан воз кечди. Шу йилларда фақат 4 давлат (Непал, Филипин, Гамбия, Папуа – янги Гвинея) қонунларида ўлим жазоси тикланган, лекин амалда деярли қўлланмаган. Умуман, ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ярмидан кўпи қатл қилинмаган. Чунончи, 2004 йилда 64 мамлакатдаги судлар 7 395 жиноятчига нисбатан ўлим жазоси тайинлаган, лекин бу жазо фақат 25 мамлакатда 3 797 кишига нисбатан ижро этилган. Уларнинг 97 фоизи Хитойда (3400 маҳкум), Эронда (759), Вьетнамда (64) ва АҚШда (59) қатл қилинган[1].

Афсуски, ноҳақ ўлим жазоси тайинлаш ва ижро қилиш ҳоллари оз эмас. Хусусан, АҚШда 1900-1985 йилларда ўлим жазоси 350 нафар айбсиз шахсга нисбатан ижро этилгани расман тан олинган. Кейинги ўттиз йил мобайнида бу жазога маҳкум этилганлардан 121 киши, айбсизлиги аниқланиб, ўлим камераларидан озод қилинган. Кези келганда шуни ҳам эътироф этиш жоизки, шўролар даврида суд ҳукми ва маъмурий тузилмаларнинг қарорлари, ҳатто олий раҳбариятнинг "розилиги" билан 800 мингга якин ҳур фикрли шахслар "аксилинкилобий" жиноятларда айбланиб, отиб ташлангани инсоният тарихидаги аянчли фожиалардан биридир[2].

Деярли ҳамма мамлакатларда узоқ ўтмишдан буён жиноятчиликка қарши кескин кураш чораси сифатида қўлланиб келган ўлим жазосига барҳам бериш ҳозирги долзарб муаммолардан бири бўлиб қолди. Бу борада БМТнинг иқтисодий ва ижтимоий кенгаши 1984 йил 5 майда маъқуллаган "Ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш чоралари" ва 1989 йил 24 майда тавсия этган "Қонунсиз, ўзбошимча ва оммавий ўлим жазоларининг олдини олиш ва тергов қилиш самарадорлиги принциплари" номли халқаро ҳужжатларда барча давлатларга бир қатор талаблар қўйилган.

"Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт"нинг БМТ Бош Ассамблеяси 1989 йил 15 декабрида қабул қилган ўлим жазосини бекор қилишга қаратилган иккинчи Факультатив баённомаси барча ҳукуматларни ўлим жазосини бекор қилишга ва бу ҳақда мазкур баённомани имзолашга чорлайди. Ҳозирги кунда ушбу Баённомага 61 мамлакат қўшилган. Ҳар бир давлат Баённомани ратификация қилиш ёки унга қўшилиш чоғида ўлим жазоси фақат уруш ҳолати вақтида ўта оғир ҳарбий жиноят содир этганларга қўлланиши мумкинлиги ҳақида эслатиб ўтилади.

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро ҳужжатларнинг ўрни яна шу билан ҳам белгиланадики, унда умумжаҳон манфаатларига хизмат қиладиган ҳуқуқий меъёрлар мужассамлашгандир. Ҳозирги кунгача инсон манфаатларини кўзлаб кўплаб халқаро ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб, улар универсал ва минтақавий характер касб этади. Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 70 га яқин, Европа Кенгаши томонидан 160 дан зиёд, ЮНЕСКО томонидан 70 дан ортиқ, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти томонидан 30 дан ортиқ, турли минтақавий халкаро ташкилотлар томонидан ҳам кўплаб инсон ҳуқуқларига оид халқаро шартномалар, конвенциялар, декларациялар, пактлар қабул қилинди. Бугунги кунда ҳаммаси бўлиб инсон ҳуқуқлари бўйича 400 га яқин халқаро ҳужжат мавжуд. Бу халқаро ҳужжатларда инсон ҳуқуқларига оид жаҳон андозалари белгилаб қўйилган ва уларнинг миллий қонунлардан устуворлиги тамойили аксари давлатлар томонидан тан олинган[3].

Ўлим жазосини тақиқлашга қаратилган халқаро стандартларга қуйидаги ҳужжатларни киритишимиз мумкин:

---

[1] Международное право об отмене смертной казни. http://diplomnie.com/publ/31-1-0-4458

[2] Абдумажидов Ғ.А., Саломов Б. Ўлим жазосини бекор қилишда ижтимоий-ҳуқуқий йўналишлар. Ўлим жазосини бекор қилишнинг ташкилий - ҳуқуқий жиҳатлари. Илмий-амалий анжуман материаллари. /Масъул муҳаррир: Б.Ахроров. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006. – 45-бет.

[3] Международное право в документах: Учеб. пособие. Сост.: Н.Т. Блатова, Г.М. Мелков. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Инфра-М, 1997. С.103.

- БМТ доирасида қабул қилинган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг Иккинчи қўшимча протоколи;
- Европа кенгаши доирасида икки ҳужжат: Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа конвенциясининг қўшимча 6 ва 13 протоколлари;
- Европа Иттифоқи доирасида Европа Иттифоқининг фундаментал ҳуқуқлар хартиясининг 2 моддаси. Ушбу модда бажарилиши сиёсий мажбурий бўлган ҳужжат ҳисобланади ва унга кўра ҳеч ким ўлим жазосига ҳукм қилиниши ва қатл этилиши мумкин эмас[1].
- БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200 А(XXI) Резолюцияси билан қабул қилинган ва 1976 йил 23 мартдан эътиборан кучга кирган Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлари бўйича халқаро пактнинг 6-моддаси барча давлатларни ўлим жазосини бекор қилишга ҳамда 18 ёшга тўлмаган ва ҳомиладор аёлларни олий жазога тортмасликка чақиради.

Таъкидлаш лозимки, республикамизда ўлим жазосини чеклаш мустақиликнинг дастлабки йилларидан бошланган эди. Жиноий жазо сиёсатини либераллаштириш натижасида қатор оғир жазоларни енгиллаштириш билан бирга ўлим жазосини чеклаш, уни қўллашни қисқартириш тенденцияси кўзга ташланди. Ҳозир амал қилаётган ЖКда (1994 йил, сентябрь) дастлаб 13 турдаги жиноятлар учун ўлим жазоси назарда тутилган эди. 1998 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бундай жиноят таркиблари сонини 8 тага туширди. 2001 йилда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят–процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонунга мувофиқ, бундай жиноятлар сони 4 тага қисқартирилди. Ушбу қонун ўлим жазоси тайинланиши мумкин бўлган қилмишлар сонини норматив жиҳатдан камайтирибгина қолмасдан, Ўзбекистон Республикаси ижтимоий ривожланишининг мутлақо янги марраларини белгилади. 2003 йилнинг декабридан эътиборан ўлим жазосини фақат жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда одам ўлдириш ва терроризм жиноятларини содир этганлик учун қўллаш назарда тутилди.

Ўлим жазосини бекор қилишни қонунчилик йўли билан таъминлаш, бу борада тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таёрлашни жадаллаштириш мақсадида 2006 йил 29 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикасида ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан қабул қилиниши лозим бўлган қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармойиши эълон қилинди. Мазкур фармойишга асосан Олий суд, Бош прокуратура, Адлия ва Ички ишлар вазирликлари мутахассислари, мамлакатимиз илмий-тадқиқот ва таълим муассасаларининг етакчи эксперт ва олимларидан иборат ишчи гуруҳи тузилиб, гуруҳ томонидан кенг жамоатчилик ва хорижий мутахассислар билдирган фикр ва мулоҳазалар, илмий-амалий конференциялар, семинар, давра суҳбатларининг натижалари ва тавсиялари умумлаштирилиб, қонунчиликка ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига тақдим этилди.

> Мамлакатимизда ўлим жазосининг бекор қилиниши халқаро ҳамжамиятнинг катта эътибор ва эътирофига сазовор бўлгани албатта ижтимоий-сиёсий аҳамиятга молик ўта муҳим воқеадир. Нуфузли хорижий экспертларнинг таъкидлашига кўра, ушбу чора ва бу соҳада юқорида кўрсатилган бошқа бир қатор ишларнинг амалга оширилиши билан Ўзбекистонда дунёдаги энг либерал жиноий жазо тизимларидан бири яратилди. Халқаро экспертларнинг бу борадаги қиёсий таҳлиллари шуни кўрсатмоқдаки, умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазоси Германия ва Полшада 5 та, Белгия ва Россияда 6 та, Данияда 9 та, Швецияда 13 та, Францияда 18 та, Голландияда 19 та жиноят тури бўйича тайинланиши мумкин.
>
> ***Ислом Каримов***

[1] Смертная казнь в регионе ОБСЕ. Справочный документ. ОБСЕ/БДИПЧ, 2004/1. -С.8

"Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 15 июнда қабул қилинди, Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланиб, 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

Қайд этиш лозимки, ушбу Қонунни ишлаб чиқишда умумэътироф этилган халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қоида ва принциплари ҳар томонлама инобатга олинган. Шунингдек, бир қатор Европа (Австрия, Германия, Дания, Польша, Франция, Швейцария, Швеция ва бошқ.), Осиё (Япония, Корея, Хитой ва бошқ.) ҳамда МДҲга аъзо давлатларнинг (Россия, Украина, Беларусь, Молдова, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон ва бошқ.) тажрибаси ўрганилган ва ижобий ютуқлардан фойдаланилган..

Қонунга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Жиноят-ижроия кодексларига ўлим жазосини жиноий жазолар тизимидан чиқариш ва уни умрбод ҳамда узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш билан алмаштириш, жазони тайинлаш ва ижро этиш тартиби ҳамда шартларини белгилаш билан боғлиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Таъкидлаш жоизки, ўлим жазосининг бекор қилиниши нафақат ҳуқуқий, балки сиёсий масала ҳисобланади. Чунки у демократия ва инсонпарварлик идеалларига жавоб берувчи фуқаролик жамиятини қуриш билан боғликдир.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши умрбод озодликдан маҳрум қилиш жазосини жиноят қонунига киритилишига сабаб бўлди. Ушбу жазо фавқулодда жазо чораси бўлиб, фақат икки турдаги жиноят, яъни жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш ва терроризм жиноятлари учун тайинланади. Ушбу жазо тури бизнинг мамлакатимизда хотин-қизларга, жиноят содир этган пайтда 18 ёшга етмаган шахсларга ва ёши 60 дан ошган эркакларга нисбатан қўлланиши мумкин эмас.

Мамлакатимизда дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, мазкур соҳада суд фаолиятини либераллаштириш бўйича ҳам кенг қўламли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. 2005 йил 8 августда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш ҳақида"ги фармоннинг қабул қилиниши Конституциямизнинг 19 ва 44-моддалари қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш, судни учинчи ҳокимият сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва энг муҳими, дастлабки тергов вақтида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтириш борасида беназир қадам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасига кўра, ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

2008 йил 1 январдан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши дастлабки тергов даврида айбланувчиларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилиниши имкониятларини кенгайтирди, ушбу жараённинг очиқ, демократик тарзда ҳал қилинишини таъминлади, санкция бериш вақтида ҳимоячи иштирокини таъминлашни янада кенгайтирди.

Бу борада "Хабеас корпус" институтининг жорий этилиши, яъни 2008 йилдан эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи прокурордан судга ўтказилиши принципиал қадам бўлди. Ушбу қарорнинг ўз вақтида ва пухта ўйлаб қабул қилингани бугунги кунда кўпгина амалий мисолларда ўз исботини топмоқда. Мазкур институтнинг амалиётга татбиқ этилиши инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг дахлсизлигини ҳимоя қилишда муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда. Ушбу институт жорий этилган 2008 йилнинг январидан буён судлар томонидан дастлабки тергов органларига 700 мартадан ортиқ ҳолатда мазкур эҳтиёт чорасини қўллаш рад қилингани ҳам буни яққол тасдиқлаб турибди.

Ислом Каримов

Мамлакатимизда жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштиришда жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларга мувофиқ тергов ва шахсни қамоқда сақлаш муддатлари қисқартирилгани ҳам муҳим аҳамият касб этди. 2001 йилда Жиноят процессуал қонунга киритилган ўзгартишлар туфайли дастлабки тергов муддати икки йилдан бир йилгача, эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш муддати эса бир ярим йилдан бир йилгача қисқартирилгани ва ушбу муддатнинг узайтиришга йўл қўйилмаслиги, туман ва шаҳар прокурорларидан тергов муддатини узайтириш ҳуқуқининг олиб ташлангани шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада оширди.

Ярашув институти. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессиясида янги ҳуқуқий институтни жорий этди. "Жабрланувчи билан ярашув" тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. 2001 йилдан бошлаб ярашув институтининг киритилиши республикамизда жиноий жавобгарликка тортилган шахслар сонининг кескин камайишига хизмат қилди.

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

Юртимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида қонунийликни таъминлаш борасида жиддий ишлар амалга оширилмоқда. Биринчи навбатда, прокуратура фаолиятини ислоҳ қилиш, уни собиқ тузум даврида бўлганидек партиявий элита қўлидаги жазолаш қуроли эмас, балки қонунларнинг қатъий ижро этилишини, мамлакатимизда демократик ислоҳотларнинг изчил ривожланишини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоя қилинишини таъминлайдиган органга айлантириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат.

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади:

- вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;
- фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;
- тезкор-қидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш;
- жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш;
- судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш;
- солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;
- ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

➢ конун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш.

2001 йилда янги таҳрирда қабул қилинган "Прокуратура тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ фуқаролар прокурор назорати объектлари қаторидан чиқарилди.

Айни пайтда прокуратуранинг инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, унинг қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаш учун масъулияти оширилди. Шунингдек, суд қарорлари ижросини тўхтатиб туриш ҳуқуқи прокуратура ваколатлари доирасидан чиқарилди. Туман ва шаҳар прокурорларининг эса тергов ва айбланувчини камоқда сақлаш муддатларини узайтириш ҳуқуқлари бекор қилинди.

> Шу борада яна бир мисолга эътибор берайлик. Яращув институтининг жорий этилиши натижасида ўтган давр мобайнида 100 минг нафарга яқин фуқаро жиноий жавобгарликдан озод этилди.
>
> ***Ислом Каримов***

Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларининг кейинги босқичида қонунчиликда амалга оширилиши керак бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифалар суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида амалга оширилиши керак бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар:

"Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририни қабул қилиш	2000 йил 14 декабрда қабул қилинган "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонун бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олмай қолди. Ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини такозо этмоқда.
	1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда. Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексини такомиллаштириш	принциплар ва халкаро ҳуқуқ пормаларининг амалга оширилишини таъминлайди. 2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилади. Чунки амалдаги қонунчиликда давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган. Шунинг учун айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мос келмайди. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади. 3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Маълумки, жиноят ишини қўзғатиш аввало суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жиноий таъқибни амалга оширадиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳиятан жиноий таъқибнинг ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Айтиш керакки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайди.
“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунни кабул қилиш	Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилади. Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган. Бу қонуннинг қабул

	қилиниши демократик давлатларнинг умумэътироф этилган амалиётига мос келади. Таъкидлаш керакки, бу қонун жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат килади. Айни пайтда ҳукукни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу соҳадаги фаолиятининг янада либераллашувини таъминлашга олиб келади.
Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини такомиллаштириш	Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур. 1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпрок ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта миқёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттириши лозим. Бунда авваламбор жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизм-ларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу соҳада қонунийликни таъминлаш ва фуқароларнинг ҳуқукларини ишончли ҳимоялаш бўйича чораларни ҳам мазкур кодексда кўзда тутиш лозим.
Адлия органлари ролини ошириш	Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқукни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя килиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқукий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни

	ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилмоқда. Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида конунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.
Ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кўламли чора-тадбирлар	Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғликдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир. Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий вокеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши ахолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди, деб ўйлайман.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида билдирилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари тўғрисидаги фикр ва мулоҳазалари мамлакатимизда демократик ислоҳатларни янада чуқурлаштириш ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантириш ва ривожлантириш концепциясининг ажралмас қисми ҳисобланади.

2.3. АХБОРОТ СОҲАСИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШ, АХБОРОТ ВА СЎЗ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Истиқлол туфайли фуқароларимизнинг дунёқараши, тафаккури, ҳуқуқий онги ва маданиятида туб ўзгаришлар юз берди. Бугун Ўзбекистонда бошқарувни либераллаштириш давлат ва жамиятни модернизация қилиш, иқтисодиётни эркинлаштириш, адолатли фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари ОАВ фаолиятига янгича ёндашувларни тақозо этмоқда. Мазкур масала, шубҳасиз, фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлмиш оммавий ахборот воситалари фаолиятини эркинлаштириш масалаларига бориб тақалади.

Ҳар қандай жамиятда ахборот ҳамиша мамлакат тараққиётининг кўзгуси, кишиларнинг онги, дунёқараши, сиёсий савиясининг шаклланишида асосий восита бўлиб хизмат қилиб келган. Бу ҳолат айниқса шиддатли суръатлар билан ўзгариб бораётган бугунги глобаллашув

замонида ҳар қачонгидан кўра кенг тармоқ ёзди, бинобарин, ҳаётимизнинг бирорта соҳасини оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Сўз ва матбуот эркинлиги, унинг кенг ошкоралиги, ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик принципларни ҳаётга жорий этиш имконини беради. Айни ана шу вазифа нуқтаи-назаридан жамиятни янада ривожлантириш, уни сифат жиҳатидан янгилашда устувор йўналиш бўлиб қолмоқда.

Кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда давлат тузилмалари вазифаларини босқичма-босқич жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказа бориш сингари демократик тамойилларни чуқурлаштиришда ОАВ имкониятидан самарали фойдаланиш зарур бўлиб қолмоқда.

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, миллий оммавий ахборот воситалари соҳасида буткул янги тизимни йўлга қўйиш, ахборот ва сўз эркинлигини, шунингдек, мамлакатда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини янги поғоналарга кўтариш борасида эришилган ютуқлар моҳиятида ҳам ўзбек моделининг маъно-мазмунини ташкил этган қадриятлар, ҳаётий принциплар мужассам бўлган.

Мустабид тузумга хос ўз умрини ўтаб бўлган жамиятни бошқариш ақидаларидан воз кечиб, ёш мустақил давлатни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш, ҳаёт сифатини яхшилаш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш ўз-ўзидан амалга ошмаслиги ортда қолган йигирма йиллик шонли ва ғоятда мураккаб истиқлол йиллари воқеаларида ўз ифодасини топди. Шу ўринда ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, жамият ҳаётида юз берган ва бераётган воқеа-ҳодисаларнинг ҳеч бирини ахборот соҳасидан, оммавий ахборот воситаларидан ажратган ҳолда тушуниш мумкин эмас. Хусусан, мамлакатда демократик жамият асосларини барпо этиш ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш масалалари билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки фуқароларнинг ахборотга доир ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш демократик ҳаёт барпо этиш йўлидаги ҳар қандай жамият олдида турган бирламчи масалалардан ҳисобланади. Айтиш жоизки, Ўзбекистон бу борада энг тўғри йўлни танлади ва ушбу йўлдан оғишмай олға бормоқда.

Маълумки, оммавий ахборот воситалари сиёсий-ғоявий, маънавий-руҳий коммуникациянинг асосий таянчи сифатида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига кучли таъсир этиб, давлат институтларига нисбатан жамоатчилик назоратининг кучайиши учун янгидан-янги имкониятларни келтириб чиқариши мумкин. Демак, оммавий ахборот институтларининг жамият ҳаётидаги маънавий-сиёсий салоҳияти қанчалик кучли бўлса, жамиятда шу даражада фаоллик ва рағбат, бунёдкорлик ҳамда ғоявий уйғоқлик туйғулари кучли бўлади. ОАВ институтлари орқали жамоатчилик назоратини кучайтириш фуқароларга конституциявий асосда ўзаро бирлашиш, уюшиш ҳуқуқини рўёбга чиқаришга имкон беради. Аҳоли турли гуруҳ ва қатламларининг ижтимоий манфаат ва қизиқишларини ифода этади. Қолаверса, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини юксалтириш воситаси бўлиб хизмат қилади.

> Бугун биз демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги амалий иштироки ҳақида сўз юритар эканмиз, албатта, ахборот эркинлигини таъминламасдан, оммавий ахборот воситаларини одамлар ўз фикр ва ғояларини, содир бўлаётган воқеаларга ўз муносабати ва позициясини эркин ифода этадиган минбарга айлантирмасдан туриб, бу мақсадларга эришиб бўлмаслигини ўзимизга яхши тасаввур этамиз.
>
> ***Ислом Каримов***

Маърузада таъкидланганидек, ОАВнинг юксак ғоявий минбар ва одамлар қалбу шуурига тез таъсир этувчи восита сингари имкониятларидан самарали фойдаланиш – одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш ва аҳолининг ижтимоий ҳаётдаги

иштирокини кенгайтириш, энг аввало инсоннинг ўзини ўзи тушуниши ва фуқаролараро муносабатларни юксак маънавий-маърифий мезонлар асосида шакллантиришга хизмат килади. Шунингдек, ОАВ институтлари замонавий инсонпарвар тафаккурни, фуқаролардан ижодкорлик руҳини, яратувчилик қобилиятини, бунёдкорлик имкониятларини кенгайтиради. Яъни, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш, бошқариш, ҳозирги замон меъёрлари асосида кишилик тараққиётини таъминлашнинг янги усул ва услубларини кидириб топиш зарурлигидан келиб чиқиб, ОАВнинг сиёсий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва ижтимоий-психологик ахборот тизимини бошқариш каби қатор, бир-бирига узвий боғлиқ бўлган имкониятларини янада кенгайтиришни тақозо этади. Шу билан бирга, ОАВни бошқариш ва ташкил этишнинг энг мақбул шаклини жорий этиш зарур бўлмоқда. Унинг бевосита давлат ҳокимияти ва ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги муносабат, ўзаро ишончни, жамият ва давлат тараққиётини, фуқаролар якдиллигини, маънавий ва ғоявий жиҳатдан бирлигини таъминловчи кучли воситалар сифатида имкониятларини янада кенгайтириш зарур бўлади.

ОАВ институти, аввало, миллий манфаат, жамият ва шахс эркинлигини ҳисобга олган, ахборот олиш ва уни тарқатиш қафолати ҳамда мажбурияти билан боғлиқ жараёнларнинг бевосита шахсий, маҳаллий, уруғ-аймоқчилик манфаатларидан устун турадиган, умуммиллий манфаатга дахлдор бўлган қадриятга айланиб бормоғи лозим. Ана шундай шароитда жамоатчилик назоратини кучайтиришга йўналтирилган ҳар қандай мазмундаги ахборотни тарқатишдан олдин жамиятнинг маънавий - руҳий ҳолатига салбий таъсир этувчи, ижтимоий, миллий, этник, диний тафовут ва келишмовчиликларни кучайтирувчи, зўравонлик ва урушни тарғиб этувчи, порнография, маиший бузуқлик, шахслар мавқеига, обрўсига ва шаънига салбий таъсир этувчи ахборотларни чегаралашнинг норасмий, виждон билан боғлиқ бўлган, соғлом акл ва юксак тафаккурга таянган маънавий-руҳий меъёрлари вужудга келади.

Ўзбекистонда демократик тамойилларни янада ривожлантириш ва кучли фуқаролик жамиятини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишлар мустақиллик йилларида ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш чора-тадбирларининг изчил ва қонуний тус олганига бевосита боғлиқ. Ана шундан келиб чиқиб, демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида ҳуқуқий демократик давлат тамойилларини амалда рўёбга чиқариш - давлат органлари, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият фаолияти устидан ОАВ орқали жамоат назоратини ўрнатиш зарурати кучайиб бормоқда.

ОАВ фаолиятини эркинлаштириш – жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик принципларни ҳаётга жорий этувчи воситадир. Фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ва сиёсий маданиятини оширишда ОАВнинг роли тобора ошиб бормоқда. Бу, ҳатто, давлат тизими фаолиятининг барча жабҳаларида хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобат муҳитини қарор топтириш ва ҳаммага баробар бўлган шарт-шароитлар яратишга қаратилиши, давлат бошқаруви идоралари вазифаларини давлат ҳокимиятининг қуйи тузилмаларига, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўтказиш масаласида акс этади.

Ўзбекистонда демократик жамият куриш назарияси ва амалиёти ОАВ институти ва жамоатчилик назорати тушунчаларининг моҳияти ва аҳамиятини тобора оширмоқда. Мазкур серқирра, мураккаб, заргарларга хос нозиклик билан ҳал қилишни талаб этган ижтимоий-сиёсий жараён тобора янги мазмун касб этмоқда. Туб янгиланишлар даврининг ўзига хос мураккабликлари, катта геосиёсатдаги суверен давлатларга нисбатан олиб борилаётган ташқи босимларнинг кўлами, шу билан бир қаторда кучли фуқаролик жамиятининг муҳим элементи бўлмиш сиёсий сайловлар тажрибаси мазкур муаммонинг нақадар мураккаблигини намоён қилмоқда. Айникса, ОАВ фаолиятини эркинлаштириш, жамиятда ўтказилаётган ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлайдиган демократик принципларни ҳаётга жорий этувчи жараён экани кундай равшан бўлиб бормоқда.

Давлатнинг иқтисодий соҳага, жумладан, хўжалик юритувчи тузилмалар, биринчи навбатда хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаши ҳамда қонунлар ижроси бўйича

давлат ҳокимияти органлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириши лозим. Айни шу ғояни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов кенг жамоатчилик олдига стратегик масала сифатида қўймоқда. Яъни, ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда давлат тузилмаларининг ролини камайтириш ва бу вазифаларни босқичма-босқич жамоат ташкилотлари зиммасига ўтказиш зарурлигини талаб қилмоқда. Айни ана шу вазифаларни бажариш эса ОАВ институтининг фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ва сиёсий маданиятини оширишдаги ролига ҳам бевосита боғлиқдир.

Ислоҳотлар тақдири, демократлаштиришнинг самарали натижалар бериши ва истиқболи кўп жиҳатдан ОАВнинг аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ақл-заковати ва фидоийлик туйғуларини шакллантирувчи муҳим институт сифатидаги вазифаларини қай даражада бажараётгани билан ҳам боғлиқ. Инсон онгида демократик қадриятларнинг чуқур илдиз отиши, унинг ўз ижтимоий бурчини тушуниш ва ҳақ-ҳуқуқларини янада кенгайтириш истаги, юксак маънавий-маърифий савияга эга бўлиш, ўз манфаатларини онгли идрок қилиш сингари қадриятлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ОАВнинг роли катта. Айни ОАВ тузилмаларининг халқни қарорлар қабул қилиш жараёнларидан хабардор қилиб бориш, ҳукумат қарорлари халқ томонидан қанчалик назорат қилиниши, фуқароларнинг давлатни бошқаришда қанчалик иштирок эта олишини белгилайдиган институт сифатидаги роли тобора ортмоқда.

> • Ўзбекистонда телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга.
>
> • Кейинги 10 йил ичида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони 7 баробар кўпайди.
>
> • республикада Интернет тизимидан фойдаланувчилар сони 6 миллиондан ошди.
>
> ***Ислом Каримов***

1994 йилда республикада 475 та ОАВ, улардан 384 та газета, 66 та журнал, 19 та телестудия, 3 та кабель телевидениеси, 2 та радиостудия ва битта агентлик фаолият кўрсатган бўлса[1], давлатимиз раҳбари ўз маърузасида таъкидлаганидек, кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони қарийб 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг қарийб 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари ҳисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида ҳам тарқатилмоқда.[2]

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг қонунлар ёрдамида мустаҳкамланиши, оммавий ахборот воситалари фаолияти эркинлиги ва мустақиллигини амалда таъминлаш, уларни том маънода "тўртинчи ҳокимият" сифатида шаклланиши учун етарли ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда демократик янгиланишлар жараёнини чуқурлаштириш ва фуқароларнинг эркинликларини таъминлашнинг ғоят муҳим шарти - оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш учун демократик андозаларни жорий этиш бўйича аниқ ва изчил чораларни амалга оширишдир. Бу борадаги асосий вазифа матбуот, телевидение, радио фаолиятини янада либераллаштириш, уларнинг мустақиллиги ва эркинлигини амалда таъминлашдан, оммавий ахборот воситаларини фикрлар ва ғояларни эркин ифода этадиган майдонга айлантиришдан иборат. Бу чоралар натижасида аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётида амалий иштирок этиши учун кенгроқ жалб қилишга эришиш мумкин.

---

[1] ОАВ: ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда // Халқ сўзи. – 2010. – 20 август.

[2] И.Каримов. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси // Халқ сўзи, 2010 йил 13 ноябрь.

Айни чоғда бугунги глобаллашув асрида ахборотга бўлган талаб тобора кучайиб бораётганини эътиборга олиш зарур. Шундай экан, холис ва ҳаққоний ахборотни тарқатиш, инсоннинг бу маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш ҳар қачонгидан кўра бугунги кунда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Буюк ватандошимиз Абу Райҳон Беруний "Хабар, деб ёзади - хабар берувчилар сабабли ростлик ва ёлғонлик тусини олади. Чунки, одамларнинг мақсадлари хилма-хил. Халқлар ўртасида тортишиш ва талашиш кўп". Бундан ўн аср муқаддам айтилган ушбу ҳаққоний сўз нуқтаи назаридан келиб чиқилса, ахборот жанги авж олган бугунги кунда сиёсий жараёнларнинг маъно-мазмунини ва асл сабабларини чуқур англаш, атрофда содир бўлаётган воқеалар ҳақида ҳаққоний маълумотларга эга бўлиш, ҳар қандай нохолис ахборот ҳуружлари замирида рангли инқилоблар, намойишлар ётганини аҳолига ва аввало ёшларимизга тушунтиришда ОАВ нинг ўрни ва таъсир кучи беқиёслиги сён бўлади.

Юртдошларимизни, айниқса ёш авлодни ёт ва зарарли ғоялардан муҳофаза қилиш, хавфсизликка турли таҳдидлар ва хатарларга қарши курашни кучайтириш, мамлакатимиз ҳамда минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлаш борасида ОАВ вакиллари ўзининг қатъий позициясига эга бўлиш, эътиқод қўйган нуқтаи назарни ишонч билан асослай олиш каби хислатларни фуқароларимизда шакллантириш ҳам соҳа вакилларининг муҳим вазифаларидандир.

> Ўзбекистонда кейинги йилларда сунъий йўлдош алоқа тармоғи орқали телерадиодастурларни тарқатиш йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакатимиз телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўғридан-тўғри чиқадиган халқаро каналларга эга. Юртимиздаги телерадиоканаллар томонидан тайёрланаётган кўрсатув ва эшиттиришлар Интернет глобал тармоғи орқали реал вақт режимида жаҳонга узатилмоқда...
>
> ***Ислом Каримов***

Бу борада Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари ичида биринчилар қатори алоқа тармоғининг 4 авлоди ҳисобланган (4G) ишга солганини кайд этиш зарур. Бу технология маълумотларни 100Мб/сек гача тезликда (яъни, 3G тармоғига нисбатан 30 баравар тезроқ) узатиш имкониятига эга. Тизимнинг ишга туширилиши натижасида фойдаланувчи шу ондаёқ сўралаётган маълумотга эга бўлиши мумкин[1].

Бугун замонавий ҳаётни ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) сиз тасаввур килиб бўлмайди. Зеро, бу технологиялар қисқа муддат ичида алоқа қилиш имкониятлари ва ахборот олиш усуллари тўғрисидаги тасаввурларимизни кескин ўзгартириб юборди. Ҳозирги вақтда АКТ жамият турмушининг барча соҳаларида – давлат бошқарувида, иқтисодиёт, сиёсат, тиббиёт, таълим, фан ва маданият, маиший турмуш ва бошқа соҳаларда кенг қўлланилмоқда. Муболағасиз айтиш мумкинки, ҳеч бир мамлакат ахборот-коммуникация технологияларининг доимий равишда такомиллашувига етарли даражада эътибор бермай туриб, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан муваффақиятли ривожлана олмайди. АКТ ахборот олиш, узатиш ва тарқатиш эркинлигини бериш билан бирга одамларга ўзининг интеллектуал салоҳиятини янада тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиб, барқарор иқтисодий ўсиш, фаравонлик даражасини ошириш мақсадларига эришишга ёрдам беради.

Республикада Президентимиз ва давлатимиз томонидан олиб борилган сиёсат туфайли оммавий ахборот воситалари соҳасида юз берган тарихий янгиланишлар ҳақида сўз борар экан, икки масалага алоҳида эътиборни қаратиш зарур. **Биринчиси** – нодавлат оммавий ахборот воситалари институтининг яратилиши. **Иккинчиси** – электрон оммавий ахборот воситалари тизимининг жадал ривожланаётгани масаласи.

Мустақиллик йилларида миллий матбуот тизимида илгари мутлақо кузатилмаган нодавлат оммавий ахборот воситалари институти вужудга келди. Айни пайтда, бу турдаги

[1] Через успехи к новым целям // Народное слово. - 2010 год. - 23 сентября.

оммавий ахборот воситалари ахборот майдонини ахборот билан таъминлашда эмин-эркин фаолият юритмоқда. Шу билан улар нафақат ахборот майдонини, балки жамиятда демократлаштириш муҳитини янада мустаҳкамлашга бевосита ҳисса қўшмоқда. Шуни ҳам таъкидламоқ зарурки, нодавлат оммавий ахборот воситаларининг кўпайиши ўз ҳолига ташлаб қўйилгани йўқ. Балки бу соҳа фаолиятини ҳам моддий-техник жихатдан қўллаб-қувватлаш ҳам кадрлар масаласида кўмаклашишга қаратилган иккита салоҳиятли нодавлат нотижорат ташкилот ташкил этилди. Ҳозирда бу икки ташкилот – Нодавлат электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ҳамда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди самарли фаолият юритмоқда.

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳуқукий тартибга солиш мақсадида мамлакатда 11 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 40 та қарори, 600 дан зиёд қонуности хужжатлари қабул қилиниб, бир қатор миллий дастурлар ишлаб чиқилган. Хусусан, "2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникациялари технологияларини ривожлантириш дастури" ,"Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури"[1] ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мустақиллик йилларида мамлакат Президенти И.А.Каримов томонидан ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилгани боис ушбу соҳани жадал суръатлар билан ривожланиш, мамлакат ялпи ички махсулотидаги улушини кўпайтириш ва уни хорижий ҳамда мамлакатимиз инвесторлари учун янада жозибадор қилиш имконини берди.

Алоқа ва ахборот-коммуникация технологиялари корхоналари самарали фаолияти туфайли 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида улар томонидан 911,6 млрд. сўм миқдорида хизматлар кўрсатилди. Бу 2009 йилнинг шу даврига нисбатан 107 фоизни ташкил этади. Бу маблағнинг асосий қисми 60 фоизи (552,4 млрд. сўм) аҳолига хизмат кўрсатиш натижасида олинган[1].

Ўзбекистонда 2015 йилга қадар тўла рақамли телекўрсатувларга ўтиш режалаштирилган. Мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш ишлари 2007 йилда бошланган бўлиб, дастлаб 2008 йилнинг август-сентябрида Тошкент ва Бухорода рақамли телевизион узатгичлар ўрнатилиб, 12 та теледастур намойиш қилина бошлади. Келгусида теледастурлар сонини 40 тагача етказиш мўлжалланмоқда.[2] Рақамли телевидениега ўтиш натижасида бир частотада бирданига 12 станция кўрсатувлари ташкил этилиши радиочастоталар танқислиги муаммосини ҳал этиб, радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлаш тенг рақобат ва электрон медиа-бозор тармоқларининг монополлашувига йўл қўймаслик учун шароит яратади. Жорий йилнинг охирига қадар рақамли телевидение узатгичларини Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ўрнатиш режалаштирилган. Мамлакатимизда рақамли телевидениенинг қабул қилинган стандарти DVB-T MP-4 бўлиб, у жаҳонда тан олинган ва энг замонавий стандартлардан бири деб қабул қилинган. Ҳозирги кунда республикамиз олимлари томонидан DVB-T MP-4 сигналларини қабул қилувчи тюнерлар тайёрланиб, оммавий ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Уларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида ташкил этилган, ҳар йили корхонада 60 минг донагача бундай юқори технологик ускунани ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.[3]

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов маърузанинг аввалида эришилган ютуқларга махлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилиш реал воқеалардан узилиб қолишга олиб келишига алоҳида урғу берар экан, жаҳон миқёсида кечаётган жараёнларда мустаҳкам ўрин

---

[1] Результаты внедрения высоких технологий // Народное слово. - 2010 год. – 5 августа.

[2] В будущее с новыми технологиями // Uzbekistan today.-2010.-23 сентября. №38.

[3] Телевидение в цифровом формате // Народное слово. - 2010. - 27 июля.

эгаллаш учун ҳар томонлама чуқур ўйланган, аниқ мақсад ва устувор йўналишларни ўз ичига олган тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясига эга бўлиш зарурлигини ўқтириб ўтди. Ушбу мулоҳазалардан келиб чиққан ҳолда, Президент ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашга қаратилган амалдаги бир қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги қонунлар қабул қилишни долзарб аҳамият касб этишини белгилаб, қуйидаги **таклифларни берди:**

Биринчи. "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида" Қонун қабул қилиш зарурлиги. Бунинг натижасида:

❖ фуқароларнинг ахборот соҳасидаги конституциявий ҳуқуқини янада кенгроқ амалга ошириш имконияти яратиб берилади;

❖ давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг қабул қилинаётган қарорлар сифатини ошириш борасидаги масъулияти ошади;

❖ давлат ҳокимияти органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб бориш тартибларини аниқ белгилаб беради;

❖ аҳолининг, жамоат бирлашмаларининг давлат ҳокимияти органлари томонидан қабул қилинаётган қарорлар, авваламбор фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари билан боғлиқ қарорлар ҳақидаги ахборотлардан кенг хабардор бўлиб боришини таъминлайди;

❖ Мазкур қонуннинг жорий этилиши ижро ҳокимияти органлари фаолиятининг, юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг, давлатнинг ички ҳамда ташқи сиёсатининг очиқлиги ва ошкоралигини, мамлакатимиз ва хорижда кечаётган воқеа-ҳодисалар хусусида фикрлар хилма-хиллиги ва сиёсий плюрализмни ҳисобга олган ҳолда, таъминлаши зарур.

Иккинчи. Демократлаштириш жараёнларида аҳамияти тобора ортиб бораётган ахборот коммуникациялари соҳасининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган телерадио тизимини ривожлантиришга қаратилган **"Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида" Қонун** қабул қилиш ҳақида таклиф киритилди.

Давлат раҳбари, ҳозирги вақтда ушбу соҳадаги фаолият оммавий ахборот воситалари, радиочастота спектри, телекоммуникациялар, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунларнинг муайян моддалари билан тартибга солиб келинаётганини, эндиликда телерадиоэшиттиришлар соҳасини мустақил қудратли индустрия сифатида қайта ташкил этиш, телерадиоэшиттиришларнинг янги шакл ва турларининг пайдо бўлиши телерадиодастурларни тайёрлаш ва узатиш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тизимли ва кенг кўламли равишда тартибга соладиган яхлит қонунни кучга киритиш зарурати туғдираётганини қайд этди. Бу қонуннинг қабул қилиниши:

❖ телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни янада кучайтириш;

❖ телерадиодастурларни узатиш борасида мобил ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш;

❖ телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратиш;

❖ миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркинлиги ва мустақиллиги каби принципларини белгилаб бериш;

❖ радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлаш;

❖ тенг рақобат ва электрон медиа-бозор тармоқларининг монополлашувига йўл қўймаслик учун шароит яратиш ва бошқа бир қатор муаммоларни ечишни назарда тутади.

Учинчи. Давлатимиз раҳбари оммавий ахборот воситалари эркинлиги ва мустақиллигини янада мустаҳкамлаш муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ишончли ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий кафолатлари ва механизмларини кучайтириш, ахборот соҳасига бозор механизмларини жорий қилиш билан бевосита боғлиқ эканлигини таъкидлаб, ушбу вазифани амалга ошириш учун **"Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг**

иқтисодий асослари тўғрисида", "Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида"ги қонунларни қабул қилиш юзасидан таклиф киритди. Бу қонунлар:

❖ ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;

❖ қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш;

❖ миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга қаратилган бошқа ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади.

Тўртинчи. Оммавий ахборот воситаларининг давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик ва парламент назоратини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш борасидаги ролини кучайтиришга қаратилган самарали ҳуқуқий механизмларни яратиш мақсадида мамлакат Президенти **"Оммавий ахборот воситалари тўғрисида", "Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида"**ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни таклиф этди. Бу ўзгартиш ва қўшимчаларда:

❖ давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш;

❖ оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш;

❖ ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар ўз аксини топиши назарда тутилади.

> Маълумки, фукароларнинг ахборот соҳасидаги ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш масаласи инсоннинг ахборот олиш, ахборотни ва ўз шахсий фикрини таркатиш ҳуқуқи ва эркинлигини ўзида мужассам этган бўлиб, бу Ўзбекистонда демократик жамият асосларини барпо этишнинг муҳим шарти, таъбир жоиз бўлса, тамал тоши ҳисобланади.
>
> ***Ислом Каримов***

Қолаверса, Президент Ислом Каримов сиёсий модернизация жараёнларида тобора муҳим аҳамият касб этиб бораётган замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан давлат ва жамият қурилиши тизимида кенг фойдаланиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб, **"Телекоммуникациялар тўғрисида"ги Қонун** нормаларини янада такомиллаштириш; рақамли телерадиоэшиттириш тизимига ўтиш бўйича тадбирлар давлат дастурини ишлаб чиқиш; мазкур дастур рақамли телерадиоэшиттиришлар инфратузилмасини шакллантириш; бу борадаги фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга соладиган самарали тизимни яратиш зарурлигини кайд этди.

Демократик жамиятнинг бирламчи ва энг муҳим шарти мамлакатда ахборот ва сўз эркинлигини қарор топтириш дунё миқёсида эътироф этилган ҳақиқат эканлигидан келиб чиқилса, бўлиб ўтган қўшма мажлисда муҳтарам Президентимиз илгари сурган ғоялар, йўл-йўриқлар, белгилаб берган мақсад ва вазифаларнинг нақадар долзарблиги аён бўлади. Зеро, маърузада таъкидланганидек, "юқорида зикр этилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши оммавий ахборот воситаларининг фукаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашга, фуқароларнинг сўз эркинлиги ва танлаш эркинлигини таъминлашга қаратилган конституциявий ҳуқуқларини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга ёрдам беради".

Сиёсий тизимда оммавий коммуникацияга эҳтиёжнинг жамият хаёти билан тўғридан тўғри боғлиқлиги, ўтмишда анъанавий давлатларда коммуникация воситалари имкониятларининг чегараланганлиги, ахборот технологияларининг инқилоби ОАВ имкониятлари динамикасига сезиларли таъсир утказмоқда. Истиқлол йилларида ОАВни эркинлаштириш бўйича амалга оширилган тадбирлар жамоатчилик назоратининг жамиятдаги қонунсизлик ва адолатсизликка барҳам беришига катта туртки берди. Мазкур вазифани бажаришда ОАВнинг жамиятга ҳаққоний маълумотлар етказиб бериш имконияти

эса тўлаконли жамоатчилик фикрининг ошкоралик ва хабардорликка талабининг ошиб бораётганидан келиб чикади. ОАВнинг сиёсий хокимиятни амалга ошириш механизмида жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш омили кўп жихатдан ОАВда вазиятни холис бахолаш, ислохотларга кенг оммани жалб қила олиш тенденцияларида акс этади.

Зеро, демократлаштиришнинг самарали натижалари бир неча ўн йилликлардаги жиддий синовларни бошидан ўтказиши халқнинг, миллатнинг миллий сиёсий менталитети, жумладан шу жамиятда мавжуд бўлган ОАВ институтларининг ижтимоий-сиёсий мавқеи, интелектуал салоҳиятига ҳамда профессионал маҳоратига бевосита боғлиқ жараёндир.

2.4. ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ҲУҚУҚИ ЭРКИНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САЙЛОВ ҚОНУНЧИЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Ўзбекистон халкининг бош мақсади ҳукукий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўлиб, бунда халқнинг хоҳиш-иродаси бирламчи манба сифатида эътироф этилади ҳамда умуминсоний қадриятларни улуғлаш ва халқаро умумэътироф этилган қоидаларнинг устуворлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва кучли фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга қаратилган босқичма-босқич изчил ислоҳотлар ўтказилиб келинмоқда.

Сайлов ҳуқуқи бутун дунёда эътироф этилган энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга давлат ҳокимияти органларига ўз вакилларини юбориш имкониятини беради. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини ҳеч тўскинликсиз амалга оширишлари уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим кафолатларидан биридир. Юртбошимиз И. А. Каримов таъбири билан айтганда: "Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, айниқса, яккол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши – буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди"[1].

> Демократия ҳамма жойда бир хил. Унинг умумий тамойиллари ҳамма учун тушунарли: бу – демократиянинг ажралмас қисми бўлган халқ ҳокимияти, халқнинг хоҳиш-иродаси ва очиқ, эркин сайловлардир. Бу – охир-оқибатда ҳар қандай демократиянинг энг юқори поғонаси бўлган фуқаролик жамиятидир.
>
> ***Ислом Каримов.***

Асосий қонунимизнинг мукаддима қисмида баён этилган олий мақсадларга эришиш, конституциявий тузумни янада мустаҳкамлаш борасида ўтказилаётган давлат-ҳуқуқий ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш демократик талаблар ва андозаларга жавоб берадиган сайлов тизимининг амалда бўлишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, сайлов тизимининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириб бориш, ушбу ҳуқуқий нормаларни ҳаётга муваффақиятли тарзда татбиқ этиш ва шаклланган демократик анъаналарни давом эттиришдан иборат.

Ҳар қандай демократик давлатда халқнинг хоҳиш-иродаси бирламчи манба сифатида эътироф этилади ҳамда ушбу тамойил умуминсоний қадриятларни улуғлаш ва халқаро умумэътироф этилган қоидаларнинг устуворлигини таъминлашда асосий омил бўлиб хизмат қилади. Дарҳақиқат, сайлов ҳуқуқи ва сайлов жараёни ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг сиёсий соҳаси ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Агар сайлов ҳуқуқи сайланган вакилларга ҳокимият ваколатларини қўлга киритиш ҳамда уни навбатдаги сайловларда янгитдан сайланган вакилларга ўтказиш билан боғлиқ давлат-ижтимоий фаолиятининг муайян жиҳатларини тартибга солишни англатса, сайлов жараёни эса, субъектив сиёсий

[1] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан курамиз. Т.7.–Тошкент: "Ўзбекистон", 1999.–310-бет.

ҳуқуқларни амалга оширишнинг шакли сифатида сайловчиларнинг давлат ҳокимиятини ташкил этиш ва уни амалга оширишда иштирок этишлари шароитини акс эттиради.

Ҳуқуқий демократик давлатнинг муҳим тамойилларидан бири саналган, Ўзбекистон Республикасида белгиланган сиёсий ҳуқуқлар негизини ташкил этувчи фуқароларнинг давлат ва жамият ишларини бошқаришда бевосита ва билвосита иштирок этиш ҳуқуқларининг кафолатлари, энг аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамланган "Халқ давлат ҳокимиятининг бирдан-бир манбаидир" деган тамойилни амалга ошириш мақсадини кўзлайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади"[1] деган қоида белгиланиб, бу, биринчидан, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг конституциявий асосга эгалигини, иккинчидан эса, сайловлар демократик бошқарувни таъминловчи воситалардан бири эканини кўрсатади. Аслида ҳам сайлов институти демократик давлатнинг энг муҳим конституциявий-ҳуқуқий институтларидан бири бўлиб, унинг қандай ташкил этилиши жамият аъзолари сиёсий-ҳуқуқий онгига бевосита боғлик.

> Сайловлар – бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир.
>
> ***Ислом Каримов***

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида сайлов тизими принципларига бағишланган махсус бобнинг мавжудлиги мамлакатимиз сайлов қонунчилигини шакллантиришда муҳим қадам бўлди. Унинг XXIII боби "Сайлов тизими" деб номланиб, 117-моддада "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш тенглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади" дейилган муҳим конституциявий принципларда ўз аксини топган.

Моҳиятан серқирра ҳисобланган сиёсий-ҳуқуқий жараёнларни мақсадли, тизимли ва самарали амалга ошириш усулларини топиш ва йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистонда сайлов жараёни мунтазам равишда такомиллаштирилиб борилмокда.

Мустақиллик даврида халқаро ҳуқуқ андозалари ва талаблар, илғор хорижий тажриба ва миллий-тарихий анъаналар ҳамда конституциявий принциплар асосида қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги (1991 йил 18 ноябрь), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги (2003 йил 29 август (янги таҳрири)), "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги (1994 йил 5 май), "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги (1994 йил 5 май), "Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги (1998 йил 30 апрель) конунларда ўз аксини топган.

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – Б. 8.



2.4.1-расм.

Ушбу қонунлар ўтказилган сайловларда тўпланган тажрибалар, кўппартиявийликнинг ривожланиши ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалиб бориши натижасида такомиллашиб борди. Ушбу қонунлар давлат ҳокимиятини демократик сайловлар орқали шакллантириш бўйича умумэътироф этилган халқаро принциплар ва ҳуқуқий нормаларга тўлиқ мос келади ва энг асосийси, уларда барча турдаги сайловларни адолатли ва эркин,

умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказиш принципларини тўлиқ таъминлашга қаратилган етарли ташкилий-ҳуқуқий механизмлар акс этган(2.4.1-расм).

Истиқлол йилларида Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ андозалари ва талабларига, илғор чет эл юридик тажрибасига ва миллий-тарихий анъаналаримизга ҳамда Конституциямизга мос сайлов қонунчилиги тизими яратилди. Миллий сайлов қонунчилиги тизимининг яратилиши ва ривожланишини қуйидаги уч асосий босқичга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқич (1991-1995 йй.) – Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ҳамда бир палатали Олий Мажлисни кўппартиявийлик асосида шакллантириш билан боғлиқ даврни ўз ичига олади.

Бу даврда "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги (1991 йил 18 ноябрь), Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (1992 йил 8 декабрь), "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида"ги[1] (1993 йил 28 декабрь), "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги (1994 йил 5 май), "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги (1994 йил 5 май) Қонунларнинг қабул қилиниши билан умумэътироф этилган принциплар орқали кўппартиявийликка асосланган, муқобил сайловларни ташкил этишнинг ҳуқуқий базаси яратилди. Жумладан, 1994 йил 5 майда муҳим ҳужжат – "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши билан фуқароларга сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш ва уларнинг ўз хоҳиш-истакларини эркин ифодалаш механизми жорий этилди.

Иккинчи босқич (1995-2000йй.) – биринчи босқич даврида миллий сайлов қонунчилиги асосида ўтказилган парламент сайловларида тўпланган амалий тажрибага мувофиқ сайлов тизимининг демократик асосларини мустаҳкамлаш ва қонунларга тегишли ўзгартишлар киритиш каби тадбирларни ўз ичига олади.

Жумладан, бу босқичда сайловларни ташкил этиш ва натижаларини аниқлашда холисликни таъминлаш ҳамда турли эҳтиросларга йўл қўймаслик мақсадида мустақил орган – Марказий сайлов комиссияси тузиш борасида, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги (1998 йил 30 апрель) Қонун қабул қилинди ва мамлакатимиз тарихида илк бор демократик йўл билан Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тузилди. Сайлов қонунчилигимизга сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бўлган, энг ривожланган демократик давлатлар тажрибасида ҳам камдан-кам учрайдиган мутлақ ваколатларнинг Марказий сайлов комиссиясига берилишини кўзда тутадиган ўзгартишлар киритилди. Амалдаги қонунчилигимизга кўра, сайлов кампанияси жараёнига давлат ва ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмалари томонидан аралашишга қаратилган ҳар қандай уриниш қонун билан тақиқланганлиги сайловларнинг адолатли ўтказишга хизмат қилмоқда.

> Ҳаётда адолат ўрнатиш, албатта, ижтимоий тараққиётнинг кўпдан-кўп омилларига боғлиқ. Аммо энг муҳим, ҳал қилувчи омиллардан бири – бу эркин, одил сайлов тизимидир. Яъни, ҳар қайси поғонада – жамоами, маҳаллами, корхонами, туманми, шаҳарми, вилоятми, давлатми, унинг ривожи ва тақдири кўп жиҳатдан муносиб ёки номуносиб шахсларни, ваколатларга эга бўлган раҳбарларни, шу жумладан, ҳаётимиз – келажагимизни ишониб топширган нойиб-депутатларни сайлаб олишимизга боғлиқдир.
>
> ***Ислом Каримов***

Бундан ташқари, ушбу босқичда депутатликка мустақил номзодларни илгари суришни кучайтириш, Ўзбекистонда кўппартиявийлик ва сиёсий фикрлар хилма-хиллигини кучайтиришга кенг шарт-шароитлар яратишга қаратилган нормалар мустаҳкамланди. Шунингдек, 1999 йил 19 августда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ҳамда халқ депутатлари, туман ва шаҳар Кенгашларига

[1] Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1994. – № 10. – 250-модда.

сайловлар тўғрисидаги конунларга бир қатор жиддий қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди.

Сайлов жараёнининг муҳим субъектлари саналган сиёсий партиялар фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Конунининг 1996 йилнинг декабрида қабул қилиниши билан 1999 йилда ўтказилган парламент сайловларига янги ҳуқуқий замин яратилди[1]. Сиёсий партияларнинг Олий Мажлисда ўз сиёсатини уюшган ҳолда ўтказиш учун парламент фракцияларини ташкил этишнинг қонуний кафолатлари вужудга келди. Энг муҳими, сиёсий партияларнинг сайлов тартиб-қоидаларига риоя қилинишини назорат этиш бўйича ваколатлари кенгайди ва номзод кўрсатган сиёсий партия ҳар бир сайлов участкасига ўз кузатувчисини тайинлаш ҳуқуқига эга бўлди. 1999 йилда ўтказилган парламент сайловларида фуқаролар иккинчи маротаба бир нечта номзод орасидан ўзларига маъқулларини сайлашди, уларнинг ҳар бирига тегишли баҳо беришди. Бу сайловларда рақобат янада кучли, сайловчиларнинг номзодларга нисбатан талаблари эса янада юқори бўлди (2.4.2-расм).

Учинчи босқич (2000-2009 йй.) – мамлакатимизда фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври бўлиб, иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишда муҳим роль ўйнаган давр бўлди. Бу давр бевосита икки палатали парламаент тизимига ўтиш билан боғлиқ сайлов қонунчилигининг тадрижий тараққиётига асосланган учинчи босқичнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов 2000 йил 25 майда бўлиб ўтган Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг иккинчи сессиясидаги "Ўзгариш ва янгиланиш – ҳаёт талаби" маърузаларида: "... ҳаёт ўзгариши билан, одамларимизнинг аввалги сиёсий ва маънавий онги улғайиши билан, бизнинг парламентимизнинг ташкил этилишида ҳам, унинг фаолиятида ҳам ўзгаришлар бўлиши табиий. Шу ҳолатларни назарда тутиб, мен доимий асосда ишлайдиган икки палатали парламент тизимига ўтиш таклифини киритмоқчиман"[2], - деб, илгари сурган мазкур ғоялари бу даврда қабул қилинган қонун ижодкорлик фаолияти дастурида марказий бўғин бўлди[3]. Бунда қуйи палата – Қонунчилик палатасини шакллантиришда асосан партиявий вакиллик принципи устувор бўлди.

Сиёсий партия вакилларининг ўз ижтимоий-сиёсий қарашлари ва сайловчилар манфаатларини ифодалаш учун кенг имкониятлар яратилди. Парламентнинг юқори палатаси – Сенат ҳудудий вакиллик органи сифатида эътироф этилди ҳамда унинг асосий таркиби поғонали сайловлар асосида шаклланиши конституциявий қонунда мустаҳкамлаб қўйилди[4]. 2002 йилда ўтказилган умумхалқ референдуми қарорлари натижасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган ўзгартишлар натижасида

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлов тегишлича уларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилади"[5], дейилган қоиданинг мустаҳкамланиши сайлов жараёнининг бошланиш муддатига аниқлик киритди.

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 1997. – № 2. – 36-модда.

[2] Каримов И.А. Озод ва обод ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 483-бет.

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "2002 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари бўйича қонунчилик фаолиятини асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 4–5. – 61-модда.

[4] Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 12. – 213-модда.

[5] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.



2.4.2-расм.

Давлат бошқарувини демократлаштириш ва янгилаш ҳамда эркинлаштириш шароитида Президент ваколат муддатининг ўзгартирилиши ва айрим ваколатларининг Сенат ва Бош вазирга ўтказилиши, шунингдек, икки палатали парламентнинг барпо этилиши "Сайлов тўғрисида"ги қонун ўзгаришига олиб келди. Шу боис 2003 йилнинг 29 августида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги[1] Қонун янги таҳрирда қабул қилинди ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шундай қилиб, икки палатали парламентга сайловлар учун зарур норматив-ҳуқуқий база яратилди. Унда сайлов ҳуқуқига оид халқаро стандартлар ва сайлов тизимини ривожлантириш тажрибаси, шунингдек, мамлакатда парламентаризм тараққиётининг миллий хусусиятлари эътиборга олинди. Масалан, 2004 йилги сайловларга қадар сайлов қонунчилигига жорий этилган энг муҳим янгиликлар қаторида – маҳаллий кенгашларнинг депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи бекор қилинганлиги, сиёсий партиялар депутатликка номзодлар кўрсатганида хотин-қизлар учун квота белгиланганлиги, шунингдек, сайловолди ташвиқотини олиб боришда партиялар фаолиятини молиялаштириш масаласининг ҳал этилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. 2004 йил 30 апрелда "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонун эса

[1] Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003. – № 9–10. – 132-модда.

партияларга сайловолди курашини фаол ва мазмунли тарзда ўтказишларига қўшимча имкон *яратди*[1].

Шунингдек, 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Давлат бошқарувини янгилаш ва демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг қабул қилиниши сиёсий партияларнинг давлат бошқаруви ва парламент фаолиятидаги иштирокини янги поғонага кўтарди. Бу эса, сиёсий партияларнинг сайловлар орқали давлат ҳокимиятини шакллантиришга бўлган интилишлари учун янада кенг имкониятлар яратиб беради.

Бундан ташқари, 2008 йил 25 декабрда қабул қилинган ва 2009 йил 1 июлдан сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун сайлов жараёнининг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантирди. Ушбу қонунга мувофиқ, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринларининг сони 120 тадан 150 тага кўпайтирилди. Бунда 135 та ўринни сиёсий партиялардан кўппартиявийлик асосида бир мандатли округларда сайланадиган депутатлар эгаллайди. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан эса Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган муддатларда сайланадиган бўлди. Шунингдек, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган реал жараёнларда сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётгани инобатга олиниб, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институти бекор қилинди. Шунингдек, депутатликка номзодлар ишончли вакилларининг сони 5 нафардан 10 нафарга ошди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини янада кучайтиришни таъминлашга йўналтирилган бир қатор янги тартиб-қоидалар жорий этилди.

Миллий сайлов қонунчилик тизимининг янада такомиллашуви натижасида давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловларнинг фақат кўппартиявийлик асосида ўтказилиши қатъий белгилаб қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни сиёсий партиялар томонидан, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодларни эса – сиёсий партияларнинг жойлардаги тегишли органлари томонидан кўрсатилиши тўғрисидаги принципиал қоида мустаҳкамланди. Депутатликка номзодларнинг давлат ҳокимияти вакиллик органлари томонидан кўрсатилиш амалиёти бекор қилинди ва бу мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларни чуқурлаштириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Олий Мажлис Сенатига ўтказиладиган сайлов Асосий қонуннинг сайлов тўғрисидаги 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида"ги Қонунга кўра ўтказилади (2.4.3-расм).

Сайловларни самарали ташкил этиш ва ўтказиш учун махсус ташкил этиладиган давлат органлари ҳамда ижтимоий тузилмалар, яъни муайян тизимлашган сайлов комиссиялари фаолият юритиши кўзда тутилган бўлиб, мазкур комиссиялар барча турдаги ва даражадаги давлат ҳокимияти вакиллик органлари ўтказиладиган сайловларни ташкил этади. "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига кўра Марказий сайлов комиссияси:

❖ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий

[1] Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон овозимиги. – 2004. – 5 май. – №85. – 3-модда.

Мажлисига сайлов ва Ўзбекистон Республикаси референдуми тўғрисидаги қонунларнинг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланилишини таъминлайди;

❖ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганини эълон қилади;

❖ сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайлов ва референдумни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ҳамда низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар бериб боради;

❖ сайлов округларини, референдум округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда округлар рўйхатини эълон қилади;

❖ Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

❖ округ сайлов комиссияларини ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузади ҳамда уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади;

❖ сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

❖ округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади; чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумга мандатлар беради;

❖ сайловга ва референдумга тайёргарлик кўриш ҳамда уларни ўтказишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига ҳамда референдум ўтказувчи комиссияларга тақсимлайди, бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди, сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайлов ҳамда референдумни моддий-техник жиҳатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чиқади;

❖ сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди;

❖ тақдим этилган ҳужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан қарор қабул қилади;

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва давлат ҳокимияти вакиллик органларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан тегишли ҳужжатларни қабул қилиб олади;

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар ҳақидаги маълумотлар матбуотда эълон қилинишини уюштиради;

❖ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди;

❖ Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар

баённомаларининг ҳамда бошқа ҳужжатларнинг намуна ва шаклларини, овоз бериш қутиларининг ҳамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар мухрларининг намуналарини, ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;



2.4.3-расм.

❖ сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари ҳамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

❖ сайловнинг ва референдумнинг якунини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниқлайди ҳамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ёки референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сони тўғрисидаги, ҳар бир номзодни ёқлаб ва унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган масалани ёқлаб ёки унга қарши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон қилади;

❖ қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенати аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлови ўтказилишини ташкил этади;

❖ сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларини, Сенатининг аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек, уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади;

❖ сайловдан кейин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини қонунда белгиланган тартибда чақиради;

❖ сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида гувоҳнома топширади;

❖ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатига ва Сенатининг аъзосига Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради;

❖ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

❖ Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунлари жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганига доир материалларни прокуратура органларига оширади;

❖ сайловни ва референдумни ташкил этиш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивга топширилишини таъминлайди;

❖ Марказий сайлов комиссиясининг регламентини тасдиқлайди;

❖ қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

Сайлов жараёни билан боғлиқ ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини ўрганиш ва такомиллаштириш – бу жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш давридаги ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Мазкур соҳага оид вазифаларнинг долзарблигига эътибор қаратиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов: "Жамиятимизни ривожлантириш борасида замон олдимизга қўяётган вазифаларни бажаришда, шубҳасиз, сайлов тизимини янада такомиллаштириш ўта муҳим ва долзарб аҳамият касб этади. Биз барчамиз оддий бир ҳақиқатни тушуниб олишимиз керак. Давлат ва жамиятни бошқаришнинг мукаммал лойиҳасини қабул қилиш, уни Конституция ва қонунларда муҳрлаб қўйиш мумкин, албатта. Лекин биз ана шу ҳокимиятни сайлаш ва шакллантиришда халқ хоҳиш-иродасининг эркин намоён бўлишини таъминлай олмасак, энг етук, юксак демократик тамойилларга жавоб берадиган сайлов тизимини марказда ҳам, жойларда хам жорий этмасак, билиб қўйинглар, буларнинг барчаси ҳеч нарсага арзимайдиган қуруқ гап бўлиб қолади", деган фикрларни билдирган[1].

Кўриниб турибдики, мустақиллик йилларида миллий сайлов қонунчилигимиз изчиллик билан, босқичма-босқич ривожланиб бормоқда. Бошқача қилиб айтганда, Ўзбекистон сайлов

[1] Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 77-бет.

тизими ҳар бир босқичда Конституция ва халқаро андозаларга мос равишда, ислоҳотлар мақсади ва фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий онгининг ўсиб боришига мутаносиб тарзда янги поғонага кўтарилиб бориши натижасида Ўзбекистон Республикасининг халқаро андозалар ва демократик талабларга тўлиқ жавоб берадиган сайлов қонунчилигининг амалиётда изчил қўлланилиши давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг муҳим ва зарурий таркибий қисмига айланди.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларида яратилган сайлов қонунчилигимиз ва ўтказилган сайловлар биз қураётган демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти сари танлаган ўзимизга хос ва ўзимизга мос йўл – тараққиётнинг "ўзбек модели" нечоғли тўғри эканлигини яққол исботлаб бермоқда. Давлат боплиги таъкидлаганидек, ўтказилган сайловлар яна бир ҳақиқатни яққол тасдиқлади: мамлакатимизнинг демократик янгиланиш ва эркин ижтимоий тузумга хос бўлган барча асосий қадриятларни ўзида мужассам этган фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги босқичма-босқич, изчил ҳаракати ҳозирги кунда ҳеч қандай куч тўхтата олмайдиган мукаррар, қонуний жараёнга айланди

1. Ўзбекитон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича концепциянинг ишлаб чиқилиши.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил декабрь ойида вакиллик органларига ўтказилган сайловлар бўйича концепцияси Ўзбекистон Республикасида вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларни самарали ташкил этиш ва қонуний ўтказилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Концепцияни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунларида белгиланган қоидалар асос қилиб олинди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг **117-моддасига** мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ушбу сайловларни ташкил этишда Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикасининг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонунининг 2-моддасига кўра, ўз фаолиятини қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлилик принциплари асосида амалга оширади.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш ҳамда янги давлатчилик асосларини яратиш ва ҳокимият тизими демократик асосларда шакллантиришда, шунингдек, фуқароларимизнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги тобора кучайиб боришида сайловларнинг ўрни бекиёсдир.

Президент сайловларида эркин ва адолатли сайлов ўтказиш бўйича катта тажриба тўпланди. Айниқса, сайловларнинг мамлакатимизда кўппартиявийликни ривожлантиришдаги аҳамияти ва таъсири тобора ортиб бормоқда. Сиёсий партияларнинг

Статистик маълумотлар

1994 йилги сайловда 11 248 000 сайловчидан 10 526 654 таси ёки 93,6 фоизи иштирок этган бўлса, 1999 йилнинг декабридаги сайловда 12 692 202 сайловчидан 12 061 266 таси (рўйхатга олинган барча сайловчиларнинг 95,03 фоизи) иштирок этди. 2004 йил 26 декабрдаги Қонунчилик палатасига сайловда эса 12197159 (85,1 фоиз) сайловчи бевосита иштирок этди. 2009 йил 27 декабрдаги Қонунчилик палатасига сайловда эса 15108950 (87,8 фоиз) сайловчи бевосита иштирок этди.

сайлов жараёнининг асосий субъекти сифатидаги мавқеини йилдан йилга ошиб боришини қуйидаги рақамлардан кўриш мумкин.

Мамлакатни ривожлантириш ва модернизация қилишда юқори суръатларни таъминлаш ишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган, шу даврда амалга оширилган ўзгартишларнинг энг муҳим натижаларидан бири ижтимоий онгдаги чуқур ўзгаришлар, одамларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги, ҳуқуқий ва сиёсий маданияти даражасининг бекиёс ўсганлиги билан белгиланади.



2.4.4-расм.

Концепцияда "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни аҳолининг ижтимоий, сиёсий фаоллигини кучайтиришда, чинакам кўппартиявийликни ривожлантиришда,

демократик ислоҳотларни чуқурлаштиришда ғоят муҳим роли кўрсатилган. Ушбу қонун парламентдаги турли сиёсий йўналишларга амал қилувчи партиялар фракцияларининг ҳуқуқий мақомини аниқ белгилаб берди, уларнинг қонун ижодкорлиги иши самарадорлигини оширишда тутган ўрнини, фракцияларараро соғлом тортишувни сезиларли даражада оширди. Парламентдаги кўпчиликнинг ва парламентдаги мухолифатнинг ҳуқуқлари қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйилди. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида учта партия — ЎзЛиДеП, "Миллий тикланиш" демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси фракцияларининг Демократик блоки тузилган ва самарали ишлаб турибди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси тимсолида парламент мухолифати фаолият кўрсатмоқда. Қонун сиёсий партияларнинг марказда ва жойларда ижро этувчи ҳокимият органларининг шакллантирилишига, уларнинг фаолияти устидан самарали жамоатчилик назорати йўлга қўйилишига фаол таъсир кўрсатиши учун ташкилий-ҳуқуқий шароитлар яратди. Буларнинг барчаси демократик ислоҳотларнинг бутун жараёнига, кўп партиявийлик тизимининг тадрижий ривожланишига, мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари мустаҳкамланишига улкан таъсир кўрсатди.

Давлатимиз раҳбари таклифига биноан Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун мамлакатимизнинг демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида муҳим қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикасининг 13 та қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритган қонун мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштиришнинг янги даврини бошлаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасининг 15 нафар депутати Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланади. Бу янги қоидадан келажакда Экологик ҳаракатнинг янги сиёсий куч сифатида шаклланаётганлигини кузатишимиз мумкин. Ушбу қоида орқали сайлов қонунчилигига ўзига хос янгилик – депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди. Экологик ҳаракатга катта ишонч ва юксак ваколат берилишининг муҳим шарти – глобал муаммо ҳисобланган экология бузилишининг олдини олиш, атроф-мухит муҳофазасини таъминлашнинг янги ҳуқуқий механизмини жорий этишдан иборат.

Концепцияда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига улкан масъулият юкланиб, ундан мавжуд қонун талаблари асосида комплекс чора-тадбирларни қамраб олган сайлов жараёнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш дастури ва режаси сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни самарали ташкил қилишга қаратилган асосий вазифаларининг иккита йирик босқич доирасидаги асосий йўналишлари кўрсатилган.

Биринчи босқич – бу Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилгунга қадар давом этадиган дастлабки тайёргарлик ишлари.

ккинчи босқич – Марказий сайлов кампанияси томонидан сайлов кампанияси расман эълон қилинган кундан бошлаб, то сайлов натижалари эълон қилингунга қадар давом этадиган, бевосита сайлов жараёни билан боғлиқ ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими.

Сайлов жараёни қуйидаги босқичларни ўз ичига олади: биринчи - МСК томонидан сайлов кампанияси бошланганини эълон қилиш; иккинчи - сайлов округларини, сайлов участкаларини тузиш; учинчи - сайлов комиссияларини тузиш; тўртинчи - номзодларни кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш; бешинчи - депутатликка номзодлар кўрсатиш ва уларни рўйхатга олиш; олтинчи - сайловолди ташвиқоти; еттинчи - сайловчиларнинг рўйхатларини тузиш; саккизинчи - овоз бериш ва сайлов натижаларини аниқлаш; тўққизинчи - сайлов якунларини эълон қилиш ва депутатларни рўйхатга олиш. Ушбу босқичларга оид барча процедураларни қонуний ва очиқ ҳамда ошкора ўтказишга эришиш лозим. Мазкур режада

белгиланган талбирларга сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар ва ўзини ўзи бошкариш органлари хамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокидаги кенг жамоатчилик жалб этилиши кўзда тутилган.

Концепцияда Марказий сайлов комиссияси сайлов жараёнининг хар бир боскичида ахборот таъминотига жиддий эътибор бериши ва сайлов жараёнининг очик ва ошкора ўтказилиши бош мезон сифатида белгиланди. Сайлов жараёнининг *ахборот таъминоти* билан боғлиқ масалаларни тўғри хал қилиниши, шу жумладан, замонавий ахборот технологиялари шаклларидан кенг фойдаланиш катта аҳамиятга эга. Бу, *биринчидан*, сайловларнинг асосий принципларидан бўлган ошкоралик ва очикликни тўла таъминлаш учун кенг имкониятлар яратса, *иккинчидан*, ахборот таъминоти фуқароларни сайловларда юкори даражада иштирок этиши ва ўзлари танлаган номзодга эркин ва онгли равишда овоз беришларини таъминловчи асосий восита бўлади. Бинобарин, энг мукаммал ва хаккоий ахборотга эга сайловчигина ўзининг сиёсий иродасини тўлик намоён қилиб, эркин овоз бериши мумкин бўлади.

Статистик маълумотлар

1994 йилги биринчи чақирик Олий Мажлисга ўтказилган сайловларда атиги икки партия иштирок этган "Халқ демократик партияси"дан 69 депутат ва "Ватан тараққиёти" партиясидан 14 депутат хамда хокимиятнинг вакиллик органларидан бир блок - 167 депутат сайланган, бунда партиялар томонидан сайланганлар депутатлар умумий сонининг ***33 фоизини*** ташкил қилган. **1999 йилги** парламент сайловида қатнашган партиялар сони ортиб, улар сони бештага етди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 49 нафар депутат, "Ватан тараққиёти" партиясидан 20 нафар депутат, "Адолат" социал-демократик партиясидан 11 нафар депутат, "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 10 нафар депутат хамда "Фидокорлар" миллий демократик партиясидан 34 нафар депутат сайланган. Партиялардан сайланган депутатлар умумий депутатлар сонининг ***45 фоизини*** ташкил қилган. **2004 йилги** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ўтказилган сайловларда амалда фаолият юритаётган 5 та партия иштирок этди. Ушбу сайловлар натижасида Ўзбекистон Либерал демократик партиясидан депутатларнинг 34,3 фоизи, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан депутатларнинг 23,3 фоизи сайланди. Шунингдек, Фидокорлар партиясининг 11 аъзоси, "Адолат" партиясининг 10 аъзоси Қонунчилик палатасида ўрин олди. Партиялардан кўрсатилган депутатлар сони умумий депутатларнинг ***88.4*** фоизини ташкил қилди. **2009** йилдаги сайлов натижасига кўра, Ўзбекистон Либерал - демократик партияси сайловчиларнинг энг кўп овозини олди. Ўзбекистон Либерал - демократик партиядан депутатларнинг 53 нафари, Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан 32 нафари, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясидан 31 нафари, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг 19 аъзоси сайланди.

Учинчи боскич - сайлов кампаниясининг якунловчи боскичида депутатликка номзодлар, уларнинг ишончли вакилларини номзод килиб кўрсатиш ва рўйхатга олиш тартибини белгилайдиган коидаларига, уларга нисбатан кўйиладиган талабларга сўзсиз амал килишни, номзодлар кўрсатишда хотин қизлар учун 30% квотага риоя қилишни таъминлаш, асосий қисми сиёсий партиялар зиммасига юкланган номзодларнинг сайловчилар билан иш олиб боришини ташкил этиш устувор йўналиш хисобланади Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодларнинг зарур хужжатларини тақдим этиш тартибини бузиш, тазйик ўтказиш, бошқа суистеъмолчиликларга йўл қўйилмаслик чоралари кўрилган. Шунингдек, сиёсий партиялар олий органларининг депутатликка номзодлар кўрсатиш бўйича мажлислар (курултойлар, конференциялар) ўтказилиши ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайланиши устидан уларнинг конунчилик талабларига мувофиклиги мониторинги юритиши кўрсатиб ўтилган.

Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан сайлов бюллетенларини ўз вақтида тайёрлаш ва жойларга етказиб бериш, яширин овоз бериш тартибига риоя қилиш, овоз бериш ва овозни санашда қонун талабларини қатъий бажариш каби тадбирлар амалга оширилган. "Оилавий овоз бериш", овоз бериш кунида ташвиқот ишларини олиб бориш, овоз беришда қатнашаётган сайловчиларга ва овозларни санаш жараёнига таъсир ўтказиш каби ҳолатларга йўл қўйилмаслик чоралари белгиланган. Овозларни санаш якунлари бўйича участка сайлов комиссиясининг раиси ёки унинг ўринбосари томонидан маълум қилиниши ва ушбу баённоманинг нусхаси 48 соат ичида сайлов комиссиясининг биноси ичида осиб қўйилиши, сайлов комиссиясиларининг қарорлари устидан шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этишлари, овоз бериш натижалари ва якунлари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши кўрсатилган.

3. 2008 йили сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишларнинг сайлов тизими ривожида муҳим босқич бўлгани. Қонун ҳужжатларига сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормаларнинг киритилиши. Сайлов тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигини, уларнинг давлат ва жамият қурилиши соҳасидаги мавқеини ошириш муҳим аҳамият касб этгани.

2008 йил 25 декабрда қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун билан сайлов жараёнининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди. Ушбу қонунга мувофиқ, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага оширилди. Бунда 135 та ўринни сиёсий партиялардан кўппартиявийлик асосида бир мандатли округларда сайланадиган депутатлар эгаллайди. Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан эса Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (Конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган муддатларда сайланадиган бўлди. Шунингдек, жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида юз бераётган реал жараёнларда сиёсий партияларнинг роли кучайиб бораётганлиги инобатга олиниб, сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳларидан депутатликка номзодлар кўрсатиш институтини бекор қилинди. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга оширилди.

Сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди. Айни вақтда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат *сиёсий партиялар* эгадирлар. Бироқ, бунинг учун сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида тўрт ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган бўлиши ва сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камида қирқ минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирда ушбу сиёсий партия депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин бўлади.

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партияга сайлов участкасида овозларни санаб чиқишда иштирок этиш учун Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган тартибда ўз аъзолари орасидан ваколатли вакил тайинлаш ҳуқуқи берилди.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайлов комиссиялари фаолиятининг ошкоралигини янада кучайтиришни таъминлашга йўналтирилган бир қатор янги тартиб-қоидалар жорий этилмоқда.

Миллий сайлов қонунчилигига 2008 йил 25 декабрда киритилган ўзгартишларга биноан, эндиликда шикоят берган шахслар шикоят кўриб чиқилишида бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бу тартиб сайлов жараёнининг барча босқичларига тааллуқли.

Сайловлар ошкоралик тамойилларига асосланган қонунларга мувофиқ ўтказилишини

кўзда тутади. Ошкоралик сайлов жараёнида қонунга хилоф ҳаракатларга чек қўяди. Шундай қилиб, овозларни санаш сайлов участкаси даражасидан тортиб, то Марказий сайлов комиссияси даражасида ҳам ошкора кўрилиб тасдикланган бўлиши шарт. Овозларни санаб чикишда номзодларнинг ишончли вакиллари, сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмалари вакиллари, миллий ва хорижий кузатувчилар, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин. Бу жараёнлар сайловларнинг яширин ўтказиш принципига зид келмайди, балки ҳаккоий асосда ўтишини таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси сайлов тўғрисидаги қонунларида ҳам ошкоралик принципи алоҳида моддаларида ўз ифодасини топган. Масалан, қонунчилигимизда белгиланишича, сайловларни ташкил этиш ва уни ўтказишда қатнашаётган сайлов комиссиялари, сиёсий партиялар, давлат ва жамоат идоралари ўз фаолиятларини очиқ ва ошкора олиб борадилар(2.4.5-расм).



2.4.5-расм.

Округ сайлов комиссиялари депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланадиган сайловолди ташвиқоти даврида депутатликка номзодларнинг *сайловчилар билан учрашувларини ташкил этишга кўмаклашади*. 2008 йил 25 декабрда сайлов конунчилигига киритилган ўзгартиришларга кўра, сиёсий партияларнинг сайловолди ташвиқоти жараёнидаги иштирокига оид қоидалар уларга бирмунча мустақиллик берди. Жумладан, сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилиши мустаҳкамлаб қўйилди. Бунда сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказиладиган жой ва вақт, қоида тариқасида, участка сайлов комиссиялари билан келишиб олишнинг ўзи кифоя. Шунингдек, маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат бирлашмалари, шунингдек, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари депутатликка номзодларга йиғилишлар ўтказиш учун жиҳозланган хоналар ажратиши, уларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материалларини олишда ёрдам кўрсатиши шарт.

Округ сайлов комиссиялари депутатликка номзодларнинг *ишончли вакилларини* рўйхатга олади ва уларга мазкур ваколатни тасдиқловчи тегишли гувоҳномалар беради. Сайловнинг ташвиқотини самарали уюштиришда ишончли вакиллар номзодга сезиларли ёрдам кўрсатиши мумкин. Чунки Президентимизнинг "Барча сайловолди тайёргарлигимизнинг асосий мақсади – ҳар қайси овоз берадиган инсон, у кимга овоз беришидан қатъий назар, Президент номзодигами ёки депутат номзодигами – аввало, ўз хоҳиш-иродасига суяниб, ўз иймонига суяниб, мустақил ва онгли равишда овоз берсин"[1] деган концептуал кўрсатмаларини рўёбга чиқаришда, номзодлар орасидан овоз бериш учун энг мақбулини танлашда ишончли вакиллар институтининг аҳамияти ҳам каттадир(2.4.6-расм).



2.4.6-расм.

Қонунга мувофиқ, номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритиш, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек, сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун депутатликка номзод ўн нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин. Ишончли вакилларни депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум қилади. Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувоҳнома беради (2.4.7-расм).

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вактидан вокиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, илгари сурилаётган номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов якунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб боради.

---

[1] Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Асарлар, 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 64-бет.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чикишда номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошка давлатлар, халкаро ташкилотлар ва харакатлардан кузатувчилар катнашиш хукукига эга. Уларнинг ваколатлари тегишли хужжатлар билан тасдикланган бўлиши керак.

Ошкоралик принципи сайлов комиссияларининг ташкил этилиши хамда фаолиятини очик ва ошкора амалга оширишлари лозимлигини билдиради. Жумладан, сайлов комиссияси ўз таркиби, жойлашган манзили ва телефон ракамларига доир маълумотларни расмий матбуот органларида эълон қилиши керак. Сайлов комиссиялари фаолиятининг барча боскичларида кузатувчилар хозир бўлишга хакли экани қонун билан мустахкамланган.



2.4.7-расм.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов хукукларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасида: "Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вактига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш хукукига эга. Тегишли сайлов комиссияларининг сайлов округлари ва участкаларини тузиш, сайлов комиссияларининг таркиби тўғрисидаги, шунингдек, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунлари хакидаги карорлари матбуотда эълон килинади" деган нормаларнинг мустахкамлангани хам округ сайлов комиссиялари зиммасига жиддий масъулият юклайди. Зеро, Президентимиз И.А.Каримов: "Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда эркин тафаккур, хилма-хил фикрлар, одамларнинг хохиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, шу

билан бирга, сиёсий ҳаракатлар ва кучларнинг интилишлари, айниқса, яққол намоён бўлади"[1] деганида, биринчи навбатда, сайлов кампаниясининг очиқ ва ошкора ташкил этилиши муҳимлигини назарда тутган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси "Сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 22-моддаси 4-бандига кўра хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим.

Сайловларда хотин-қизларнинг иштирокига баҳо берадиган бўлсак, 2009 йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов якунларига кўра сайланган депутатларнинг 22 фоизини хотин-қизлар ташкил этди[1].

Бўлиб ўтган сайловлар халқаро ҳуқуқий нормаларда назарда тутилган талабларга ҳар жиҳатдан жавоб бериши билан ўзига хос аҳамиятга эга. Шунингдек, бу сайловлар илгариги Олий Мажлисга бўлиб ўтган сайловлардан тубдан фарқ қилиб, сайловларда овоз бериш ҳуқуқига эга фуқаролар сонининг ошганлиги, хотин-қизларнинг депутатлик ўрнига эгалик қилишлиги учун фаоллашуви, ҳар бир сайлов округида ҳақиқий рақобатнинг юзага келгани, энг муҳими, профессионал Қонунчилик палатасининг шаклланган ижобий ҳолатдир.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида сайлов қонунчилиги изчиллик билан, босқичма-босқич ривожланиб борди. Ўзбекистон сайлов тизими ҳар бир босқичда Конституция ва халқаро андозаларга мос равишда ислоҳотлар мақсади ва фуқаролар сиёсий-ҳуқуқий онгини ўсиб боришига мутаносиб тарзда янги поғонага кўтарилди. Бошқача қилиб айтганда, сайлов қонунчилигининг амалиётда изчил қўлланилиши мамлакатда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг таркибий қисмига айланди.

4. Сайлов жараёнларини янада демократлаштириш муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган қонунчилик ташаббуслари.

Маълумки, сайлов ҳуқуқи фуқароларнинг энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқларидан бири бўлиб, мазкур ҳуқуқ асосида улар ўзлари сайлаган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда бевосита иштирок этадилар. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъбири билан айтганда: "Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар, айниқса, яққол намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар қандай сиёсий ҳаракатлар ва кучлар сайловга тайёргарлик кўриши, ўз платформаларини аниқ белгилаб олиши – буларнинг барчаси табиий ҳол. Бусиз ўзи ҳаёт, тараққиёт бўлмайди"[2].

Конституцияда келтирилган ушбу нормалар сайлов тизимини ислоҳ этишни, айниқса, Олий Мажлис шаклланишининг ҳуқуқий асосини яратиш масаласини талаб этар эди. Мана шу мақсадда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга киритиш тартиби тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасида Олий Кенгаш Раёсати зиммасига 1993 йил давомида Олий Мажлисга сайлов тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва уни умумхалқ муҳокамаси учун эълон қилиш вазифаси юклатилди[3]. Қонун лойиҳасининг муҳокамасидан сўнг 1993 йил 28 декабрда Олий Кенгашнинг ўн тўртинчи сессиясида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди[4].

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонун парламентга сайлов ўтказишнинг асосий принципларини мустаҳкамлади. Мазкур қонун янги типдаги демократик парламентни шакллантиришнинг ҳуқуқий пойдеворини ташкил этди[5]. Мазкур қонун қабул қилингандан кейин доимий равишда такомиллашиб борди. Ва биринчи маротаба 1997 йил 26 декабрдаги Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясида мазкур қонунга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

---

[1] Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. Асарлар,8-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 61-62-бет.

[1] Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2010. – №1–2. – Б.180.

[2] Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз кўлимиз билан курамиз. Асарлар,7-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 310-бет.

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1993. – 1-сон. – 6-модда.

[4] Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1994. – 1-сон. – 6-модда.

[5] Одилкориев Х.Т. Демократик сайловларнинг конуний замини // Ҳукук-Право-Law, 2001. - №1. – Б. 5-6.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги "Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги Қонуни билан сайлов қонунларига бир қатор демократик қоидалар киритилди. "Олий Мажлисга сайловлар тўғрисида"ги Қонуннинг 14-моддасида муайян такомиллашув рўй берди. Унинг 2-банди чиқариб ташланди. Бу бандниг чиқарилиши 46-моддада назарда тутилган бир чекловчи қоидани бартараф этди. 46-модданинг 3-қисмига кўра, "муайян сиёсий партиядан кўрсатилган ҳамма номзодлар, башарти улар сайловда овоз беришда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси барча сайловчиларининг камида беш фозининг овозини тўпламаган бўлсалар, Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олинмайдилар. Янги қонунга кўра ана шу 5 фоизлик тўсиқ олиб ташланди"[1].

Ушбу қонун янада такомиллаштирилди ва 2003 йил 29 августда янги таҳрирда қабул қилинди[2]. Янги таҳрирдаги қонуннинг эски таҳриридан асосий фарқларидан бири, у иккита асосий қисмдан иборат бўлиб, 1-бўлимда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловларга бағишланган бўлса, 2-бўлим эса Олий Мажлиснинг Сенати сайловига бағишланган. Ушбу қонунга 2004 йил 27 августда ўзгартиш киритилиб[3], унга кўра 22-модданинг 4-қисми "Хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим" деган қоида билан тўлдирилди. 2004 йил 3 декабрдаги ўзгартишларга кўра эса, сайлов бюллетенида номзодларга овоз бериш тартибини соддалаштириш мақсадида ўзгартиш киритилди ва янги қоидага кўра "Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги - крестик қўяди" деган қоида ўрнатилди.

Ушбу қонунчилик ривожланишининг навбатдаги боскичи сифатида Ўзбекистон Республикасининг "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2008 йил 25 декабрдаги Қонунини келтириш мумкин. Қонун мамлакатимизнинг демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида янада ривожланиб боришини таъминлаш борасида улкан аҳамиятга эга бўлган айнан шу вазифаларни ҳал этишга қаратилган. Ўзбекистон Республикасининг 13 та қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77–моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритган мазкур қонун мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизни модернизация қилиш ва демократик ўзгаришларнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланган сайлов тизимимиз мунтазам такомиллашиб бормоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда ҳаётнинг ўзи, айниқса, охирги сайловда биз тўплаган тажриба юртимизда сайлов жараёнларини янада демократлаштириш масалаларини кун тартибига қўймоқда.

Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида Президентимиз томонидан, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланилган ҳолда, бир қатор таклифлар киритилди:

Биринчидан, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ўртасида ўзаро соғлом рақобат кучайишининг асосий сабабаларидан бири бу, сайловолди ташвиқотининг шакл ва усуллари тобора турли-туман ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётганлигидадир. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар жараёнида сиёсий партияларнинг ваколатларини амалга ошириш механизмини ўрганишда сайловолди ташвиқотига алохида эътибор қаратишга ундайдиган бир қатор сабаблар мавжуд. Биринчидан, сайловолди ташвиқоти сайлов ҳуқуқининг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Амалиётда ҳам ташвиқот кампанияси сиёсий партиялар сайловолди фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади. Сайловчиларнинг овози учун кураш боскичида энг асосий ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган мазкур тадбир, ўз навбатида, партияларга ўз сайлов фондларининг

---

[1] Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2002. 212-бет.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003. – 9-10-сон. – 132-модда.

[3] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – 9-сон. – 171-модда.

катта қисмини жалб этишларини талаб қилади. Иккинчидан, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, айнан сайловолди ташвиқоти жараёнида сайлов қонунчилигидан четга чиқиш ҳолатлари кузатилади. Сиёсий партиялар сайловолди ташвиқотининг турли шаклларини қўллаган ҳолда, депутатлик жойлари учун курашни бошлайдилар. Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг келажаги кўп жиҳатдан яхши ташкил этилган ташвиқот фаолиятига боғлиқ. Айнан ушбу даврда турли сиёсий кучларнинг манфаатлари кескин тўқнаш келади. Шу сабабли, сайловолди ташвиқоти – бу бутун сайлов кампаниясининг энг таъсирчан қисмидир.

Ўзбекистонда сайлов қонунчилигини яратишнинг дастлабки босқичларидаёқ сайловолди ташвиқотини ҳуқуқий тартибга солиш масалаларига алоҳида эътибор берилган. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг "Сайловолди ташвиқоти", деб номланган 25-моддасининг иккинчи қисми янги таҳрирда баён этилди. "Сайлов тўғрисидаги конун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги 2008 йил 25 декабрь Қонунига кўра, 27-модда иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилди: Оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш тартиби Марказий сайлов комиссияси томонидан сиёсий партиялар билан келишилган ҳолда белгиланади. Сайловчиларнинг йиғилишлари сиёсий партиялар томонидан мустақил равишда ўтказилади".

Сайловолди ташвиқоти. депутатликка номзодлар фаолиятининг кафолатлари



2.4.8-расм.

Сайловолди ташвиқоти ҳар қандай сайлов кампаниясининг энг муҳим, сиёсий аҳамиятга эга босқичларидан бири ҳисобланади, шунинг учун сайлов қонунчилигида сайлов кампаниясининг ушбу муҳим босқичини амалга ошириш жараёнида депутатликка номзодлар

ва сиёсий партияларга тенг шароитлар яратиш механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган нормаларни назарда тутиш лозим.

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда.

Юқорида келтирилган қонунларнинг тегишли моддалари "Сайловолди ташвиқоти"га бағишланган. Лекин қонунчилигимизда сайловолди ташвиқотига нисбатан қонуний таъриф келтирилмаган. Ушбу таърифнинг келтирилиши билан биргаликда ушбу ташвиқотни олиб бориш шартлари ва шакллари, турлари ҳамда уни амалга ошириш усуллари ва механизмлари аниқ кўрсатилади. Бундай тажриба турли демократик мамлакатларнинг сайлов қонунчилигида кенг қўлланиб келмоқда (2.4.8-жадвал).

Иккинчидан, маълумки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддаси 4-қисмига кўра, "**сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди" деган қоида мавжуд.** Киритилаётган таклифга кўра, сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма киритилмоқда. Мазкур норма бир қатор ривожланган хорижий давлатлар қонунчилигида кенг қўлланади. Ушбу норманинг қонунчилигимизга киритилиши сайловчилар учун қўшимча имконият бўлиб, сиёсий партиялар ва улар томонидан кўрсатилган номзодлар томонидан ўтказилган сайловолди ташвиқотлари натижасида олган маълумотларини сарҳисоб қилишга ҳамда қайси сиёсий партиянинг дастурига ёки қайси номзодга овоз бериш учун битта якуний фикрга келиб овоз бериши учун етарли вақт ва имкониятни туғдиради. Сайлов жараёнининг муҳим босқичи саналмиш ушбу жараённинг такомиллаштирилиши сайлов натижалари объективлигини таъминлашга хизмат қилади.

Учинчидан, мамлакатимизда шу пайтгача ўтказилган сайлов тажрибаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, сайлов жараёнида участка сайлов комиссиялари қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилмаган айрим ҳолатлар бўйича турли муаммоли вазиятларга тўқнаш келишмоқда. Шу муносабат билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасининг **муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидаси** билан боғлиқ нормаларига қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда. Ушбу қўшимчаларнинг киритилиши ҳамда мазкур жараённи амалга ошириш механизмига аниқлик киритилиши участка сайлов комиссиялари фаолиятига юритишига қулайлик яратиши билан биргаликда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари амалга оширилишини, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини, ва сайлов қонунчилиги бузилиши мумкин бўлган ҳолатларга йўл қўймаслик борасида навбатдаги қадам бўлади.

Тўртинчидан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонунларга "овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади" деган нормани киритиш таклиф этилмоқда. Ушбу норманинг юқорида кўрсатилган қонунларга киритилиши сайловчилар фикрининг чалғимаслигига, ўзлари танлаган ва маъқул деб топган номзодларига овоз бериш билан биргаликда сайлов натижаларининг ҳаққонийлиги ва объективлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бешинчидан, Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси

депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш ҳукукини белгилаб берадиган қўшимча киритиш таклифи киритилмоқда.

Юқорида баён этилган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш мамлакатимизда сайлов эркинлиги ҳукуки принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов тизимининг янада демократлашувига хизмат қилиши муқаррар.

2.5. ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ

Фуқаролик жамияти ва унинг институтлари. Ўзбекистонда кейинги ўн йилда фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари жадал шаклланди ва ривожланди. Улар мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Шунинг учун ҳам фуқаролик институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳамияти борган сари ошиб бормоқда. Чунки улар демократик кадриятлар, инсон ва фуқароларнинг ҳукук ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланиб бормоқда, фуқароларнинг ўз иқтидорларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий-иқтисодий фаоллиги ва ҳукукий маданиятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятимизда турли манфаатлар мувозанатини таъминлашга кўмаклашмоқда. Фуқаролик жамияти институтларининг ривожланиб боргани сари уларнинг давлат ва ҳокимият тузилмалари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишдаги фаоллиги янада кучайиб бормоқда. Айтиш мумкинки, жамоатчилик назоратининг таъсирчанлиги боис кишилар қалбида ва онгида жамиятимиз ҳаётида рўй бераётган туб ижобий ўзгаришларга нисбатан кечаётган хайрихохлик ва бирдамлик кайфияти фаоллашмоқда.

> Бизнинг асосий узок муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнлари ва бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик кадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир.
>
> ***Ислом Каримов***

Жамият ва унинг аъзолари давлатга нисбатан устунликка эга бўлиши фуқаролик жамиятининг шаклланиши билан бевосита боғлиқ бўлган жараёндир. Агар "жамият" тушунчасини макону замонда мавжуд бўлган, турмуш тарзи ва манфаатлари муштарак бўлган инсонларнинг ўзаро алоқадорлигини ифодаловчи бирлик деб тушунсак, "фуқаролик жамияти" эса ана шундай жамиятнинг ривожланишида маълум шароитлар остида қарор топадиган унинг юқори босқичидир. Агар "жамият" тушунчаси таркибига, масалан, давлатнинг ҳам киришини унутмасак ва айни вақтда "фуқаролик жамияти" тушунчаси таркибида давлатнинг мавжуд эмаслигини англасак, "жамият" ва "фуқаролик жамияти" тушунчаларининг тенг ҳажмли эмаслигини, уларнинг турлича маъно касб этишини кўришимиз мумкин. *Фуқаролик жамияти* – бу юксак фазилатларга эга бўлган инсонлар жамиятидир. Фуқаролик жамияти – бу шундай ижтимоий тузумки, унда қонун устуворлиги таъминланади, инсон ҳукуқлари ва эркинликлари қарор топади, сиёсий партиялар ва институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланади, инсонга унинг иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёти шаклларини эркин танлаш кафолатланади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавқеи юксак бўлади. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси фуқаролик институтлари фаолиятларида кенг иштирок этади ва улар орқали сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини қондиради. Фуқаролик жамиятида давлат ва унинг органлари фаолияти устидан фуқароларнинг *жамоатчилик назорати* ўрнатилади. Давлатнинг бир қатор ваколатлари жамоат ташкилотлари зиммасига юкланади. Айтиш мумкинки, фуқаролик жамиятини қуриш кучли давлатдан кучли жамият сари босқичма-босқич ўтиш орқали рўй беради. Мамлакатимизда эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида "Кучли давлатдан

кучли фуқаролик жамияти сари" дастури асосида давлатнинг айрим ваколатларини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич топшириш жараёни кечмоқда.

Шу ўринда фуқаролик жамияти тўғрисидаги тасаввурлар ривожига қисқа назар солайлик. "Фуқаролик жамияти" тушунчаси илк бор Қадимги Греция ва Римда вужудга келган. Фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки фикрлар Аристотелнинг "Сиёсат" асарида ёритилган. Унинг фикрига кўра, инсоннинг эркин яшаши учун жамиятда қонунлар устувор бўлиши лозим. Шу билан бирга, ана шундай устувор қонунлар адолатли бўлиши ҳам керак. Бу ғоялар XVII асрга келиб янада ривожланди. Жумладан, инглиз файласуфи Т. Гоббс асарларида ривожлантирилди. XVIII асрда рўй берган Буюк француз инқилоби боис "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси"нинг эълон қилиниши орқали фуқаролик жамияти тушунчаси кенг тарқала бошлади. Кант, Руссо, Гегель сингари таниқли мутафаккирларнинг илгари сурган фикрлари фуқаролик жамиятининг кенг моҳияти ва янги қирралари очиб берди.

Шарқда фукаролик жамияти тушунчасига нисбатан ўзига хос талқинлар мавжуд. Бу одоб-ахлоқ, маданият ва ҳуқуқнинг уйғунлашган шакли билан боғлиқ. Жумладан, қадимий ёдгорлик бўлмиш "Авесто"да кишиларнинг биргалашиб яшаши, инсонлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ахлоқ нормаларига таяниши каби ғоялар олдинга сурилган. Абу Наср Форобийнинг асарларида, хусусан, унинг "Фозил одамлар шаҳри" асарида давлатни бошқаришда адолатли қонунларга таяниш лозимлиги уқтирилади. Форобийнинг ёзишича, фозиллар шаҳрининг бошлиғи табиатан ўн иккита хислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши, хусусан, "у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғонни ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур"[1]. Бу каби ғоялар Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад Хоразмий, Амир Темур каби буюк шарқ донишмандлари томонидан ҳам илгари сурилган.

Фуқаролик жамияти тушунчасини бугунги замонавий талқини узоқ тарихий тараққиёт маҳсулидир. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш тарихий анъана бўлса-да, у тўлалигича миллий анъаналар ва жаҳондаги илғор давлатлар тажрибасининг синтези сифатида, яъни эркинлик ва ахлоқ, озодлик ва тарбия, қонунга итоаткорлик ва сиёсий-ҳуқуқий фаолликнинг уйғунлиги сифатида дунёга келмоқда. Фуқаролик жамияти узоқ муддатни оладиган жараёндир.

"Фуқаролик жамияти" тушунчаси кенг ва тор маъноларда қўлланади. Фуқаролик жамияти кенг маънода жамиятнинг шундай қисмини билдирадики, бу қисмда давлат ва унинг тузилмалари бевосита қамраб олинмаган бўлади. Фуқаролик жамияти тор маънода, яъни ўз маъносида ҳуқуқий давлат билан бевосита боғлиқ. Шу маънода, фуқаролик жамияти ҳуқуқий давлатсиз мавжуд бўлиши мумкин эмас ва аксинча, ҳуқуқий давлатни фуқаролик жамиятисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Фуқаролик жамиятида давлат органларида бўлгани сингари, бири иккинчисига бўйсунадиган, яъни вертикал (тик) муносабатлар эмас, балки горизонтал (ётиқ) муносабатлар етакчилик қилади. Бошқача айтганда, фуқаролик жамиятида эркин ва тенг ҳуқуқли ҳамкорлик ҳукмронлик қилади.

Фуқаролик жамиятининг ички тузилмасида мазкур жамият элементларининг хилма-хиллиги кўзга ташланади. Ҳозирги замон фуқаролик жамиятининг таркибий элементлари қуйидагилардан иборат: фуқаролик жамиятининг иқтисодий ташкилоти (1), фуқаролик жамиятининг ижтимоий ташкилоти (2) ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий-сиёсий ташкилоти (3). Мамлакатимизда фаолият юритаётган фуқаролик жамияти институтларини қуйидагича таснифлаш мумкин (2.5.1-расм):

Фуқаролик жамияти институтлари жамият хаётида муҳим ўрин тутади, хусусан, улар турлича ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалайди, фуқароларнинг фаоллигини оширади, мамлакатда рўй бераётган турли демократик ўзгаришлар кўламини кенг ёйишда

[1] *Абу Наср Форобий.* Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 160-б.

муҳим омил саналади, жамоатчилик назоратини юзага келтиради, ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантиради, ҳуқуқий давлат барпо этишда катта ҳисса қўшади.



2.5.1-расм. Фуқаролик жамияти институтларининг таснифи.

Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асослари. Фуқаролик жамияти институтларининг ташкил этилиши ва фаолият юритишининг ҳуқуқий асосларининг ўзаги сифатида даставвал **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясини** тилга олиш ўринлидир. Президентимиз ибораси билан айтганда, "мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидаёқ Конституциямизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустаҳкамлаб қўйилиши барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс

эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармокларининг ривожланиши учун кулай шароит яратди"[1].

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XIII боби жамоат бирлашмалари фаолиятининг конституциявий асосларига бағишланган. Мазкур бобда жамоат ташкилотларининг турлари, фаолият кўрсатиш тартиби, уларнинг давлат ҳокимияти органлари ва мансабдор шахсларига нисбатан мустақил эканлиги каби принциплар мустаҳкамлаб қўйилган. Хусусан, Конституциянинг 56-моддасида белгиланганидек, "Ўзбекистон Республикасида конунда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, олимларнинг жамиятлари, хотин-қизлар, фахрийлар ва ёшлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, оммавий ҳаракатлар ва фуқароларнинг бошқа уюшмалари жамоат бирлашмалари сифатида эътироф этилади".

Фуқаролар йиғини биринчи марта ўзини ўзи бошқариш органи сифатида Конституцияда эътироф этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида ушбу ҳуқуқий норма белгиланди:

"Шаҳарча, қишлоқ ва овулларда, шунингдек улар таркибидаги маҳаллаларда ҳамда шаҳарлардаги маҳаллаларда фуқароларнинг йиғинлари ўзини ўзи бошқариш органлари бўлиб, улар икки ярим йил муддатга раисни (оқсоқолни) ва унинг маслаҳатчиларини сайлайди.

Ўзини ўзи бошқариш органларини сайлаш тартиби, фаолиятини ташкил этиш ҳамда ваколат доираси қонун билан белгиланади".

1993 йил 2 сентябрида қабул қилинган **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун** қишлоқ, шаҳарча ва овулларда ва улар таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берди. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган органлардир.

> Шу маънода, 1992 йил декабрь ойида қабул қилинган, мамлакатимизнинг демократик тараққиётини таъминлаш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг асосий принципларини белгилаб берган Конституциямизнинг қоида ва нормаларига таяниш алоҳида аҳамият касб этади.
>
> ***Ислом Каримов***

Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида хизмат қилаётган қонунлардан қуйидаги баъзиларини тилга олишимиз мумкин: **"Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонун, "Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун, "Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида"ги Қонун, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун, "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонун, "Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Қонун, "Оммавий ахборот воситалари тўғрисида"ги Қонун.**

Мазкур ҳуқуқий асосларнинг яратилиши нафақат мамлакатимиз миллий қонунчилик тизимида жамоат ташкилотларининг фаолиятига оид ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг мустақил соҳасининг юзага келишига олиб келди, балки, унга тизимлилик тусини берди. Юқоридагилар билан бирга, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ масалалар ўз ичига конституциявий, фуқаролик, маъмурий, жиноий ҳуқуқ нормаларини қамраб олувчи бутун қонунчилик тизимининг шаклланишига ҳам имконият туғдирди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 34-моддаси Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга эканини эътироф этиш билан бирга, сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи мухолифатчи шахсларнинг

---

[1] *Каримов И.А.* Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чукурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), "Халқ сўзи", 2010 йил 13 ноябрь (№ 220), 4-б.

ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмаслигини белгилаб қўйган. Асосий Қонуннинг 12-моддасида Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳаёт сиёсий институтлар, мафкуралар ва фикрларнинг хилма-хиллиги асосида ривожланиши ҳамда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги тўғрисидаги конституциявий тамойил ўз ифодасини топган.

Бирлашишга бўлган конституциявий ҳуқуқ ёки халқаро ҳужжатлар терминологияси билан айтганда, бошқалар билан бирга муайян ассоциацияларга уюшишга бўлган ҳуқуқ ўз ичига: фуқароларнинг умумий манфаатларини ҳимоя қилиш ва умумий мақсадларга биргаликда эришиш асосида ихтиёрий равишда тузиладиган жамоат ташкилотларининг ташкил этиш ҳуқуқини ҳамда мавжуд жамоат ташкилотларига кириш ёки ундан чиқиш ҳуқуқини қамраб олади.

Муайян жамоат ташкилоти фаолиятида қатнашиш ёки қатнашмаслик ҳар бир фуқаронинг шахсий иши ҳисобланади. Фуқароларни жамоат ташкилотига аъзо бўлиб киришга мажбурий тарзда ундаш ёки ундан чиқишга тўсқинлик қилиш ҳуқуққа зид фаолият деб тан олинади. Бундан ташқари, Конституциянинг 18-моддасида Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар, қонун олдида тенг эканликлари белгилаб қўйилган.

Асосий Қонуннинг 35-моддасида ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги эътироф этилган.



2.5.2-расм. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари.

Шу билан бирга, жамоат ташкилотларига уюшиш эркинлиги муайян чегаралар доирасида амалга оширилади. Бунда мазкур ҳуқуқдан жамиятга қарши мақсадларда фойдаланиш мумкин эмас. Шу жиҳатдан олганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига биноан, "Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг

конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чикувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиги ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолиятини ҳамда махфий жамиятлар ва уюшмалар тузиш тақиқланади"[1].

Жамоат ташкилотлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасидаги ижобий жараёнларнинг тамал тоши сифатида 1991 йилда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонунни кўрсатиб ўтиш мумкин. Мазкур қонунда илк маротаба жамоат бирлашмаси (ташкилоти) институтига ҳуқуқий таъриф берилиши билан бирга, уни ташкил этиш мақсади, фаолияти принциплари ҳамда ҳуқуқ ва мажбуриятлар доираси белгилаб берилди. Қонунда белгилаб қўйилган шакллардаги ҳар қандай жамоат ташкилотини камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузиш тартиби мустаҳкамлаб қўйилди[2].

Ушбу қонунга мустақиллик йилларида киритилган бир қатор ўзгартишлар баробарида жамиятда олиб борилаётган ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда жамоат ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари доираси ҳам кенгайиб борди. Қонунга биноан, улар ўзларининг ички тузилмасини, мақсади, фаолият олиб бориш шакли ва усулларини танлашда ҳамда уставларини қабул қилишда мустақил эканликлари белгилаб қўйилди.

Жамоат ташкилотлари манфаатларига дахлдор бўлган масалалар давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли жамоат ташкилотларининг иштироки ёки келишуви асосида ҳал этиладиган бўлди. Шу билан бирга, давлат жамоат ташкилотларининг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаши, уларнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмаклашиши, хусусан, солиқ ва бошқа масалаларда имтиёзлар бериши лозимлиги белгилаб қўйилди.

Сўнгги йилларда **"Жамоат фондлари тўғрисида"ги Қонун** ва **"Ҳомийлик тўғрисида"ги Қонун**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **"Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори** ва бошқа тегишли ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил воситасини ўтамокда(2.5.2-расм).

Республикамизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг янада жадал ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг **"Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қўшма қарори** муҳим аҳамият касб этди. Шуни ҳам айтиш керакки, Президентимиз ўз маърузасида таъкидлаганидек, Олий Мажлис ҳузурида Жамоат фонди ва Парламент комиссияси ташкил этилган. Бу икки тузилманинг фаолияти ҳам самарали кечмокда. Масалан, фақат кейинги уч йилнинг ўзида фуқаролик институтлари тақдим этган ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида Жамоат фонди томонидан 11 млрд. сўмдан ортик маблағ ажратилди.

> Ўзбекистонимиз босиб ўтган кейинги ўн йиллик давр аҳолимизнинг кенг қатламлари қўллаб-қувватлайдиган турли хил фуқаролик жамияти институтлари, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг жадал шаклланиши ва ривожланиши даври бўлди.
>
> ***Ислом Каримов***

Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан Парламент комиссияси ўз таркибида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат ташкилотларининг ваколатли вакиллари билан бирга депутатлар молиявий тузилмаларнинг масъул ходимларини бирлаштирган. Мазкур комиссия фуқаролик институтларини қўллаб-қувватлаш мақсадида

---

[1] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40-бет.

[2] Қаранг: Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. –№4. –76-модда

давлат бюджетидан ажратиладиган маблағларни очиқ, аниқ ва ошкора йўналтиришни, бу маблағларни демократик асосда тақсимлашни амалга оширади.

Фуқаролик жамиятини шакллантиришнинг устувор йўналишларидан бири – бу нодавлат ва жамоат ташкилотларини ривожлантиришдир. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилот (ННТ)ларининг сони 5100 дан ортиқдир. Агар бу кўрсаткични 2000 йилдаги ҳолат билан киёсласак, уларнинг сони икки ярим бараварга кўпайганлигини кўрамиз. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фуқаролик жамияти институтлари тизимида марказий ўрин тутади. Шунинг учун улар фаолиятини ривожлантириш, уларнинг мустақиллигини тўла таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган **“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолотлари тўғрисида”ги Қонун**нинг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди. Бу қонунни қабул қилишдан мақсад қуйидагиларда ифодаланади:

— ННТларини янада ривожлантириш;
— уларнинг мустақил иш юритишини таъминлаш;
— уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш;
— уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;
— улар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш;
— улар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини *“учинчи сектор”* деб ҳам атайдилар. Шу ўринда айтиш керакки, “биринчи сектор” дейилганда давлат ва “иккинчи сектор” дейилганда тижорат сектори (ёки шахсий сектор деб ҳам аташади) назарда тутилади. Республикамизда *нодавлат нотижорат ташкилотларига оид миллий ассоциация уюшмаси мавжуд.*

Маълумки, ҳар қандай ташкилий тузилманинг моҳияти ва мазмуни у олиб борадиган функциялар ва фаолият йўналишларида ёрқин ифодаланади. Жамоат ташкилотларининг функциялари ҳам уларнинг жамият ҳаётига нисбатан муайян фаолиятни амалга оширишлари орқали таъсир кўрсатишларида намоён бўлиши шубҳасиз.

Жамоат ташкилотларда амалга оширилаётган демократик ислоҳотларнинг самараси ва давомийлигини таъминлаш борасидаги фаолиятни қуйидаги йўналишлар бўйича таҳлил этиш мумкин:

Биринчидан, фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий институти ҳисобланадиган жамоат ташкилотларининг бирламчи ва асосий функцияси, уларнинг давлат ҳокимиятини муайян даражада чегаралаш, яъни давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш эканлигини эътироф этиш жоиз. Айтиш мумкинки, жамоат ташкилотларининг роли айнан демократик жараёнларнинг ривожланиш даврида уни қўллаб-қувватлаш ва мустаҳкамлашда кўринади.

Иккинчидан, мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнида сиёсий партиялар муҳим функцияларни амалга оширадилар. Сиёсий партияларнинг асосий функцияси алоҳида олинган фуқаролар, ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар манфаатларини бирлаштириб, уларни сиёсий манфаатлар мажмуаси даражасига кўтариш, шунингдек, бу уйғунлашган манфаатларнинг жамият учун бир хилда аҳамият касб этишини таъминлай олишдир.

Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар мавжуд конституциявий ҳуқуқ меъёрлари доирасида, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига дахл қилмаган ҳолда шаклланиб келаётган сиёсий жараёнлар ва муносабатлар тамойиллари доирасида муқобил сиёсий йўлларни ифода этувчи восита сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Ҳар бир партиянинг ўз дастури ва мақсадларига мос равишда назарий, мафкуравий, сиёсий ва ташкилий функциялари бўлиб, улар партия фаолияти ва ички ҳаётининг ажралмас қисмидир.

Учинчидан, жамоат ташкилотларининг энг оммавий шаклларидан бири ҳисобланган касаба уюшмалари жамиятнинг ижтимоий тараққиётига сезиларли даражада таъсир ўтказадилар. Таъкидлаш жоизки, ушбу институтнинг ижтимоий жараёнлардаги таъсири

фақатгина меҳнат муносабатлари билан чегараланиб қолмасдан, балки ундан ҳам кенгроқ доирага қаратилган.

Касаба уюшмаларининг ижтимоий йўналтирилган функцияларининг моҳияти қуйидагиларда намоён бўлади:

- жамиятнинг интеграциялашувига эришиш;
- ишлаб чиқариш демократиясини ривожлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш;
- давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини ривожлантиришга кўмаклашиш;
- жамиятнинг меҳнат потенциалларини сақлаш ва ривожлантириш;
- бозор муносабатларини ривожлантириш, меҳнат бозорини такомиллаштириш;
- жамиятда инсон қадр-қимматини ошириш ва меҳнат одатларини ривожлантириш.

Мамлакатимизда ижтимоий воқеликнинг жадал суръатларда ривожланиб бориши, жамиятда олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар фуқаролик жамиятининг асосий институтларининг янги функцияларини шаклланишига олиб келмоқда.

Ҳозирги кунда деярли барча жамоат ташкилотлари мамлакатни демократик йўналишда ривожлантириш, муайян соҳалар юзасидан инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан самарали назорат ўрнатиш каби масалаларга ўзларининг асосий фаолият йўналишлари сифатида қарамоқдалар. Жамоат ташкилотларига бирлашган фуқаролар улар орқали ўзларининг турли хил манфаатлари ва ҳуқуқларини амалга оширишни кўзлайдилар. Бундай шароитда жамоат ташкилотлари олдига фуқароларнинг давлат ишларини амалга оширишда иштирокларини таъминлаш ҳамда уларнинг мавжуд қонунчиликка нисбатан ижобий муносабатларини шакллантириш ва шу орқали уларни қонунга итоаткор шахс сифатида тарбиялаш каби янги вазифалар қўйилмоқда.

Жамият тараққиётининг ҳар бир босқичида инсоният олдига муайян мақсад ва вазифаларнинг қўйилиши ҳамда янгидан-янги муаммоларнинг юзага келиши ўз навбатида, жамоат ташкилотлари фаолият йўналишларининг ўзгариб бориши, ўз-ўзидан унинг ўзгача моҳият касб этишига олиб келади. Бинобарин, жамоат ташкилотлари бугунги кунда жамиятни демократлаштириш ва ислоҳ қилиш жараёнининг ажралмас ва зарурий бўғинига айланиб бормоқда. Бундай шароитда уларнинг функциялари доираси кенгайиб бориши ҳамда турли хил шаклларда намоён бўлиши объектив хусусиятга эгадир.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш жараёнида фуқаролик жамиятининг муҳим таркибий қисми ҳисобланган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан бири – маҳалланинг ўрни беқиёсдир. Маҳалла – бу шарқона "демократия дарсхонаси". Ўзбекистонда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллаларнинг сони 10 мингдан ортиқни ташкил этади. "Маҳалла" сўзи арабча "маҳаллун" сўзидан олинган бўлиб "жой", "ҳудуд" маъноларини билдиради. Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришганидан сўнг маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди. Бунда маҳаллалар ҳаёти билан боғлиқ кўп масалалар билан бир қаторда маҳалла оқсоқолини сайлаш тартиблари ишлаб чиқилди. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови мамлакатимиз ҳаётида муҳим ўрин тутади. Бу сайлов демократизм, ошкоралик ва тенг сайлов ҳуқуқи асосида ўтказилади.

Фуқаролик жамияти институтлари тизимида ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳалла)нинг ўрни беқиёсдир. Чунки бошқа мамлакатлардан фарқли ўлароқ, маҳалла институти юртимизда минг йиллар давомида синалган ва чуқур илдиз отган, аҳолини бирлаштириб турадиган ижтимоий ҳодиса сифатида ривожланиб келмоқда. Айниқса, унинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида халқимизнинг урф-одатлари, анъаналари ва қадриятларини сақлаб қолиш, уларни жипслаштириш кафолати сифатида майдонга чиқаётганлигини яққол кўриб турибмиз (2.5.3-расм).

Маҳалла ўзини ўзи бошқариш органларининг энг ёрқин кўриниши, айни пайтда фуқаролик жамиятининг асоси ва таянчи деб тан олинганлиги билан ҳам ўзининг юксак мавқеига эга. Мустақиллик йиллари мобайнида жамиятдаги бошқарув тизимларини ислоҳ қилиш, давлат вазифаларини жамоат ташкилотларига босқичма-босқич ўтказиш, яъни кучли

давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш борасидаги ишлар изчил давом эттириб келинмоқда.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – *маҳалла* фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу вазифани ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифни илгари сурар экан, бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрь куни бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги маърузасида "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш бўйича оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар ичидан сайланишини, фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг аҳамияти ва роли оширилишини таъминлайдиган чора-тадбирларни назарда тутадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинади.



2.5.3-расм. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари.

Фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш – долзарб вазифа. Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишини амалда кенг ва тўла рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган ва шу йўлда фаолият юритаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий

марказ, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби бир қатор миллий институтлар ва ташкилотлар қаторида фуқаролик жамияти

Статистик маълумотлар ва фактлар

Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари ваколат муддати тугаши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасига, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 20-моддасига ҳамда "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6-моддасига мувофиқ 2008 йилнинг ноябрь–декабрь ойларида мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ўтказилди. Унинг натижаларини таҳлил қилиш шундан далолат беради, сайлов тадбирларида ҳовлилар, уйлар, кўчалардан жами 576509 нафар вакил 18 миллион нафардан ортиқ сайловчи номидан қатнашди. Сайлов 10124 та фуқаролар йиғинида (2006 йилда улар 9941 та эди), шу жумладан, 101 та шаҳарча, 1333 та қишлоқ, 154 та овул фуқаролар йиғинида, 8536 та маҳалла фуқаролар йиғинида бўлиб ўтди.

Сайлов натижасида фукаролар йиғинлари раисларининг (оқсоқолларининг) ва уларнинг маслаҳатчиларининг сифат таркиби яхшиланди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) этиб сайланганлар орасида олий маълумотлилар (асосан иқтисодчилар, юристлар ва педагоглар) 6119 нафарга етди (60,4 фоиз). Раислар (оқсоқоллар) умумий сонининг 32,5 фоизини ёки 3287 нафарини ўрта махсус маълумотлилар ташкил этади. Фуқаролар йиғинлари раислари орасида хотин-қизлар кўпайди: агар улар 2006 йилда 981 нафарни ёки 9,9 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 1160 нафарга ёки 11,5 фоизга етди. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) этиб сайланганларнинг 4263 нафари (42,1 фоизи) ёши 50 га етмаганлар бўлиб, уларнинг 806 нафари (умумий миқдорнинг 8 фоизи) 40 ёшга тўлмаган шахслардир.

институтларининг янада кенгроқ таркибини яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" ва "Нуроний" жамғармалари, "Ижод" фонди, Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ва бошқа жамоат ташкилотлари самарали фаолият юритмоқда. Бироқ шу ва шунга ўхшаш фуқаролик институтларининг фаолиятини янада жонлантириш ва ривожлантириш ҳозирги куннинг ўта муҳим вазифаларидан биридир. Бундай долзарб вазифанинг бажарилиши йўлида бир қатор амалий ишлар қилинди. Фуқаролик жамияти институтларининг ролини ва аҳамиятини оширишга ҳисса қўшаётган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бироқ бу йўлда қилинадиган ишлар ҳали талайгина. Чунки бундай вазифаларнинг долзарб аҳамият касб этиши ҳеч кимга сир бўлмагани ҳолда уларнинг сўзсиз ижобий ечими ҳаётий заруриятдан ўзга нарса эмас. Чунки моҳият эътибори билан фуқаролик жамияти давлатни ва унинг органлари фаолиятини назорат қилади. Шунинг учун ҳам у зарурдир. Бу зарурат маълум асослар мавжуд бўлган тақдирдагина ўз ҳаётий ифодасини топиши мумкин. Жамоатчилик назорати касаба уюшмалари, сиёсий партиялар, истеъмолчиларнинг уюшмалари ва шу кабилар оркали амалга оширилади. Булар халқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотини таъминлаб берувчи "кўприк"дир. Бундай кўприкнинг мавжуд бўлиши ва унинг яхши тараққий этиши демократик, ҳуқуқий давлат қуришни мақсад қилган жамият учун жуда муҳим вазифа, чунки халқнинг давлат ҳокимияти билан ўзаро мулоқотининг йўлга қўйилиши демократия учун асосий омил ҳисобланади. Лекин бундай мулоқотнинг йўлга қўйилиши анча қийин масала. Бу борада давлатнинг ҳам, жамоатчиликнинг ҳам фаоллиги зарур. Мамлакатимиз раҳбарининг илгари сурган таклифлари ана шундай заруриятнинг давлат томонидан амалга оширилаётган ҳаётий ифодаларидан биридир.

Мамлакатимиз Президенти илгари сурган таклифлардан бири – бу **"Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун**ни қабул қилиш таклифи. Ушбу қонунда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини амалга ошириш, гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларининг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларининг давлат тузилмалари билан ўзаро

муносабатларидаги аниқ чегараларни белгилаш ва ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш каби масалалар бўйича ҳуқуқий нормалар кўзда тутилиши даркор. Ушбу конуннинг қабул қилиниши жамоавий меҳнат низоларини ҳал этишга ҳисса қўшади, ижтимоий барқарорликни таъминлашга кўмаклашади, ходимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларининг самарали кафолатланишига хизмат қилади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – *маҳалла* фаолиятини янада ривожлантириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Маҳаллалар фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш зарур. Шу муносабат билан амалда бўлиб келаётган **"Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш** талаб этилади. Киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчаларда ушбуларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим бўлади:

- аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг аниқ йўналтирилган фаолиятини белгилаш;
- маҳалланинг хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш соҳасидаги вазифаларини аниқлаш;
- маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш.

Шу ўринда **"Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш** эҳтиёжи мавжуд эканини таъкидлаш ўринлидир. Бунда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раислари сайлови тизимини янада такомиллаштириш талаб этилади. Оқсоқоллар ва уларнинг маслаҳатчилари энг муносиб фуқаролар орасидан сайланиши даркор. Шу билан бирга фуқаролар ижтимоий фаоллигини кучайтиришда маҳалланинг ролини ва аҳамиятини оширишга эришиш лозим. Шунинг учун ана шу мақсадларга эришишга замин ҳозирлайдиган тегишли чора-тадбирларни таъминлаб берадиган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда ва таклиф этилмоқда.

> Юртимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа фуқаролик институтлари ролини янада кучайтириш *фуқаролик жамиятини шакллантириш*, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича ўз олдимизга қўйган мақсадимизни рўёбга чиқаришда ҳеч бир муболағасиз ҳал қилувчи омил эканини, ўйлайманки, кимгадир уқтириб ўтиришга зарурат бўлмаса керак.
>
> ***Ислом Каримов***

"Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида" Қонун қабул қилиниши керак. Бу конуннинг мақсади давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан фуқаролик жамияти институтларининг назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратиш бўлиши лозим. Таклиф этилаётган қонунда қуйидагилар белгилаб қўйилиши даркор:

- жамоатчилик назоратининг турлари;
- жамоатчилик назоратининг шакллари;
- жамоатчилик назоратининг субъектлари;
- жамоатчилик назоратининг предмети;
- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари;
- мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартлари ва бошқалар.

Фуқаролик жамияти асосларини яратиш билан бевосита боғлиқ бўлган масалалардан бири – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали таъминланиши масаласидир. Шу муносабат билан **Инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш** долзарб аҳамият касб этади. Ушбу дастур, аввало, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат

органларига ўз зиммаларига юклатилган вазифаларига алоҳида масъулият билан ёндашиш лозимлини уқтириш билан бирга бу вазифанинг қандай тарзда назоратга олинишини ҳам кўрсатиб беради. Бунда тегишли органларнинг инсон ҳуқуқлари соҳасида ҳимояни қанчалик йўлга қўйганини аниқлаш мақсадида жамоатчилик мониторингининг амалга оширилиши кўзда тутилади. Дастур айнан ана шу соҳадаги чора-тадбирлар мажмуини ўз ичига олиши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришни назарда тутувчи тегишли нормалар киритилиши фуқаролик жамияти барпо этилишининг асоси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шу билан бирга, нодавлат нотижорат ташкилотларининг қуйидаги масалалар юзасидан ҳам фаол иштирокининг асосларини кўзда тутувчи қонун ҳужжатлари мажмуини ишлаб чиқиш лозим:

- соғлиқни сақлаш масалалари;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари. Бу соҳада нодавлат нотижорат ташкилотларининг роли ва ўрнини белгилаб берувчи **"Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун** лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш керак.
- аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масалалари;
- ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш масалалари;
- катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизнинг ҳозирги тараққиётида фуқаролик жамияти институтлари ролини янада кучайтириш фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократлаштириш ва мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви бўйича қўйган мақсадларимизга етишишда ҳал қилувчи омил бўлиб қолади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларини амалга оширишда *экологик назорат* муҳим ўрин тутади. Экологик назоратни амалга ошириш жамоат ташкилотлари экологик функциясининг таркибий қисмидир. Экологик-ҳуқуқий механизмнинг ушбу функцияси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоат ташкилотлари фаолиятини ...нинг зарурий элементи сифатида юзага келган.

Экологик назоратнинг мақсадлари экологик хавфсизликни таъминлаш хўжалик ёки бошқа фаолиятнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш ҳамда бартараф этишдир. Улар турли ташкилий-ҳуқуқий усуллар билан амалга оширилади. Қуйидагилар шулар жумласига киради: атроф табиий муҳит ҳамда унинг алоҳида объектларининг ҳолатини кузатиб бориш; атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда экологик хавфсизликни таъминлаш борасидаги тадбирларнинг бажарилишини текшириш ва умумлаштириш; экологик қонунчилик нормалари ва талабларининг ижросини текшириш; юридик ва жисмоний шахслар юритадиган экологик зарарли фаолиятнинг олдини олиш, чеклаш, тўхтатиб қўйиш ҳамда тугатиш йўли билан экологик зарарли фаолиятнинг олдини олиш ва уни баҳолаш; табиатдан махсус фойдаланиш лицензияларида (рухсатномаларида), шартномаларда айтиб ўтилган шартларнинг бажарилишини текшириш ва лицензия бериш; экологик қоида-талабларни бузган юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан маъмурий-ҳуқуқий жавобгарлик чораларини қўллаш.

Экологик назорат объектлари нуқтаи назаридан жамоат ташкилотларининг экологик назоратини қуйидаги турларга ажратиш мумкин:

1) атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш;
2) ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш;
3) сувларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш;
4) ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш.

Экологик назоратнинг мақсадлари ҳамда вазифалари атроф табиий муҳит муҳофазаси ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш борасидаги давлат функциясининг умумий вазифаларига ҳамоҳангдир. Шу билан бирга, экологик назорат объектлари, шакллари ва усуллари ўзига хос жиҳатларга эгадир.

Шунингдек, соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари иштирокининг ҳуқуқий асосини яратиб берадиган қонун ҳужжатлари мажмуасини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

2.6. ДЕМОКРАТИК БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИНИ ВА ИҚТИСОДИЁТНИ ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШНИ ЯНАДА ЧУҚУРЛАШТИРИШ

Маълумки, ҳар қандай даражадаги ислоҳот мавжуд тартиб, шарт-шароитлар, вазият, таркиб топган мувозанатнинг ўзгаришига олиб келади. Бутун жамиятнинг ислоҳ этилиши, яъни унинг эски – нотўғри асосга қурилган, истиқболсиз тизимдан бутунлай янги – ижтимоий бозор муносабатларига асосланган, демократик ва ҳуқуқий жамиятга ўтиши эса жуда мураккаб жараён хисобланади. Шунга кўра, жамият аъзолари томонидан мазкур ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятини тушуниб етиш, уларда фаол иштирок этиш учун уларнинг онгу тафаккури ҳам ўзгариши лозим. Бу эса ислоҳот жараёнларининг секин-аста. босқичма-босқич амалга оширилишини тақозо этади. Қолаверса, тараққиётнинг юқори босқичларига эришиш учун ислоҳотларнинг маълум қуйи даражаси навбатдаги юқори, мураккаб даражаси учун махсус шарт-шароит, заминни тайёрлаши лозим.

Шунга кўра, Президентимиз Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ижтимоий-иқтисодий тараққиётимизнинг ўзига хос моделидаги муҳим тамойил – бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ва изчил равишда ўтиш, яъни ислоҳотларни инқилобий сакрашларсиз амалга ошириш ўта муҳим аҳамият касб этади.

> Иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий ғов-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча-барча иллатларидан бутунлай воз кечганимиз айниқса принципиал аҳамиятга эга бўлди.
>
> ***Ислом Каримов***

Ушбу тамойилнинг реал ҳаётдаги аҳамияти шунда бўлдики, уни амалиётда қўллаш, бир томондан, ўтиш даври муаммоларини ҳал қилишда мамлакатимизнинг имконияти ва халқимизнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, уларни янги юзага келган шарт-шароитларга "мослаштириб бориш" орқали ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш; иккинчидан, ўтиш даврида давлат ва бошқарув тизимини мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар, халқимизнинг дунёқараши ва ижтимоий ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришларга мос равишда уни демократик асосда шакллантириш; учинчидан, бошқа бир қатор мамлакатлар ўз бошидан кечирган ички социал зиддиятларнинг кучайиб кетишининг олдини олиш; тўртинчидан, мамлакатда мавжуд бўлган муаммолар комплекси ичидан биринчи навбатда ҳал қилиниши зарур бўлган асосийларини белгилаб олиш, уларни ҳал қилиш учун барча кучларни йўналтириш имкониятларини берди[1].

[1] Отамуратов С. Ҳозирги босқичда жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг долзарб вазифалари / "Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилишнинг долзарб муаммолари" Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. 2005 йил 19-20 май. ТКТИ. – Т., 2005, 9-бет.

Умуман олганда, мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг ҳар бир йўналиши ҳам амалга оширилган чора-тадбирларнинг босқичлилиги билан тавсифланади. Жумладан, мулкий муносабатларни ислоҳ қилишда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнлари кичик, ўрта ва йирик корхоналар бўйича босқичма-босқич амалга оширилди. Аграр соҳадаги ислоҳотлар эса собиқ маъмурий-буйруқбозлик тизимидан мерос бўлиб қолган давлат хўжаликларини дастлаб жамоа хўжаликларига, сўнгра ширкат хўжаликларига айлантириш, кейинчалик муайян шарт-шароитлар, замин тайёрлангандан сўнг уларни фермер ва деҳқон хўжаликларига айлантиришдан иборат бўлди. Нарх ислоҳоти ҳам нархларни эркинлаштиришнинг бир неча босқичларини ўз ичига олди: дастлаб кенг доирадаги ишлаб чиқариш-техника воситаси бўлган маҳсулотлар, айрим турдаги халқ истеъмоли моллари нархи эркинлаштирилиб, аҳолининг кундалик эҳтиёжида муҳим ўрин тутувчи озиқ-овқат ва саноат товарлари нархларининг чегараси давлат томонидан белгилаб қўйилди. Кейинчалик, миллий ишлаб чиқаришнинг ўсиши ва иқтисодиётнинг барқарорлашиши билан деярли барча товарлар нархлари эркинлаштирилди.

Янги XXI асрнинг бошларига келиб, Президентимиз И.А.Каримов мамлакатимиздаги ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари – мамлакат сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада эркинлаштириш, жамият маънавиятини янада юксалтириш, юқори малакали кадрлар тайёрлаш, халқ турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиши, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни таъминлаш, жамиятдаги барқарорлик, тинчлик, миллатлар ва фуқаролараро тотувликни, сарҳадларимиз ва давлатимиз ҳудудий яхлитлигини таъминлашни белгилаб берди. Ҳар бир йўналиш бўйича аниқ вазифалар белгилаб олиниб, изчил равишда ҳаётга татбиқ этилди.

2007 йилнинг 30 августида Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида Республикамизнинг босиб ўтган мустақил тараққиёт йўли ва олдимизда турган вазифаларнинг маъно-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритиб, бу йўлни алоҳида икки даврга ажратиш тўғри бўлишини таъкидлаб ўтди. Бу даврларнинг ҳар бири мамлакатимиз тарихида ўзига хос ва ўзига мос муҳим ўрин эгаллашини билдирди.

Жумладан, **дастлабки босқич – 1991-2000 йиллар мамлакатимиз ва халқимиз ҳаётида улкан из қолдирган ўтиш даври том маънода тарихий аҳамиятга эга экани эътироф этилди.** Бу босқичда ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлиқ қуйидаги долзарб ва муҳим вазифалар белгиланиб, амалга оширилди:

- эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш;

- сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал хомашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзига муносиб жой эгаллаш мақсадига эришиш;

- Асосий қомус – Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиши ва қабул қилиш;

- давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этиш;

- туб маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган Давлат план комитети, Давлат таъминот комитети, Давлат нарх комитети, Давлат агросаноат комитети ва кўплаб тармоқ вазирликлари тугатиш, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилиш – вилоят, туман

ва шаҳарларда ҳокимлик институтини жорий этиш. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи тизими – маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш;

- судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан қонун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга қаратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш;

- қисқа муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиладиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркоагрессия каби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизимини шакллантириш;

- мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришишдан иборат стратегик вазифани ҳал этиш;

- бозор иқтисодиёти асосларини яратиш, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатлари механизмини ишга тушириш;

- бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш, миллий валютани муомалага киритиш;

- кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга ошириш;

- мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қуролли Кучларни шакллантириш;

- ташқи сиёсат ва дипломатик хизматни шакллантириш ва ҳ.к.



2.6.1-расм. Миллий тараккиётимизнинг дастлабки босқичида белгиланган вазифаларни амалга ошириш оркали эришилган натижалар.

Белгиланган вазифаларнинг изчил ва самарали амалга оширилиши натижасида ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш борасида бир қатор салмоқли ва аҳамиятли натижалар қўлга киритилди (2.6.1-расм).

Эски маъмурий-буйруқбозлик тизимидан воз кечиб, бозор иқтисодиётига ўтиш йўлидаги тадбирларнинг аҳамиятига баҳо бериб, Президентимиз қуйидагиларни таъкидлаган эди: "Иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий ғов-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш

лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроксиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча-барча иллатларидан бутунлай воз кечганимиз айниқса принципиал аҳамиятга эга бўлди"[1].

Иккинчи босқич 2001 йиллан кейинги даврни ўз ичига олиб, у Президентимиз томонидан фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври деб номланди. Ушбу даврда қуйидаги асосий жиҳатларга эътибор қаратилиб, кўплаб муҳим вазифалар амалга оширилмоқда:

- ўтиш даври ва миллий давлатчиликни барпо этиш шароитида объектив зарурат бўлган кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамиятига изчил ва босқичма-босқич ўтишга эришиш;

- мамлакатимизнинг қонун чиқарувчи олий органи – Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси икки палатали парламентга айлантирилиши;

- давлат ҳокимияти марказий органларининг бир қатор ваколат ва вазифаларини, авваламбор иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, бюджет ташкилотларини, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга босқичма-босқич ўтказилиши;

- суд-ҳуқуқ тизимини ҳуқуқий давлатни шакллантиришнинг муҳим таркибий қисми сифатида чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича янги концепциянинг ҳаётга татбиқ қилиниши ва ҳ.к.

Натижада, фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, сиёсий ҳаётимизни, қонунчилик, суд-ҳуқуқ тизими ва ижтимоий-гуманитар соҳаларни изчил ислоҳ қилишни таъминлашда гоят муҳим натижалар қўлга киритилди.

Миллий тараққиётимиз йўлида босиб ўтилган тарихий довон мамлакатимизда янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш билан, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакилларининг ҳаётга кириб келиши учун ҳар томонлама мустаҳкам замин тайёрлади. Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни орттга қайтариб бўлмаслиги, ислоҳотлар мукаррарлигининг ишончли кафолатидир[2].



2.6.2-расм. Миллий тараққиётимизнинг кейинги мантикий босқичининг муҳим дастурий вазифалари.

---

[1] Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

[2] Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

Энг муҳими, миллий тараққиётимиз иккинчи даврининг ҳали ўз мантиқий якунига етмагани, балки мамлакатимизни жадал ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги босқичи изчил давом этаётганидир. Ушбу босқичнинг муҳим дастурий вазифаларини қуйидаги чизма орқали ифодалаш мумкин (2.6.2-расм).

Миллий тараққиётимизнинг ҳозирги палласида мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш жараёнлари янада кучайтирилиб, пировард стратегик мақсадимиз – ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги ҳаракатлар изчил равишда амалга оширилади.

> Барчамизга аёнки, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилди.
>
> ***Ислом Каримов***

Президентимиз томонидан белгилаб берилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг олтинчи йўналиши мазкур пировард стратегик мақсадимизнинг муҳим таркибий қисми бўлган демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш масалаларига қаратилган.

Мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга қаратилганлиги бежиз эмас. Маъмурий-буйруқбозликка асосланган тизимнинг фаолияти даврида унинг самарасиз эканини, унинг асосий қоида ва тамойилларининг амал қилиши натижасида инсонларда боқимандачилик, бепарволик, лоқайдлик каби салбий хислатларнинг пайдо бўлиши ва кучайиб кетиши, бунинг оқибатида эса мамлакатда хўжасизлик, моддий бойлик ва ресурслардан фойдаланишдаги исрофгарчилик, бошқарувдаги бошбошдоқлик каби иллатларнинг кучайиб кетиши нафақат яққол намоён бўлди, балки кўплаб мамлакатлар халкларининг фаровон ҳаёти ҳамда турмуш даражасига турли таҳдид ва хавфларни келтириб чиқарди.

Марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизими – барча моддий ресурсларга ижтимоий, аниқроғи, давлат мулкчилигининг ҳукмронлиги ва маъмурий органлар томонидан иқтисодий қарорларнинг марказлашган тартибда қабул қилиниши орқали тавсифланувчи, фойдаланадиган ресурсларнинг ҳажми, маҳсулотнинг таркиби ва тақсимланиши, ишлаб чиқаришни ташкил қилиш масалаларига тегишли барча муҳим қарорлар марказий бошқарув органлари томонидан қабул қилинувчи иқтисодий тизим.

Бозор иқтисодиёти – товар ишлаб чиқариш, айирбошлаш ва пул муомаласи қонун-қоидалари асосида ташкил этиладиган ва бошқариладиган иқтисодий тизим.

Бугунги кунда жаҳоннинг аксарият ривожланган мамлакатлари тараққиёти тажрибасидан ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг инсоният тамаддунидаги энг самарали ва демократик иқтисодий тизим эканлиги маълум бўлди ва тан олинди. Президентимиз "Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" номли китобида мустақил, сифат жиҳатидан янги ижтимоий-иқтисодий модель сифатидаги ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг мазмунини тушунтириб берди: "Ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти марказлаштирилган режали бозордангина эмас, балки эркин бозордан ҳам фарқ қилади. У мустақил иқтисодий андозадан иборат бўлади. Унинг эркин бозордан муҳим фарқи шундан иборатки, у иқтисодий ва ижтимоий асосларнинг синтези ҳисобланади. Бу шуни билдирадики, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти тўла-тўкис ҳам бозор иқтисодиёти, ҳам ижтимоий

иқтисодиёт ҳисобланади, иқтисодий ривожланиш самарадорлигини ижтимоий кафолатлар ва ижтимоий адолат билан боғлаш мақсадини кўзлайди"[1].

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлини танлаб, жамиятни тубдан ислоҳ қилиш стратегияси ишлаб чиқишда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишни пировард мақсад сифатида белгилаб олди. Президентимиз бу борада "Бунда биз марказлаштирилган, маъмурий-буйруқбозликка асосланган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш – эски хўжалик юритиш механизмини шунчаки янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки бир сифат ҳолатидан иккинчи сифат ҳолатига ўтиш эканлигини қайта-қайта таъкидладик. Бу бир иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмаларининг бошқа иқтисодий муносабатлар ва ташкилий-бошқарув тузилмалари билан алмашинувидир"[2], деб кўрсатиб берди.

Давлат тасарруфидан чиқариш – давлат корхоналарини ва ташкилотларини жамоа, ижара корхоналарига, акциядорлик жамиятларига, масъулияти чекланган жамиятларга, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ва ташкилотларга айлантириш.

Хусусийлаштириш – фуқароларнинг ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акциядорлик жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олиши.

Банк – иқтисодиётнинг меъёрда амал қилиши учун зарур бўлган пул массаси ҳаракатини тартибга солувчи молия-кредит муассасаси.

Банк фаолияти – пул маблағларини тўплаш, жойлаштириш ва уларнинг ҳаракатини тартибга солишга қаратилган фаолият.

Инвестиция – иқтисодий самара (фойда, даромад) олиш ёки ижобий ижтимоий натижага эришиш учун сарфланадиган пул маблағлари, банкларга қўйилган омонатлар, пайлар, қимматли қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар, асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойлик.

Чет эл инвестициялари – фойда, дивиденд ёки бошқа шакллардаги даромадларни олиш мақсадида миллий иқтисодиётга чет эллик сармоядорларнинг киритган маблағлари.

Бундан кўринадики, бир ижтимоий-иқтисодий тизим ўрнига мазмун ва сифат жиҳатидан фарқланувчи бутунлай янги тизимнинг шакллантирилиши жамиятдаги мавжуд иқтисодий манфаатлар ва муносабатлар мувозанатининг бузилишига, кўплаб ташкилий-иқтисодий ва хўжалик юритиш шаклларининг барҳам топиши ёки ўзгаришига, янгиларининг пайдо бўлишига олиб келади. Энг муҳими, бундай янгиланишлар жамият аъзоларининг иқтисодий тафаккури, турмуш тарзи ва "ҳаёт фалсафаси"даги туб ўзгариш ҳолатлари билан боғликдир.

Жамият ижтимоий-иқтисодий мазмуни ва қиёфасининг янгиланиши мазкур жараёнлар ҳуқуқий асосларининг яратилиши билан бирга узвий ҳолда бориши зарур. Шунга кўра, иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки палласиданок мамлакатимизда Фуқаролик, Ер, Солик ва Божхона кодекслари, "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида", "Банклар ва банк фаолияти тўғрисида", "Чет эл инвестициялари тўғрисида", "Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида"ги Қонунларнинг кабул қилиниши муҳим қадам бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтишдаги ислоҳотларнинг босқичлиги ва изчиллигининг муҳим қоидаси ва эътиборда тутиш лозим бўлган жиҳатларидан бири – ижтимоий-иқтисодий муносабатлардаги ҳар қандай сифат ўзгаришларини мунтазам кузатиб, уларни янада ривожланишини рағбатлантириб, ва айни пайтда, бунинг учун етарли шарт-шароитларни яратиб бориш ҳисобланади. Шунга кўра, Президентимиз таъкидлаганидек, ислоҳотларимизнинг кейинги босқичида "Талбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида", "Хусусий корхона тўғрисида", "Валютани тартибга солиш

[1] Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993.
[2] Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: Ўзбекистон, 1993.

тўғрисида", "Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида", "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунлар, янги таҳрирдаги Солиқ кодекси ва иқтисодиётни ислоҳ қилиш бўйича умумий ҳисобда 400 дан зиёд қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиб, қабул қилинди ва жорий этилди. Уларнинг барчаси иқтисодиётимизни янада либераллаштириш ва модернизация қилишда нафақат мустаҳкам ҳуқуқий асос, балки амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг ортга қайтмаслигининг кафолати бўлиб хизмат қилмоқда.

Агар бозор ислоҳотларининг дастлабки паллаларида одамларда бу борадаги тасаввурлар етарли эмаслиги натижасида мазкур жараёнларга маълум даражада ҳадиксираш, эртанги ҳаёт учун ташвишланиш, ҳаттоки айрим ҳолларда ишончсизлик хислари мавжуд бўлса, мамлакатимиздаги ислоҳот ва янгиланишларнинг ўтган даври бундай ҳиссиёт ва иккиланишларни йўқотиб юборди, аҳоли орасида эртанги кунга ишонч ва ёркин келажак учун интилиш, бунёдкорлик йўлида ҳаракат қилиш каби хислатларни кучайтирди. Бугунги кунда жамият аъзоларининг аксарияти бозор иқтисодиётининг афзалликлари ва имкониятларини ўз ҳаётлари ва турмуш тарзларида яққол сезмоқдалар. Дастлаб одамлар учун қандайдир мавҳум бўлиб туюлган бозор иқтисодиёти бугун уларнинг фаровон ҳаётлари учун янгидан-янги имкониятларни очиб бермоқда.

Президентимиз ўз маърузасида юқоридаги ижобий жиҳатларни таъкидлаш билан бирга, холисона таҳлил, ислоҳотларимизнинг мантиғи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатаётганини ҳам таъкидлаб ўтди.

Тадбиркорлик фаолияти – шакли, тури ва соҳасидан қатъий назар, фойда олиш ва уни кўпайтириш мақсадида амалга ошириладиган иқтисодий фаолият.

Хусусий корхона – алоҳида мулк эгаси ёки уларнинг муайян гуруҳига тегишли бўлган, юридик шахс кўринишида ташкил этилган, маҳсулот ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчи корхона шакли.

Валюта – мамлакатларнинг миллий пул бирлиги (масалан, сўм, доллар, фунт стерлинг ва ҳ.к.).

Ташқи иқтисодий фаолият – савдо алоқаси, ҳамкорликдаги тадбиркорлик, хизмат кўрсатиш, иқтисодий ва илмий-техник ҳамкорликнинг турли шакллари, валюта ва молия-кредит операцияларини амалга оширишнинг турли шакллари орқали ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёни.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект.

Иқтисодиётни либераллаштириш – хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизими.

Иқтисодиётни модернизациялаш – иқтисодиёт тармоқ ва корхоналаридаги ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараённи тартибга солишга қаратилган фаолият.

Шу билан бирга, холисона таҳлил, ислоҳотларимизнинг мантиғи ва изчиллиги, уларнинг энг замонавий бозор нормаларига мувофиқлигини баҳолаш иқтисодиётни бошқариш тизимини янада чуқурлаштириш, такомиллаштириш ва либераллаштириш бўйича жиддий эҳтиёж мавжудлигини кўрсатмоқда.

Ислом Каримов

Маълумки, эркинлаштириш бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири бўлиб, хўжалик ҳаётининг барча соҳаларидаги тўсиқ ҳамда чекловларни, шунингдек, давлат назоратини кескин равишда қисқартириш ёки бекор қилишга йўналтирилган чора-тадбирлар тизимидан иборатдир. У бутун иқтисодиётга татбиқ этилиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

- хўжалик фаолиятини амалга оширишда давлат монополиясини бекор қилиш;
- ресурсларнинг марказлашган ҳолдаги тақсимотини тугатиш;

- нархларнинг устун равишда талаб ва таклиф нисбати асосида шакллантирилишига ўтиш;

- ички ва ташқи бозорларда трансакцион битимлар устидан давлат назоратини пасайтириш ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясида хусусий мулкка алоҳида эътибор қаратилиб, унинг бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясида экани алоҳида қайд этилган. Шуни тан олишимиз ва доимо эътиборда тутишимиз керакки, бугунги кунда ҳам аҳоли маълум бир кисмининг хусусий мулк, тадбиркорлик, даромадларнинг шаклланиши тизимининг эркинлигига салбий муносабатда бўлиши ҳоллари учраши мумкин. Бу ҳолат тоталитар тизимнинг бир неча ўн йиллар давомида ҳукмронлиги оқибатида аҳолида шаклланган бокимандалик кайфияти, давлат ёрдамига умидворлик, хусусий мулкнинг узоқ йиллар давомида таъқиб қилиб келинганлиги, унинг айрим кишилар тасаввурида салбий таассурот қолдирганлиги каби сабаблар билан изоҳланади.

Мамлакатимизда хусусий мулкнинг дахлсизлиги ва давлат ҳимоясига олинганлиги тўғрисида тўхталар эканмиз, бу таникли иқтисодчи Я.Корнаининг хусусий секторни самарали ривожланишини таъминлаш учун "Хусусий мулкнинг мутлақ хавфсизлиги

Хусусий мулк – айрим соҳибкорларга қарашли бўлиб, ёлланма меҳнатга асосланган ҳолда фойдаланиладиган мулк.

Хусусий мулкдор – якка шахс ёки бир неча шахслар гуруҳидан иборат бўлган хусусий мулк эгаси.

Мулкка эгалик қилиш – мулкдорлик ҳуқукининг унинг эгаси қўлида сақланиб туриши ва яратилган моддий бойликларни ўзлаштиришнинг иқтисодий шакли.

Мулкдан фойдаланиш – мол-мулкнинг иқтисодий фаолиятда ишлатилиши ёки ижтимоий ҳаётда қўлланиши, яъни унинг нафли жиҳатларининг бевосита истеъмол қилиниши.

Мулкни тасарруф этиш – мол-мулк тақдирини мустақил ҳал қилиш. (қоғозлар (акция, облигациялар), технологиялар, машиналар асбоб-ускуналар, лицензиялар ва самара берадиган бошқа ҳар қандай бойликлар).

тўғрисида қатъий равишда эълон қилиниши зарур… Албатта, бундай кафолатлар қонунлар, партияларнинг дастурлари ва етакчи давлат арбобларининг баёнотлари орқали белгиланиши лозим… Келгусидаги инвестициялар ҳақида қайғуриш "Конфискациялар энди ҳеч қачон бўлмайди!" дея қатъий баёнот беришни тақозо этади"[1] деган сўзларини келтириш ўринлидир. Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан буён Президентимиз шахсан турли доираларда бундай кафолатлар тўғрисида мунтазам равишда, қайта-қайта таъкидлаб келмоқда. "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чукурлаштириш ва фукаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да "Биринчи навбатда, *хусусий мулкнинг ҳуқук ва ҳимоясини* мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳукукларининг ҳимоячисидир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлар ўз бизнесига бехавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши,

> Биринчи навбатда, хусусий мулкнинг ҳуқук ва ҳимоясини мустаҳкамлашимиз, ҳар қайси хусусий мулкдор қонуний йўл билан қўлга киритган ёки яратган ўз мулкининг дахлсизлигига асло шубҳа қилмаслигини таъминлайдиган ишончли кафолатлар тизимини яратишимиз зарур. Ҳар бир тадбиркор аввало шуни аниқ-равшан билиб олиши керакки, давлат хусусий мулкдор ҳукукларининг ҳимоячисидир.
>
> ***Ислом Каримов***

[1] Корнаи Я. Путь к свободной экономике: (Страстное слово в защиту экономических преобразований). М.: Экономика, 1990. – 26-бет.

ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этиши лозим"[1] дея яна бир бор таъкидланиши ушбу фикрларнинг яққол тасдиғидир.

Маърузада шу мақсадда бозор иқтисодиётининг негизи ҳисобланган хусусий мулкка нисбатан давлат томонидан берилаётган асосий кафолатларни мустаҳкамлашга қаратилган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурлиги, шунингдек, бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этиши, бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарурлиги таъкидланди.

Президентимиз томонидан тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ чора-тадбирларга олдинги йиллардан эътибор қаратиб келинмоқда. Хусусан, 2009 йилда ҳам тадбиркорларнинг ўз ишини ташкил этиш билан боғлиқ сарф-харажатларини қисқартириш ишлари давом эттирилиб, жумладан:

- архитектура-режалаштириш топшириқ тўпламларини олиш қиймати – 4 баробар;
- лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш – 2,5 баробар;
- кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш қиймати – 2 баробарга пасайтирилган эди.

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишдаги рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши билан боғлиқ тадбирлар натижаларини қуйидаги жадвал орқали яққолроқ кўриш мумкин (2.6.1-жадвал).

2.6.1-жадвал

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши

Рухсат бериш билан боғлиқ жараёнлар турлари	Тўлов миқдори				Тўлов миқдорининг қисқариши, фоизда
	Аввал амалда бўлган		Янги киритилган		
	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	сўмда*	
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	140200	2	56080	- 60
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	28040	0,5	14020	- 50
Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш	40	1120000	10	280400	- 75
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	- 56
Экологик экспертиза	25	701400	1	28040	- 96
Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш	10	280400	3	84120	- 70
Қурилиш давомида назорат-ижро съемкалари ўтказиш	5	140200	3	84120	- 40

[1] Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // "Халқ сўзи" газетаси, 2010 йил 13 ноябрь.

Нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш	75	2103000	1	28040	- 98,7
Гигиеник сертификатлар олиш	10	280 400	3	84 120	- 70
Жами тўловлар қиймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	**5037660**	-	**830960**	- 83,5

* *Изоҳ: энг кам иш ҳаки миқдори тўловларни қисқартиришга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган даврга татбиқан олинган.*

Жадвалдан кўринадики, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларини қисқартириш ва тўловларни оптималлаштириш тадбирлари сезиларли даражада амалга оширилган. Масалан, нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш бўйича тўлов миқдори 75 марта, экологик экспертиза қиймати 25 марта камайтирилган. Бунинг натижасида ҳар битта тадбиркорлик субъекти учун ўз фаолиятини ташкил этишда ўртача 4207 минг сўм миқдоргача маблағларни тежаш имконияти пайдо бўлган.

Бошқарув – турли фаолият турларини уларнинг мақсадлари, бажариш шароитлари, амалга ошириш босқичларини ҳисобга олган ҳолда мувофиқлаштириш жараёни.

Бошқарув тизими – иқтисодиётнинг турли даражаларидаги хўжалик фаолиятини амалга ошириш жараёнларини мақсадга мувофиқ ташкил қилиш, назорат қилиш ва такомиллаштириш учун тегишли ўзгартишлар киритиб бориш билан шуғулланувчи турли идора ва муассасалар фаолияти тизими.

Бюрократик тўсиқлар – иқтисодиётнинг турли даражаларида хўжалик фаолиятини ташкил этиш, хўжалик ечимларини самарали ҳал этишга тўсқинлик қилувчи, асоссиз равишдаги ва субъектив тавсифдаги расмиятчилик, тартиб-қоидалар.

2009 йил давомида инвентаризация натижасида аниқланган қарийб 2 мингта бўш бино кичик тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди. Бунда биноларни ижарага бериш тарифлари тадбиркорлик субъектларининг қаерда жойлашгани ва уларнинг фаолият турига караб 3 баробардан 10 баробарга қадар камайтирилди. Шунингдек, ўтган давр мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун қуйидаги имтиёз ва қулайликлар яратилди:

Ўйлайманки, бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйиш вакти келди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади. Ишончим комилки, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилади.

Ислом Каримов

- маҳсулотларнинг гигиеник сертификатини амал қилиш муддати илгариги 3 йилдан эндиликда чекланмаган муддатга ўтказилди;
- фитосанитария хулосаларини бериш муддатлари қисқартирилди;
- электр ва иссиқлик тармоқларига уланиш учун техник шартларни бажариш муддатлари 1 ойдан 3 кунгача қисқартирилди;
- биноларни турар жойдан нотурар жой тоифасига ўтказиш жараёни соддалаштирилди;
- давлат мулкидаги бўш бинолар ижара ҳақлари 10 ва ундан кўп баробаргача туширилиши натижасида уларнинг 81 фоизи (аниқланган 3650 тадан 2939 таси) тадбиркорлик субъектларига ижарага берилди;

- ташқи рекламани жойлаштириш тарифлари ўртача 20 дан 30 фоизгача пасайтирилди ҳамда айрим ҳудудларнинг қишлоқ жойларида ҳақ олиш бекор қилинди. Бунинг натижасида ташқи реклама берувчи тадбиркорларнинг улуши 34 фоизгача ошди;

- ташқи рекламани жойлаштириш қиймати Тошкент, Фарғона, Жиззах, Наманган ва Навоий вилоятларининг қишлоқ жойлари учун 50 фоизгача пасайтирилди;

- электр энергиясини олди-сотти шартномасида белгиланган ҳажмга нисбатан кам сарфланиши учун жарималар бекор қилинди ва ортиқча сарфлаш бўйича жарималар 50 фоизга қисқартирилди.

Президентимиз ўз маърузасида бугунги кунда кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнесни қонуний белгилаб қўйишга алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келиши, бундай бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базаси яратилса, оилавий бизнеснинг ҳуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига шароит туғилишини таъкидлади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, бизнесни ташкил этиш турлича, масалан, якка, хусусий, кооператив (ҳамкорликдаги) тадбиркорлик, шерикчилик, масъулияти чекланган жамият, акциядорлик жамиятлари, йирик хўжалик бирлашмалари, уюшмалари ва бошқа шу каби ташкилий-ҳуқуқий шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бунда кўплаб омиллар, шарт-шароитлар билан бир қаторда муайян ташкилий-ҳуқуқий шаклнинг бизнес ташаббускорлари иқтисодий манфаатларини нақадар тўла ва самарали рўёбга чиқара олиши даражаси инобатга олинади. Шунга кўра, ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан бизнесда энг мустаҳкам ташкилий-ҳуқуқий шакллардан бири – оилавий бизнес ҳисобланади. Чунки, оила – бу қондошлик алоқалари орқали мустаҳкам боғланган кишилар гуруҳидир. Оила аъзолари ўртасида бизнес учун зарур бўлган энг муҳим белги ва тамойиллар яққол мавжуд: ўзаро ишонч, бир-бирларининг ақлий ва жисмоний салоҳият ва имкониятларини билиш, ўзаро ҳурмат, самарали меҳнат тақсимотини амалга ошириш имкониятлари, қатъий масъулият ва жавобгарлик ва ҳ.к. Бу эса оилавий бизнесни шаклининг иқтисодий жиҳатдан самарали ва истиқболли эканлигини намоён этади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, одамларнинг "ҳаёт фалсафасини" ўзгартирди. Вужудга келган эркинлик, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имкониятининг берилиши натижасида узоқ йиллар давомида боқимандачилик кайфиятида юрган аҳоли орасидан ишбилармон, тадбиркор, моҳир хўжалик эгалари, ҳунармандлар, касаначилар, иш юритувчилар ажралиб чиқди. Эндиликда улар фақат давлатдан иш жойи ва иш ҳақи кутиб қолмасдан, балки ўзлари ҳам хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиб, янги иш ўринларини яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу натижаларни мамлакатимиздаги аҳоли даромадлари таркибининг ўзгариши орқали ҳам кузатиш мумкин. 1990 йилда аҳоли даромадлари таркибида иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар 69,8 фоизни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишдан олинадиган даромад 7,6 фоизни, тадбиркорлик фаолиятидан олинган даромад 3 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда бу даромадларнинг улуши тегишли равишда қуйидагича ўзгарди: 29,7 фоиз, 27,0 фоиз, 28,1 фоиз. Бундан кўринадики, тадбиркорлик фаолиятидан олинадиган даромад иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар даражаси билан деярли бараварлашган.

Демак, мустақиллик йиллари давомида оилалар моддий асосларининг ривожланиши, улар молиявий имкониятларининг кенгайгани, яшаш шароитлари (электр энергияси, газ, ичимлик суви, оқова сув тизими билан таъминланганлик даражаси)нинг яхшиланиши каби омиллар эндиликда бизнесни оила аъзолари доирасида ташкил этиш учун қулай замин яратди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳоли бандлиги даражасини оширишдаги роли ҳам аҳамиятли ҳисобланади. Ҳақиқатан ҳам, тадбиркор ўз маблағларини ишлаб чиқариш соҳасига киритар экан, айни пайтда ўз даромадларини ошириш билан бирга жамият бошқа аъзоларининг ҳам иш ҳамда даромад билан таъминланишига моддий негиз яратади. Мамлакатимизда бу борадаги фаолият ҳам кенгайиб бормоқда: 2000-2008 йиллар давомида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида банд бўлганлар сони 3,3 марта ошди. 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлганлар сони 8402,3 минг кишини, шу жумладан, якка тадбиркорлар 6446,2 минг кишини, кичик корхона ва микрофирмадаги бандлар сони 1956,1 минг кишини ташкил этди. Ушбу соҳа вакиллари томонидан 2002 йилда 369,3 мингта, 2005 йилда 434,2 мингта, 2006 йилда 290 мингта, 2009 йилда 390 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

> Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ.
>
> ***Ислом Каримов***

Маърузада жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлаганлиги, шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқлиги, бу эса банк ва бошқа

Бизнес – ўзининг мулкий жавобгарлиги остида хусусий ёки қарз маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган, асосий мақсади фойда олиш ва ўз ишини ривожлантириш нуқтаи назаридан юритилувчи иқтисодий фаолият.

Кичик бизнес субъектлари – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда кичик бизнес субъектлари тоифасига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.

Якка тартибдаги тадбиркорлик – алоҳида фуқаролар томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкий жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик доирасида юритиладиган ташаббускорлик асосидаги хўжалик фаолияти.

Микрофирма – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Кичик корхона – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришининг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика сапоати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

Бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий шакли – тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишнинг мулкчилик муносабатлари, ташкилий ва бошқарув тузилмаси, ички тартиб ва хўжалик алоқалари тавсифи ва бошқа белгилари жиҳатидан умумий тарзда қабул қилинган талаб ва қоидаларга мувофиқ келувчи типик кўринишлари (масалан, якка тадбиркорлик, микрофирма, кичик корхона, акциядорлик жамияти, давлат корхонаси ва ҳ.к.).

Оилавий бизнес – тадбиркорлик фаолиятининг ўзаро қон-қардошлик алоқалари билан боғлиқ бўлган кишилар гуруҳи (асосан оила аъзолари) томонидан биргаликда юритишга асосланган шакли.

молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда мижозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади, деб таъкидлаб ўтилди.

Ҳозирги вақтда республикамиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги 1,5 миллиард доллардан ортиқ бўлиб, бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос бўлади.

Кейинги йилларда банк тизимини янада такомиллаштириш, тижорат банкларининг капиталлашув даражасини ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларида иштирокини кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада кўрилган чора-тадбирлар натижасида банк активлари 12 трлн. 65 млрд. сўмни, тижорат банкларининг жами капитали 2 трлн. 104 млрд. сўмни ташкил этди. Фуқароларнинг банк тизимига бўлган ишончи тобора ошиб бораётгани, аҳолининг банклардаги омонатларининг давлат томонидан кафолатлангани, энг муҳими, фуқароларнинг банклардан омонатларини ўз вақтида олаётгани, кредит ташкилотлари томонидан аҳолига 400 дан ортиқ қулай омонатлар турларининг таклиф этилиши 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига омонатлар миқдорининг 2 трлн. 750 млрд. сўмга етишига замин яратди (2.6.3-расм).



2.6.3-расм. Ўзбекистонда банклардаги аҳоли омонатларининг ўсиш динамикаси

Айни пайтда банкларнинг иқтисодий ўсишни молиявий қўллаб-қувватлашдаги иштироки янада фаоллашиб бормоқда. Жумладан, 2008 йилда иқтисодиётнинг реал секторига ажратилаётган кредитлар миқдори 6 трлн. 372 млрд. сўмни, хўжалик субъектларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этишга қаратилган лойиҳаларни молиялаштириш учун тижорат банклари томонидан ажратилган инвестицион кредитлар миқдори 1 трлн. 534 млрд. сўмни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар миқдори 1 трлн. 251 млрд. сўмни, ёш оилаларга имтиёзли шартлар асосида ажратилган ипотека, истеъмол ва микрокредитлар миқдори 135,7 млрд. сўмни ташкил этди.

Мамлакатимизда ўтган йиллар давомида бозор иқтисодиёти соҳасидаги ўзгаришларнинг ишончли қонунчилик базасини шакллантириш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Маърузада мавжуд қонунларимизнинг кўпчилигини уларни қўллаш

амалиёти ва мамлакатимизда бозор муносабатлари ривожланишининг хозирги даврдаги янги реал ҳолатидан келиб чиқиб, жиддий қайта кўриб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Жумладан, акциядорлик компаниялари ўзларининг бозор муносабатларига мос мақомига мувофиқ фаолият юритиши учун "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя килиш тўғрисида"ги Қонунни танкидий қайта кўриб, янги таҳрирда ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ҳамда унда корпоратив бошқарув ва назорат органларининг ваколатлари, ҳукуқлари ва жавобгарлигини янада аниқ белгилаш лозим. Ушбу қонундаги акциядорлик жамиятларининг Кузатувчилар кенгашлари, умумий йиғилишлари, тафтиш комиссияларининг роли ва аҳамиятини ошириш, миноритар, яъни қўлида акцияси кам бўлган акциядорларнинг кафолатларини кўпроқ таъминлаш, барча акциядорларни ва бўлажак инвесторларнинг акциядорлик компаниялари фаолияти тўғрисида ахборот олиш имкониятларини кенгайтиришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Мамлакатимизда 2009 йилда акциядорлик жамиятларининг сони бирмунча камайгани ҳолда уларнинг умумий устав фондлари миқдорининг ортиши тамойили сакланиб қолди (2-жадвал). Ушбу тамойил кўп жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил

Акциядорлик жамияти (компанияси) – капитали қимматли қоғоз шаклида расмийлаштирилган турли омонатчиларнинг пул маблағларидан таркиб топувчи корхона (компания).
Акционер – корхона ёки компания акцияларининг эгаси.
Корпоратив бошқарув – компанияни самарали бошқаришни ташкил қилишда асосий манфаатдор шахсларнинг манфаатларини бирлаштиришни амалга оширилувчи ташкилий, ҳукукий ва иқтисодий тадбирлар мажмуаси.
Акциядорлик жамиятининг кузатувчилар кенгаши – акциядорлик жамиятининг фаолиятига умумий раҳбарлик қилувчи органи.
Акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши – акциядорлик жамияти томонидан қонунда белгиланган муддатларда ўтказиб турилиши шарт бўлган акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши бўлиб, жамиятни бошқаришнинг олий органи ҳисобланади.
Акциядорлик жамиятининг тафтиш комиссияси – фаолияти жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилишга йўналтирилган акциядорлик жамияти органи.
Инвестор – инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатларни, инвестицион фаолиятни амалга оширувчи шахс.

18 ноябрдаги "Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 4053-сонли Фармонида назарда тутилган талаблар билан боғлиқ бўлиб, Фармонга мувофик акциядорлик жамиятлари учун устав фондининг энг кам миқдори Марказий банк курси бўйича 400 минг АҚШ долларига эквивалент суммани ташкил этиши керак. Агар 2008 йил якунлари бўйича умумий устав фонди 4545,6 млрд. сўмни ташкил этган 1826 та акциядорлик жамияти фаолият кўрсатган бўлса, 2009 йил якунлари бўйича акциядорлик жамиятларининг сони 1619 тани ташкил этди, уларнинг умумий устав фонди эса 5805,1 млрд. сўмга кадар (127,7 фоиз) ўсди.

2.6.2-жадвал

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятлари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	2005	2006	2007	2008	2009
Акциядорлик жамиятлари сони	2114	2017	1925	1826	1619
Акциядорлик жамиятларининг умумий устав фонди, млрд. сўм	2787,3	2996,4	3255,8	4545,6	5805,1

Президентимиз хозирги вақтда яна бир муҳим масала – мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган конунларни қабул қилиш масаласи долзарб бўлиб қолаётганлигини кўрсатиб ўтди. Тўғри, мамлакатимизда мустақиллик йилларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга бўлган алоҳида эътибор ўз

натижаларини кўрсатди. Маълумки, кичик бизнеснинг ихчамлиги, ҳаракатчанлиги, иқтисодий манфаатларни нисбатан тўларок намоён эта олиши, бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши каби хусусиятлари унинг иқтисодиётни тубдан ўзгартиришда энг самарали ва қулай воситалардан бирига айлантирди. Мазкур соҳа тараққиёти учун алохида шарт-шароитларнинг яратилиши, солиқ, божхона ва бошқа тўлов имтиёзларининг белгиланиши, нисбатан арзон кредит ресурсларининг тақдим этилиши натижасида қисқа давр ичида кичик бизнес корхоналарининг сони аҳамиятли даражада ошиб борди. Статистик маълумотларга кўра, 1992 йилда рўйхатга олинган кичик бизнес корхоналарининг сони атиги 16,5 мингтани ташкил этган бўлса, 2010 йилнинг 1 январь ҳолатига бу кўрсаткич (фермер хўжаликларидан ташқари) 224,2 мингтага етди, яъни деярли 14 баравар ўсди. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2009 йилда 50,1 фоизга етди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич мустақилликнинг дастлабки йилларида 1,5 фоизни, 2000 йилда эса 31 фоизни ташкил этган эди (2.6.4-расм).



2.6.4-расм. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши динамикаси.

Президентимиз маърузада Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига карамасдан, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаётганига эътибор каратди (3-жадвал).

2.6.3-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиёт соҳалари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи, фоизда

Фаолият соҳалари	2005	2006	2007	2008	2009
Саноат	10,0	10,9	13,2	14,6	16,9
Қишлоқ хўжалиги	85,7	93,9	97,5	97,8	97,9
Чакана товар айланмаси	43,7	45,7	48,3	48,1	46,5
Пулли хизматлар	52,5	50,8	50,2	48,5	48,7

Жадвалдан кўринадики, 2009 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги салмоғи қишлоқ хўжалигида 97,9 фоиз, пулли хизматлар кўрсатишда 48,7 фоиз, чакана товар айланмасида 46,5 фоизни ташкил этгани ҳолда, саноат ишлаб чиқаришида атиги 16,9 фоизга етган, холос. Юртбошимиз ушбу вазифани ҳал этиш учун "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг янги

таҳририни тайёрлаш зарурлигини кўрсатиб, ушбу конунда кичик бизнесни қўллаб-қувватлашнинг бир қатор йўналишларини белгилаб берди (5-расм).

Бозор иқтисодиётнинг тўлаконли амал килиши кўп жиҳатдан мамлакатдаги монополияга карши сиёсатнинг самарасига ҳам боғлик. Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган монополияга қарши сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири – бу монополист-корхоналарнинг товар бозоридаги эгаллаб турган устунлик мавкеини суистеъмол килишнинг олдини олиш ва унга йўл қўймаслик бўйича назорат олиб боришдан иборатдир. Айнан шу мақсадда монополист-корхоналар Давлат реестри юритилиб, унга муайян тармокда устун мавкега эга бўлган корхоналар киритилади (4-жадвал).



2.6.5-расм. Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш йўналишлари.

2.6.4-жадвал

Ўзбекистондаги монополист корхоналар ва улардаги монопол маҳсулотлар турлари миқдори

Секторлар	2005		2006		2007		2008		2009	
	КС	МС	КС	МС	КС	МС	КС	МС	КС	МС
Нон ва нон маҳсулотлари, буғдой	1	2	1	2	1	2	1	2	1	2
Кўмир	1	2	1	2	1	2	2	2	2	2
Газ	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Озиқ-овкат	19	7	17	7	17	7	24	8	22	8
Енгил саноат	10	9	8	7	7	5	2	4	1	1
Маҳаллий саноат	1	1	1	1	1	1	-	1	-	-
Нефть-кимё саноати	14	23	16	23	16	23	20	23	20	23
Машинасозлик	25	37	24	36	20	27	16	23	15	20

Қурилиш материаллари	19	12	24	12	31	16	25	16	25	15
Хизматлар	142	73	132	72	126	69	114	65	103	74
Бошқа тармоқлар	20	12	16	12	16	12	19	11	20	15
Жами	**253**	**180**	**242**	**176**	**238**	**166**	**225**	**157**	**211**	**162**

Изоҳ: КС – монополист корхоналар;
МС – монопол маҳсулот ва хизматлар турлари.

Мамлакатимизда монополистик фаолиятни чеклаш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар, жумладан, янги корхоналарни ташкил этиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, товар бозорларига янги хўжалик юритувчи субъектларни киритиш орқали рақобат сезиларли даражада кучайишига қарамасдан бир қатор тармоқларда монополизм ҳали ҳам сақланиб қолмоқда. Айниқса, ишлаб чиқариш капитал сиғимининг катталиги, катта қувватга эга бўлган агрегатлардан фойдаланилиши ва технология жараёнларининг узлуксизлиги каби объектив сабаблар айрим тармоқларда рақобатнинг ривожланишини

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашуви, улар ўртасида юқори фойда ва кўпроқ манфаат топиш учун кураш.
Монополия – монопол юқори нархларни ўрнатиш ҳамда монопол юқори фойда олиш максадида тармоқлар, бозорлар ва яхлит макроиқтисодиёт устидан ҳукмронликни амалга оширувчи йирик корхоналар (фирма, корпорациялар)нинг бирлашмалари.
Монополистик фаолият – хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўзининг бозорлаги устун мавқеидан фойдаланган ҳолда юритилувчи фаолияти.
Биржа савдолари – намуна (ёки стандарт)лар асосида оммавий товарларнинг мунтазам савдо-сотиқ ишларини ўтказувчи тижорат муассасаси орқали амалга оширилган олди-сотди операциялари.
Акция - унинг эгаси акциядорлик жамияти капиталига ўзининг маълум ҳиссасини қўшганига ва унинг фойдасидан дивиденд шаклида даромад олиш ҳуқуқи борлигига гувоҳлик берувчи қимматли қоғоз.

кийинлаштириб қўймоқда.

Шу билан бир қаторда, Президентимиз амалдаги "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонун бугунги кунда эскирганлиги ва замон талабларига жавоб бермай қолганлиги, шуни эътиборга олган ҳолда, "Рақобат тўғрисида"ги янги Қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарурлигини таъкидлаб ўтди. Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржа савдоларида хам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини содлалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш максадга мувофиқдир.

Маълумки, миллий иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ўрганишга бир неча жиҳатдан, яъни тармок таркиби, ҳудудий таркиби, такрор ишлаб чиқариш ва функционал таркиби, капиталнинг концентрациялашуви даражаси ҳамда ижтимоий-иқтисодий таркиби жиҳатидан ёндашиш мумкин. Иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий таркиби мазмунан иқтисодиёт тузилишига секторлар жиҳатидан ёндашувни ҳам англатади. Иқтисодиёт сектори – бу иқтисодиётнинг йирик қисми ҳисобланиб, у назарий ёки амалий мақсадларда иқтисодиётнинг бошқа қисмларидан ажратиш имконини берувчи ўхшаш умумий тавсифларга эга бўлади. Хўжалик юритиш шаклларига кўра, иқтисодиётнинг давлат, нодавлат (хусусий) ва бошқа секторлари фаркланади.

Иқтисодиётнинг нодавлат (хусусий) сектори бу – мамлакат иқтисодиётининг давлат назорати остида бўлмаган қисми бўлиб, ўз ичига хусусий капиталга тегишли бўлган

корхоналар ва уй хўжалигини олади. У иқтисодиётнинг корпоратив, молиявий ва индивидуал секторларига бўлинади[1].

Ўзбекистонда мустакиллик йилларида иқтисодиётнинг нодавлат сектори ривожланиши учун кулай шарт-шароитлар яратилиши натижасида мазкур соҳа жадал равишда ривожланди. Агар 1990 йилда республика ЯИМ умумий ҳажмининг атиги 38,1 фоизи иқтисодиётнинг нодавлат секторида ишлаб чиқарилган бўлса, 2009 йилга келиб, бу кўрсаткич 81,3 фоизни ташкил этди. Айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми ва чакана савдо айланмаси энг юқори салмоқ – 99,9 фоизга етди (2.6.6-расм).



2.6.6-расм.

Маърузада мамлакатимизда нодавлат секторининг фаолияти ва мавкеини таъминлашда асосий ўрин тутувчи 1991 йилда кабул килинган "Давлат тасарруфидан чикариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонун, ўтган давр мобайнида 80 тадан ортик конуности ҳужжати унга уйғунлаштирилганига карамасдан, бугун қайта кўриб чикишни ва янги тахрирда қабул килишни талаб этаётганлиги кўрсатиб берилди.

Мамлакатимизнинг стратегик муҳим тармоқлари ва корхоналарида акцияларнинг назорат пакети, таъбир жоиз бўлса, "олтин" акцияларни давлат ихтиёрида сақлаб қолган

[1] **http://www.glossary.ru.**

ҳолда, иқтисодиётнинг энг муҳим етакчи тармоқларига хусусий инвесторларни жалб қилиш ва уларда нодавлат сектор улушини янада кенгайтириш зарур. Бунда бўлажак инвесторларнинг барча тоифаларига хусусийлаштириш жараёнларида тенг шароит яратишни таъминлаш, уларда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиқлиги ва ошкоралигини кўзда тутиш лозим.

Юқорида таъкидлаб ўтилган ғоят муҳим аҳамиятга молик қонунларни такомиллаштириш билан бирга, Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислоҳотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. "Кредит бюролари фаолияти ва кредит ахбороти алмашуви тўғрисида", "Гаров реестри тўғрисида", "Риэлторлик фаолияти тўғрисида", "Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида", "Инновациялар ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида"ги ва бошқа янги қонунлар шулар жумласидандир.

Маърузада мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг энг муҳим истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилашда ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратишимиз кераклиги, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга қаратилган Инқирозга қарши чоралар дастурида ана шундай ёндашув ўтган йилларда ўзини тўла оқлагани, бугунги кунда Осиёдаги кўплаб мамлакатлар айнан шундай позицияга амал қилиб келаётгани таъкидланди.

> Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг якин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир.
>
> ***Ислом Каримов***

Агар бу борада Республикамизда амалга оширилаётган чора-тадбирлардан бири – ижтимоий соҳа объектларининг ишга туширилишига эътибор қаратсак, 2009 йил давомида қишлоқ жойларда 197,2 км узунликдаги табиий газ, 1665 км узунликдаги ичимлик сув тармоқлари қувурларини тортиш, 366 та қишлоқ аҳоли пунктларида ичимлик сув таъминоти объектларини реконструкция қилиш, ободонлаштириш бошқармаларини 2100 дона махсус техникалар билан жиҳозлаш, 134 та кўп қаватли уйларни мукаммал таъмирлаш ишлари бажарилганини кўришимиз мумкин. Умуман олганда, ҳудудларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектларининг куриб, ишга туширилиши натижасида, республика бўйича қўшимча 1,3 млн. нафар аҳолининг ёки 268,4 мингта оиланинг турмуш даражаси яхшиланиб, зарур ҳаётий ва ижтимоий-маиший эҳтиёжларга бўлган талабини қондиришга эришилган. Бу эса, юқорида таъкидланганидек, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий фаровонлиги ва имкониятларининг кенгайиши орқали ички эҳтиёжнинг ўсишига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Инновация – фан ютуклари ва илғор тажрибадан фойдаланишга асосланган техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш, бошқарув соҳасида янгилик киритиш.

Инновация жараёни – янгилик ғоясини ривожлантиришдан унинг пировард истеъмолчи томонидан истеъмол қилинишигача бўлган мантиқий изчилликда ҳаракатланувчи жараён. Бу янгиликнинг илмий-техник, ишлаб чиқариш-иқтисодий ва ижтимоий-ташкилий салоҳиятини яратиш, ривожлантириш ва ундан фойдаланиш жараёнидир. Инновация жараёнининг қуйидаги босқичлари мавжуд: янгиликни яратиш, уни ўзлаштириш, тарқатиш ва такомиллаштириш.

Риэлторлик фаолияти – кўчмас мулк савдоси билан шуғулланишга йўналтирилган фаолият.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида социал соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдан иборатлиги қайд этилди.

Эҳтиёж – инсоннинг яшаши ва камол топиши, умуман, инсониятнинг ривожланиши учун керак бўлган ҳаётий воситаларга бўлган зарурат.
Ички эҳтиёж – мамлакат ичидаги корхоналар ва аҳоли томонидан турли маҳсулот ва хизматларга бўлган эҳтиёж.
Талаб – маълум вақт оралиғида, нархларнинг мавжуд даражасида истеъмолчиларнинг товар ва хизматлар маълум турларини сотиб олишга қодир бўлган, пул билан таъминланган эҳтиёжи.
Истеъмол талаби – аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан пировард истеъмол маҳсулот ва хизматларига нисбатан намоён бўлган ва пул билан таъминланган эҳтиёж.
Социал соҳа – инсоннинг ҳаёт фаолияти даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи маҳсулот ва хизматларни тақдим этувчи тармоқ ва соҳалар (масалан, таълим, соғликни сақлаш, ижтимоий таъминот, маданият ва санъат, турар жой-коммунал хўжалиги, савдо-сотиқ, умумий овқатланиш, бошқарув, жисмоний тарбия ва спорт ва бошқалар)ни ўз ичига олган иқтисодиётнинг мухим таркибий қисми.
Меҳнатга ҳақ тўлаш – яратилган миллий маҳсулотдан ишчи ва хизматчиларнинг меҳнатининг миқдори, сифати ва унумдорлигига кўра улушини белгилаш ва тўлаш.
Хизмат кўрсатиш сектори – миллий иқтисодиётнинг аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларга турли хизматларни тақдим этувчи корхона ва тармоқлари мажмуи.
Инфратузилма – асосий тармоқ ёки соҳага хизмат кўрсатувчи, унинг тўлақонли фаолияти учун шарт-шароит яратиб берувчи соҳа. Йўналишига кўра, ишлаб чиқариш, ижтимоий, бозор ва бошқа инфратузилмаларни ажратиб кўрсатиш мумкин.
Инфратузилма объектлари – йўналишидан келиб чиққан ҳолда, ишлаб чиқариш (автомобиль ва темир йўллари, электр энергияси, сув таъминоти, омбор хўжалиги, транспорт ва алоқа хизматлари кўрсатувчи корхоналар ва ҳ.к.), ижтимоий (уй-жой ва коммунал хизмат идоралари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари, соғликни сақлаш муассасалари ва ҳ.к.), бозор алоқалари (биржалар, аукционлар, савдо уйлари, савдо-сотиқ идоралари ва агентликлари ва ҳ.к.) фаолиятини ташкил қилишга хизмат қилувчи турли муассасалар.

Президентимиз маъруза якунида мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг таклиф этилган Концепцияси Ўзбекистонни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида биз карийб 20 йил олдин бошлаган жараённи давом эттириш бўйича Олий Мажлис томонидан узоқ муддатли аниқ ҳаракат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун асос бўлишига ишонч билдирди. Шунингдек, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солишга, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишга даъват этди.

> Менинг сизларга мурожаатим, даъватим шуки, бугунги кунда амалга оширилаётган ислоҳот ва янгиланишлар жараёни бутун жамиятимиз, саховатли заминимизда яшаётган ҳар қайси инсонни амалий ишларга сафарбар этадиган умумий мақсадга айланиши учун барча имкониятларни ишга солайлик, эл-юртимиз манфаати, она Ватанимизнинг равнақи ва келажаги учун бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилайлик.
>
> ***Ислом Каримов***

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича

ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИ

КИРИШ

Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлига қадам қўйгандан сўнг жамият ҳаётида чуқур ўзгаришларни амалга ошириш жараёни бошлаб юборилди. Айниқса, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг барча жабҳаларини изчил ислоҳ этиш ва либераллаштириш, жамиятимизни демократик янгилаш ва модернизация қилиш жараёнлари жадал суръатлар билан ривожланиб бормоқда. Жумладан, юртимизда кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича белгилаб олинган ва изчил равишда амалга оширилаётган улкан ишлар ўзининг амалий самарасини бермоқда.

Албатта, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидаги бундай юксак ютуқ ва натижаларимиз кўплаб омилларга, энг аввало, мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан тўғри белгилаб берилган тараққиётнинг ўзига хос моделига боғлиқ. Зеро, республикамиздаги реал ижтимоий-иқтисодий ҳолат, унинг иқтисодий салоҳияти ва ривожланиш имкониятлари, халқимизнинг бой тарихий мероси, асрий анъана ва қадриятларини ҳисобга олиш, жаҳондаги ривожланган давлатларнинг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш бўйича илғор тажрибасини ўрганиш ва шу асосда тараққиётнинг ўзбек модели яратилиши мамлакатимиздаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар муваффақиятини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнади. Буни бугунги кунда дунё жамоатчилиги томонидан эътироф этилаётган, иқтисодиётимизда амалга оширилаётган кенг кўламли янгиланиш ва ўзгаришлар, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамлар ҳам яққол тасдиқлайди.

Мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритилган янги ва улкан марралар натижасида юртимиз қиёфасининг бутунлай ўзгариб, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётган бир паллада иқтисодиётнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражадаги иқтисодий-ижтимоий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва самарали амалга оширилиши муваффақиятлар омили бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда, босиб ўтилган йўл – олдинги даврда эришилган ютуқ ва натижаларни танқидий баҳолаш орқали тегишли хулосалар чиқариш, улар асосида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш дастурларини янада такомиллаштириб бориш ҳам муҳим принципиал аҳамият касб этади.

Шунга кўра, 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида Президентимиз Ислом Каримов "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусида маъруза қилиб, бу борадаги мақсад-вазифаларни янада аниқ-равшан белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбари умуммиллий аҳамиятга молик муҳим вазифаларни ҳал этишда давлат ҳокимияти тармоқларини, хусусан, парламент фаолиятини янада ривожлантириш ва такомиллаштириш, сиёсий партияларнинг ролини ошириш, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини, сайлов қонунчилигини мустаҳкамлаш, фуқаролик жамияти институтларини,

оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, шунингдек, демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва иқтисодиётни либераллаштиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббусларини илгари сурди[1]. Қуйидаги йўналишлар демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаб берилди:

1) давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш;

2) суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш;

3) ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш;

4) Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш;

5) фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш;

6) демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

Президентимизнинг ушбу маърузасида белгилаб берилган мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини тўлиқ ва самарали амалга ошириш энг аввало жамиятимиз аъзолари, айниқса, талаба ёшлар томонидан уларнинг мазмун-моҳиятини теран ва чуқур англаб етилишини тақозо этади. Шунга кўра, маърузани талабалар томонидан чуқур ўрганиш, унда кўрсатиб ўтилган долзарб масалаларнинг туб моҳиятини англаш мақсадида махсус курсни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади.

Махсус курсни Президентимиз маърузасининг мазмуни, унда баён этилган муаммо ва масалалар, уларни ҳал этиш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар тавсифи ва йўналишидан келиб чиққан ҳолда 12 соатлик (8 соат маъруза, 4 соат семинар машғулотлари) ҳажмда белгиланган.

Таълим технологияси асосан ушбу махсус курс бўйича таҳсил берадиган педагог-ўқитувчилар учун мўлжалланган.

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси тўғрисида ахборот. – "Халқ сўзи" газетаси, 2010 йил 13 ноябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ташкил этилган махсус курснинг маъруза ва семинар машғулотларининг таълим бериш технологияларини ишлаб чиқишнинг концептуал асослари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ташкил этилган махсус курснинг мақсади ҳамда таълим бериш технологиясини лойиҳалаштиришдаги асосий концептуал ёндашувлар қуйидагилардан иборат:

Ўқув курсининг мақсади. Президентимиз маърузасида келтирилган Ўзбекистонда жамиятни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини барпо этиш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш, шунингдек, ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш ҳамда фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш каби устувор масалалар бўйича талаба ёшларда билим ва амалий кўникмалар мажмуасини шакллантиришдан иборат.

Ўқув курсининг вазифалари. Мақсадни амалга ошириш учун мазкур махсус курсда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш белгилаб олинган:

- талабаларда тараққиётнинг ўзбек моделининг маъно-мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашдаги роли тўғрисида кенг тушунча ва тасаввур ҳосил қилиш;
- мустақил тараққиёт йилларида қўлга киритилган янги ва улкан марралар натижасида мамлакатимиз қиёфасининг бутунлай ўзгариб, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётганини аниқ рақам ва статистик таҳлиллар орқали тушунтириш;
- мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг мазмун-моҳиятини сингдириш;
- давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришдан кутиладиган натижалар ва истиқболда ривожланган демократик давлатлар қаторидан ўрин олишда ҳал этилиши лозим бўлган долзарб масалалар тўғрисида талабаларнинг қарашларини шакллантириш;
- Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш бўйича талабаларда билимлар мажмуасини ривожлантириш;
- демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш тўғрисида талабаларда ҳар томонлама асосланган, ҳаққоний қараш ва нуқтаи назарларни шакллантиришдан иборат.

Шахсга йўналтирилган таълим. Бу таълим, ўз моҳиятига кўра, таълим жараёнининг барча иштирокчиларининг тўлақонли ривожланишини кўзда тутади. Бу эса таълимни лойиҳалаштириш жараёнида маълум бир таълим олувчининг шахсини эмас, аввало, келгусидаги мутахассислик фаолияти билан боғлиқ ўқиш мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ёндашишни назарда тутади.

Тизимли ёндашув. Таълим технологияси тизимнинг барча белгиларини ўзида мужассам этмоғи лозим: жарённинг мантиқийлиги, унинг барча бўғинларининг ўзаро боғлиқлиги, яхлитлиги.

Фаолиятга йўналтирилган ёндашув. Индивиднинг жараёнли сифатларини шакллантириш, таълим олувчининг фаолиятини фаоллаштириш ва тезлаштириш, ўқув жарёнида унинг барча қобилияти ва имкониятлари, ташаббускорлигини очишга йўналтирилган таълимни ифодалайди.

Диалогик ёндашув. Бу ёндашув ўқув жараёни иштирокчиларининг психологик бирлиги ва ўзаро муносабатларини шакллантириш заруратини билдиради. Унинг натижасида шахснинг ўз-ўзини фаоллаштириши ва ўз-ўзини кўрсата олиши каби ижодий фаолияти кучаяди.

Ҳамкорликдаги таълимни ташкил этиш. Таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасида демократик тенглик, ҳамкорлик каби ўзаро субъектив муносабатларга, фаолият мақсади ва мазмунини биргаликда шакллантириш ва эришилган натижаларни баҳолашга эътиборни қаратиш зарурлигини билдиради.

Муаммоли таълим. Таълим мазмунини муаммоли тарзда тақдим қилиш асосида таълим олувчиларнинг ўзаро фаолиятини ташкил этиш усулларидан биридир. Бу жараён илмий билимларнинг объектив қарама-қаршилиги ва уларни ҳал этиш усулларини аниқлаган ҳолда, диалектик тафаккурни ҳамда ушбу усулларни амалий фаолиятда ижодий қўллашни шакллантиришни таъминлайди.

Ахборотни тақдим қилишнинг замонавий восита ва усулларини қўллаш – бу янги компьютер ва ахборот технологияларини ўқув жараёнида қўллашдир.

Ўқитиш услублари ва техникалари. Маъруза (кириш, мавзули, маълумотли, кўргазмали (визуаллашган) таҳлил, илмий анжуман, аниқ вазиятларга ёндашув), мунозара, муаммоли услуб, пинборд, ақлий ҳужум, тезкор сўров, савол-жавоб, амалий ишлаш усулларини ўз ичига олади.

Ўқитишни ташкил этиш шакллари: диалог, полилог, мулоқот, ҳамкорлик ва ўзаро ўқитишга асосланган фронтал, жамоавий ва гуруҳларда ўқитиш.

Ўқитиш воситалари: ўқитишнинг анъанавий воситалари (ўқув қўлланма, маъруза матни, тарқатма материаллар) билан бир қаторда – чизмали органайзерлар, компьютер ва ахборот технологиялари.

Коммуникация усуллари: талабалар билан тезкор ва фаол мулоқатга асосланган бевосита ўзаро муносабатлар.

Тезкор ва фаол алоқаларнинг (маълумотнинг) усул ва воситалари: тезкор сўров, ўқитиш диагностикаси.

Бошқариш усуллари ва воситалари: ўқув машғулоти босқичларини белгилаб берадиган технологик карта кўринишидаги ўқув машғулотларини режалаштириш, қўйилган мақсадга эришишда ўқитувчи ва тингловчининг биргаликдаги ҳаракати, нафақат аудитория машғулотлари, балки аудиториядан ташқари мустақил ишларнинг назорати.

Мониторинг ва баҳолаш: ўқув машғулотида ва бутун курс давомида мавзу юзасидан назорат саволларини бериб бориш орқали ўқитишнинг натижалари режали тарзда кузатиб борилади. Курс охирида тест топшириқлари ёрдамида тингловчилар (талабалар)нинг билимлари баҳоланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг **Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"** мавзусидаги маърузасининг мазмун-моҳиятини олий таълим муассасаларида ўрганиш бўйича махсус курснинг

ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

(барча таълим йўналишлари ва мутахассисликлари учун)

Мавзунинг тартиб рақами	Мавзунинг номи	Ажратилган ўқув соатлари
Маъруза машғулотлари		
1-мавзу	Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар	2 соат
2-мавзу	Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш	2 соат
3-мавзу	Ўзбекистонда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш	2 соат
4-мавзу	Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш	2 соат
Жами:		**8 соат**
Амалий машғулотлар		
1-мавзу	Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар	2 соат
2-мавзу	Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси	2 соат
Жами:		**4 соат**
Ҳаммаси:		**12 соат**

МАЪРУЗА МАШҒУЛОТЛАРИ

1-Мавзу	**Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар**

1.1. Маърузада таълим технологияси

***Машғулот вақти*-2 соат**	***Талабалар сони:* 20 – 40 нафаргача**
Машғулот шакли	Кириш-ахборотли маъруза
Маъруза режаси	1. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишда тараққиётнинг ўзбек моделининг ўрни ва аҳамияти. 2. Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар.
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар тўғрисида билимларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишда тараққиётнинг ўзбек модели қандай катта ижобий роль ўйнагани ҳақида тушунча бериш; • иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар тўғрисида маълумотлар бериш.	*Ўқув фаолияти натижалари:* • иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишда тараққиётнинг ўзбек модели қандай катта ижобий роль ўйнагани ҳақида гапириб беради; • иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатларнинг маъно-мазмунини ёритади.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, кластер, ФСМУ техникаси
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий, якка тартибда
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар
Таълим бериш шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат, савол-жавоб

1.2. "Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар" мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	*Фаолият мазмуни*	
	Таълим берувчи	*Таълим олувчилар*
1. Мавзуга кириш (15 дақиқа)	1.1.Ўқув курси номини айтади. Экранга ўқув курсининг тузилмавий мантиқий чизмасини чиқаради, мавзулар рўйхати билан таништиради ва уларнинг мазмунини қисқача ёритади *(1-илова)*. 1.2.Биринчи машғулот мавзуси, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижаларини эълон қилади. 1.3.Кластер асосида ўтиладиган мавзунинг мазмуни ва моҳиятини қисқача ёритади *(2-илова)*.	Тинглайдилар. Тинглайдилар
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Талабалар билимини фаоллаштириш мақсадида савол-жавоб усулини қўллайди: Жамиятни демократлаштириш деганда нимани тушунасиз? Фуқаролик жамияти барпо этишнинг мазмуни ва моҳиятини тушунтириб беринг. Бозор ислоҳотларини амалга ошириш учун нима қилиш керак? 2.2. Жавобларни тўлдиради, умумлаштиради ва бугунги ўқув машғулотида ушбу саволларга кенгроқ жавоб олишларини айтади. 2.3. Экранда слайдлар намойиш этиш оркали иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишда тараққиётнинг ўзбек модели қандай катта ижобий роль ўйнагани тўғрисида тўлиқ маълумотлар беради *(3-илова)*. Талабалар диққатини мавзунинг асосий жиҳатларига қаратади, уларнинг долзарб ва аҳамиятли эканини асослайди. 2.4. Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар тўғрисида фикр билдиришларини сўрайди. Ушбу вазифани ФСМУ техникаси ёрдамида амалга ошириш кераклигини айтади ва ФСМУ техникасининг қоидасини тушунтиради *(4-илова)*. Вазифани барча талабалар якка тартибда бажаришларини айтади. Талабалар фаолиятини кузатади, уларни йўналтиради, зарур маслаҳатлар беради. 2.5. Бир нечта талабанинг иш натижасини текширади, талабалар билан биргаликда муҳокама қилади. Зарур бўлса, қўшимчалар киритади ва ушбу савол бўйича тўлиқ маълумот беришини айтади. 2.6. Режанинг иккинчи саволига доир бўлган слайдларни экранга чиқаради ва ҳар биттасини тўлиқ ёритади *(5-илова)*. 2.7. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради	Саволга жавоб берадилар. Фикрларини билдирадилар. Тинглайдилар, зарур маълумотларни ёзиб оладилар. Вазифани якка тартибда бажарадилар. Иш натижасини тақдим киладилар. Тинглайдилар, зарур маълумотларни ёзиб оладилар.

3. Якуний босқич (10 дақика)	3.1. Мавзу бўйича якуний хулосалар қилади. Мазкур мавзу буйича эгалланган билимларнинг долзарблиги ва аҳамиятли эканини алоҳида қайд этади ҳамда келажакда ушбу билимлардан қаерларда фойдаланиши мумкинлиги ҳақида маълумот беради. 3.2. Мустақил ишлаш учун вазифа беради: (1) ўтилган мавзу асосида Б/Б/Б жадвалини тўлдириб келиш. Б/Б/Б жадвалини тўлдириш қоидасини тушунтиради *(6-илова);* (2) иккинчи мавзу бўйича кейинги ўқув машғулотига тайёрланиб келиш.	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова



2-илова

Кластер



3-илова

ЎҚУВ - ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишда тараққиётнинг ўзбек моделининг ўрни ва аҳамияти

1-слайд

Биз ислоҳотларни инқилобий усулда, яъни "шок терапияси" йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.

Ислом Каримов

Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйрукбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, "ўзбек модели" деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

2-слайд

Тараққиётнинг ўзбек модели қуйидаги бешта тамойилга асосланади

- Иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак, яъни иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак. Шунингдек, ички, ташқи ва иқтисодий муносабатларни мафкурадан холи этишни таъминлаш зарур
- Ўтиш даврида давлат асосий ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устувор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгаришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан амалга ошириши шарт
- Қонун устуворлигига эришиш, қонунларга қатъий риоя этиш лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция ва қонунларни барча ҳеч истисносиз ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим
- Аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш керак. Аҳолининг салкам 50 фоизини 16 ёшга етмаган болалар ташкил этадиган Ўзбекистонда бунинг алохида аҳамияти бор
- Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодиётнинг объектив қонунларини эътиборга олиб, якин ўтмишдаги "инқилобий сакрашлар"сиз, яъни эволюцион йўл билан пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак

3-слайд

Мамлакатимизда иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш асосида уни собиқ тузум даврида тушиб қолган чуқур таназзулдан чиқариб, барқарор ривожлантиришга, аҳоли турмуш фаровонлигига эришишга қаратилган туб ўзгартиришлар сиёсатининг стратегик мақсадлари

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантириш, қудратли ва тинимсиз ривожланиб борадиган, кишилар ҳаёти ва фаолияти учун зарур шарт-шароитларни таъминлайдиган иқтисодий тизимни барпо этиш

Кўп укладли иқтисодиётни яратиш, инсоннинг мулкдан маҳрум бўлишига барҳам бериш, ташаббускорлик ва уддабуронликни бутун чоралар билан ривожлантириш негизи бўлган хусусий мулкнинг давлат томонидан ҳимоя қилинишини таъминлаш

Корхоналар ва фуқароларга кенг иқтисодий эркинликлар бериш, уларнинг хўжалик фаолиятига давлатнинг бевосита аралашувидан воз кечиш, иқтисодиётни бошқаришнинг маъмурий-буйрукбозлик усулларини бартараф этиш, иқтисодий омиллар ва рағбатлантириш воситаларидан кенг фойдаланиш

Иқтисодиётда моддий, табиий ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлайдиган чуқур структуравий ўзгаришлар қилиш, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш, жаҳон иқтисодий тизимига кўшилиб бориш

Фуқароларда янгича иқтисодий фикрлашни шакллантириш, уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, ҳар бир кишига ўз меҳнатини сарфлаш соҳаси ва шаклларини мустақил белгилаш имконини бериш

4-слайд

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида бажарилиши лозим бўлган вазифалар

Собиқ мустабид тизимнинг оғир оқибатларини бартараф этиш, танглиққа барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш

Республиканинг ўзига хос шароити ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш

5-слайд

Биринчи босқич вазифаларини ҳал қилиш учун ислоҳ қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари аниқлаб олинди

- Ўтиш жараёнининг ҳуқуқий асосларини шакллантириш, ислоҳотларнинг конуний-ҳуқуқий негизини мустаҳкамлаш
- Маҳаллий саноат, савдо, маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини, уй-жой фондини хусусийлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида мулкчиликнинг янги шаклларини вужудга келтириш
- Ишлаб чиқаришнинг пасайиб боришига барҳам бериш, молиявий аҳволнинг барқарорлашувини таъминлаш

6-слайд

Иқтисодий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг иккинчи босқичида бажарилиши лозим бўлган вазифалар

- Давлат мулкини хусусийлаштириш соҳасида бошланган ишларни охирига етказиш
- Ишлаб чиқаришнинг пасайишига барҳам бериш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш
- Миллий валюта – сўмни янада мустаҳкамлаш
- Иқтисодиётнинг таркибий тузилишини тубдан ўзгартириш, хомашё етказиб беришдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш

7-слайд

Иккинчи босқич вазифаларини ҳал қилиш учун ислоҳ қилишнинг қуйидаги муҳим йўналишлари белгилаб олинди

- Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ҳамда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш
- Хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш ва шу асосида мулкдорлар синфини шакллантириш
- Мамлакат иқтисодиётига хориж сармоясини, аввало, бевосита йўналтирилган сармояларни кенг жалб этиш учун қулай ҳуқуқий шарт-шароит, кафолат ва иқтисодий омилларни янада кучайтириш
- Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий тараққиётда устувор ўрин эгаллашига эришиш
- Мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг жаҳон иқтисодий тизимига кенг кўламда интеграциялашувини таъминлаш
- Иқтисодиётда мамлакатимиз иқтисодий мустақиллигини янада мустаҳкамлашга қаратилган таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш

4-илова

ФСМУ технологияси

(Ф) – Фикрингизни баён этинг. **(С)** – Фикрингиз баёнига бирон сабаб кўрсатинг. **(М)** – Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг. **(У)** – Фикрингизни умумлаштиринг.
Ушбу технология тингловчиларни ўз фикрини ҳимоя қилишга, эркин фикрлаш ва ўз фикрига бошқаларни ишонтиришга, очиқ-ошкора баҳслашишга, эгалланган билимларни таҳлил қилиши, уларни қай даражада эгаллаганини баҳолашга ҳамда тингловчиларни баҳслашиш маданиятига ўргатади.

Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар

Ф	Фикрингизни баён этинг.
С	Фикрингиз баёнига бирор сабаб кўрсатинг.
М	Кўрсатилган сабабни тушунтирувчи мисол келтиринг.
У	Фикрингизни умумлаштиринг.

5-илова

ЎҚУВ-ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1. Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар

1-слайд

Жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнлар иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, рақобатдошлигини ошириш учун унинг таркибий тузилишини муттасил такомиллаштириб бориш заруратини янада кучайтирди. Мамлакатнинг рақобатдошлиги энг аввало унинг иқтисодиёти рақобатдошлиги орқали ифодаланади.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик даражаси унинг табиий ресурс салоҳияти, меҳнат ресурсларининг сони ва сифати (малака даражаси), ишлаб чиқаришнинг техник-технологик модернизациялашганлик даражаси, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашгани, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ҳамда ислоҳотлар стратегияси қай даражада илмий асосланган ва ўзгаришлар жараёнларини хисобга олгани ҳамда жаҳон иқтисодиётига интеграциялашгани билан белгиланади.

2-слайд



3-слайд



4-слайд

Ўзбекистонда нефть ва газ ишлаб чиқариш хажмининг ўсиб бориши



5-слайд

Ўзбекистон ялпи ички махсулоти таркибидаги ўзгаришлар



6-слайд

Ўзбекистонда солиқ юкининг ўзгариши динамикаси



7-слайд

Ёруғ истиқбол сари дадил одимлаётган Ўзбекистон дуч келиши мумкин бўлган хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар

Эришилган ютуқларга маҳлиё бўлиб, хотиржамлик кайфиятига берилмаслик

Жаҳон *миқёсида глобаллашув ва рақобат кучайиб бораётган бугунги* замонда эгаллаб турган ўрнимизни холисона ва танқидий баҳолаш, тобора ошиб бораётган ҳаёт талабларига жавоб бериш, кечаётган давр билан ҳамқадам бўлиш шартлиги

Тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясини пухта ишлаб чиқиш

Эртанги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда, мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш йўлидаги изчил ҳаракатларимизни *кучайтириш зарурлиги*

8-слайд

Президентимиз томонидан Инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб берилган комплекс тадбирлар

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш

Жорий конъюнктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб-қувватлаш бўйича конкрет чора-тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш

Қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш

Электро энергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш

Жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш

9-илова

Б/БХ/Б ЖАДВАЛИ- Биламан/ Билишни хоҳлайман/ Билиб олдим.

Мавзу, матн, бўлим бўйича изланувчиликни олиб бориш имконини беради.

Тизимли фикрлаш, тузилмага келтириш, таҳдил қилиш кўникмаларини ривожлантиради.

Жадвални тузиш қоидаси билан танишадилар. Алоҳида кичик гуруҳларда жадвални расмийлаштирадилар.

"Мавзу бўйича нималарни биласиз?" ва "Нимани билишни хоҳлайсиз?" деган саволларга жавоб берадилар (олдиндаги иш учун йўналтирувчи асос яратилади). Жадвалнинг 1 ва 2-бўлимларини тўлдирадилар.

Маърузани тинглайдилар, мустақил ўқийдилар.

Мустақил/кичик гуруҳларда жадвалнинг 3-бўлимни тўлдирадилар

1. “Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар” мавзуси асосида Б/Б/Б жадвалини тўлдиринг.

Б/БХ/Б жадвали

Биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. “Рақобат тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини тушунтириб беринг.
2. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини тушунтириб беринг.
3. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини асосланг.
4. Тараққиётнинг ўзбек модели қандай тамойилларга асосланади?
5. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишда тараққиётнинг ўзбек моделининг қайдай катта ижобий роль ўйнагани ҳақида тушунча беринг.
6. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли босқичларидаги аниқ вазифалар қандай амалга оширилаётгани нималардан иборат?
7. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида таркибий ўзгаришлар сиёсатини тушунтиринг.
8. Мамлакатимиз иқтисодиёти таркибий тузилишининг қандай турлари мавжуд?
9. Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти таркибидаги ўзгаришлар ҳақида сўзлаб беринг.
10. Ўзбекистонда нефть ва газ ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиб боришини ёритинг.
11. Ўзбекистонда солиқ юкининг ўзгариш динамикасини тушунтириб беринг.
12. Мавжуд хавф-хатарларнинг олдини олишга қаратилган қандай ишлар амалга оширилмоқда?
13. Инқирозга қарши чора-тадбирларнинг мазмунини ёритиб беринг.

2-Мавзу	**Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш**

2.1. Маърузада таълим технологияси

Машғулот вақти-2 соат	***Талабалар сони:*** 20 – 80 гача
Машғулот шакли	Ахборотли кўргазмали маъруза
Маъруза режаси	1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш. 2. Президентлик институти ва унинг шаклланиши. 3. Қонун чиқарувчи ҳокимият (Парламент). 4. Ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси). 5. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш. 6.Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатура институти ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш. 7. Ярашув институти. 8. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг кейинги босқичида қонунчиликда амалга оширилиши керак бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар.
Ўқув машғулотининг мақсади: "Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ва суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш тўғрисида билимларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш тўғрисида тўлиқ маълумот бериш; • Президентлик институти ва унинг шаклланиши ҳақида тушунча бериш; • қонун чиқарувчи ҳокимият (Парламент) тўғрисида маълумот бериш; • ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси) ҳақида тасаввур ҳосил қилиш; • суд-ҳуқуқ тизими ва уни ислоҳ этиш ҳақида тасаввур ҳосил қилиш; • ярашув институти тўғрисида маълумот бериш; • суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларининг кейинги босқичида қонунчиликда амалга оширилиши керак бўлган ташкилий-ҳуқуқий чораларни ёритиш.	*Ўқув фаолияти натижалари:* • давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш тўғрисида гапириб берадилар; • Президентлик институти ва унинг шаклланиши ҳақида гапириб беради; • қонун чиқарувчи ҳокимият (Парламент) ҳақида маълумот беради; • ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси) ҳақида гапириб беради; • суд-ҳуқуқ тизими ва уни ислоҳ этиш ҳақида тушунтирадилар; • ярашув институти моҳиятини тушунтиради; • суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг кейинги босқичида қонунчиликда амалга оширилиши керак бўлган ташкилий-ҳуқуқий чораларни ёритади.
Таълим бериш усуллари	Ахборотли маъруза, намойиш этиш, ақлий ҳужум, суҳбат, тушунтириш, инсерт техникаси

Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий, кичик гуруҳларда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, таянч конспектлар, эксперт варақлари, формат қоғозлари, маркерлар, скотч
Таълим бериш шароити	Техник воситалардан фойдаланиш ва гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

2.2. "Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш" мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	***Фаолият мазмуни***	
	Таълим берувчи	***Таълим олувчилар***
1. Мавзуга кириш босқичи. (10 дақиқа)	1.1. Уйга берилган вазифани, яъни талабалар тўлдириб келган Б/Б/Б жадвалини текширади. Бир нечта ишни изоҳлайди. 1.2. Мавзунинг номи, унинг мақсади ва ўқув фаолияти натижалари билан таништиради. 1.3. Ўқув машғулотининг ўтказилиш шакли ва тартиби билан таништиради. 1.4. Мавзу режаси саволларини экранга чиқаради ва уларга қисқача изоҳ беради.	Тинглайдилар. Мавзунинг номи ва режасини дафтарларига ёзадилар.
2. Асосий босқич (60 дақиқа)	2.1. Талаблар билимини фаоллаштириш мақсадида ақлий ҳужум усулини қўллайди. Аудиторияга бир савол билан мурожаат қилади: "Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш деганда нимани тушунасиз?" Ақлий хужум усулини қўллаш қоидасини тушунтиради *(1-илова)*, яъни саволга бериладиган жавоблар бир ёки иккита жумладан иборат бўлиши кераклигини айтади. Барча таклиф этилган жавобларни доскага ёзиб боради. 2.2. Талабалар жавобларининг тўғри-нотўғрилигини машғулот охирида таҳлил қилиб, аниқлашларини таъкидлайди. 2.3. Экранга режанинг биринчи саволига оид материалларни чиқаради ва уларнинг ҳар бирини алоҳида ёритади *(2-илова)*. 2.4. Талабаларни 6 та кичик гуруҳга бўлади. Ҳар бир гуруҳ ўз топшириғи бўйича эксперт бўлишини айтади. Схема ва жадваллардан иборат таянч конспектларни *(3-илова)*, ўқув топшириқларини тарқатади *(4-илова)*. Ушбу эксперт варақларидаги саволларга таянч конспект асосида тақдимотга тайёрланишларини тушунтиради. Талабалар фаолиятини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.5. Мавзу режасининг саккизинчи саволига доир слайдларни экранда намойиш қилади ва мазмунини	Берилган саволга жавоб берадилар. Тинглайдилар, зарур маълумотларни ёзиб оладилар. Гуруҳларга бўлинадилар ва эксперт варақлари ҳамда таянч конспектлари асосида тақдимотга тайёрланадилар. Гуруҳлардан биттадан аъзо чиқиб, слайдлар асосида тақдимот қилади

	ёритали *(5-илова)*.	
3. Якуний боскич *(10 дақиқа)*	3.1. Мавзу бўйича талабаларда юзага келган саволларга жавоб беради. 3.2. Мавзуни умумлаштиради, якунловчи хулослар қилади. 3.3. Машғулот жараёнида фаол иштирок этган талабаларни алоҳида қайд қилади. Бошқа талабаларни ҳам фаолликка ундайди. 3.5. Талабаларга учинчи мавзу бўйича таянч конспектларни тарқатади (хар бир талабага). 3.4. Мустакил ишлашлари учун вазифа беради: (1) матнни инсерт техникаси асосида ўрганиб келиш *(6-илова)*; (2) берилган маълумот асосида тўрттадан савол тузиб келиш *(7-илова)*.	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Ақлий хужум методининг асосий қоидалари:

- илгари сурилган фикр ва ғоялар танқид остига олинмайди ва баҳоланмайди;
- таклиф қилинаётган фикр ва ғоялар қанчалик фантастик ва антиқа бўлса ҳам, уни баҳолашдан ўзингизни тийинг!
- Танқид қилманг – ҳамма билдирилган фикрлар бир хилда бебаҳодир.
- Фикр билдирилаётганда гапни бўлманг!
- Максад – фикр ва ғоялар сонини кўпайтириш.
- Қанчалик кўп фикр ва ғоя билдирилса, шунчалик яхши. Янги ва бебаҳо фикр ва ғоянинг пайдо бўлиш эҳтимоли пайдо бўлади.
- Агар фикрлар қайтарилса, асабийлашманг ва ҳайрон бўлманг.
- Хаёллар тўзғишига ижозат беринг.
- Бу муаммо фақатгина маълум усуллар ёрдамида ҳал бўлиши мумкин, деб ўйламанг.
- Фикрлар хужумини ўтказиш вакти аникланади ва унга қатъиян риоя килиниши шарт.
- Берилган саволга кискача (1-2 сўздан иборат) жавоб берилади.

ЎҚУВ - ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш

1-слайд

Мамлакатимизда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш соҳасида амалга оширилган ислоҳотлар ўта мухим бир максадга, яъни ҳокимиятлар бўлиниши конституциявий принципини ҳаётга татбиқ этиш, ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда қонун чиқарувчи ва вакиллик ҳокимиятининг ваколатлари ҳамда назорат вазифаларининг ролини кучайтириш, суд тизимини либераллаштириш ва унинг мустақиллигини таъминлаш бўйича ғоят долзарб чора-тадбирларни кўришга қаратилгандир.

2-слайд

Давлат курилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда асосий вазифалар

Сиёсий соҳада

- сиёсий ҳаётнинг барча соҳаларини, давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш
- кўппартиявийлик муҳитини мустаҳкамлаш
- нодавлат тузилмаларини, фуқаролик жамиятини қарор топтириш
- фикрлар хилма-хиллигига эришиш. Оммавий ахборот воситаларини том маънодаги "тўртинчи ҳокимият" *даражасига кўтариш*

Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасида

- Ҳокимият органларининг конституциявий бўлинишини таъминлаш
- Маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигини ошириш
- Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, янгилаш тизимини такомиллаштириш

3-слайд

Президентимиз Ислом Каримов томонидан кейинги ўтган ўн йил давомида, яъни 2000 йилдан кейинги даврда бошқарув соҳасини марказлаштиришни чеклаш, бу борадаги вазифаларнинг бир қисмини республика даражасидан вилоят, туман ва шаҳар микёсига ўтказиш, Ўзбекистонда маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб шакли бўлган маҳалла *тизимини шакллантириш масаласига катта аҳамият қаратилди.*

"Маҳалла" арабча сўздан келиб чиққан бўлиб, "жой" маъносини англатади. Тарихчи олим Наршахий "Бухоро тарихи" асарида бундан 1100 йил илгари маҳалла халқ бошқаруви экани ҳақида ёзган эди. "Маҳалла" атамасига Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит Турк", Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарларида ҳам изоҳ берилган. Қадимда маҳалла нафақат ижтимоий, балки маъмурий-ҳудудий тузилма тарзида ҳам эътироф этилган. Алишер Навоийнинг "Ҳайратул-аброр" ("Яхши кишиларнинг ҳайратланиши") асарида қуйидаги банд учрайди: Шаҳарлар отини маҳалот этиб, Бўлди чу юз шаҳар Ҳири от этиб. Кўриниб турибдики, ўрта асрларда Ҳирот шаҳри юзта кичик "шаҳарча"- маҳаллалардан ташкил топган экан.

4-слайд

Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш деганда, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг ўз масъуллигида, маҳаллий аҳоли манфаатлари асосида, қонунлар доирасида муайян аҳоли яшаш жойидаги ишларнинг аксарият қисмини бошқариши ва уларни реал уддалай олиш кобилиятига айтилади.

1999 йил 14 апрелда қабул килинган "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги янги таҳрирдаги Қонуннинг 1-моддасида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш тушунчаси қуйидагича таърифланди: **«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши** – фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси **Конституцияси ва қонунлари билан кафолатланадиган, уларнинг ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал килиш борасидаги мустакил фаолиятидир».**

5-слайд

XX асрнинг иккинчи ярмида **иккинчи назария** пайдо бўлди. Яъни, "умумий фаровонлик давлати" назарияси билан боғлик ҳолда муниципал (ўзини ўзи бошқаришга доир) концепция хам пайдо бўлди. Муниципалитетлар жамиятнинг барча табақалари манфаатларини таъминловчи ва кўрикловчи ижтимоий хизмат кўрсатиш воситаси сифатида каралди.

Европа, Шимолий Америка ва Япония каби мамлакатларда муниципал кенгашлар мақоми ҳуқуқий жиҳатдан муниципал ижроия бошқарувидан юкори қўйилган бўлиб, уларнинг ваколатига қуйдагилар киради: маҳаллий бюджетни қабул килиш, юкори ташкилотлар томонидан ҳал килинмаган айрим масалалар бўйича меъёрий қарорлар кабул қилиш, маҳаллий солиқларни жорий этиш, шунингдек, кўпчилик давлатларда муниципалитетнинг ижроия раҳбарлик органларини ташкил этиш ва уларни назорат қилиш, маҳаллий референдумларни белгилаш.

6-слайд



7-слайд



8-слайд

Хокимият – бу кишилар, ижтимоий гуруҳлар ҳамда синфларнинг фаолиятига, хулқ-атворига, ҳаракатларига иқтисодий, сиёсий, ғоявий, ижтимоий механизмлар, шунингдек, куч ишлатиш, зўрлик қилиш, ишонтириш қобилиятлари билан таъсир этувчи фаолиятнинг алоҳида шаклидир.

Давлат ҳокимияти (давлат аппарати) – бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлган муайян тузилмага бирлашган давлат ҳокимиятини амалга оширувчи давлат органларининг тизимидир.



3-илова

ТАЯНЧ КОНСПЕКТ МАТЕРИАЛЛАРИ
2. Президентлик институти ва унинг шаклланиши

1-слайд

Президент сўзи – лотинча "олдинда ўтирувчи" маъносини билдиради. Ўзбекистон тарихида биринчи президентлик лавозими 1990 йил 24 мартда таъсис этилди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов сайланди. 1991 йил 18 ноябрда "Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонун кабул қилинди. Бу қонунга 1997 йил 26 декабрь ва 1999 йил 19 августда ҳамда 2003 йил 24 апрелда, 2007 йил 11 апрелда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда том маънодаги президентлик институти шаклланди.

Ўзбекистон Конституциясининг 19-боб, 89-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди. Президентлик лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муким яшаган Ўзбекистон фукароси сайланиши мумкин. Айни бир шахс сурункасига икки мартадан ортик президент бўлиши мумкин эмас. Президент фукаролар томонидан умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуки асосида яширин овоз бериш йўли билан 7 йил муддатга сайланади, у қонун билан белгилаб қўйилган.

2-слайд



3-слайд

Бугунги кунда Конституциямизнинг **89-моддасида** "Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди" деган қоида белгилаб қўйилди.

93-модданинг 15-банди қуйидагича таҳрир қилинди: "15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар хокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз карори билан лавозимидан озод этишга ҳақли".

102-модданинг иккинчи қисми қуйидагича таҳрир этилди: "Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади". Янги таҳрирдаги ушбу модда 2008 йил 1 январидан кучга киритилди.

4-слайд

Президентлик институтининг шаклланиш босқичлари

1990 йил 24 март	Президент лавозими жорий этилди
1991 йил 18 ноябрь	“ Ўзбекистон Президенти сайлови тўғрисида”ги қонун қабул қилинди ва унга 1997 йил 26 декабрда, 1999 йил 19 августда , 2003 йил 24 апрелда, 2007 йил 11 апрелда ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди
1991 йил 29 декабрь	Мустақил Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти сайланди
1995 йил 26 март	И.А.Каримов ваколатларининг 1997 йилдан 2000 йилга қадар узайтириш бўйича референдум ўтказилди
2000 йил 9 январь	Президент сайловида И.А.Каримовнинг (91.9 фоиз) ғалабаси

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига 35 ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида 10 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин. Айни бу шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлиши мумкин эмас (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддаси)

2002 йил 22 январь	Ўтказилган референдум якунларига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти ваколат муддати 5 йилдан 7 йил қилиб ўзгаритирилди
2007 йил 23 декабрь	Президент сайловида тўртта номзод ичидан И.А.Каримов ғалаба қилди (88,1 фоиз)

Мамлакатимиз Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони (Конституция, 93-модда 20-банди)

Ўзбекистон Республикаси Миллий хавсизлик хизматини тузади (Конституция, 93-модда 24- банди)

Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди

3. Қонун чиқарувчи ҳокимият (Парламент)

1-слайд

Олий конун чиқарувчи ҳокимият ҳар бир давлатда ўзига хос хусусиятга эга ва турлича аталади (масалан, АҚШда – Конгресс, Швецияда - Риксдаг, Хитой Халқ Республикасида – Халқ вакиллари умумхитой мажлиси). Ўзбекистонда бундай ҳокимият Олий Мажлис деб номланади.

2-слайд

Шу кунгача бўлган ҳолат	Президентимизнинг муҳим ўзгартиш шаклидаги таклифлари
93-модданинг 8-банди: 8) Ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади; республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошка органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.	**93-модданинг 8-банди:** 8) республика олий ҳокимияти ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат кўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошка органларини тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади.

3-слайд

Шу кунгача бўлган ҳолат	Президентимизнинг муҳим ўзгартиш шаклидаги таклифлари
93-модданинг 12-банди: 12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод килади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади.	**93-модданинг 12-банди:** 12) Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, **Хисоб палатаси** раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод килади, кейинчалик бу масалаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тасдиғига киритади.

4-слайд

Шу кунгача бўлган ҳолат	Президентимизнинг муҳим ўзгартиш шаклидаги таклифлари
93- модданинг 15-банди: 15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр- қимматига доғ тушурадиган ҳатти- ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.	**93-модданинг 15-банди:** 15) **Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан** вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва кадр-қимматига доғ тушурадиган хатти-ҳаракат *содир этган туман ва шаҳар* ҳокимларини Президент ўз карори билан лавозимидан озод этишга ҳақли.
93-модданинг 16-банди: 16) Республика давлат бошқарув органларининг, шунингдек ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади.	**93-модданинг 16-банди:** 16) Республика *давлат бошқарув органларининг, шунингдек* ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини тўхтатади, бекор қилади. **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли.**

5-слайд

Шу кунгача бўлган ҳолат	Президентимизнинг муҳим ўзгартиш шаклидаги таклифлари
96-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти бетоблиги сабабли ўз вазифасини бажара олмаслиги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари қўшма қарорига кўра тузилган давлат тиббий комиссияси хулосаси билан тасдикланган тақдирда ўн кун муддат ичида палаталарнинг қўшма фавқулодда йиғилишида депутатлар, сенаторлар орасидан уч ойгача бўлган муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини вақтинча бажарувчи сайланади. Бу ҳолда уч ой муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг умумхалк сайлови ўтказилиши шарт.	96-модда. Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой ичида, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга тўлик мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади.

6-слайд

Ўзбекистонда Олий Мажлис айни пайтда ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органи ҳисобланади, унинг таркибидаги депутатлар халқ мафаатларини ифодалайди. Олий Мажлис 5 йил муддатга сайланади. 25 ёшга етган Ўзбекистон фуқаролари сайланиш ҳуқуқига эга.

1990-1994 йилларда мамлакатимиз парламенти Олий Кенгаш номи билан аталиб, бир палатали, 150 депутатдан иборат эди. 1995-2004 йилларда парламент Олий Мажлис номи билан аталиб, бунда ҳам бир палатали ва унинг 250 депутати мавжуд эди.

Мустақиллик йилларида халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига 60 депутат, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 30 нафар депутат сайланиши йўлга қўйилди.

2005-2009 йилларда Олий Мажлис икки палатали парламент бўлиб, унинг қуйи Қонунчилик палатаси 120 депутат, Сенат (юқори палатаси) эса 100 сенатордан ташкил топган, жами 220 депутатдан иборат бўлиб келди.

7-слайд

Икки палатали миллий парламентни ташкил қилиш масаласи Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2000 йил 25 майда Олий Мажлиснинг 2-сессиясида илгари сурилди.

2002 йил 12 декабрьда Олий Мажлиснинг 10-сессияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида" ва "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги конституциявий қонунлар ҳамда уларни амалга ошириш тўғрисида қарорлар қабул қилди. Шунингдек, 2003 йил 24 апрелда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" қонун қабул қилинди.

8-слайд

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидан қонун лойиҳаларининг ўтиш тартиби

Қонун лойиҳаси Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи субъектлари томонидан киритилади

Қонунчилик палатаси Спикери қонун лойиҳасини дастлабки тарзда кўриб чиқадиган қўмитага топширади. Масъул қўмита хулоса тайёрлайди

Қонунчилик палатаси кенгаши масъул қўмита хулосаси асосида карор қабул қилади

Кўриб чиқиш учун қабул қилинган қонун лойиҳаси тегишли материаллар билан Қонунчилик палатасининг қўмиталарига юборилади

Қонунчилик палатаси кенгаши масъул қўмита тақдим этган қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқиш учун Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби лойиҳасига киритиш тўғрисида карор қабул қилади

9-слайд

Ўзбекистонда сайлов қонунчилиги, яъни парламент тараққиёти босқичлари

Биринчи босқич

Конституциямиз қабул қилингунга қадар давр бўлиб, бу даврда Ўзбекистон Республикасининг Президенти сайлови ва Референдум тўғрисидаги бир қатор қонунлар қабул қилинди

Иккинчи босқич

Конституциямиз қабул қилингандан то 1997 йилгача давом этди. Бу даврда мамлакатимизда сайлов тизими шакллантирилди

Учинчи босқич

1997 йилдан то 2003 йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу босқичда амалдаги сайлов қонунларига айрим ўзгартишлар киритилди. Марказий сайлов комиссияси тўғрисидаги қонунлар қабул қилинди

Тўртинчи босқич

2003 йилдан 2005 йилгача бўлиб, бу даврда икки палатали парламентни шакллантириш билан боғлиқ сайлов қонунларига ўзгартишлар киритилди ва 2004 йил 26 декабрда Олий Мажлис қуйи - Қонунчилик палатасига сайлов ўтказилди

10-слайд

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси (қонун чиқарувчи ҳокимият): 250 нафар депутат

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Қонунчилик (қуйи) палатаси

Қуйи Қонунчилик палатаси депутатлари сон 150 та, шундан 135 депутат фақат сиёсий партиялардан сайланади. 15 депутат эса Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатидан сайланади. Ваколат муддати 5 йил, Қонунчилик палатаси ўз фаолиятини доимий профессионал асосда амалга оширади ва конунлар ишлаб чиқади.

Бугунги кунда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида фракциялар қуйидагича:

6. ЎзЛД партияси 53 (79,5 фоиз) депутати мавжуд.
7. ЎзХД партияси 32 (48 фоиз) депутати бор.
8. ЎзМТД партияси 31 (46,5 фоиз) депутати мавжуд.
9. Ўз "Адолат" СД партияси фракцияси 19 (28,5 фоиз) депутати бор.
10. Ўзбекистон Республикаси Экологик ҳаракатининг 15 (22,5 фоиз) депутати мавжуд.

Қонунчилик палатаси умумий депутатлар сонининг 33 нафари (22 фоиз) хотин-кизлардир.

Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси Сенати

Сенаторлар сони 100 та. Халк депутатлари маҳаллий Кенгашлари вакилларидан ташкил топган юқори палата – Сенат ҳудудий манфаатларни ифода этади. 84 Сенат аъзоси Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимяти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – 6 кишидан (яъни, 14 та ҳудуддан 6 кишидан), жами 84 нафар депутат сайланади. 16 нафар сенаторлар Президент томонидан тайинланади. Шу тарика Сенат жами 100 сенаторлардан ташкил топади.

Сенат сўзи лотинча "senatus", "sinex" сўзларидан олинган бўлиб, ўзбекчада "оксокол", "мўйсафид" деган маъноларни англатади. Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзоларининг 15 нафари аёллардан иборат (15 фоиз). Олий Мажлис Сенатининг раиси этиб Илгизар Собиров сайланган.

11-слайд



12-слайд



13-слайд



Қонун чиқарувчи ва маҳаллий ҳокимият органларига ҳамда Сенатга 2009 йил 27 декабрда ўтказилган сайловлар жараёнида устувор қилиб белгиланган ва ҳозирги кунда ҳам амалда бўлган мезон ва талаблар

Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми (лот. эрк, ихтиёр, хоҳиш) билдириш ҳуқуқи берилмоқда. Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколати доирасидан чиқарилмоқда

Сайловларда ютиб чиққан сиёсий партия тақдим этган Бош вазир номзодининг Парламент томонидан кўриб чиқилиши ва тасдикланиши ҳақидаги конституциявий тартиб белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми (сайловчи ташкилот вакилларининг кўпчилик овози билан қабул килинган қарорлар) институти жорий қилинмоқда

Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш институти тугатилди

Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларгаберилди

Олий Мажлисга сайловларни тайинлаш институти тугатилди ва унинг ўрнига “Сайлов кампанияси бошланишини эълон килиш” институти жорий этилди. Бу вазифани Марказий сайлов комиссияси амалга оширадиган бўлди

Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили Қонунчилик палатасига киритилди. Бу институт сайлов участкаларида овозларни санаб чикишда қатнашади. Унга имзо варакалари тўлдирилганини текширишда қатнашиш хукуқи берилди. Олий Мажлис депутатлигига номзодларнинг ишончли вакили 5 нафардан 10 нафаргача кўпайтирилди

Депутатлик ўринларини квоталаш институти киритилди. Яъни 15 депутатлик ўрни оммавий жамоат ташкилоти – Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди.

15-слайд



4. Ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси)

1-слайд

Ижроия ҳокимияти – давлат ҳокимиятининг уч асосий тармокларидан бири.

Қонунларнинг тўлиқ амал қилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш ижро этувчи органларнинг асосий вазифасидир. Ҳокимиятларнинг конституциявий бўлиниши принципига мувофиқ ижро этувчи ҳокимият мамлакат ҳукумати яъни Вазирлар Маҳкамасига юклатилади. Вазирлар Маҳкамаси Бош вазир, унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раисларидан иборат. Қорақалпоғистон Республикаси ҳукуматининг бошлиғи Вазирлар Маҳкамаси таркибига ўз лавозими бўйича киради.

2-слайд



3-слайд

Мустақиллик йилларида Вазирлар Маҳкамаси, яъни ижроия хокимият – ҳукумат таркиби 4 марта янгидан тасдиқланди. 1993 йил 6 майдаги "Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонун ва унинг 1993 йил 29 августдаги янги таҳририга кўра, Вазирлар Маҳкамасининг янги таркиби 1995 йил 23 февралда **биринчи марта** тасдиқланди. 2000 йил 11 февралда иккинчи, 2005 йил 4 февралда учинчи, 2010 йил 12 мартда эса тўртинчи марта тасдиқланди. Вазирлар Маҳкамаси таркиби жами 31 та: Ҳукумат аъзолари 8 та, вазирликлар 14 та, давлат қўмиталари 9 та қилиб белгиланди.

4-слайд



5-слайд



6-слайд



7-слайд

2005 йили Вазирлар Маҳкамасининг раҳбари Бош вазир лавозими жорий этилди. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 89-моддасининг биринчи бандига кўра, Президентга тегишли бўлган ваколатлар ижроия ҳокимиятига ўтказилди. Бундай ҳолат Франция ва Россия давлатлари Конституциялари нормаларида ҳам мавжуд. Вазирлар Маҳкамаси конунлар, Олий Мажлис қарорлари, Президентнинг фармон ва фармойишлари, қарорлари ижроларини таъмин этиш мақсадида махсус қарорлар қабул килиш ҳамда уларни назорат килиш йўли билан бошқарувни амалга оширади, ижро ҳокимиятини таъминлайди.

8-слайд


Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари
Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик
Маҳаллий ижроия ҳокимияти
Вилоят халқ депутатлари Кенгашлари
Тошкент шаҳар
халқ депутатлари Кенгаши
Вилоятлар ҳокимлари
Тошкент шаҳар
ҳокими
Туман халқ депутатлари Кенгашлари
Туман ҳокимлари
Шаҳарлар халқ депутатлари Кенгашлари
Шаҳар ҳокимлари
Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг вазифалари
қонунийликни, ҳуқуқий тартиботни ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш
ҳудудларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш
маҳаллий бюджетни шакллантириш ва уни ижро этиш, маҳаллий солиқлар ва йиғимларни белгилаш, бюджетдан ташқари жамғармаларни шакллантириш
маҳаллий коммунал хўжаликка раҳбарлик қилиш
атроф-муҳитни муҳофаза қилиш
фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этилишни таъминлаш
норматив ҳужжатларни қабул қилиш ҳамда Конституция ва қонунга зид бўлмаган бошқа ваколатларни амалга ошириш

9-слайд

Вазирлар Маҳкамаси тўғрисидаги конституциявий нормаларга таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар

- Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партиялар ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини қўлга киритган бир неча сиёсий партиялар томонидан таклиф этилади
- Ўзбекистон Президенти тақдим этган Бош вазир лавозимига номзодни кўриб чиққандан кейин 10 кун ичида уни Олий Мажлис Палаталарининг кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун таклиф этади
- Бош вазир номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзолари умумий сонининг ярмидан кўпи томонидан овоз берилган тақдирда тасдикланади
- Вазирлар Маҳкамаси аъзолари Бош вазир тақдимига кўра, Президент томонидан тасдикланади
- Бош вазир ва Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ўртасида зиддиятлар доимий тус олса, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан бир қисми томонидан Президент номига расман киритилган таклиф бўйича Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлиси муҳокамасига Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳақидаги масала киритилади
- Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади
- Бундай ҳолатда Ўзбекистон Президенти Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади
- Янги Бош вазир номзоди Президент томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказилгандан сўнг Олий Мажлис палаталарига кўриб чиқиш ва тасдиқлашга тақдим қилиш учун таклиф этилади
- Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига номзод икки марта рад этилган тақдирда Президент Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Олий Мажлисни тарқатиб юборади.

10-слайд



11-слайд



Давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги энг муҳим вазифалар

- Ҳокимият органларининг конституциявий бўлинишини, мустақиллигини таъминлаш
- Маъмурий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигини ошириш
- Қонунчилик ҳокимияти бўлмиш мамлакат парламентининг роли ва таъсирини янада кучайтириш.
- Ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқлари ўртасида янада мутаносиб ва барқарор мувозанатга эришиш.

Бу борада қуйидагилар бажарилиши керак

- Президент ваколатларининг бир қисмини парламентнинг юқори палатаси – Сенатга ва ҳукуматга ўтказиш, профессионал, доимий асосда ишлайдиган қуйи – Қонунчилик палатасини шакллантириш, унинг ваколат ва ҳукукларини кенгайтириш.
- Бош вазир ва умуман, мамлакат ҳукуматининг роли ва масъулиятини кучайтириш.
- Суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва эркинлигини мустаҳкамлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш.
- Ҳар қандай ҳокимият, у қонунчилик ёки ижро ва суд ҳокимияти бўладими – буларнинг барчаси қуйидаги талабларга жавоб бериши шарт. Яъни, ҳар қайсиси ўз вазифасини англаши, ўз масъулиятини ҳис қилиши, ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса ўз аравасини ўзи мустақил равишда тортиши даркор.
- Кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, янгилаш тизимини такомиллаштириш.

Модернизация ва ислоҳ этиш бўйича олдимизга қўйилган вазифалар

Бизнинг асосий узоқ муддатли ва стратегик вазифамиз аввалгича қолади – бу демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш жараёнида ва бозор иқтисодиётини янада чуқурлаштириш, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш йўлидан оғишмай, изчил ва қатъият билан боришдир.

Мамлакатимизни ривожлантириш стратегияси ҳақида гапирганда, "бошқариладиган иқтисод" деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди.

Албатта, биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни ислоҳ этиш ҳамда модернизация қилишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз. Аммо мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида ўзини оқлаган бу тамойилнинг юқорида тилга олинган моделларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Биз бугунги кунда минтақамизда яшаётган халқлар гўёки ҳали демократия учун тайёр эмас, бу борада "пишиб етилмаган", улар олдин камбағаллик ва қашшоқлик билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишлари зарур ва иқтисодий ислоҳотлар учун шарт-шароит юзага келади, деган гапларни ҳам кўп эшитамиз. Бундай баёнот ва ёндашувлар, аввало, тарихни билмаслик, халқнинг бунёдкорлик салоҳиятига, куч-қудратига ишонмаслик, айтиш мумкинки, ҳозирги дунёда жаҳолат билан ўзгариб бораётган объектив, глобал жараёнларни тушунмаслик натижасидир.

Мустақилликни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат шу асосда, мана шу негизда мамлакатимизни *тараққий топган демократик давлатлар қаторига олиб чиқиш*, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мумкин.

14-слайд

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган ислоҳотлар

- Давлат ҳокимиятининг конституциявий бўлиниш принципини янада демократлаштириш жараёни
- Марказий ижро этувчи ҳокимият бошқаруви тузилмалари, маъмурий органлар ваколатлари, давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги роли камайтирилмоқда
- Бошқарув сохасидаги марказлаштириш чекланмоқда
- Вилоят, туман, шаҳарлардаги маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, хусусан, маҳалла тизими ислоҳоти ўтказилиб, унинг роли янада оширилмоқда
- Икки палатали парламентнинг давлат ҳокимиятини ташкил этишдаги ҳуқуқий макоми мустаҳкамланмоқда
- Юкори палата – Сенат ҳудудий манфаатларини ифода этмоқда
- Қуйи – Қонунчилик палатаси фаолияти доимий профессионал тарзда амалга оширилмоқда
- 2007 йилда Ўзбекистон Конституцияси 89-моддасига тузатишлар киритилди. Президент-давлат бошлиғи ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритиши, ҳамкорлиги таъминланмоқда
- Вазирлар Маҳкамаси Раиси лавозими тугатилиб, Бош вазир лавозими жорий қилинди ва бу жараён янада либераллаштирилмоқда
- Давлат ҳокимиятининг 3 та субъекти: давлат бошлиғи бўлган Президент, Қонун чиқарувчи, Ижро этувчи ҳокимиятлар ўртасидаги ваколатлар уйғунлиги янада мустаҳкамланмоқда
- Сиёсий тизимни модернизация қилиш, ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичига қадам қўйилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчаларга кўра, Президент томонидан Бош вазир лавозимига номзод кўрсатиш ва уни тасдиклашнинг демократик принципига асосланган янги тартиби ўрнатилмоқда. Олий Мажлисга Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми билдириш ҳуқуқи берилмоқда
- Сайловларда ютиб чиккан сиёсий партия Бош вазир помзодини кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлмоқда
- Бош вазир номзоди Президент томонидан кўриб чикилиши ва тасдикланиши белгиланиб, ҳукуматга нисбатан ишончсизлик вотуми институти жорий этилмоқда

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришга қаратилган ислоҳотлар

- Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми парламент аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда Бош вазирни лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул қилинади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби Бош вазир билан бирга истеъфога чиқади
- Олий Мажлис томонидан Бош вазир лавозимига помзод икки марта рад этилса, Президент вақтинча Бош вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди ва Олий Мажлисни тарқатиб юборади
- Вазирлар Маҳкамаси ваколатига тааллуқли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи Президент ваколатидан чиқарилмоқда
- Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-, 93-, ва 96-моддаларига Президентнинг вазифа ва ваколатларига доир ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилмоқда
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамаси Мажлисларида раислик қилишга ҳақли
- Мамлакатнинг амалдаги Президенти ўз ваколатларини бажара олмайдиган ҳолатда унинг вазифа ва ваколатларини вақтинча Олий Мажлис Сенати Раиси зиммасига юклатилади ҳамда бунда уч ой ичида қонунга мувофиқ Президентлик сайлови ўтказилади
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Бош прокурори, Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади ҳамда Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади
- Олий Мажлиси Сенати Бош вазир ҳисоботларини эшитади ва муҳокама қилади
- Олий Мажлисга ҳокимият вакиллик органлари ва ташаббускор гуруҳлардан номзод кўрсатиш ҳуқуқи тугатилди
- Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқи фақат сиёсий партияларга берилди
- Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили Қонунчилик палатасига киритилди
- Депутатлик ўринларини квоталаш институти жорий этилди
- Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги 15 та депутатлик ўрни Ўзбекистон Экологик ҳаракатига берилди
- Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Бош вазир тақдимига кўра, Президент томонидан тасдикланади

5. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

1-слайд

Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа бир қатор нуфузли халқаро ташкилотларнинг аъзоси бўлиб, инсон ҳуқуқларига доир бир қатор халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларни имзолаган. Мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ нормалари ва умуминсоний қадриятлар миллий қонунчилигимиз асосида устувор мақомга эга бўлди. Адолатли фуқаролик жамиятнинг ҳуқуқий асослари жадаллик билан шакллантирилмоқда. Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро ҳамкорлик давлат фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланиб, бунда шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатини реал таъминлаш асосий мақсад қилиб қўйилган.

Бу саъй-ҳаракатлар мамлакатимизнинг Асосий қонуни - Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ва бошқа бир қатор қонунларда ўз ифодасини топди.

Ҳуқуқий маданият – умумий маданиятнинг ажралмас таркибий қисми. Жамият ва давлат тараққиётининг ҳозирги ҳолати ҳуқуқий муносабатлар барча иштирокчиларининг ҳуқуқий маданиятини, ҳуқуқий саводхонлигини ҳар томонлама оширишни талаб қилмоқда. Ҳуқуқий маданият ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг ва изчил амалий фаолият мажмуи сифатида жамият ва давлат олдида турган вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилишини таъминлайди.

2-слайд

Ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ва юксалтириш соҳасидаги давлат сиёсати принциплари

- инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг устуворлиги
- Конституция ва қонунинг устунлиги
- демократияга асосланганлик
- ижтимоий адолат
- илмийлик
- узлуксизлик
- ҳуқуқий тарбиядаги ворисийлик ҳамда умумийлик
- ҳуқуқий ахборотнинг ҳамма учун очиқлиги
- ҳуқуқий тарбия ва ҳуқуқий таълимнинг бирлиги ҳамда уларга табақалаштирилган ёндашув

3-слайд

Мамлакатимиз Асосий Қонуни – Конституция асосида суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар изчиллик билан амалга ошириб келинмоқда. *1993* йилда "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши судларнинг мустақил ҳокимият тармоғи сифатида шаклланишида муҳим асос бўлиб хизмат килди.

Суд ҳокимияти давлат органлари тизимида алоҳида аҳамият касб этади. Суд ҳокимиятининг фаолияти инсон ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита дахлдор бўлиб, одил судловни амалга ошириш фаолияти натижасида шахснинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланади.

2000 йил 14 декабрь куни кабул килинган "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг янги таҳририга кўра, суд тизимига ўзгартириш киритилиб, судлар ихтисослаштирилди, яъни Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий суди, фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича вилоят ва Тошкент шаҳар судлари, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари, жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари жорий килинди.
Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида суд тизимини такомиллаштириш тўғрисида"ги Фармони (ПФ-2682. 14.08.2000 й.) билан умумий юрисдикция судларининг ихтисослашуви яъни, фуқаролик ишлари ва жиноят ишлари бўйича судларнинг ажратилгани судларда ишларни кўриш ва ҳал килиш сифатининг ошишига, судьяларнинг профессионаллашувига, аҳоли ҳуқуқ ва манфаатларини суд томонидан ҳимоя қилинишининг янада такомиллашишига сабаб бўлди

4-слайд



5-слайд

Суд ҳокимияти ижтимоий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ваколатларни амалга оширади

- Конституциявий назорат
- Давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг фаолияти ҳамда улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини текшириш
- Суд ҳукми ва қарорларининг ижросини таъминлаш
- Маъмурий ҳуқуқбузарлик бўйича судларга тегишли ҳолатларни кўриб, текшириб чиқиш
- Суд амалиётидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчилик масалалари бўйича тушунтириш бериш
- Судьялар таркибининг шаклланишида иштирок этиш ва шу соҳада фаолият кўрсатадиган органларга ёрдам бериш

6-слайд

Судьялар мустақиллигини таъминлашнинг кафолат тизими "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 67-моддасида белгилаб қўйилган бўлиб, у қуйидагилар орқали таъминланади

- судьяларнинг қонунда белгиланган тартибда сайланиши, тайинланиши
- судьяликдан озод қилиниши
- уларнинг дахлсизлиги
- одил судловни амалга оширишдаги қатъий мезон
- қарор чиқариш чоғида судьялар маслаҳатининг сир тутилиши ва уни ошкор қилишни талаб этишнинг тақиқланган
- судга хурматсизлик ёки муайян ишларни ҳал қилишга аралашганлик, судьялар дахлсизлигини бузганлик учун жавобгарликнинг белгиланган
- судьяга давлат ҳисобидан унинг юксак мақомига муносиб моддий ва ижтимоий таъминот яратиб берилади

7-слайд

"Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 72-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Олий хўжалик суди судьясининг ваколатлари муддатидан илгари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан; вилоятлар, Тошкент шаҳар судлари, тумашлараро, туман (шаҳар) судлари, харбий судлар судьясининг ваколатлари эса Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссиясининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; хўжалик судлари судьясининг ваколатлари Олий хўжалик суди раисининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан; фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси судлари судьяларининг ваколатлари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раисининг тақдимномасига биноан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан қуйидаги ҳолларда тугатилади

- судья касамёдни бузган тақдирда
- ёзма ариза берган тақдирда
- судьяларнинг тегишли малака ҳайъати томонидан огоҳлантириш қилинганидан ёки ваколатлари тўхтатилганидан кейин у судья лавозимига зид фаолият билан шуғулланишни давом эттираверган тақдирда
- суд карори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган тақдирда
- Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини йўқотган тақдирда
- унга нисбатан суднинг айблов ҳукми қонуний кучга кирган тақдирда
- суднинг карори билан вафот этган деб эълон қилинган тақдирда
- соғлиги ёмонлашуви ёки бошқа узрли сабабларга кўра узоқ вақт мобайнида судьялик вазифасини бажаришга қодир бўлмай қолган тақдирда

8-слайд

"Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 19 мартдаги ПФ-2817-сонли Фармони; "Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 24 сентябрдаги ПФ-2943-сонли Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича олий малака комиссияси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида 2006 йил 17 мартдаги ПФ-3725 – сонли Фармони республикамизда малакали судьялар корпуси шаклланишида муҳим асос бўлди.

9-слайд



6. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатура институти ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш

1-слайд

Одил судловни амалга ошириш жараёнида фукароларнинг ҳукуклари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатларнинг ўрни беқиёсдир.

Адвокатнинг ёрдами, унинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини мухофаза килиш фаолияти, айникса, жиноят ишларини юритиш жараёнида яққол намоён бўлади. Жиноят процесси шахс ҳукук ва эркинликларига жиддий таъсир килиши мумкинлиги сабабли ҳам у тарафлар тортишуви принципи асосида ташкил қилинган.

2-слайд

Жиноят процессида тортишув принципи қуйидаги асосий жиҳатларни белгилайди

- айбловнинг суддан ажратилгани
- суднинг процессдаги мустақил, фаол ҳолати ва фақат судга иш юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқининг берилиши
- ўз функцияларини бажаришлари учун тарафларнинг тенг процессуал ҳуқуқларга эга бўлиши
- айблов ва химоялаш функцияларининг одил судлов вазифасидан ҳамда уларнинг ўзаро бир-биридан ажратилгани

3-слайд



4-слайд

2001 йил 30 августда “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди, ушбу қонун асосида жиноятларнинг таснифланиши ўзгартирилди, ўта оғир жиноятлар жумласига киритилган жиноятлар рўйхати камайтирилди, содир этилган жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган мукобил жазо турлари, ярашув институти жорий этилди.

5-слайд



6-слайд

"Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада эркинлаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш концепцияси" (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 мартдаги ПҚ-24-сонли қарори билан тасдиқланган)да жазо тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш ва уни умрбод ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан алмаштиришда устувор йўналишларини амалга ошириш вазифалари белгиланди.

Кейинги йигирма йил давомида 50 та давлат, шу жумладан, Канада, Парагвай, Мексика, Туркманистон, Арманистон, Туркия, Греция, Кипр, Сенегал каби мамлакатлар бу жазодан воз кечди. Шу йилларда фақат 4 давлат (Непал, Филиппин, Гамбия, Папуа – янги Гвинея) қонунларида ўлим жазоси тикланган, лекин амалда деярли қўлланмаган. Умуман, ўлим жазосига маҳкум этилганларнинг ярмидан кўпи қатл қилинмаган. Чунончи, 2004 йилда 64 мамлакатдаги судлар 7 395 жиноятчига нисбатан ўлим жазоси тайинлаган, лекин бу жазо фақат 25 мамлакатда 3 797 кишига нисбатан ижро этилган. Уларнинг 97 фоизи Хитойда (3400 маҳкум), Эронда (759), Вьетнамда (64) ва АҚШда (59) қатл қилинган

7-слайд

«Халқаро амнистия» ташкилотининг 2005 йил 17 ноябрда берган ахбороти

- Ўлим жазоси батамом бекор қилинган мамлакатлар – 80 та
- Фақат алоҳида ҳолларда (хар бир жиноят учун) ўлим жазоси сақланган мамлакатлар – 15 та
- Қонунчилигида ўлим жазоси сақланган бўлсада, кейинги ўн йил давомида бу жазо ижро қилинмаган мамлакатлар – 23 та
- Ўлим жазоси сақланган бўлсада, йил сайин бу жазони камроқ қўллаётган мамлакатлар – 78 та
- Ўлим жазоси вояга етмаганларга 1990 йилдан буён қўлланиб келган мамлакатлар – 8 та (АҚШ, Хитой, Саудия Арабистон, Покистон, Эрон, Конго, Яман, Нигерия)

8-слайд



9-слайд

"Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 15 июнда қабул қилинди, Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланиб, 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга кирди.

2005 йил 8 августда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқукини судларга ўтказиш ҳақида"ги Президент Фармонининг қабул қилиниши Конституциямизнинг 19 ва 44-моддалари қоидаларини ҳаётга татбиқ этиш, суднинг учинчи ҳокимият сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш ва энг муҳими, дастлабки тергов вақтида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш имкониятларини янада кенгайтириш борасида беназир қадам бўлди.

7. Ярашув институти

1-слайд

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси 2001 йил 29 августда бўлиб ўтган VI сессиясида янги ҳукукий институтни жорий этди. “Жабрланувчи билан ярашув” тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам бўлди. 2001 йилдан бошлаб ярашув институтининг киритилиши республикамизда жиноий жавобгарликка тортилган шахслар сонининг кескин камайишига хизмат килди.

Мазкур институтнинг самарадорлиги ҳамда ўзбек халқининг раҳмдиллик ва кечиримлилик каби кўп асрлик анъаналарига мослиги унинг изчиллик билан кенгайиб боришига асос бўлди. Ҳозирги кунда 53 та жиноят таркиби бўйича ярашув институтини қўллаш имконияти назарда тутилган.

2-слайд

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг асосий вазифалари

- конун устуворлигини таъминлаш
- қонунийликни мустаҳкамлаш
- фуқароларнинг ҳукук ҳамда эркинликларини ҳимоя килиш
- жамият ва давлатнинг қонун билан қўрикланадиган манфаатларини ҳимоя килиш
- Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш
- ҳукукбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика килиш

3-слайд

Прокуратура органлари ўз фаолиятини қуйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширади

- Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, хокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш
- Фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш
- Тезкор-кидирув фаолиятни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш
- Жиноятлар юзасидан дастлабки тергов олиб бориш
- Судларда жиноят ишлари кўриб чиқилаётганда давлат айбловини қувватлаш, судларда фуқаролик ишларини, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ҳамда хўжалик низоларини кўришда иштирок этиш, қонунларга зид бўлган суд ҳужжатларига протест келтириш
- Солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек, давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш
- Ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва ҳуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш
- Қонун ижодкорлиги фаолиятида ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш ишида иштирок этиш

1-гурух учун ўқув топшириғи

Президентлик институти ва унинг шаклланиши

1. Президентлик институти ва унинг шаклланиши ҳақидаги маълумотларни ўқув қўлланмадан ўрганиб чиқинг.

2-гурух учун ўқув топшириғи

Қонун чиқарувчи ҳокимият (Парламент)

1. Қонун чиқарувчи ҳокимият (Парламент) ҳақидаги маълумотларни ўқув қўлланмадан ўрганиб чиқинг.

3-гурух учун ўқув топшириғи

Ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси)

1. Ижро этувчи ҳокимият (Вазирлар Маҳкамаси) ҳақидаги маълумотларни ўқув қўлланмадан ўрганиб чиқинг.

4-гурух учун ўқув топшириғи

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

1. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш ҳақидаги маълумотларни ўқув қўлланмадан ўрганиб чиқинг.

5-гурух учун ўқув топшириғи

Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатура институти ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш

1. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатура институти ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш ҳақидаги маълумотларни ўқув қўлланмадан ўрганиб чиқинг.

6-гурух учун ўқув топшириғи

Ярашув институти

1. Ярашув институти ҳақидаги маълумотларни ўқув қўлланмадан ўрганиб чиқинг.

2. Маълумотларни ўрганишда қўлингиздаги таянч конспектдан фойдаланинг.

5-илова

ЎҚУВ- ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

8. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларнинг кейинги босқичида қонунчиликда амалга оширилиши керак бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар

1-слайд

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган мамлакатимизда сиёсий, иқтисодий, давлат-ҳуқуқий муносабатларнинг бутун тизимини модернизация қилиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш, суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш бўйича олдимизда турган кенг кўламли вазифаларни самарали ҳал қилиш мақсадида амалга оширилиши керак бўлган ташкилий-ҳуқуқий чоралар

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунинг янги тахририни қабул қилиш

2000 йил 14 декабрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонун бугунги кун талабларига тўла жавоб бера олмай қолди. Ўтган даврда қонун ижодкорлиги жараёни кенгайгани ва мураккаблашгани, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосланганига ва сифатига нисбатан талаблар сезиларли даражада ошгани бу соҳада қонунийликни таъминлашнинг янги ва янада самарали механизмларини яратишни, қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қонунларга, социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар эҳтиёжларига мос бўлишини тақозо этмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ЖИНОЯТ-ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 29- ва 31-бобларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф этилади. Бу ўринда судга қадар иш юритув босқичида қўлланадиган чоралар, яъни лавозимдан четлаштириш ва шахсни тиббий муассасага жойлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораларини фақат судьянинг санкцияси асосида қўллаш тартиби назарда тутилмоқда. Ушбу ваколатларнинг прокурордан суд органларига ўтказилиши суриштирув ва дастлабки тергов жараёнида суд назоратини кучайтириш, жиноят процессида "Хабеас корпус" институтини қўллаш соҳасини янада кенгайтириш имконини беради. Энг муҳими, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида умумэътироф этилган принциплар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг амалга оширилишини таъминлайди.

2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 439-моддасига ўзгартиш киритиш ва унга мувофиқ биринчи инстанция судида иш бўйича айблов хулосасини ўқиб эшиттириш мажбуриятини фақат прокурор зиммасига юклашни назарда тутадиган норма ўрнатиш таклиф этилади. Чунки амалдаги қонунчиликда давлат айбловчиси, яъни прокурорнинг суд мажлисида айблов хулосасини ўқиб эшиттириш бўйича мажбурияти аниқ белгиланмаган. Шунинг учун айблов хулосаси кўпинча судьялар томонидан ўқиб эшиттирилади. Бу эса суднинг вазифа ва мақсадларига мос келмайди. Жиноят-процессуал қонунчилигига юқорида кўрсатиб ўтилган норманинг киритилиши суднинг мустақиллиги, холислиги ва бегаразлигини таъминлашга, жиноят процессида тортишув принципини кучайтиришга хизмат қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 321-моддасидан суднинг жиноят иши қўзғатишга доир ваколатини чиқариш мақсадга мувофиқ бўлур эди. Маълумки, жиноят ишини қўзғатиш аввало суриштирув ва дастлабки тергов органлари, жиноий таъқибни амалга оширалиган бошқа ҳуқуқ-тартибот органларининг вазифаси ҳисобланади. Суддан эса шахсга қўйилган айбловнинг қонуний ва асосли эканини холис баҳолаш талаб этилади. Ваҳоланки, ҳозирги пайтда суд томонидан жиноят ишини қўзғатиш тарзидаги процессуал ҳаракатнинг амалга оширилиши моҳиятан жиноий таъқибнинг ва ундан келиб чиқадиган барча оқибатларнинг бошланиши ҳисобланади. Бу эса судни жиноий таъқиб иштирокчилари тоифасига киритиб қўяди. Айтиш керакки, бундай амалиёт суднинг олий мақсади бўлган одил судловни амалга ошириш тамойилига мутлақо мос келмайди.

3-слайд

“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга ошириш принциплари, асослари, шакл ва услублари, уни олиб борадиган органлар тизимини белгилаб берадиган “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунни қабул қилиш таклиф этилади. Ушбу қонуннинг мақсади тезкор-қидирув хусусиятидаги тадбирларни ўтказишда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонунийликка риоя қилишнинг реал ҳуқуқий кафолатларини яратишга йўналтирилган. Бу қонуннинг қабул қилиниши демократик давлатларнинг умумэътироф этилган амалиётига мос келади. Таъкидлаш керакки, бу қонун жиноятлар содир этилишининг дастлабки босқичларидаёқ уларнинг олдини олиш ва ўз вақтида тўхтатиш бўйича чораларнинг самарадорлигини, шунингдек, суриштирув ва дастлабки терговнинг сифатини оширишга хизмат қилади. Айни пайтда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг, авваламбор, ички ишлар идораларининг бу сохадаги фаолиятининг

4-слайд

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини такомиллаштириш

Фаол ривожланиб бораётган демократлаштириш жараёнларини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексини ҳар томонлама қайта ишлаш ва янги таҳрирда қабул қилиш зарур. 1994 йилда қабул қилинган амалдаги мазкур кодексга ўтган давр мобайнида 60 мартадан кўпрок ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган. Унинг янги таҳрири суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан маъмурий қонунчилик ва жиноий-ҳуқуқий сиёсатда юз берган катта микёсдаги принципиал ўзгаришларни ўзида тизимли ва кенг кўламли тарзда акс эттириши лозим. Бунда авваламбор жиноят қонунчилигини тобора либераллаштириш, яъни, айрим қонунбузарлик ҳолатларини жиноий юрисдикциядан маъмурий юрисдикцияга ўтказишни кўзда тутиш зарур. Кодекснинг янги таҳрирда қабул қилиниши бугунги кунда ўнлаб норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ўз аксини топган маъмурий жавобгарликка оид қонунчиликнинг унификациялашувини, яъни бирхиллашувини таъминлайди. Шунингдек, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўришнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, демократлаштириш, бу

5-слайд

Адлия органлари ролини ошириш

Ривожланган демократик давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, давлат ҳокимияти идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмалар, шу жумладан, прокуратура фаолиятида қонунчилик талабларига риоя қилиш ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича адлия органларининг ролини янада кучайтиришга қаратилган янги ҳуқуқий механизмларни ўрнатадиган ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш талаб этилмоқда. Адлия органларининг ҳуқуқ ижодкорлиги соҳаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида ягона давлат сиёсатини ўтказишдаги ролини кучайтириш учун уларга зарур бўлган тегишли ваколатларнинг берилиши мамлакатимизнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органлари тизимида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанатининг самарали механизмини яратиш имконини беради ҳамда ушбу органлар фаолиятида қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

6-слайд

Ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган мақсадли кўламли чора-тадбирлар

Жамиятнинг демократия йўлидан жадал ривожланиши ва бу борада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффакияти кўп жиҳатдан одамларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқдир. Юксак ҳуқуқий маданият – демократик жамият пойдевори ва ҳуқуқий тизимнинг етуклик кўрсаткичидир.

Шу муносабат билан, бугунги сиёсий-ҳуқуқий воқеликни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда ҳуқуқий таълим ва маърифатни, жамиятда ҳуқуқий билимлар тарғиботини тубдан яхшилашга йўналтирилган максадли кенг кўламли чора-тадбирлар дастурини ишлаб чикиш зарур. Ушбу дастурнинг амалга оширилиши аҳолининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишини, фуқароларда қонунга итоаткорлик туйғусининг янада ортишини таъминлайди.

6-илова

Инсерт жадвалининг тузилиши ва уни тўлдириш қоидаси билан танишадилар.

Инсерт жадвали:

- маълумотларни системалаштиришни (мустақил ўқиш/ маъруза эшитиш жараёнида олинган), уни тасдиклаш, аниклаштириш ёки рад этиш; қабул қилинаётган маълумотнинг тушунарлилигини назорат килиш, аввал эгалланган маълумотни янгиси билан боғлаш кобилиятларини шакллан тиришни таъминлайди;

- ўқув маълумотини мустакил ўргангандан сўнг қўлланилади.

Ўқиш жараёнида олинган маълумотларни индивидуал холда системалаштирадилар;

Матнда кўйилган белгилар асосида жадвал устунларини тўлдирадилар:

V - …. ҳакидаги билимларимга жавоб беради;

«-» - …. ҳакидаги билимларимга карама-карши;

+ - янги маълумотлар

Инсерт жадвали

V	+	-	?

7-илова

“Ўзбекистонда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуки эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш” мавзуси бўйича саволлар (ўқитувчи варианти)

1. Ахборот соҳасига нималар киради?

2. Ахборот ва сўз эркинлиги деганда нимани тушунасиз?

3. Оммавий ахборот воситаларининг аҳамияти нимада?

4. 1994 йилда республикада нечта турдаги оммавий ахборот воситалари мавжуд эди?

5. Ҳозирги кунга қадар оммавий ахборот воситалари қанча баробарга ошди?

6. Оммавий ахборот воситалари соҳасида юз берган тарихий янгиланишлар жараёнида қандай асосий масалаларга эътибор бериш керак?

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижалари ҳамда якунлари ҳақида тушунтириб беринг.
2. 2002 йилда қабул қилинган янги конституциявий нормаларнинг мазмунини ёритинг.
3. 2003 йилда қабул қилинган янги конституциявий нормаларнинг мазмунини ёритинг.
4. 2007 йилда қабул қилинган янги конституциявий нормаларнинг мазмунини ёритинг.
5. Акциядорлик жамиятларининг мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрни қандай?
6. Бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида қайси бизнес тури кўрсатилган ва уни ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим жиҳатлари нималар?
7. Бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарблигини асосланг?
8. Бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган?
9. Президент сўзининг маъноси нима?
10. Ҳокимият деганда нимани тушунасиз?
11. Давлат ҳокимияти деганда нимани тушунасиз?
12. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришнинг демократик тамойилларини санаб ўтинг.
13. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига нималар киради?
14. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши" деганда нимани тушунасиз?
15. "Маҳалла" сўзининг маъносини тушунтириб беринг.
16. Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича сиёсий соҳадаги асосий вазифалар нималардан иборат?
17. Давлат қурилиши ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда давлат қурилиши ва бошқаруви соҳасидаги асосий вазифалар нималардан иборат?
18. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш деганда нимани тушунасиз?
19. Президентлик институти ва унинг шаклланиши ҳақида тушунтириб беринг.
20. Қонун чиқарувчи ҳокимият (парламент) нима?
21. Ижро этувчи ҳокимиятга (Вазирлар Маҳкамаси) нима киради?
22. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашда адвокатура институти ҳамда жиноий жазоларни либераллаштириш деганда нимани тушунасиз?
23. Ярашув институти нима?
24. Суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотларининг кейинги босқичида қонунчиликда амалга оширилиши керак бўлган ташкилий-ҳуқуқий чораларни ёритинг.
25. Ўзбекистон Республикаси Президенти қандай ҳуқуқларга эга?
26. Қандай вазирликларни биласиз?

3 – МАВЗУ	**Ўзбекистонда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов конунчилигини ривожлантириш**

3.1. Маърузада таълим технологияси

***Машғулот вақти*-2 соат**	***Талабалар сони:* 20 – 40 нафаргача**
Машғулот шакли	Кўргазмали маъруза
Маъруза режаси	1. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш. 2. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов конунчилигини ривожлантириш. 3. Ўзбекитон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича концепция. 4. 2008 йили сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар. Қонун ҳужжатларида сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормалар. Сайлов тизимида хотин-кизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги. 5. Сайлов жараёнларини янада демократлаштириш муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган қонунчилик ташаббуслари.
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистонда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлиги, сайлов ҳуқуқи эркинлиги, сайлов қонунчилиги тўғрисида назарий билимларни шакллантириш ва ривожлантириш.	
Педагогик вазифалар: • ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш ҳақида тушунча бериш; • Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов конунчилиги тўғрисидаги билимларни шакллантириш; • Ўзбекитон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепция ҳақида маълумот бериш; • 2008 йили сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар ҳақида маълумот бериш; • конун ҳужжатларида сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ фаолиятидаги	*Ўқув фаолияти натижалари:* • ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш ҳақида гапириб беради; • Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилиги тўғрисида тушунтиради; • Ўзбекитон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепция мазмуни ва моҳиятини ёритади; • 2008 йили сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар ҳақида гапириб беради; • конун ҳужжатларида сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ фаолиятидаги нормаларни тушунтиради; • сайлов тизимида хотин-кизларнинг ижтимоий

нормаларни тушунтириш; • сайлов тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий сиёсий фаоллигининг аҳамиятини ёритиш; • сайлов жараёнларини янада демократлаштириш муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган қонунчилик ташаббуслари ҳақида маълумот бериш.	сиёсий фаоллигининг аҳамиятини ёритади; • сайлов жараёнларини янада демократлаштириш муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган қонунчилик ташаббуслари ҳақида гапириб беради.
Таълим бериш усуллари	Кўргазмали маъруза, намойиш этиш, савол-жавоб, суҳбат, тушунтириш, пинборд
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий, гуруҳларда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, қоғоз варақлари, маркерлар, скотч
Таълим бериш шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гуруҳларда ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

1.2. "Ўзбекистонда ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини, сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов қонунчилигини ривожлантириш" мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	***Фаолият мазмуни***	
	Таълим берувчи	***Таълим олувчилар***
1. Мавзуга кириш *(5 дақиқа)*	1.1. Маъруза машғулотининг номини, мақсади ва кутилажак натижаларини эълон килади. 1.2. Мавзу режасида қайд этилган саволларни экранда намойиш қилади ва мавзуни ўтилган ўқув машғулот билан мантиқан боғлайди *(1-илова).* 1.3. Машғулот жараёнида талабалардан фаол иштирок талаб этилишини таъкидлаб ўтади.	Тинглайдилар. Мавзуни ва режани ёзиб оладилар.
2-босқич Асосий босқич (55 дақиқа)	2.1. Талабаларни 4 та кичик гуруҳга бўлади ва гуруҳларда топшириқ бажаришларини айтади. 2.2. Талабалар билимини ва фаолиятини фаоллаштириш мақсадида пинборд усулини қўллайди *(2-илова)* ва кичик гуруҳларга топшириқлар беради *(3-илова).* Топшириқни бажариш қоидасини тушунтиради. Гуруҳлар фаолиятини кузатади, маслаҳатлар беради ва йўналтириб туради. Тайёр ишларни доскага илишларини айтади. 2.3. Гуруҳлар фаолияти натижасини талабалар иштирокида таҳлил қилади. Ушбу мавзу бўйича чуқурроқ билимларга эга бўлишларини айтади. 2.4. Экранга мавзу режасининг биринчи саволига доир материалларни чиқаради ва ҳар бирини алоҳида шарҳлайди *(4-илова).* 2.5. Мавзу режасининг иккинчи саволига оид слайдларни экранда намойиш қилади ва мазмунини ёритади *(5-илова).* 2.6. Талабаларга бир қанча саволлар билан мурожаат қилади: Сайлов нима?.	Гуруҳларга бўлинадилар ва топшириқни бажаришга киришадилар. Фаолият натижаларини доскага иладилар ва биттадан талаба чиқиб ишларини изоҳлайди. Тинглайдилар, зарур маълумотларни ёзиб оладилар. Саволларга жавоб берадилар, ўз

	Сайловлар қачон ўтказилади ва кимлар сайланади? Сайлов ўтказиш қонун ва қоидасини биласизми? Тушунтиринг. Кимлар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга? 2.7. Жавобларни умумлаштиради, тўлдиради ва бугунги ўқув машғулотида ушбу саволларга кенгроқ жавоб олишларини айтади. 2.8. Экранда слайдлар намойиш этиш оркали Ўзбекитон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция тўғрисида тўлиқ маълумотлар беради *(6-илова)*. Талабалар диққатини мавзунинг асосий томонларига қаратади, уларнинг долзарб ва аҳамиятли эканини асослайди. 2.9. Мавзу режасининг тўртинчи саволига доир слайдларни намойиш қилади ва ҳар бирини алохида тушунтиради *(7-илова)*. 2.10. Слайдларни экранга чиқаради ва сайлов жараёнларини янада демократлаштириш муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган қонунчилик ташаббусларини ёритади *(8-илова)*. 2.11. Мавзу бўйича талабаларда туғилган саволларга жавоб беради	фикрларини билдирадилар. Тинглайдилар ва зарур маълумотларни ёзиб оладилар. Тинглайдилар, зарур маълумотларни ёзиб оладилар. Саволлар берадилар.
3. Якуний боскич *(10 дақиқа)*	3.1. Мавзуни умумлаштиради, якуний хулосалар қилади. Мазкур мавзу буйича эгалланган билимларнинг долзарблиги ва аҳамиятлилигини алохида қайд қилади ҳамда келажакда ушбу билимлардан қаерларда фойдаланиши мумкинлиги хакида маълумот беради. 3.2. Мустақил ишлаш учун вазифа беради: (1) ўтилган мавзу асосида концептуал жадвал тўлдириб келиш; *(9-илова)*; (2) тўртинчи мавзу буйича маъруза-анжуманга тайёрланиб келиш.	Саволлар берадилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Мавзу режаси:

1. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш.
2. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов конунчилигини ривожлантириш.
3. Ўзбекитон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича концепция.
4. 2008 йили сайлов конунчилигига киритилган ўзгартишлар. Қонун ҳужжатларида сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормалар. Сайлов тизимида хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллиги.
5. Сайлов жараёнларини янада демократлаштириш муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган конунчилик ташаббуслари.

Пинборд (инглизчадан: *pin*- маҳкамлаш, *board* – ёзув тахтаси) мунозара усуллари ёки ўқув суҳбатини амалий усул билан мослашдан иборат.

Пинборд техникаси
(инглизчадан: pin – маҳкамлаш, board – доска)
муаммони ҳал қилишга оид фикрларни тизимлаштириш
ва гуруҳлашни амалга оширишга, жамоа тарзда
ягона ёки аксинча қарама-қарши
позицияни шакллантиришга имкон беради

Ўқитувчи таклиф этилган муаммо бўйича ўз нуқтаи назарини баён қилишни сўрайди. Тўғридан-тўғри ёки оммавий ақлий хужумнинг бошланишини ташкил қилади (рағбатлантиради)

Фикрларни таклиф киладилар, муҳокама киладилар, баҳолайдилар ва энг оптимал (самарали) фикрни танлайдилар. Уларни таянч хулосавий фикр (2 та сўздан кўп бўлмаган) сифатида алоҳида қоғозларга ёзадилар ва доскага маҳкамлайдилар

Гурух намояндалари доскага чиқадилар ва маслаҳатлашган ҳолда:

1) яққол хато бўлган ёки такрорланаётган фикрларни олиб ташлайдилар;
2) баҳсли бўлган фикрларни ойдинлаштирадилар;
3) фикрларни тизимлаштириш мумкин бўлган белгиларни аниқлайдилар;
4) шу белгилар асосида доскадаги барча фикрларни (қоғоз ва варақлардаги) гуруҳларга ажратадилар;
5) уларнинг ўзаро муносабатларини чизиқлар ёки бошқа белгилар ёрдамида кўрсатадилар: коллективнинг ягона ёки қарама-қарши позициялари ишлаб чиқилади.

3-илова

Кичик гурухларда ишлаш учун топшириқлар

1-гуруҳ: Оммавий ахборот воситаларига нималар киради?

2-гуруҳ: Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш учун қандай ишларни амалга ошириш керак?

3-гуруҳ: Ахборот ва сўз эркинлиги деганда нимани тушунасиз?

4-гуруҳ: Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим?

4-илова

ЎҚУВ- ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР

1. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш

1-слайд

Оммавий ахборот воситалари сиёсий-ғоявий, маънавий-руҳий коммуникациянинг асосий таянчи сифатида жамиятнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига кучли таъсир этиб, давлат институтларига нисбатан жамоатчилик назоратининг кучайиши учун янгидан-янги имкониятларни келтириб чикариши мумкин.

- Ўзбекистонда телекоммуникациялар тизими дунёнинг 180 та мамлакатига 28 та йўналиш бўйича тўгридан-тўгри чикадиган халкаро каналларга эга.
- *Кейинги 10 йил ичида босма оммавий ахборот воситаларининг сони* 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони 7 баробар кўпайди.
- Мамлакамизда Интернет тизимидан фойдаланувчилар сони 6 миллиондан ошди.

2-слайд

1994 йилда Ўзбекистонда 475 та ОАВ бўлиб, улардан 384 та газета, 66 та журнал, 19 та телестудия, 3 та кабель телевидениеси, 2 та радиостудия ва битта агентлик фаолият кўрсатган бўлса[1], давлатимиз рахбари ўз маърузасида таъкидлаганидек, кейинги 10 йилнинг ўзида босма оммавий ахборот воситаларининг сони 1,5 баробар, электрон оммавий ахборот воситаларининг сони эса 7 баробар кўпайиб, бугунги кунда уларнинг умумий сони салкам 1200 тага етди. Мавжуд барча телеканалларнинг салкам 53 фоизи, радиоканалларнинг эса 85 фоизи нодавлат оммавий ахборот воситалари хисобланади. Оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда яшайдиган миллат ва элатларнинг 7 та тилида фаолият олиб боради, шунингдек, босма материаллар ва телекўрсатувлар инглиз тилида хам таркатилмокда.

3-слайд

Оммавий ахборот воситалари соҳасида юз берган тарихий янгиланишда қуйидаги масалаларга алоҳида эътиборни қаратиш лозим

- Нодавлат оммавий ахборот воситалари институтининг яратилиши
- Электрон оммавий ахборот воситалари тизимининг жадал ривожланаётгани

4-слайд

Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ҳуқуқий тартибга солиш мақсадида мамлакатимизда 11 та қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та фармони, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг 40 та қарори, 600 дан зиёд конуности хужжатлари қабул қилиниб, бир қатор миллий дастурлар ишлаб чиқилган. Хусусан, "2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникациялари технологияларини ривожлантириш дастури","Ўзбекистон Республикасида телекоммуникация тармоғини 2010 йилгача бўлган даврда реконструкция қилиш ва ривожлантириш миллий дастури"[1] ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ўзбекистонда 2015 йилга кадар тўла рақамли телекўрсатувларга ўтиш режалаштирилган. Мамлакатимизда рақамли телевидениега ўтиш ишлари 2007 йилда бошланган бўлиб, дастлаб 2008 йилнинг август-сентябрь ойларида Тошкент ва Бухорода рақамли телевизион узатгичлар ўрнатилиб, 12 та теледастур намойиш қилина бошлади. Келгусида теледастурлар сонини 40 тагача етказиш мўлжалланмоқда.

5-слайд

Жорий йилнинг охирига қадар рақамли телевидение узатгичларини Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларида ўрнатиш режалаштирилган. Мамлакатимизда рақамли телевидениенинг қабул қилинган стандарти DVB-T MP-4 бўлиб, у жаҳонда тан олинган ва энг замонавий стандартлардан бири деб қабул қилинган. Ҳозирги кунда юртимиз олимлари томонидан DVB-T MP-4 сигналларини қабул қилувчи тюнерлар тайёрланиб, оммавий ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Уларни ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонада ташкил этилган, ҳар йили корхонада 60 минг донагача бундай юқори технологик ускунани ишлаб чиқариш мўлжалланмоқда.

6-слайд



7-слайд



8-слайд

«Телерадиоэшиттиришлар тўғрисида» Қонуни кабул килиш натижасида

- телерадиодастурларни тайёрлаш ва тарқатиш соҳасида рақобатни япада кучайтириш
- телерадиодастурларни узатиш борасида мобил ва рақамли телевидение каби илғор замонавий технологияларни жорий этиш
- телеиндустриянинг истиқболли янги тармоқларини ташкил қилиш учун зарур шароитларни яратиш
- миллий телерадиоэшиттиришлар тизими фаолиятини ҳукукий тартибга солиш механизмларини ва молиялаштириш манбаларининг эркиплиги ва мустакиллиги каби принципларини белгилаб бериш
- радиочастоталарни олиш учун ўтказиладиган танловларнинг демократик ва ошкоралигини таъминлаш
- тенг рақобат ва электрон медиа-бозор тармоқларининг монополлашувига йўл қўймаслик учун шароит яратиш ва бошқа бир қатор муаммоларни ечиш имконияти туғилади

9-слайд

«Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида»ги қонунларни қабул қилиш

- ахборот бозори иштирокчилари фаолияти самарадорлигини кучайтириш ва уларнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш
- қўшимча иқтисодий преференциялар яратиш
- миллий ахборот маконини изчил ривожлантиришни таъминлашга каратилган бошқа ташкилий-ҳукукий чора-тадбирларни амалга оширишни назарда тутади

10-слайд

«Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

- давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиатузилмалар ишини фаоллаштириш бўйича кенг кўламли чора-тадбирларни кўзда тутиш
- оммавий ахборот воситаларининг ахборот олиш юзасидан *мурожаатларини кўриб чикиш муддатларини қисқартириш*
- ахборот олиш соҳасидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун юридик ва мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлигини кучайтириш ва бошқа чора-тадбирларни таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмлар ўз аксини топиши назарда тутилади

5-илова

2. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш

1-слайд

Сайлов ҳуқуқи бутун дунёда эътироф этилган энг муҳим конституциявий-сиёсий ҳуқуқлардан бири бўлиб, у фуқароларга давлат ҳокимияти органларига ўз вакилларини юбориш имкониятини беради. Фуқароларнинг ўз сайлов ҳуқуқларини ҳеч тўсқинликсиз амалга ошириишлари уларнинг давлат бошқарувидаги иштирокининг энг муҳим кафолатларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади"[1] деган қоида белгиланиб, бу, биринчидан, давлат ва жамият ишларини бошқаришда фуқаролар иштирокининг конституциявий асосга эгалигини, иккинчидан эса, сайловлар демократик бошқарувни таъминловчи воситалардан бири эканини кўрсатади.

Унинг XXIII боби "Сайлов тизими" деб номланиб, 117-моддада "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар" деб кўрсатилган.

2-слайд

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИШНИНГ АСОСИЙ ПРИНЦИПЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси (қуйи палата) беш йил муддатга сайланадиган **150** депутатдан иборат

Қонунчилик палатасининг **135** депутати ҳудудий бир мандатли сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан сайланади

Қонунчилик палатасининг **15** депутати Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланади

Тенг сайлов ҳуқуқи (3-модда)

Ҳар бир фуқаро – сайловчи бир овозга эга

Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар

Тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи (4-модда)

Қонунчилик палатасининг **135** депутати фуқаролар томонидан бевосита сайланади

Яширин овоз бериш (5-модда)

Қонунчилик палатаси депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз берилади. Овоз берувчиларнинг хохиш-иродаси назорат қилинишига йўл қўйилмайди

Умумий сайлов ҳуқуқи

Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови умумийдир

Актив сайлов ҳуқуқи

Сайлов куни 18 ёшга тўлган шахслар

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахслар

Пассив сайлов ҳуқуқи

Сайлов куни 25 ёшга тўлган шахслар

Камида 5 йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган шахслар

Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлган шахслар

Сайлов ҳуқуқига эга бўлмаган шахслар

Суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар

3-слайд



4-слайд



5-слайд

Олий Мажлис Сенатига ўтказиладиган сайлов Асосий конуннинг сайлов тўғрисидаги 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Сенати тўғрисида"ги Қонунга кўра ўтказилади

84 + **16** = **100**

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда - олти кишидан сайланади.
Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади

Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати (юқори палата) ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) таркиб топади.

Сенатнинг ваколат муддати - **5 йил**

Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин **1 ОЙДАН КЕЧИКТИРМАЙ** ўтказилади

Давлат ҳокимияти вакиллик органларининг қўшма мажлиси, агар унда депутатлар умумий сонининг камида **учдан икки қисми** хозир бўлса, ваколатли ҳисобланади

СЕНАТ

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низом Марказий сайлов комиссияси томонидан ишлаб чиқилади ва тасдиқланади

Сенат аъзолигига сайланадиган номзодларга қўйиладиган талаблар

Сайлов куни **25 ЁШГА** тўлган бўлиши

5 ЙИЛ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётгани

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, вилоятлар, туман, шаҳар давлат ҳокимияти вакиллик органининг **депутати** экани

6-слайд

“Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддасига кўра, Марказий сайлов комиссияси

- ЎзР Президенти сайловини, ЎзР Олий Мажлисига сайловни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссияларининг ҳамда ЎзР референдумини ўтказиш учун тузиладиган референдум ўтказувчи комиссияларнинг тизимига бошчилик қилади, ЎзРнинг бутун ҳудудида ЎзР Президенти сайлови, ЎзР Олий Мажлисига сайлов ва ЎзР референдуми тўғрисидаги қонунларининг ижросини назорат қилади, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлайди
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашларига сайловлар юзасидан сайлов кампанияси бошланганини эълон қилади
- Сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди, сайлов ва референдумни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ҳамда низомларни тасдиқлайди ва тушунтиришлар бериб боради
- Сайлов округларини, референдум округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради, чегараларини, сайловчилар ҳамда референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар сонини кўрсатган ҳолда, округлар рўйхатини эълон қилади
- ЎзРнинг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкалари ва референдум участкаларини қайси округларга бириктириш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади
- Округ сайлов комиссияларини ва референдум ўтказувчи округ комиссияларини тузади ҳамда уларнинг жойлашган ери тўғрисидаги маълумотларни эълон қилади
- Сайлов комиссиялари ва референдум ўтказувчи комиссиялар таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди
- Округ сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи округ комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларга зид бўлса, мустақил тарзда ёки Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг тақдимномасига биноан бекор қилади
- Чет давлатларнинг, халқаро ташкилотларнинг кузатувчиларига сайлов ва референдумда қатнашиш учун мандатлар беради
- Сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг кузатувчилари, матбуот, телевидение, радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатларнинг кузатувчиларига мўлжалланган мандат намунасини белгилайди

Сайловга ва референдумга тайёргарлик кўриш хамда уларни ўтказишнинг харажатлар сметасини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди, пул маблағларини сайлов комиссияларига хамда референдум ўтказувчи комиссияларга тақсимлайди, бу маблағлардан фойдаланиш тартибини белгилайди, сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади, сайлов хамда референдумни моддий-техник жихатдан таъминлашга доир бошқа масалаларни кўриб чикади

Тақдим этилган хужжатлар асосида сиёсий партияларнинг сайловда қатнашишига ижозат бериш юзасидан карор кабул қилади

ЎзР Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва давлат хокимияти вакиллик органларидан, шунингдек, ЎзР ОМнинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан тегишли хужжатларни кабул килиб олади

ЎзР Президентлигига номзодларни ва ЎзР ОМнинг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларни рўйхатга олади, рўйхатга олинган номзодларнинг рўйхатлари ва улар хакидаги маълумотлар матбуотда эълон килинишини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар сайловда иштирок этиши учун тенг шароитларни таъминлайди

ЎзР Президенти, ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари сайловига доир сайлов бюллетенларининг, референдумда овоз бериш бюллетенининг, сайловчилар хамда референдумда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган фуқаролар рўйхатларининг, имзо варақаларининг, сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар баённомаларининг хамда бошқа хужжатларнинг намуна ва шаклларини, овоз бериш қутиларининг хамда сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар мухрларининг намуналарини, хужжатларни сақлаш тартибини белгилайди

Сайлов комиссиялари, референдум ўтказувчи комиссиялар, сиёсий партиялар, вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар, маҳаллий давлат хокимияти органлари, давлатнинг бошқа органлари хамда бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари вакилларининг сайловга, референдумга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади

Сайлов ва референдумнинг якунини чиқаради, Ўзбекистон Республикаси бўйича овоз беришнинг умумий натижаларини аниклайди хамда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ёки референдумда иштирок этиш хуқуқига эга бўлган фуқаролар сони тўғрисидаги, хар бир номзодни ёклаб ва унга карши берилган овозлар сони тўғрисидаги, референдумга қўйилган масалани ёклаб ёки унга карши берилган овозлар сони тўғрисидаги ахборотни матбуотда эълон килади

8-слайд (давоми)

- Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда такрорий овоз бериш, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг ёки Сенат аъзоларининг такрорий сайлови ва бўшаб қолган ўринларга сайлов ўтказилишини ташкил этади
- Сайланган ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатларини, Сенат аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек, уларнинг рўйхатини матбуотда эълон қилади
- Сайловдан кейин ЎзР Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг, Сенатининг биринчи мажлисини қонунда белгиланган тартибда чақиради
- Сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайлангани тўғрисида гувоҳнома топширади
- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатига ва Сенат аъзосига Қонунчилик палатаси депутатининг ҳамда Сенат аъзосининг гувоҳномаси ва кўкрак нишонини беради
- Сайлов комиссияларининг ва референдум ўтказувчи комиссияларнинг қарорлари ҳамда хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ва шикоятларни кўриб чиқади ҳамда улар юзасидан қарорлар қабул қилади
- Ўзбекистон Республикасининг сайлов ва референдум тўғрисидаги қонунларини жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганига доир материалларни прокуратура органларига юборади
- Сайловни ва референдумни ташкил этиш ҳамда уларни ўтказиш билан боғлиқ ҳужжатлар архивга топширилишини таъминлайди
- Марказий сайлов комиссиясининг регламентини тасдиқлайди
- Қонунларга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади

6-илова

3. Ўзбекитон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича концепция

1-слайд

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг 2009 йил декабрь ойида вакиллик органларига ўтказилган сайловлар бўйича концепцияси Ўзбекистон Республикасида вакиллик органларига ўтказиладиган сайловларни нгсамарали ташкил этилиши ва қонуний асосда ўтказилишини таъминлаш максадида ишлаб чиқилган.

2-слайд

Концепцияни ишлаб чиқишда ЎзР Конституцияси, ЎзРнинг “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “ЎзРнинг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги, “ЎзР Олий Мажлисига сайлов тўғрисида”ги, “Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида”ги қонунларида белгиланган қоидалар асос қилиб олинди. ЎзР Конституциясининг **117-моддасига** мувофиқ, ЎзР Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ушбу сайловларни ташкил этишда Марказий сайлов комиссияси “ЎзРнинг Марказий сайлов комиссияси тўғрисида”ги қонунининг 2-моддасига кўра, ўз фаолиятини қонунийлик,

3-слайд



4-слайд



7-илова

4. 2008 йили сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар. Қонун ҳужжатларида сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ фаолиятида ошкораликни кўпроқ таъминлашга қаратилган нормалар. Сайлов тизимида хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ахамияти

1-слайд

2008 йил 25 декабрда қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан ЎзРнинг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун сайлов жараёнининг ҳуқуқий асослари янада такомиллаштирилди. Ушбу қонунга мувофиқ, Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасидаги депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага оширилди. Бунда 135 та ўринни сиёсий партиялардан кўппартиявийлик асосида бир мандатли округларда сайланадиган депутатлар эгаллайди. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан эса Қонунчилик палатасининг ўн беш депутати мазкур ҳаракатнинг олий органи (конференцияси) томонидан Марказий сайлов комиссияси белгилайдиган муддатларда сайланадиган бўлди. Шунингдек, депутатликка номзодларнинг ишончли вакиллари сони 5 нафардан 10 нафарга оширилди.

2-слайд

Сайловда иштирок этадиган сиёсий партияларнинг рўйхатдан ўтиши учун ўрнатилган муддат 6 ойдан 4 ойга туширилди. Айни вактда сиёсий партияларнинг сайловда иштирок этиши учун рухсат бериш масаласини ҳал этиш борасида зарур бўладиган сайловчилар имзосининг миқдори аввалги 50 минг имзо ўрнига 40 минг қилиб белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига фақат *сиёсий партиялар* эгадир.

3-слайд



4-слайд

Сайловга камида **70 кун** қолганида Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади

Комиссиянинг **раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида олти нафар бошқа аъзосидан** иборат таркибда тузилади

Комиссиянинг **шахсий таркиби** Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади

5-слайд

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасида: "Бутун сайлов кампанияси кенг ошкоралик асосида тузилади. Ҳар бир сайловчи сайлов давомида сайлов округлари ва участкаларини тузишга, сайлов комиссияларининг таркиби, комиссиялар жойлашган манзил ва иш вақтига, депутатликка номзодларни рўйхатга олиш, овоз бериш ва сайлов якунларига доир ахборотни излаш, олиш ва тарқатиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлови тўғрисидаги қонуннинг 22-моддаси 4-бандига кўра, хотин-қизлар сони сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатликка номзодлар умумий сонининг камида ўттиз фоизини ташкил этиши лозим.

2009 йилги Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 22 фоизини хотин-қизлар ташкил этди.

6-слайд

ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР

Ишончли вакиллар номзод депутат этиб сайланиши учун ташвиқот юритадилар, давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг органлари, сайловчилар билан ўзаро муносабатларда, шунингдек сайлов комиссияларида номзоднинг манфаатларини ҳимоя киладилар

Депутатликка номзод ўн нафарга кадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин

Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас

Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит килишга хакли

Депутатликка номзод рўйхатга олинганидан кейин ўз ишончли вакилларини ўзи белгилайди ва бу ҳақда округ сайлов комиссиясига маълум килади

Сайлов комиссияси ишончли вакилларни рўйхатга олади ва уларга гувохнома берали

Депутатликка номзод, округ сайлов комиссиясига маълум килган ҳолда, сайловга кадар ўз ишончли вакилини истаган вақтда ваколатидан махрум қилиши ва уни бошқаси билан алмаштириши мумкин

Сиёсий партия муайян шахсни депутатликка номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан беш кун қолганда бекор килиш ҳуқукига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан депутатликка номзодлик мақомидан махрум этилиши мумкин

8-илова

4. Сайлов жараёнларини янада демократлаштириш муносабати билан амалга оширилиши лозим бўлган қонунчилик ташаббуслари

1-слайд

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги "Амалдаги қонунчилик ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида"ги қонуни билан сайлов қонунларига бир қатор демократик қоидалар киритилди. Олий Мажлисга сайловлар тўғрисидаги қонуннинг 14-моддасида муайян такомиллашув рўй берди. Унинг 2-банди чиқариб ташланди. Бу бандниг чиқарилиши 46-моддада назарда тутилган бир чекловчи қоидани бартараф этди. 46-модданинг 3-қисмига кўра, "муайян сиёсий партиядан кўрсатилган хамма номзодлар, башарти улар сайловда овоз беришда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси барча сайловчиларининг камида беш фозининг овозини тўпламаган бўлсалар, Олий Мажлис депутатлари этиб рўйхатга олинмайдилар", деган қоида, яъни 5 фоизлик тўсиқ олиб ташланди.

2-слайд



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида Президентимиз томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқидан фойдаланган ҳолда бир қатор таклифлар киритилди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловлар жараёнида сиёсий партияларнинг ваколатларини амалга ошириш механизмини ўрганишда сайловолди ташвиқотига алоҳида эътибор қаратиш зарур. "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 25-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддаси 4-қисмига кўра, **"сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди" деган қоида мавжуд.** Киритилаётган таклифга кўра, сайловолди ташвиқотини нафақат сайлов куни, балки овоз бериш бошланишидан бир кун олдин ҳам олиб бориш мумкин эмаслиги тўғрисидаги норма киритилмоқда

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 41-моддаси ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 38-моддасининг **муддатидан олдин овоз бериш тартиб-қоидаси** билан боғлиқ нормаларига қўшимчалар киритиш

"Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги қонунларга "овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармокларига (шу жумладан, Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади" деган нормани киритиш

Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига депутатлар сайловининг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлаш максадида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 6-моддасига Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференцияларида кузатувчиларнинг иштирок этиш хукукини белгилаб берадиган қўшимча киритиш



Концептуал жадвал

Тушунчаларга ёндашувлар	**Тавсифлар, тоифалар, хусуснятлар ва бошқалар**			
Оммавий ахборот воситалари				
Ахборот-коммуникация технологиялари				
Давлат хокимияти ва бошқаруви органлари				
Сайловлар				
Ўзбекистон Республикаси Конунчилик палатаси				

4 – Мавзу	**Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш**

4.1. Маърузада таълим технологияси

***Машғулот вақти*-2 соат**	***Талабалар сони:* 20 – 40 гача**
Машғулот шакли	Маъруза-анжуман
Маъруза режаси	1. Фуқаролик жамияти ва унинг институтлари. 2. Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асослари. 3. Фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш – долзарб вазифа. 4. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.
Ўқув машғулотининг мақсади: Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш ҳамда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш тўғрисида билимларни шакллантириш.	
Педагогик вазифалар: • фуқаролик жамияти ва унинг институтлари ҳақида тушунча бериш; • фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини ёритиш; • фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш – долзарб вазифа эканини асослаб бериш; • демократик бозор ислохотларини ва иқтисодиётни либераллаштириш-ни янада чуқурлаштириш йўлларини изохлаш; • мустақил равишда маъруза тайёрлаш ва тақдимот қилиш малакаларини шакллантири.	*Ўқув фаолияти натижалари:* • фуқаролик жамияти ва унинг институтлари ҳақида гапириб беради; • фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асосларини ёритади; • фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш – долзарб вазифа эканини асослаб беради; • демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўлларини тушунтириб беради; • мустақил равишда маъруза тайёрлайди ва тақдимот қилади
Таълим бериш усуллари	Савол-жавоб, намойиш этиш, суҳбат, тушунтириш, мунозара
Таълим бериш шакллари	Оммавий, жамоавий
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, компьютер технологиялари, слайдлар, таянч конспектлар, қоғоз вараклари, маркерлар, скотч
Таълим бериш шароити	Техник воситалардан фойдаланишга ва гурухларда ишлашга мослаштирилган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

4.2. “Фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш хамда демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш” мавзуси бўйича маъруза машғулотининг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	*Фаолият мазмуни*	
	Таълим берувчи	*Таълим олувчилар*
Тайёрлов боскичи	Реферат мавзуларининг рўйхатини аниқлайди *(1-илова)*. Мавзуларнинг маърузачилар томонидан танлаб олишишини, ҳамда ҳар бир маърузачига тақризчи тайинланишини ташкил қилади. Маърузачиларга мавзуси бўйича режа тузиш вазифасини беради. Ҳамма талабаларга маъруза матнини ўрганиб чиқишни, режалар бўйича саволлар тайёрлаш вазифасини беради ва мустакил тайёрланишлари учун адабиётлар рўйхатини тақдим килади. Маърузачиларга тақдимотни кўргазмали материаллар асосида ўтказилишини уқтиради. Маърузачилар тақдимотга тайёрланишлари учун расм ва схемалардан иборат бўлган таянч конспектларни тарқатади *(2-илова)*.	Мавзу танлаб оладилар ва машғулотга - анжуманга тайёрланадилар. Маърузачилар реферат режасини тузади. Ҳар бир мавзу бўйича саволлар тайёрлайди ва зарур адабиётлар рўйхатини ёзиб оладилар.
I. Кириш боскичи (5 дақиқа)	1.1. Маъруза машғулотининг мавзусини эслатади. Машгулотнинг шакли ва ўтказилиш тартибини тушунтиради. 1.2. Маъруза қилувчилар ва тақризчилар билан таништиради *(3-илова)*. 1.3.Баҳолаш кўрсаткичлари ва мезонларини эълон килади *(4-илова)*. 1.4. Тақдимотлар регламентини аниқлайди ва эълон килади *(5-илова)*.	Тинглайдилар.
II. Асосий босқич (65 дақиқа)	2.1.Биринчи маърузачига сўз беради. Материал мазмунининг мантиқан боғлиқлигини, баён этиш усули ва талабалар муносабатини кузатади. Талабаларга саволлар беришни таклиф қилади. Саволлар беради, маърузанинг асосий моҳиятини аниқлаштиради. 2.2.Тақризчиларга сўз беради ва талабаларга саволлар беришни таклиф килади. Аста-секин ўкув машғулотини мунозара шаклига ўтказган ҳолда, маъруза мазмунини жамоавий мухокама қилишни таклиф килади. 2.3.Мавзу мазмунининг талабаларга қай даражада тушунарлилигини (маърузачиларга берилаётган саволлар мазмуни ва саволларга берилаётган жавоблардан келиб чикиб) баҳолайди. Талабаларга «мунозара иштирокчиси учун эслатма»ни эслатади ва мунозара бошланишини эълон қилади *(6-илова)*. Билдирилаётган фикрларга нисбатан демократик ёндашиш ва фаоллик, қизиқувчанликни намойиш қилади. Қизғин мулокот руҳини шакллантиради.	Тайёрланган маъруза бўйича сўзга чикади, тайёрлаган кўргазмали материаллар асосида тақдимот қилади, берилган саволларга жавоб беради. Тақризчи ўз фикрини билдиради, саволлар беради. Жамоа бўлиб маъруза мазмунини муҳокама, мунозара қиладилар. Мунозара киладилар.

	2.4.Қисқача хулоса билан маърузага якун ясайди. Маърузанинг асосий моҳиятини, мунозара, муҳокама натижаларини қайд қилади. 2.5. Кейинги маърузаларни ҳам шу йўсинда муҳокама қиладилар.	
III. Якуний боскич (10 минут)	3.1.Анжуман натижалари юзасидан ҳулоса килади, мавзуга якун ясайди: - мавзу бўйича якуний ҳулосани шакллантиради; -маъруза қилувчилар ва машғулот иштирокчиларининг тайёргарлигини, мунозара, муҳокама жараёнидаги фаоллигини баҳолайди ва баҳоларни эълон килади; - семинар-анжуман машғулоти натижаларига умумий баҳо беради. 3.2. Мустакил ишлашлари учун вазифа беради: (1) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш *(7-илова)*; (2) амалий машғулотга тайёргарлик кўриб келиш.	Тинглайдилар. Вазифани ёзиб оладилар.

1-илова

Маъруза-анжуманда тақдим этиладиган мавзулар:

1. Фуқаролик жамияти ва унинг институтлари.
2. Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асослари.
3. Фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш – долзарб вазифа.
4. Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.

2-илова

ТАЯНЧ КОНСПЕКТ УЧУН ЎҚУВ-ВИЗУАЛ МАТЕРИАЛЛАР
1. Фуқаролик жамияти ва унинг институтлари

1-слайд

Фуқаролик жамияти – бу шундай ижтимоий тузумки, унда қонун устуворлиги таъминланади, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари қарор топади, сиёсий партиялар ва институтлар, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллиги таъминланади, инсонга иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳаёт шаклларини эркин танлаш кафолатланади, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг мавкеи юксак бўлади. Мамлакатнинг ҳар бир фуқароси фуқаролик институтлари фаолиятларида кенг иштирок этади ва улар орқали сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий ва ҳуқуқий жиҳатдан ўз эҳтиёжларини қондиради. Фуқаролик жамиятида давлат ва унинг органлари фаолияти устидан фуқароларнинг *жамоатчилик назорати* ўрнатилади.

2-слайд

"Фуқаролик жамияти" тушунчаси илк бор Қадимги Греция ва Римда вужудга келган. Фуқаролик жамияти ҳақидаги дастлабки фикрлар Аристотелнинг "Сиёсат" асарида ёритилган. Унинг фикрига кўра, инсоннинг эркин яшаши учун жамиятда қонунлар устувор бўлиши лозим. Шу билан бир вақтда, ана шундай устувор қонунлар адолатли бўлиши ҳам керак. Бу ғоялар XVII асрга келиб янада ривожланди. Жумладан, инглиз файласуфи Т. Гоббс асарларида ривожлантирилди. XVIII асрда рўй берган Буюк француз инқилоби боис "Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари декларацияси"нинг эълон қилиниши оркали фуқаролик жамияти тушунчаси кенг таркала бошлади.

3-слайд



4-слайд



2. Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асослари

1-слайд

Фуқаролик жамияти институтларининг таснифи

Иқтисодий соҳада

8) Хусусий мулк асосида фаолият юритадиган нодавлат ташкилотлари;
9) Ширкат хўжаликлари ва уларнинг уюшмалари;
10) Ижара асосида ишловчи жамоалар:
11) Акциядорлик жамиятлари;
12) Молиявий жамғармалар ва уюшмалар;
13) Ишлаб чикариш корпорациялари, концернлари ва бирлашмалари;
14) Тадбиркорлар уюшмалари (палатаси) ва бошқалар.

Ижтимоий соҳада

11) Оила ва унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи махсус ташкилотлар;
12) Таълим-тарбия муассасалари (мактаб, ўрта махсус ва олий таълим муассасалари;
13) Жамоат бирлашмалари, нодавлат ташкилотлар;
14) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошкариш органлари;
15) Мустақил оммавий ахборот воситалари;
16) Диний ташкилотлар;
17) Миллий-маданий марказлар;
18) Ихтиёрий кўнгилли жамиятлар;
19) Жамоатчилик фикрини ўрганиш институтлари;
20) Турли ижтимоий ихтилофларни ҳал этувчи тузилмалар ва бошқалар.

Сиёсий соҳада

4) Сиёсий партиялар;
5) Ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар;
6) Инсон ҳукукларини ҳимоя қиладиган институтлар ва бошқалар;

2-слайд

1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган **“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун** қишлоқ, шаҳарча ва овулларда ва уларнинг таркибидаги маҳаллаларда тузиладиган фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳукукий ҳолатини белгилаб берди. Махаллий ўзини ўзи бошқариш органлари – бевосита фуқаролар томонидан сайланадиган органлардир.

3-слайд



4-слайд



5-слайд

“Жамоат фондлари тўғрисида”ги Қонун ва **“Ҳомийлик тўғрисида”ги Қонун**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори** ва бошқа тегишли ҳужжатлар қабул қилинди ва улар фуқаролик жамияти институтларининг, подавлат нотижорат ташкилотларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтиришда муҳим омил воситасини ўтамоқда.

Республикамизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятининг янада жадал ривожланишида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенати Кенгашларининг **“Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қўшма қарори** муҳим аҳамият касб этди.

6-слайд

“Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолотлари тўғрисида”ги Қонунни қабул қилишдан мақсад

- ННТларини янада ривожлантириш
- уларнинг мустақил иш юритишини таъминлаш
- уларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш
- уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш
- улар фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш
- улар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш

7-слайд

Касаба уюшмаларининг ижтимоий йўналтирилган функциялари

- жамиятнинг интеграциялашувига эришиш
- ишлаб чиқариш демократиясини ривожлантириш орқали фуқаролик жамиятини шакллантириш
- давлатнинг ижтимоий соҳадаги сиёсатини ривожлантиришга кўмаклашиш
- жамиятнинг меҳнат потенциалини сақлаш ва ривожлантириш
- бозор муносабатларини ривожлантириш, меҳнат бозорини такомиллаштириш
- жамиятда инсон кадр-қимматини ошириш ва меҳнат одатларини ривожлантириш

8-слайд

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – *маҳалла* фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро яқин муносабатларини таъминлаш алоҳида долзарб аҳамият касб этмоқда. Ушбу вазифани ҳал қилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифни илгари сурар экан, бунда маҳаллани аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш, шунингдек, унинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтиришга жиддий эътибор қаратиш лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

9-слайд

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

- Фуқаролар йиғини
- Фуқаролар йиғинининг кенгаши
- Фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссиялар
- Фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси
- Маъмурий комиссия

3. Фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш – долзарб вазифа

1-слайд

Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларининг таъминланишини амалда кенг ва тўла рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган ва шу йўлда фаолият юритаётган Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ, "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази, Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти каби бир қатор миллий институтлар ва ташкилотлар қаторида фуқаролик жамияти институтларининг янада кенгроқ таркибини яратиш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

2-слайд

“Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашда маҳалланинг аниқ йўналтирилган фаолиятини белгилаш

маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантириш соҳасидаги вазифаларни аниқлаш

маҳалланинг давлат бошқарув органлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати олиб бориш тизимидаги вазифаларини янада кенгайтириш

3-слайд

“Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида” Қонунида қўйидагилар белгилаб қўйилди

- жамоатчилик назоратининг турлари
- жамоатчилик назоратининг шакллари
- жамоатчилик назоратининг субъектлари
- жамоатчилик назоратининг предмети
- жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмлари
- мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартлари ва бошқалар

4-слайд

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш борасидаги фаолиятларини амалга оширишда *экологик назорат* муҳим ўрин тутади. Экологик назоратни амалга ошириш жамоат ташкилотлари экологик функциясининг таркибий қисмидир. Экологик-ҳуқуқий механизмнинг ушбу функцияси табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида жамоат ташкилотлари фаолиятини амалга оширишнинг зарурий элементи сифатида юзага келган.

Экологик назоратнинг мақсадлари экологик хавфсизликни таъминлаш, хўжалик ёки бошқа фаолиятнинг инсон ҳаёти ва соғлиғига, атроф муҳитга зарарли таъсир кўрсатишининг олдини олиш ҳамда бартараф этишдан иборатдир.

5-слайд

Экологик назорат объектлари

- атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш
- ер ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш
- сув манбаларини муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш
- ўрмонларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш

4. Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш

1-слайд

Мамлакатимиз босиб ўтган мустақил тараққиёт йўлининг биринчи босқичида (1991-2000) ўтиш даври ва миллий давлатчилик асосларини шакллантириш билан боғлик қуйидаги долзарб вазифалар амалга оширилди

- Эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очиқ демократик давлат барпо этиш ва фукаролик жамиятини шакллантириш
- Асосий комус – Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш
- Сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халкимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал-хом ашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзига муносиб жой эгаллаш мақсадига эришиш
- Давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало конунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этиш
- Туб маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш, жумладан: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган Давлат план комитети, Давлат таъминот комитети, Давлат нарх комитети, Давлат агросаноат комитети ва кўплаб тармок вазирликларини тугатиш, маҳаллий ҳокимият органларини қайта ташкил қилиш – вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институтини жорий этиш. Маҳаллий ўзини ўзи бошкариш органи тизими – маҳалла институтини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш
- Судларни жазоловчи ва фақат давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи органдан конун устуворлиги ва инсон ҳуқуқлари ҳимоясини таъминловчи органга айлантиришга каратилган яхлит суд ҳокимияти тизимини шакллантириш

2-слайд (давоми)

- Қиска муддатларда мамлакатимиз суверенитети ва ҳудудий яхлитлиги, конституциявий тузумни ишончли ҳимоя қиладиган, жамоат тартибини таъминлайдиган, халқаро террорчилик, экстремизм ва наркоагрессия каби кучайиб бораётган хавф-хатарларга қарши курашадиган миллий хавфсизлик органлари тизимини шакллантириш
- Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ва галла мустақиллигига эришишдан иборат стратегик вазифани ҳал этиш
- Бозор иқтисодиёти асосларини яратиш, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатлари механизмини ишга тушириш
- Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш, миллий валютани муомалага киритиш
- Кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш ва муваффақиятли амалга ошириш
- Мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, унинг барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида Қуролли Кучларни шакллантириш
- Ташқи сиёсат ва дипломатик хизматни шакллантириш ва ҳ.к.

3-слайд

Миллий тараққиётнинг биринчи даврида эришилган натижалар

- Маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилиши
- Миллий давлатчиликни шакллантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги
- Қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармокларининг ташкил этилиши
- Ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолиятининг йўлга қўйилиши
- Иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёнининг амалга оширилиши
- Халқимизнинг онгу тафаккурида туб ўзгаришларнинг рўй бериши

4-слайд



5-слайд

Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишда рухсат бериш жараёнларининг қисқартирилиши ва тўловларнинг оптималлаштирилиши

Рухсат бериш билан боғлиқ жараёнлар турлари	**Тўлов миқдори**				**Тўлов миқдо-рининг қисқариши, фоизда**
	Аввал амалда бўлган		**Янги киритилган**		
	энг кам иш ҳақи миқдори бўйича	**сўмда***	**энг кам иш ҳақи миқдори бўйича**	**сўмда***	
Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш	5	140200	2	56080	- 60
Банкда ҳисоб рақамини очиш	1	28040	0,5	14020	- 50
Архитектура-режалаштириш топшириқларини ишлаб чиқиш	40	1120000	10	280400	- 75
Ер участкасини расмийлаштириш	-	130000	-	58000	- 56
Экологик экспертиза	25	701400	1	28040	- 96
Лойиҳа-смета ҳужжатларини экспертиза қилиш	10	280400	3	84120	- 70
Қурилиш давомида назорат-ижро съемкалари ўтказиш	5	140200	3	84120	- 40
Нормативлар лойиҳаларининг экологик экспертизасини ўтказиш	75	2103000	1	28040	- 98,7
Гигиеник сертификатлар олиш	10	280 400	3	84 120	- 70
Жами тўловлар қиймати (лицензия ва рухсатномаларсиз)	-	**5037660**	-	**830960**	- 83,5

* Изоҳ: энг кам иш ҳақи миқдори тўловларни қисқартиришга оид меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган даврга татбиқан олинган.

6-слайд

Ўзбекистонда банклардаги аҳоли омонатларининг ўсиши динамикаси



7-слайд

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши динамикаси



8-слайд



9-слайд

Ўзбекистондаги монополист корхоналар ва улардаги монопол махсулотлар турлари миқдори

Секторлар	2005		2006		2007		2008		2009	
	КС	МС	КС	МС	КС	МС	КС	МС	КС	МС
Нон ва нон махсулотлари, буғдой	1	2	1	2	1	2	1	2	1	2
Кўмир	1	2	1	2	1	2	2	2	2	2
Газ	2	2	2	2	2	2	2	2	2	2
Озик-овқат	19	7	17	7	17	7	24	8	22	8
Енгил саноат	10	9	8	7	7	5	2	4	1	1
Маҳаллий саноат	1	1	1	1	1	1	-	1	-	-
Нефть-кимё саноати	14	23	16	23	16	23	20	23	20	23
Машинасозлик	25	37	24	36	20	27	16	23	15	20
Қурилиш материаллари	19	12	24	12	31	16	25	16	25	15
Хизматлар	142	73	132	72	126	69	114	65	103	74
Бошқа тармоклар	20	12	16	12	16	12	19	11	20	15
Жами	**253**	**180**	**242**	**176**	**238**	**166**	**225**	**157**	**211**	**162**

Изох: КС – монополист корхоналар;
МС – монопол махсулот ва хизматлар турлари.

10-слайд



3-илова

Фуқаролик жамияти ва унинг институтлари	Маърузачи – Расулов Ойбек Тақризчи – Ишманова Динара
Фуқаролик жамияти институтларининг ҳуқуқий асослари	Маърузачи – Абдуллаев А. Тақризчи – Хабибова Н.
Фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантириш – долзарб вазифа	Маърузачи – Садикова М. Тақризчи – Ўткиров Умид
Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш	Маърузачи – Ахметова Сарвара Тақризчи – Ибрагимов Артур

4-илова

Мунозара иштирокчиларини бахолаш мезонлари

Бахолаш мезонлари (баллда)	***Маъруза килувчилар***			
1.Маърузанинг мазмуни (1,0): - долзарблиги; -баён килинишининг тушунарлилиги, изчиллиги ва мантиқий боғлиқлиги; - хулосанинг аниқ шакллантирилиши. 2.Фойдаланилаётган маълумотнинг янгилиги (0,5) 3.Тақдимотда қўлланилган воситалар (0,4) 4. Регламентга риоя килиш (0,1)				
Жами:				
	такризчилар			
1.Маърузани янгилик билан тўлдирганлигига (0,5) 2. Маърузанинг кучли ва бўш томонларини аник кўрсатганига (1,5)				
Жами:				
	Мунозара иштирокчилари			
1.Саволлар: - ҳажми (0,1 хар бир савол учун); - мазмуни ва моҳияти буйича (0,3) 2. Қўшимча киритганига (1,0)				
Жами:				

5-илова

Анжуман иштирокчилари учун белгиланган регламент:

Маърузачи – 5 дақиқа

Такризчи –3 дақиқа

Маърузачилар томонидан саволларга жавоб бериш – 3 дақиқа

6-илова

Мунозара иштирокчисига эслатма

1. Мунозара муносабатларни ҳал этиш эмас, балки муаммоларни ечимини ҳамкорликда топиш усулидир.
2. Бошқалар ҳам фикр билдиришларига имконият яратиш учун узоқ гапирма.
3. Ақлли фикрларинг максадга етиши учун сўзларингни тарозига сол, ўйлаб, сўнгра гапир, хис-туйғуларингни назорат кил.
4. Такризчи ва оппонент фикрини тўғри тушунишга харакат қил. Унинг фикрини ҳурмат кил.
5. Фақат мунозара мавзуси буйичагина, аник фикр билдир.
6. Ўз тақдимотинг билан кимгадир ёқишга ёки аксинча, уни ҳафа қилишга уринма.

7-илова

Назорат учун тест саволлари ва топшириқлари:

1. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қайси қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинмоқда?

a) "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги Қонун, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Қонун

b) "Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида"ги Қонун, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонун ва "Экологик назорат тўғрисида"ги Қонун

c) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонун

d) a ва b

2. Концепцияда илгари сурилган таклифга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг хисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш кимнинг ваколатига киради?

a) Ўзбекистон Республикаси Президентининг

b) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг

c) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг

d) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг

3. Концепцияда таклиф этилаётган ўзгартишга кўра, вилоятлар хокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тартиби қандай?

a) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади

b) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади

c) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади

d) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади

4. Концепцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқариш мўлжалланаётган пормани кўрсатинг?

a) Республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди

b) Вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади

c) Ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади

d) Тўғри жавоб йўқ

5. Концепцияда ифода этилган таклифга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Махкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақлими?

a) Фақат фавқулодда ҳолатларда

b) Раислик қилишга ҳақли эмас

c) Раислик қилишга ҳақли

d) Тўғри жавоб йўқ

6. Фуқаролик жамияти институтлари кўрсатилмаган қаторни аниқланг:

a) жамоатчилик марказлари

b) давлат муассасалари

c) жамоат фондлари
d) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

7. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қанча нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда?
a) 5100 дан зиёд
b) 2600 дан зиёд
c) 7500 га яқин
d) 4800 га яқин

8. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони қанчани ташкил этади?
a) 5 мингдан ортиқ
b) 10 мингдан ортиқ
c) 15 мингдан ортиқ

9. Маърузада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини тобора ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида қандай қонун қабул қилиш таклифи киритилган?
a) "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техник базаси тўғрисида" Қонун
b) "Жамоат фондлари фаолияти тўғрисида" Қонун
c) "Ҳомийлик тўғрисида" Қонун
d) "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" Қонун

10. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида қандай комиссия ташкил этилди?
a) "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази қошида комиссия
b) Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳузуридаги комиссия
c) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузурида Парламент комиссияси
d) Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ қошидаги комиссия

11. Фуқаролик жамияти институтларининг мажмуини яна қандай номлаш мумкин?
a) "биринчи сектор"
b) "иккинчи сектор"
c) "учинчи сектор"
d) "тўртинчи сектор"

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР

1-Мавзу	**Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар**

1.1. Амалий машғулотда таълим технологияси

***Машғулот вақти*-2 соат**	***Талабалар сони*: 20 – 80 нафаргача**
Машғулот шакли	**Билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш буйича семинар машғулоти**
Амалий машғулот режаси	1. Тараққиётнинг ўзбек моделининг маъно-мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашдаги роли. 2. Мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритилган янги ва улкан марралар натижасида мамлакатимиз қиёфасининг бутунлай ўзгариб, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётгани. 3. Тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясининг мавжудлиги – мамлакат ва халқнинг пировард натижада муваффакиятга эришиши гарови. 4. Жамиятимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар – мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминловчи ҳал килувчи куч.
Ўқув машғулотининг мақсади: Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар ҳақидаги назарий билимларни чукурлаштириш ва мустаҳкамлаш.	
Педагогик вазифалар: • тараққиётнинг ўзбек моделининг маъно-мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашдаги роли ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш; • мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритилган янги ва улкан марралар натижасида мамлакатимиз қиёфасининг бутунлай ўзгариб, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётгани тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш; • тараққиёт дастури ва упи амалга ошириш стратегиясининг мавжудлиги – мамлакат ва халқнинг пировард натижада муваффакиятга эришиши гарови эканини асослаш; • жамиятимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар – мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминловчи ҳал қилувчи куч эканини асослаш.	*Ўқув фаолияти натижалари:* • тараққиётнинг ўзбек моделининг маъно-мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашдаги роли ҳақида айтиб беради; • мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритилган янги ва улкан марралар натижасида мамлакатимиз қиёфасининг бутунлай ўзгариб, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётгани тўғрисида гапириб беради; • тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясининг мавжудлиги – мамлакат ва халқнинг пировард натижада муваффакиятга эришиши гарови эканини тушунтиради; • жамиятимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар – мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминловчи ҳал қилувчи куч эканини билади ва изоҳлайди.
Таълим бериш усуллари	сухбат, тушунтириш, тезкор сўров, зигзаг (арра) техникаси

Таълим бериш шакллари	Оммавий, гуруҳларда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, ўқув топшириқлари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

“Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар” мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	***Фаолият мазмуни***	
	Таълим берувчи	***Таълим олувчилар***
Тайёрлов босқичи	Мавзуни аниқлайди, таълимий мақсадни белгилайди ва кутилаётган натижаларни шакллантиради. Мавзу бўйича таянч конспектлар ишлаб чиқади. Белгиланган таълимий мақсадларга эришишни таъминловчи ўқув топшириқларини ишлаб чиқади. Кичик гуруҳларда самарали фаолиятни таъминлаш учун ёзма йўриқномаларни тайёрлайди *(1-илова).* Эксперт гуруҳлар фаолият натижаларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади *(2-илова).*	
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи *(10 дақиқа)*	1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижаларини эълон килади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 1.2. Мавзу бўйича асосий тушунчаларга таъриф беришни таклиф қилади ва шу асосда тезкор-сўров ўтказиб талабалар билимларини фаоллаштиради *(3-илова).* 1.3. Фаолият кичик гуруҳларда ўқув топшириқларини бажариш орқали амалга оширилишини эълон қилади *(2-илова).* 1.4. Қўшимча маълумотлар акс этган таянч конспектларни тарқатади. 1.5. Эксперт гуруҳлар фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларини эълон қилади.	Тинглайдилар. Саволни муҳокама қилиб, уларга жавоб беради.
2. Асосий босқич *(60 дақиқа)*	2.1. Талабаларни тўртта кичик гуруҳга бўлади. Машғулотнинг ўтказилиш тартибини яна эслатади. Ўқув машғулоти «ўзи ўрганиб, ўзгага ўргатиш», яъни ҳамкорликда ўрганиш принципи асосида ўтказилишини айтади *(Зигзаг. 4-илова).* 2.2. Гуруҳларга эксперт варақларини, шу билан бирга, ҳар бир талабага геометрик шакл тарқатади ва фаолиятларини ташкил қилади (геометрик шаклларни вақтинча бир жойга қўйишларини, вакти келганда улардан	Кичик гуруҳларга бўлинадилар. Топшириқ бўйича фаолият бошлайдилар. Матнларини ўқиб, саволларга жавоб

	фойдаланишларини айтади) *(5-илова)*. Гуруҳларда ишни ташкил килади. (матнни ўрганиб, муҳокама килишга 15 дақиқа беради). 2.3. Доира шаклини олган талабалар 1-стол, учбурчак шаклини олганлар 2-стол ва тўртбурчак олганлар 3-стол атрофига ўтиришларини айтади. Ҳар хил гуруҳлардан тўпланган талабалар ўз саволларини бошқа талабаларга ёритишини тушунтиради. Ўзаро ўргатиш жараёни бошланади (15 дакика). Талабалар фаолиятини кузатади, уларни йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.4. Талабаларни ўзларини дастлабки жойларига, стол атрофига келиб ўтиришларини айтади. 2.5. Тақдимот бошланишини эълон қилади. Ҳар бир гуруҳдан 3 нафардан талаба чиқиб, фаолият натижаларини тақдим қилишларини айтади. Тақдимот учун хар бир гурухга 8 дақикадан вақт ажратади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. *Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ* беради ва тузатишлар киритади. 2.6. Ҳар бир гурух тақдимоти охирида эксперт саволлари бўйича хулосалар қилади.	топади. Маълумотни муҳокама килиб, фикр алмашиб, системалаштиради. Формат коғозига схема тарзида туширади, тақдимот учун материаллар тайёрлайдилар. Фаолият натижасини тақдимот киладилар.
3–Якуний босқич *(15 дақиқа)*	3.1.Мавзу юзасидан умумий хулосалар қилади. 3.2.Ўқув машғулотини натижаларини шарҳлайди, гуруҳлар фаолияти баҳосини эълон қилади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) амалий машғулотга тайёрланиб келиш; (2) назорат саволларига оғзаки жавоб бериш (4-илова) (*6-илова*).	Тинглайдилар.

1-илова

Гуруҳларда ишлаш қоидаси

Шеригингизни диққат билан тингланг.
Гурух ишларида ўзаро фаол иштирок этинг, берилган топшириқларга масъулият билан ёндашинг.
Агар ёрдам керак бўлса, албатта мурожаат қилинг.
Агар сиздан ёрдам сўрашса, албатта ёрдам беринг.
Гурухлар *фаолиятининг натижаларини баҳолашда ҳамма иштирок этиши шарт.*
Аниқ тушунмоғимиз лозим:

- Бошқаларга ўргатиш орқали ўзимиз ўрганамиз;
- Биз битта кемадамиз: ёки биргаликда сузиб чиқамиз, ёки биргаликда чўкиб кетамиз.

2-илова

Гуруҳлар фаолиятини баҳолаш мезонлари

Гуруҳлар	*Маълумотнинг тўлиқлиги (1,0)*	*Маълумот мазмунининг аниқ тушунтирилиши (0,5)*	*Тақдимотнинг кўргазмали берилиши (0,5)*	*Умумий балл*
1-гуруҳ				
2-гуруҳ				
3-гуруҳ				
4-гуруҳ				

Гуруҳлар фаолияти натижаларининг умумий баҳоси

Гуруҳ	Ўзаро баҳолаш натижалари					Жами
	1	2	3	4		
1	*					
2		*				
3			*			
4				*		

3-илова

Тезкор сўров учун савол ва топшириқлар:

1. Рақоботбардошлик деганда нимани тушунасиз?
2. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг боскичларини тушунтиринг.
3. Мамлакат иқтисодиёти таркибий тузилишининг қандай турлари мавжуд?
4. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги боскичида таркибий ўзгаришлар сиёсати нимадан иборат?
5. Тараққиётнинг ўзбек модели қандай тамойилларга асосланади?
6. Аҳоли турмуш фаровонлигига эришишга қаратилган туб ўзгартиришлар сиёсатининг стратегик мақсадлари И.А.Каримов томонидан қандай изоҳлаб берилди?

1. Тараққиётнинг ўзбек моделининг маъно-мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашдаги роли.

2. Мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритилган янги ва улкан марралар натижасида мамлакатимиз қиёфасининг бутунлай ўзгариб, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётгани.

3. Тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясининг мавжудлиги – мамлакат ва халқнинг пировард натижада муваффакиятга эришиши гарови.

4. Жамиятимиз ҳаётидаги ўзгариш ва янгиланишлар – мамлакатимизнинг тараққиёт ва фаровонлик йўлидан дадил ривожланиб боришини таъминловчи ҳал қилувчи куч.

«Зигзаг» техникаси

Ўзаро ўқитиш ягона тамойилга асосланган: ўқув гуруҳи кичик гуруҳларга бўлинади. Ҳар бир гуруҳ аъзоси ўрганилаётган мавзунинг маълум соҳаси бўйича эксперт бўлади ва бошқаларга ўргатади.

Ҳар бир гуруҳнинг асосий мақсади: ҳар бир талаба мавзуни тўлиқ ўзлаштириши керак.



1-босқич: Мустакил иш. Мустакил ўрганишлари учун гуруҳ ичида ўқув материалини тақсимлаш.

2-босқич: Экспертлар учрашуви. Эксперт гуруҳларида ўқув материалини ҳамкорликда ўрганиб чиқиш ва ўзгаларни ўргатишга тайёрланиш.

3-босқич: Ўзаро бир-бирини ўргатиш. Ўзаро ўргатиш, эгалланган билимларни ўзаро назорат қилиш ва баҳолаш

5-илова

Эксперт вараги №1

Тараққиётнинг ўзбек моделининг маъно-мазмуни, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашдаги роли

1. Тараққиётнинг ўзбек моделининг мазмунини ва моҳиятини тушунтиринг.
2. Тараққиёт ўзбек моделининг ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасини таъминлашдаги ролини ёритинг.

Эксперт вараги №2

Мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритилган янги ва улкан марралар натижасида мамлакатимиз қиёфасининг бутунлай ўзгариб, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётгани

1. Мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритилган янги ва улкан марралар ҳақида гапириб беринг.
2. Мустақил ривожланиш йилларида қўлга киритилган янги ва улкан марралар натижасида мамлакатимиз қиёфасининг бутунлай ўзгарганини асосланг.
3. Мустақил ривожланиш йилларида мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ўрни ва нуфузи юксалиб бораётганини асосланг.

Эксперт вараги №3

Тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясининг мавжудлиги – мамлакат ва халқнинг пировард натижада муваффақиятга эришиши гарови

1. Тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясини ёритинг.
2. Тараққиёт дастурининг мазмуни ва моҳиятини ёритинг.
3. Тараққиёт дастури ва уни амалга ошириш стратегиясининг мавжудлиги – мамлакат ва халқнинг пировард натижада муваффақиятга эришиши гарови эканини асосланг.

6-илова

Назорат учун савол ва топшириқлар:

1. Бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарблигини асосланг.
2. Бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган қанча конун ҳужжатлари қабул қилинган?
3. Жамият ҳаётини ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи нимадан иборат?
4. "Рақобат тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини тушунтириб беринг.
5. "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини тушунтириб беринг.
6. "Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида"ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини асосланг.
7. Тараққиётнинг ўзбек модели қандай тамойилларга асосланади?
8. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишда тараққиётнинг ўзбек моделининг катта ижобий роли ҳақида тушунча беринг.
9. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичлари вазифалари нималардан иборат?
10. Иқтисодий ислоҳотларнинг ҳозирги босқичидаги таркибий ўзгаришлар сиёсатини тушунтиринг.

2-Мавзу	**Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси**

2.1. Амалий машғулотда таълим технологияси

Машғулот вақти-2 соат	*Талабалар сони*: 20 – 80 нафаргача
Машғулот шакли	**Билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш буйича семинар машғулоти**
Амалий машғулот режаси	1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш. 2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш. 3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш. 4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш. 5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш. 6. Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш.
Ўқув машғулотининг мақсади: Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳақидаги билимларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш.	
Педагогик вазифалар: • давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ҳақидаги билимларни мустаҳкамлаш; • суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш тўғрисидаги тасаввурларни кенгайтириш; • ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш тўғрисидаги тасаввурларни мустаҳкамлаш; • Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш тўғрисидаги билимларни чуқурлаштириш; • фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш ҳақидаги тасаввурларни кенгайтириш; • демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш тўғрисидаги билимларни мустаҳкамлаш.	*Ўқув фаолияти натижалари:* • давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш ҳақида айтиб беради; • суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш тўғрисида гапириб беради; • ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш тўғрисида тушунтиради; • Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш тўғрисида гапириб беради; • фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш йўлларини ёритади; • демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш йўлларини изоҳлайди.
Таълим бериш усуллари	Суҳбат, тушунтириш, тезкор сўров, SWOT-таҳлил жадвали, кластер, тоифалаш жадвали
Таълим бериш шакллари	Оммавий, гуруҳларда ишлаш
Таълим бериш воситалари	Ўқув қўлланма, проектор, флипчарт, маркерлар, таянч конспектлар, ўқув

	топшириклари
Таълим бериш шароити	Техник таъминланган, гурҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория
Мониторинг ва баҳолаш	Оғзаки назорат: савол-жавоб

“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзуси бўйича амалий машғулотнинг технологик харитаси

Иш босқичлари ва вақти	***Фаолият мазмуни***	
	Таълим берувчи	***Таълим олувчилар***
1. Ўқув машғулотига кириш босқичи *(10 дақиқа)*	1.1. Машғулот мавзуси, унинг мақсади ва кутилаётган натижаларини эълон килади, уларнинг аҳамиятлилиги ва долзарблигини асослайди. 1.2. Машғулот кичик гурухларда фаолият кўрсатиш тарзида олиб борилишини айтади. 1.3. Ҳар бир гуруҳ алоҳида топширикни бажаришини таъкидлайди. 1.4. Қўшимча маълумотлар акс этган таянч конспектларни тарқатади. 1.5. Гуруҳлар фаолияти натижаларини баҳолаш мезонларини эълон килади *(1-илова)*.	Диққат билан тинглайдилар.
2. Асосий боскич *(60 дақиқа)*	2.1. Талабаларни олтита кичик гуруҳга бўлади. Машғулотнинг ўтказилиш тартибини яна эслатади. 2.2. Гуруҳларга ўқув топшириқларини тарқатади *(2-илова)*. Топшириқларни SWOT-таҳлил жадвали, кластер, тоифалаш жадвали каби чизмали органайзерлар асосида бажаришларини тушунтиради ва уларнинг қоидасини тушунтиради *(3-илова)* 2.3. Гуруҳларда ишни ташкил килади. Гуруҳлар фаолиятини кузатади, йўналтиради, маслаҳатлар беради. 2.4. Тақдимот бошланишини эълон килади. Ҳар бир гуруҳдан биттадан талаба чиқиб, фаолият натижаларини тақдим килишларини айтади. Тақдимот учун хар бир гурухга 3 дақиқадан вақт ажратади. Йўналтирувчи, маслаҳатчи сифатида иштирок этади. Жавобларни аниқлаштиради, тўлдиради, изоҳ беради ва тузатишлар киритади. 2.5. Ҳар бир гуруҳ тақдимоти охирида ўқув топшириқлари бўйича хулосалар килади.	Кичик гуруҳларга бўлинадилар. Топшириқ бўйича фаолият бошлайдилар. Матнларини ўқиб, саволларга жавоб топади. Маълумотни мухокама килиб, фикр алмашиб, система-лаштиради. Формат қоғозига чизмали органайзерлар кўринишида туширади ва тақдимотга тайёрлайдилар. Фаолият натижасини тақдимот киладилар.
3–Якуний боскич *(15 дақиқа)*	3.1.Мавзуни умумлаштиради, умумий хулосалар қилади. 3.2. Ўқув машғулотини натижаларини шарҳлайди, гуруҳлар фаолияти баҳосини эълон килади. 3.3. Мустақил ишлашлари учун вазифа беради: (1) тест саволлари ва топшириқларига жавоб	Тинглайдилар.

	бериш (4-*илова*).	

1-илова

Гуруҳ ишларини баҳолаш мезонлари

Гуруҳлар	***Жавобнинг тулалиги, аниқлиги, тушупар лилиги (1,0)***	***Кўргазма лилиги (0,5)***	***Гуруҳ иштирокчи ларининг фаоллиги (0,5)***	***Балларнинг умумий ҳажми***	***Баҳоси***
1.					
2.					
3.					

Ҳар бир гурух иккинчи гуруҳ тақдимотини баҳолаш мезонларини балларини кўшиш орқали баҳолайди. Гуруҳ олган бахо хар бир гуруҳ иштирокчисининг баҳоси ҳисобланади:

2-илова

1-гуруҳ учун ўқув топшириғи

Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш

1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг мазмунини тушунтиринг.
2. "Ҳокимият", "Давлат ҳокимияти" сўзларининг мазмунини ва моҳиятини ёритинг.
3. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришнинг йўлларини кўрсатинг.

2-гуруҳ учун ўқув топшириғи

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш

1. Суд-ҳуқуқ тизимини ёритинг.
2. Ўзбекистон суд-ҳуқуқ тизимини SWOT-таҳлил жадвали асосида таҳлил қилинг.
3. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш йўлларини кўрсатинг.

3-гуруҳ учун ўқув топшириғи

Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш

1. Ахборот ва сўз эркинлиги жумлаларининг мазмунини тушунтиринг.
2. Ахборот соҳасини SWOT-таҳлил жадвали асосида таҳлил қилинг.
3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашнинг йўлларини аниқланг.

Топшириқ жавобларини чизмаларда акс эттиринг.

4-гурух учун ўқув топшириғи

Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш

1. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлашнинг мазмунини тушунтиринг.
2. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришни тоифали жадвалда акс эттиринг.
3. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантиришнинг йўлларини аникланг.

Топшириқ жавобларини чизмаларда акс эттиринг.

5-гурух учун ўқув топшириғи

Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш

1. Фуқаролик жамияти институтларига пималар киради?
2. Фуқаролик жамияти институтлари кандай шакллантирилади? Тушунтиринг.
3. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш йўлларини аникланг.

Топшириқ жавобларини чизмаларда акс эттиринг.

6-гурух учун ўқув топшириғи

Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш

1. Демократик бозор иқтисодиёти деганда нимани тушунасиз?
2. Иқтисодиётни либераллаштиришнинг мазмунини тушунтиринг.
3. Демократик бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштиришнинг мазмуни ва моҳиятини кластер асосида кўрсатинг.

Топшириқ жавобларини чизмаларда акс эттиринг.

3-илова

КЛАСТЕР

(Кластер-тутам, боғлам) ахборот харитасини тузиш йўли-барча тузилманинг моҳиятини марказлаштириш ва аниклаш учун қандайдир бирор асосий омил атрофида ғояларни йиғиш.

Билимларни фаоллаштиришни тезлаштиради, фикрлаш жараёнига мавзу бўйича янги ўзаро боғлиқ тасаввурларни эркин ва очиқ жалб килишга ёрдам беради.

Кластерни тузиш қоидаси билан танишадилар. Ёзув тахтаси ёки катта қоғоз варағининг ўртасига асосий сўз ёки 1-2 сўздан иборат бўлган мавзу номи ёзилади

Бирикма бўйича асосий сўз билан унинг ёнида мавзу билан боғлиқ сўз ва таклифлардан иборат кичик доирачалар - "йўлдошлар" ёзиб қўйилади. Уларни "асосий" сўз билан чизиқлар ёрдамида бирлаштирилади. Бу "йўлдошларда" "кичик йўлдошлар" бўлиши мумкин. Ёзув ажратилган вакт давомида ёки ғоялар тугагунича давом этиши мумкин.

Мухокама учун кластерлар билан алмашинадилар.

Кластер



Кластерни тузиш қоидаси

1. Ақлингизга нима келса, барчасини ёзинг. Ғоялари сифатини муҳокама қилманг, фақат уларни ёзинг.

2. Хатни тўхтатадиган имло хатоларига ва бошқа омилларга эътибор берманг.

3. Ажратилган вақт тугагунча ёзишни тўхтатманг. Агарда ақлингизда ғоялар келиши бирдан тўхтаса, янги ғоялар келмагунча қоғозга расм чизиб туринг.



“SWOT – тахлил” жадвалининг номи инглизча сўзларнинг бош харфларидан тузилган:
Strengths – кучли томони, ташкиллаштиришнинг ички манбалари мавжудлиги назарда тутилади;
Weakness – кучсиз томони ёки ички муаммоларнинг мавжудлиги;
Opportunities – ташкиллаштиришдан ташқарида ривожланиш учун мавжуд, имкониятлар;
Threats – ташки муҳитда ташкиллаштиришнинг муваффакиятига таъсир этувчи хавф-хатарлар.

“SWOT - таҳлил” жадвали

S	**W**
O	**T**



Тоифалаш шарҳини тузиш қоидаси

1. Тоифалар бўйича маълумотларни тақсимлашнинг ягона усули мавжуд эмас.

2. Битта мини (кичик) гуруҳда тоифаларга ажратиш бошқа гуруҳда ажратилган тоифалардан фарқ қилиши мумкин.

3. Таълим олувчиларга олдиндан тайёрлаб қўйилган тоифаларни бериш мумкин эмас, бу уларнинг мустақил танлови бўла қолсин.

Тоифалаш жадвали

Тоифалар				

4-илова

Назорат учун тест саволлари ва топшириқлари:

1. Фуқаролик жамияти институтларининг мажмуини яна қандай номлаш мумкин?
e) "биринчи сектор"
f) "иккинчи сектор"
g) "учинчи сектор"
h) "тўртинчи сектор"

2. Сўнгги уч йил ичида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан қанча миқдорда маблағ ажратилган?
a) 11 миллиард сўмдан ортиқ
b) 13 миллиард сўмдан ортиқ
c) 15 миллиард сўмдан ортиқ
d) 17 миллиард сўмдан ортиқ

3. Президентимиз томонидан фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида қандай Қонун қабул қилиш таклифи киритилди?
a) "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техник базаси тўғрисида" Қонун
b) "Жамоат фондлари фаолияти тўғрисида" Қонун
c) "Ижтимоий ҳимоя фаолияти тўғрисида" Қонун
d) "Ижтимоий шериклик тўғрисида" Қонун

4. Маърузада давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган қандай қонун қабул қилиш таклифи киритилди?
a) "Ижтимоий шериклик тўғрисида" Қонун
b) "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида" Қонун
c) "Жамоат фондлари фаолияти тўғрисида" Қонун

d) “Нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техник базаси тўғрисида” Қонун

5. Инсон ҳуқуқлари соҳасида ишлаб чиқиш таклиф этилаётган миллий ҳаракат дастурида қандай чора-тадбирлар белгиланиши кўзда тутилган?

a) жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро етмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги

b) соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини белгилаш

c) ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш

d) давлат ва жамият қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш масалалари

6. Мамлакатимизда демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларининг ролини кучайтириш ва фуқароларнинг энг муҳим социал – иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган қонун ҳужжатларининг сони қанча?

a) 100 дан ортиқ
b) 200 дан ортиқ
c) 300 дан ортиқ
d) 400 дан ортиқ

7. Республикамизда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга қаратилган қандай қонунни қабул қилиш зарурати бор?

a) Ижтимоий шартнома тўғрисида
b) Ижтимоий институтлар тўғрисида
c) Ижтимоий шериклик тўғрисида
d) Ижтимоий марказ тўғрисида

8. Қуйида кўрсатиб ўтилганлардан мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоатчилик марказини топинг:

a) Ижтимоий марказ
b) Ижтимоий шериклик
c) Ижтимоий назорат
d) Ижтимоий фикр

9. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқлари белгилаб берилган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш учун қайси кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим?

a) Фуқаролик кодексига
b) Меҳнат кодексига
c) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга
d) Жиноят кодексига

10. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида қандай ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган?

a) Қонун

b) Қарор
c) Фармон
d) Фармойиш

11 Республикамизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган Олий Мажлис палаталарининг қандай қўшма қарори қабул қилинган?
a) Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни қўллаб-қуватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида
b) Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида
c) Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида
d) Экологик назорат тўғрисида

12. **Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи – маҳалла фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қайси қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим?**
a) Ижтимоий шериклик тўғрисида
b) Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида
c) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида
d) Жамоат фондлари тўғрисида

13. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган нечта янги қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилди?
a) 2
b) 4
c) 6
d) 8

14. Республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотларига оид қандай уюшма мавжуд?
a) Миллий иттифоқ
b) Миллий федерация
c) Миллий конфедерация
d) Миллий ассоциация

15. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 2000 йилга нисбатан неча баробар кўп?
a) 2,5
b) 3,5
c) 4,5
d) 5,5

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. “Рақобат тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини тушунтириб беринг.

2. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини тушунтириб беринг.

3. “Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида”ги Қонунни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш заруратини асосланг.

4. 2002 йил 27 январда ўтказилган референдум натижалари.

5. 2002 йилда қабул қилинган янги конституциявий нормаларнинг мазмуни.

6. 2003 йилда қабул қилинган янги конституциявий нормаларнинг мазмуни.

7. 2007 йилда қабул қилинган янги конституциявий нормаларнинг мазмуни.

8. Акциядорлик жамиятлари ва уларни мамлакат иқтисодий ривожланишидаги ўрни қандай?

9. Бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида қайси бизнес тури кўрсатилган ва уни ҳуқуқий тартибга солишнинг муҳим жиҳатлари нималар?

10. Бизнеснинг янги ташкилий-ҳуқуқий шакли сифатида оилавий бизнеснинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш долзарблигини асосланг.

11. Бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган қанча қонун ҳужжатлари қабул қилинган?

12. Бугунги кунда мамлакатимизда жамият ҳаётининг турли соҳаларида фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони қанча?

13. Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тушунчаси ва моҳияти.

14. Жамият ҳаётини ислоҳ этиш ва демократлаштиришнинг янги босқичи.

15. Жамоатчилик назорати деганда нимани тушунасиз?

16. Икки палатали парламент тизимининг вужудга келиш омиллари.

17. Концепцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддаси 15-бандига таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмуни.

18. Концепцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасига таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмуни.

19. Концепцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 96-моддасига таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмуни.

20. Концепцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 98-моддасига таклиф қилинаётган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмуни.

21. Кўппартиявийлик деганда нимани тушунасиз?

22. Қонун чиқарувчи ҳокимиятни ислоҳ қилишга қаратилган ҳуқуқий нормалар.

23. Мамлакатимизда давлат мулкини хусусийлаштиришга қачондан бошлаб катта эътибор қаратилди?

24. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга қаратилган қандай қонунни қабул қилиш зарурати мавжуд?

25. Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи деганда қайси органни тушунасиз?

26. Маърузада фуқаролик жамияти институтларини янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида қандай қонун қабул қилиш таклифи илгари сурилди?

27. Президент И.А.Каримов маърузасида истиқболда қандай қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш белгилаб берилди?

28. Профессионал парламент фаолиятига оид тушунчалар.

29. Республикамизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳақида нималарни биласиз?

30. Сизнингча, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқлари белгилаб берилган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш учун қайси кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш керак?

31. Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга қаратилган асосий йўналишлар.

32. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) қандай ваколатларга эга?

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи ваколат ва функцияларини бошқа давлат органларига ўтказилиши.

34. Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг янги таҳрири қабул қилиниши заруратини асосланг.

35. Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларига оид қандай уюшма мавжуд?

36. Фуқаролик жамияти деганда қандай жамиятни тушунасиз?

37. Фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янада ривожлантиришда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамияти қандай?

38. Фуқаролик жамияти институтларини санаб ўтинг.

39. Хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган молиявий институтларни ташкил этишнинг қонунчилик асосларини айтиб беринг.

40. Хусусий мулк тушунчаси ва кафолатлари нималардан иборат?

41. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қайси сиёсий партиялар фаолият юритмоқда?

42. Ҳокимиятлар бўлиниши принципининг давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришдаги аҳамияти.

43. Ҳокимиятлар ўртасида ўзаро тийиб туриш тизими.

44. Чет эл инвесторлари ҳуқуқлари кафолатланган конун ҳужжатларини санаб беринг.

45. Экологик назорат нима?

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича

ТЕСТ САВОЛЛАРИ

1. …. Вазирлар Маҳкамаси ҳисобланади.
a) Ижро этувчи ҳокимият органи
b) Қонун чиқарувчи ҳокимият органи
c) Марказий ҳокимият идораси
d) Вазирликларни тузувчи орган
2. Бош вазир Вазирлар Маҳкамасининг иши тўғрисида.....
a) Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар ойда бир марта ахборот бериб боради
b) Ўзбекистон Республикаси Президентига мунтазам равишда ахборот бериб боради
c) Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар йилда икки марта ахборот беради
d) Бош вазир Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот бермайди
3. Вазирлар Маҳкамаси қайси органга ўз дастурини тақдим этади ва ўз иши тўғрисида ҳисоб бериб туради:
a) Олий Мажлисга
b) Олий Мажлис қўмиталарига
c) Олий Мажлис Кенгашига
d) Президент девонига
4. Бош вазир ўз ваколатларига кирувчи масалалар юзасидан ...
a) Фармойишлар чиқаради
b) Қонун чиқаради
c) Қарорлар чиқаради
d) a ва c
5. Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари…....
a) Ҳар ҳафтада бир марта ўтказилади
b) Ҳар ойда бир марта ўтказилади
c) Йилнинг ҳар чорагида камида бир марта ўтказилади
d) Йилнинг ҳар чорагида камида икки марта ўтказилади
6. Вазирлар Маҳкамаси фаолиятининг асосий принципларига:
a) Коллегиаллик, демократия, қонунийлик, инсонпарварлик, ошкоралик
b) Коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш
c) Демократия ва қонунийлик, Ўзбекистон Республикасида яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олиш
d) Коллегиаллик, демократия ва қонунийлик, инсонпарварлик
7. Вазирлар Маҳкамаси ўз фаолиятида ...
a) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида жавобгардир
b) Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида масъулдир
c) Ўзбекистон Республикаси Президенти олдида жавобгардир
d) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олдида масъулдир
8. Вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ким томонидан лавозимга тайинланади ва озод этилади?
a) Марказий сайлов комиссияси томонидан
b) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири томонидан
c) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан
d) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан
9. Таклиф этилган Концепция бўйича Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча кимнинг зиммасига юкланади?
a) Марказий сайлов комиссияси Раисига
b) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирига
c) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерига

d) Ўзбекистон Республикаси Сенати Раисига

10. Таклиф этилган Концепция бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди ким томонидан таклиф этилади?

a) Марказий сайлов комиссияси томонидан

b) Ўзбекистон Республикаси Сенати томонидан

c) Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракциялари ёки депутатлик гуруҳлари томонидан

d) Қонунчилик палатасига сайловларда энг кўп депутатлик ўрнини олган сиёсий партия ёки тенг миқдордаги депутатлик ўринларини олган бир неча сиёсий партиялар томонидан

11.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари номзоди ким томонидан тақдим этилади?

a) Ўзбекистон Республикаси Президенти девони

b) Ўзбекистон Республикаси Бош вазири

c) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери

d) Ўзбекистон Республикаси Сенати Раиси

12. Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2010 йил 12 ноябрь куни қайси соҳаларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари сифатида белгилаб берилди?

a) Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини ислох этиш

b) Ахборот соҳаси эркинлигини таъминлаш, Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш

c) Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш, демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш

d) Барча жавоблар тўғри

13 . Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари аъзолари сонининг учдан икки қисми овози билан Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми бериши натижасида..

a) Парламент таркатилади

b) Шу асосда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш бўйича қарор қабул килади

c) Парламент аъзолари орасидан вақтинча Бош вазир вазифасини бажарувчи сайланади

d) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарларидан бири Бош вазир лавозимини эгаллайди

14. Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми ким томонидан берилади?

a) Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади

b) Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади

c) Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Сенати аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади

d) Бош вазирга нисбатан ишончсизлик вотуми тегишлича Ўзбекистон Республикаси Президенти билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди аъзолари умумий сонининг камида учдан икки қисми овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади

15. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш бўйича қайси қонунларга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш таклифи киритилмоқда?

a) “Ижтимоий шериклик тўғрисида”ги Қонун, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун

b) “Фукаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Қонун, “Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида”ги Қонун ва “Экологик назорат тўғрисида”ги Қонун
c) Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси ва сиёсий партиялар тўғрисида”ги Қонун
d) a ва b

16. Концепцияда илгари сурилган таклифга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш кимнинг ваколатига киради?

a) Ўзбекистон Республикаси Президентининг
b) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг
c) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг
d) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг

17. Концепцияда таклиф этилаётган ўзгартишга кўра, вилоят ҳокимлари ва Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ҳамда лавозимидан озод этиш тартиби қандай?

a) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади
b) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади
c) Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади
d) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва озод этилади

18. Концепцияга кўра, Ўзбекистон Республикаси Конституциясидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколатлари доирасидан чиқариш мўлжалланаётган нормани кўрсатинг?

a) Республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди
b) Вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини тузади ва тугатади
c) Ижро этувчи ҳокимият девонини тузади ва унга раҳбарлик қилади
d) Тўғри жавоб йўқ

19. Концепцияда ифода этилган таклифга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президенти Вазирлар Маҳкамасининг мажлисларида раислик қилишга ҳақлими?

a) Фақат фавқулодда ҳолатларда
b) Раислик қилишга ҳақли эмас
c) Раислик қилишга ҳақли
d) Тўғри жавоб йўқ

20. Фуқаролик жамияти институтлари кўрсатилмаган қаторни аниқланг:

a) жамоатчилик марказлари
b) давлат муассасалари
c) жамоат фондлари
d) фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари

21. Ҳозирги кунда мамлакатимизда қанча нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият кўрсатмоқда?

a) 5100 дан зиёд
b) 2600 дан зиёд
c) 7500 га яқин
d) 4800 га яқин

22. Бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролар йиғинлари ва ўзини ўзи бошқариш органлари – маҳаллалар сони қанчани ташкил этади?

a) 5 мингдан ортиқ
b) 10 мингдан ортиқ
c) 15 мингдан ортиқ

d) 20 мингдан ортиқ

23. Маърузада Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик жамияти институтлари тизимида нодавлат нотижорат ташкилотларини янада ривожлантириш, уларнинг мустақил иш юритиши ва чинакам мустақиллигини таъминлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий, моддий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашни кучайтириш мақсадида қандай қонун қабул қилиш таклифи киритилган?

a) "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техник базаси тўғрисида" Қонун
b) "Жамоат фондлари фаолияти тўғрисида" Қонун
c) "Ҳомийлик тўғрисида" Қонун
d) "Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида" Қонун

24. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг ташкилий-техникавий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида қандай комиссия ташкил этилди?

a) "Ижтимоий фикр" жамоатчилик маркази қошидаги комиссия
b) Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳузуридаги комиссия
c) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Парламент комиссияси
d) Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ қошидаги комиссия

25. Фуқаролик жамияти институтларининг мажмуини яна қандай номлаш мумкин?

a) "биринчи сектор"
b) "иккинчи сектор"
c) "учинчи сектор"
d) "тўртинчи сектор"

26. Сўнгги уч йил ичида фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш учун Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди томонидан қанча миқдорда маблағ ажратилган?

a) 11 миллиард сўмдан ортиқ
b) 13 миллиард сўмдан ортиқ
c) 15 миллиард сўмдан ортиқ
d) 17 миллиард сўмдан ортиқ

27. Президентимиз томонидан фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга оширилаётган ислоҳотларимизнинг очиқ-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг ролини кучайтириш мақсадида қандай қонун қабул қилиш таклифи киритилди?

a) "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техник базаси тўғрисида" Қонун
b) "Жамоат фондлари фаолияти тўғрисида" Қонун
c) "Ижтимоий ҳимоя фаолияти тўғрисида" Қонун
d) "Ижтимоий шериклик тўғрисида" Қонун

28. Маърузада, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилиши устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмини яратишга қаратилган қандай қонун қабул қилиш таклифи киритилди?

a) "Ижтимоий шериклик тўғрисида" Қонун
b) "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида" Қонун
c) "Жамоат фондлари фаолияти тўғрисида" Қонун
d) "Нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техник базаси тўғрисида" Қонун

29. Инсон ҳуқуқлари соҳасида ишлаб чиқиш таклиф этилаётган миллий ҳаракат дастурида қандай чора-тадбирлар белгиланиши кўзда тутилган?

a) жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субектларини, назорат предметини, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро етмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги

b) соғлиқни сақлаш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш ва шу каби катта социал аҳамиятга молик бошқа масалалар бўйича муҳим давлат дастурларини белгилаш

c) ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамиятда инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятни шакллантириш ва шу каби бошқа соҳаларга оид қонунларга риоя этилиши устидан жамоатчилик мониторингини олиб боришга қаратилган чора-тадбирларни белгилаш

d) жамият ва давлат қурилиши, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли соҳаларида нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқларини белгилаб берган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш масалалари

30. Мамлакатимизда демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтлари ролини кучайтиришга ва фуқароларнинг энг муҳим социал–иқтисодий муаммоларини ҳал этишга қаратилган қонун ҳужжатларининг сони қанча?

a) 100 дан ортиқ
b) 200 дан ортиқ
c) 300 дан ортиқ
d) 400 дан ортиқ

31. Республикамизда фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга қаратилган қандай қонунни қабул қилиш зарурати бор?

a) Ижтимоий шартнома тўғрисида
b) Ижтимоий институтлар тўғрисида
c) Ижтимоий шериклик тўғрисида
d) Ижтимоий марказ тўғрисида

32. Қуйида кўрсатиб ўтилганлардан мамлакатимизда фаолият юритаётган жамоатчилик марказини топинг:

a) Ижтимоий марказ
b) Ижтимоий шериклик
c) Ижтимоий назорат
d) Ижтимоий фикр

33. Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳуқуқлари белгилаб берилган қонун ҳужжатлари талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтириш учун қайси кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим?

a) Фуқаролик кодексига
b) Меҳнат кодексига
c) Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга
d) Жиноят кодексига

34. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига кўмаклашиш чора–тадбирлари тўғрисида қандай ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинган?

a) Қонун
b) Қарор
c) Фармон
d) Фармойиш

35. Республикамизда фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини ривожлантиришга қаратилган Олий Мажлис палаталарининг қандай қўшма қарори қабул қилинган?

a) Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларни қўллаб–қуватлашни кучайтириш чора–тадбирлари тўғрисида
b) Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида
c) Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида

d) Экологик назорат тўғрисида

36. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи – маҳалла фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган қайси қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим?

a) Ижтимоий шериклик тўғрисида
b) Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида
c) Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида
d) Жамоат фондлари тўғрисида

37. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган нечта янги қонунни қабул қилиш таклифи илгари сурилди?

a) 2
b) 4
c) 6
d) 8

38. Республикамизда нодавлат нотижорат ташкилотларига оид қандай уюшма мавжуд?

a) Миллий иттифоқ
b) Миллий федерация
c) Миллий конфедерация
d) Миллий ассоциация

39. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотларининг сони 2000 йилга нисбатан неча баробар кўп?

a) 2,5
b) 3,5
c) 4,5
d) 5,5

40. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов қайси тамойиллар асосида амалга оширилади?

a) ҳудудий, кўп мандатли сайлов округлари асосида
b) сайловчиларнинг миллий мансублигини эътиборга олиб, сайлов округларини ташкил этиш асосида
c) ҳудудий сайлов округлари бўйича кўпартиявийлик асосида
d) маъмурий-ҳудудий сайлов участкалари тузиш асосида

41. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари сони?

a) 120 та
b) 150 та
c) 250 та
d) 175 та

42. Сиёсий партияни тузиш учун камида нечта ҳудудий субъектдан имзо тўпланиши керак?

a) еттита
b) саккизта
c) бешта
d) олтита

43. Депутатликка номзодларни қайси субъектлар кўрсатади?

a) сиёсий партиялар
b) фуқаролар
c) маҳаллий вакиллик органлари
d) a, b, c

45. Сайлов ҳуқуқига оид халқаро принциплар акс этган дастлабки халқаро ҳужжат:

a) Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция

b) Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт
c) Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт
d) Умумжаҳон инсон ҳуқуқлари декларацияси

46. 2008 йил 25 декабрдаги "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни билан сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар натижасида қайси институт таъсис этилди?

a) ОАВ
b) Ишончли вакил
c) Сиёсий партияларнинг ваколатли вакили
d) Халқаро ва миллий кузатувчилар

47. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси боб ва моддаси сайлов тизимига бағишланган?

a) 23-боб 117-моддаси
b) 15-боб 67-моддаси
c) 8-боб 32-моддаси
d) 18-боб 77-моддаси

48. 2009 йил 27 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларда ҳудудий сайлов округларидан кўппартиявийлик асосида нечта депутат сайланади?

a) 135
b) 120
c) 150
d) 250

49. "Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт"нинг қайси моддасида сайлов принципларига оид қоидалар мустаҳкамланган?

a) 25-моддаси
b) 3-моддаси
c) 8-моддаси
d) 31-моддаси

50. ЕХҲТ инсонийлик мезонлари бўйича конференцияси Копенгаген кенгаши ҳужжати қачон қабул қилинган?

a) 1990 йил 29 июнь
b) 1975 йил 25 декабрь
c) 1963 йил 30 август
d) 1948 йил 10 октябрь

51. Сайловга оид халқаро стандартлар бу - ...

a) Фуқароларнинг сайловга оид ҳуқуқлари, сайловларни ташкил этиш ва ўтказишга тааллуқли халқаро принциплар
b) Сайлов ҳақидаги халқаро маълумотлар
c) Давлатларнинг сайловга оид миллий қонунчилиги
d) Фақат БМТ томонидан қабул қилинган универсал ҳужжатлар

52. БМТ тизими доирасида хорижий кузатувчилар миссияси илк бор 1948 йилда қайси мамлакатда иштирок этган?

a) Корея
b) Эрон
c) Афғонистон
d) Вьетнам

53. Қуйидаги қайси ҳужжат БМТ томонидан 2005 йилда қабул қилинган?

a) Сайловларни кузатиш бўйича қўлланма

b) Иштирокчи давлатларда демократик сайловлар, сайлов ҳуқуқи ва эркинликлари стандартлари тўғрисидаги конвенция
c) Халқаро кузатувчилар учун сайловлар ва референдумлар бўйича тавсиялар
d) Сайловларни халқаро кузатиш принциплари тўғрисидаги декларация

54. 2008 йил 25 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон экологик ҳаракатидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига депутатлар қай йўсинда сайланади?

a) Мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиқиб, 15 нафар экоҳаракат депутатлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланадилар
b) Мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиқиб, алоҳида ташкил этилган 15та сайлов округидан
c) Мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри халқ депутатлари кенгашлари депутатлари томонидан
d) Мамлакатимизнинг маъмурий-ҳудудий бўлинишидан келиб чиқиб, Экоҳаракатнинг Республика конференциясида

55. Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига нечта депутат сайланади?

a) 18
b) 15
c) 10
d) 6

56. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясинини тузиш ваколати кимга берилган?

a) Сенатга
b) Қонунчилик палатасига
c) Олий Мажлис палаталарига
d) Бош вазирга

57. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайлов қачон ўтказилади?

a) Уларнинг ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида
b) Уларнинг ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойи биринчи ўн кунлигидаги якшанбасида
c) Уларнинг ваколат муддати тугайдиган йилнинг декабрь ойидаги иккинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида
d) Барчаси бўлиши мумкин

58. Марказий сайлов комиссияси неча кишидан иборат тартибда тузилади?

a) 6 киши
b) 25 киши
c) 10 киши
d) 15 киши

59. Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан кимнинг тақдимномаси бўйича комиссия мажлисида сайланади?

a) Олий Мажлис Сенати раиси
b) Ички ишлар вазири
c) Бош вазир
d) Президент

60.Қонунчилик палатасининг биринчи мажлисини ким очади?

a) Марказий сайлов комиссиясининг Раиси
b) Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларидан бири
c) Ўзбекистон Республикаси Президенти

d) Ўзбекистон Республикаси Сенат Раиси

61. Мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи нима?

a) Мулкнинг юридик тақдирини белгилаш

b) Сотиб юбориш

c) Ўзгаларга ҳадя қилиш

d) Мулкни мулкдор ўз қўлида ёки унга нисбатан ўз ҳуқуқларини оширишга имкон берувчи бирон жойда сақлаб туришга айтилади

62. Мулкнинг дахлсизлиги нима?

a) Иқтисоднинг самарали ривожланиши ва халқ фаровонлигининг ўсишига ёрдам бериш

b) Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни ўз хоҳишига кўра содир этишга ҳақли

c) Ҳар ким мулкдор бўлишга ҳақлидир

d) Мулкдорнинг мулкий ҳуқуқларининг қонун билан кафолатланиши ва мулкдор бу ҳуқуқлардан фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина маҳрум этилиши мумкин

63. "Давлат тассаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги Қонун қачондан бошлаб кучга киритилган?

a) 1991 йил 10 январь

b) 1991 йил 15 март

c) 1991 йил 20 май

d) 1991 йил 18 ноябрь

64. Акциядорлик жамияти нима?

a) Устав фонди муайян миқдордаги акцияларга бўлинган жамият

b) Ҳиссалар акциялар билан расмийлаштириладиган жамият

c) Акциядорларнинг чекланган жавобгарликка эга бўлган жамияти

d) Акциялар қиймати доирасида жавобгар бўлиш белгиланган жамият

65. Акциядорлик жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қиладиган орган қайси?

a) Иштирокчиларининг умумий йиғилиши

b) Кузатув кенгаши

c) Ижро органи

d) Тафтиш органи

66. Қуйидагилардан қайси бири МЧЖнинг умумий йиғилиши ваколатларига кирмайди?

a) Жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдорини ўзгартириш

b) Таъсис ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш

c) Йиллик ҳисоботларни ва йиллик бухгалтерия балансларини тасдиқлаш

d) Жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш

67. Кимлар хусусий мулк ҳуқуқини субъекти бўла олмайди?

a) Кооперативлар

b) Жамоат бирлашмалари

c) Давлатга қарашли юридик шахслар

d) Хўжалик ширкатлари

68. Хусусий мулк қандай кўринишларда намоён бўлади?

a) Индивидга тегишли мулк сифатида

b) Маъмурий-худудий тузилмалар мулки сифатида

c) Нодавлат юридик шахс мулки сифатида

d) а ва с жавоблар тўғри

69. Хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмоқчи бўлган фуқаролар қайси давлат органидан рўйхатдан ўтади?

a) Туман ҳокимиятидаги махсус комиссиядан

b) Вилоят адлия бошқармаларидан

c) Туман(шаҳар)солиқ инспекциясидан
d) Туман (шаҳар) ҳокимлигидаги махсус инспекциядан
70. Мулкни давлат тасарруфидан чиқаришга берилган тўғри таърифни айтинг?
a) Давлат корхоналари ва ташкилотларининг жамоа ижара корхоналарига, акциядорлик жамиятларига, давлатга қарашли бўлмаган бошқа корхоналар, ташкилотларга айлантирилиши
b) Давлат мулкини фуқаролар томонидан давлат органининг қарори билан ўзиники қилиб олиниши
c) Давлат корхоналарини хўжалик юритиш ҳуқуқи асосида нодавлат ташкилотларга бириктириб қўйиш
d) Хусусий мулк объектларини оммавий мулкка айлантириш
71. Хусусийлаштириш дейилганда...
a) Оммавий мулк объектларини фуқароларга сотиш ва сотиб олиш жараёни тушунилади
b) Фуқаролар ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг давлат мулки объектларини ёки давлат акцияларини давлатдан сотиб олиши тушунилади
c) Реквизитция қилинган мулкларнинг фуқароларга ҳадя қилиб берилиши тушунилади
d) Давлат мулкининг қонуний асосларга кўра юридик шахслар балансига ўтказилиши тушунилади
72. Ҳозирги даврда тадбиркорлик субъектларининг доираси кенгайишига сабаблар тўлароқ кўрсатилган қаторни кўрсатинг?
a) Мустақилликка эришилгани
b) Иқтисодий қонунлар қабул қилиниб, хўжалик субъектларига эркин йўл очилиши
c) Турли мулк шаклларининг вужудга келиши ва қонунларнинг қабул қилиниши
d) a ва b жавоблар тўғри
73. Хўжалик муносабатларига иқтисодий услубларини қўллаш асосида давлатнинг таъсир этиш тамойилининг мазмуни нимадан иборат?
a) Юқори фойда оладиган субъектларга солиқларни кўпроқ солиш, кам фойда оладиган субъектлардан маълум муддат солиқ ундирмаслик
b) Рақобатни кучайтириш
c) Нарх – навони тартибга солиш
d) Монополистик фаолиятни кучайтириш
74. Тадбиркорлик субъектларнинг қонунда ман этилмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши қайси принципга асосан олиб борилади?
a) Давлатнинг таъсир этиш тамойили
b) Қонунийлик
c) Ўзаро рақобат
d) Мустақиллик
75. Кичик тадбиркорлик субъектлари...
a) Жисмоний ва юридик шахслар
b) Фақат жисмоний шахслар
c) Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний ва юридик шахслар
d) a ва b жавоблар тўғри
76. Ўзбекистон Республикасининг "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонуни билан тартибга солинадиган муносабатларни кўрсатинг.
a) Ихтиролар билан боғлиқ муносабатлар
b) Саноат намуналари билан боғлиқ бўлган муносабатлар
c) Товар белгилари билан боғлиқ муносабатлар
d) Тўғри жавоб йўқ
77.Тадбиркорлик субъекти қачон устун мавқега эга ҳисобланади?
a) Бозордаги улуши олтмиш беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса
b) Бозордаги улуши эллик беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса

c) Бозордаги улуши ўттиз беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса
d) Бозордаги улуши қирқ беш ва ундан ортиқ фоизни ташкил этса

78. Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси қачон ташкил этилган?

a) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 апрелдаги ПФ-3602-сонли Фармонига асосан
b) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПФ-3202-сонли Фармонига асосан
c) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 30 мартдаги ПФ-3602-сонли Фармонига асосан
d) Тўғри жавоб йўқ

79. Монополистик фаолият бу –

a) Хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлат бошқарув органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рақобатга қарши кураш ҳақидаги қонун ҳужжатларига хилоф бўлган, рақобатга йўл қўймасликка, уни чеклаш ва бартараф этишга қаратилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги
b) Хўжалик юритувчи субъект товар бозорида ягона сотувчи ёки харидор бўлган вазият
c) Хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятида устунликни қўлга киритишга қаратилган харакатлари
d) Барча жавоблар нотўғри

80. Ўзбекистон Республикасининг "Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида"ги Қонуннинг мақсади бу –

a) Товар бозорларида монополистик фаолият ва инсофсиз рақобатнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатишнинг ташкилий ва ҳуқуқий асосларини белгилаб беради
b) Рақобат муносабатларининг шаклланиши ва самарали амал қилиши учун шароитларни таъминлашга қаратилган
c) Товар бозорларида монополистик фаолиятнинг олдини олиш, уни чеклаш, тўхтатиш
d) a ва b жавоб тўғри

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича

ГЛОССАРИЙ

АБСЕНТЕИЗМ (*лот. Absens – йўқлар, келмаганлар*) – конституциявий ҳуқуқ фанида сайловчиларнинг сайлов ёки референдумда узрли сабабларга кўра иштирок этмаслигини англатувчи атама.

АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ - жамиятни бошқаришнинг олий органи. Жамият ҳар йили акциядорларнинг умумий йиғилишини (акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилишини) ўтказиши шарт. Акциядорларнинг умумий ҳисобот йиғилиши жамият уставида белгиланган муддатларда, аммо молия йили тугаганидан кейин кўпи билан олти ой ичида ўтказилади.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ - устав фонди жамиятнинг акциядорларга нисбатан мажбуриятларини тасдиқловчи муайян миқдордаги акцияларга тақсимланган хўжалик юритувчи субъект.

БАНКЛАР - тижорат ташкилоти бўлиб, банк фаолияти деб ҳисобланадиган қуйидаги фаолият турлари мажмуини амалга оширадиган юридик шахсдир: юридик ва жисмоний шахслардан омонатлар қабул қилиш ҳамда қабул қилинган маблағлардан таваккал қилиб кредит бериш ёки инвестициялаш учун фойдаланиш; тўловларни амалга ошириш.

БОШҚАРУВ ШАКЛИ - бу ҳуқуқий институт бўлиб, давлат ҳокимиятини ташкил этиш тартиби. Олий ва махаллий давлат органларини тузиш усулини ҳамда уларнинг бир-бири ва аҳоли билан ўзаро муносабатлари тартибини ўз ичига олади.

ВОТУМ (*лот. votum — хоҳиш, ирода*) – сайлов жамоаси ёки вакиллик муассасасининг кўпчилик овози билан ифодаланган ёки қабул қилинган фикри ёки қарори. Масалан, сайлов вотуми — президент, парламент, муниципалитет ва бошқаларга сайловларда сайлов кампаниясининг натижаси. Бошқарувнинг парламентар шаклидаги давлатлар парламенти амалиётида вотум — қоидага кўра, қуйи палатанинг ҳукумат ёки алоҳида вазирнинг сиёсий йўли, муайян хатти-ҳаракати ёки қонун лойиҳасини маъқуллаши (**ишонч** вотуми) ёки маъқулламаслигидир (**ишончсизлик** вотуми). Ишонч вотуми тўғрисидаги масалани қўйиш ташаббускори ҳукуматнинг ўзи, парламент фракцияси ёки депутатлар гуруҳи бўлиши мумкин. Ҳукуматга ишончсизлик билдирилиши амалиётда шу ҳукуматнинг истеъфо беришига ва янги ҳукуматни тузишга (ҳукумат танглигига) ёки парламентни (қуйи палатани) тарқатиб, парламентга муддатидан олдин сайловлар ўтказишга олиб келиши мумкин. Иккинчи вариант ҳукуматга парламентни муддатидан олдин тарқатиб юборишни пўписа қилиш ва шу орқали номаъқул қонун лойиҳаларини парламентдан ўтказиш имконини беради. **Кўплик (плюрал)** вотум – айрим мамлакатларда бундай вотумга кўра сайловчиларнинг айрим тоифаси сайловда икки ёки ундан ортиқ овозга эга бўлади. **Билвосита (эвентуал)** вотум – мутаносиб сайловлар тизимида овоз бериш натижаларини аниқлаш тартиби, унга кўра маълум номзодга берилган ва сайлов квотасидан ортиқча бўлган овозлар шу партия рўйхатидаги бошқа номзод ҳисобига ўтказилади. **Мажбурий** вотум - айрим мамлакатларда барча юридик салоҳиятли фуқароларнинг давлат ҳокимияти органларига сайловларда иштирок этиш бўйича юридик мажбурияти (бу тартибни бузганларга жарима солиниши мумкин).

ВАЗИР (араб. юк кўтарувчи) – ўрта асрларда Ўрта ва Яқин Шарқ давлатларида, шу жумладан, Ўрта Осиё хонликларида ҳукумат идораси ёки кенгаши (девон) бошлиғи. Юкори мансабдор шахс. В. ҳукумат аъзоси ҳамда маълум бир вазирликни бошқарувчи юқори мансабдор шахсдир.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ – Исроил, Латвия, Япония, Шри-Ланка, Қозоғистон, Туркманистонда ва қатор бошқа мамлакатларда ҳукуматнинг расмий номи. Ўзбекистон Республикасида ҳукумат "Вазирлар Маҳкамаси" деб номланган бўлиб, "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонунга биноан, у Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг, ижтимоий ва маънавий соҳанинг самарали фаолиятига раҳбарликни, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси

Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ижросини таъминловчи ижро этувчи ҳокимият органидир.

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ФАРМОЙИШЛАРИ - Вазирлар Маҳкамасининг тезкор ва бошқа жорий масалалар бўйича қарорлари. Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддаси ва 93-моддасига асосланган ҳолда Вазирлар Маҳкамаси ваколатига кирувчи масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишга, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва фармойишларини ҳамда Бош вазир фармойишларини бекор қилишга ҳақли. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, агар уларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, имзоланган кундан бошлаб кучга киради.

ВАЗИРЛИК – кўпчилик давлатларда давлатнинг марказий идора органи, ижтимоий-маданий қурилиш ва маъмурий-сиёсий фаолиятнинг айрим тармоқларини бошқаради. Янги Вазирликлар тузиш, мавжудларини тугатиш, уларнинг раҳбарларини тайинлаш Ўзбекистонда Президент ваколатига киради ва давлатнинг олий вакиллик органи – Олий Мажлис томонидан тасдиқланади.

ВАЛЮТА - чет эл валютаси, чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар, чет эл валютасидаги тўлов ҳужжатлари ва соф қуйма олтин валюта бойликлари ҳисобланади.

ВЕТО (*лот. Veto - тақиқлайман*) — ҳозирги замон давлатларида қандайдир бир органнинг қарорини тўхтатиб қўядиган ёки кучга киришга йўл қўймайдиган ҳаракат. Давлат бошлиғига парламент қабул қилган қонунларга Вето қўйиш (қарорларни тақиқлаш) ҳуқуқининг берилиши алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Ветонинг **мутлақ** (ёки **резолотив**), бунда давлат бошлиғи парламент қабул қилган қонунни узил-кесил қайтариш ҳуқуқига эга бўлади ва **нисбатан** (**кечиктирадиган** ёки **суспенсив**) турлари фарқланади.

ДАВЛАТ АППАРАТИ (инглизча mashinery of government сўзи) – давлат органлари тизими бўлиб, улар фаолияти орқали давлат ҳокимияти ва унинг функциялари амалга оширилади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ –давлат органларининг ташкиллаштирувчи, ижро этувчи ва фармойиш берувчи фаолияти бўлиб, қонун асосида амалга оширилади. Бу фаолиятни давлат бошқарув органлари амалга ошириб, ижро этиш жараёнида қонунларнинг ва унга асосланган ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлаш учун фармойиш бериш ҳуқуқига эга бўлади.

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ УСУЛЛАРИ – давлат томонидан бошқарув соҳасидаги вазифалар қандай ҳал қилиниши тушунилади. Давлат ўз олдига қўйилган мақсадларга эришиш йўлида ҳамда вазифа ва функцияларни бажариш учун турли хил усуллардан фойдаланади. Ишонтириш ва мажбурлаш кенг тарқалган маъмурий усуллардир.

ДАВЛАТ БОШЛИҒИ – (инглизча "head of the state") -олий давлат лавозими бўлиб, у ижро ҳокимияти сохиби ва ташқи муносабатлар соҳасида давлатнинг олий вакили ҳисобланадиган шахс. Монархияларда —Буюк Британия, Дания, Швеция,Испания, Японияда – д.б. монарх (король, император, эмир) бўлиб,унинг ҳокимияти қоидага кўра, ҳукмрон шажара вакилидан кейингисига қонунга биноан мерос тариқасида ўтказилади. Республикаларда (Италия, Франция, ГФР, АҚШ, Лотин Америкаси давлатлари ва б.) д.б. президент бўлиб, у ёки бевосита аҳоли томонидан сайланади (Мексика, панама, Колумбия), ёки билвосита (АҚШ, Аргентина), ёхуд кўп босқичли сайловлар(Италия, ГФР, Ҳиндистон) натижасида сайланади. Кўпчилик давлатларда индивидуал давлат раҳбари мавжуд, президентлик республикаларида давлат раҳбари айни пайтда ҳукумат раҳбари ҳам хисобланади.(АҚШ, Мексика, Аргентина, Африканинг айрим давлатларида).

ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ – (ЎзРда) умумдавлат вазифаларни бажарадиган соҳалараро давлат бошқаруви марказий идоралари. Д.қ. тегишли тармоқ муассасалари фаолиятини мувофиқлаштиради ва назорат қилади. Д.қ. тегишли тармоқдаги аҳвол учун масъул ҳисобланади. "ЎзР Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида"ги Қонуни (1993 й. 6 май) ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари Д.қ. нинг ҳуқуқий ҳолатини белгилаб берган.

ДАВЛАТ НАЗОРАТИ – давлат органлари чиқарадиган қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларга риоя қилинишини таъминлайдиган давлат ҳокимиятини амалга ошириш

шаклларидан бири. Давлат назоратини турли органлар амалга оширади. Одатда назорат вазифаси асосан парламентларда тўпланган, аммо кейинги ўн йилликда кўпгина мамлакатларда парламентдан ташқари, бироқ парламент номидан иш юритадиган назорат инстанциялари кенг тарқалди (масалан, ***омбудсман, ҳисоб палатаси***), ***маъмурий юстиция*** органларининг сони ва роли ўсди.

ДАВЛАТ ОРГАНИ – давлат механизмининг таркибий қисми бўлиб, у давлат олдида турган вазифа ва функцияларнинг муайян конкрет қисмини, йўналишини амалга оширади ва шу мақсадда тегишли давлат-ҳуқуқий ваколатларга, зарурий компетенцияга эга бўлади.

ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ - давлат корхоналарини ва ташкилотларини хўжалик ширкатлари ва жамиятларига, давлатга қарашли мулк бўлмайдиган бошқа корхоналар ташкилотларга айлантиришдир.

ДЕПУТАТ (лотинча deputatus – "вакил") – қонунчилик ёки давлатнинг бошқа вакиллик органига сайланган шахс, аҳолининг маълум қисми – ўз сайлов органи сайловчиларнинг ёки бутун миллатнинг вакили.

ДЕПУТАТ (парламент) ЭТИКАСИ (*гр. Ethika, ethoc – одат, хулқ*) — депутатлар ички парламент мулоқоти ахлоқий ва маънавий нормалари йиғиндиси. Депутат этикасига риоя қилиш мажбурияти ҳар бир депутатнинг фақат ахлоқий эмас, балки юридик мажбурияти ҳам бўлиб, ҳам ижтимоий, ҳам ижтимоий таъсир воситалари билан таъминланади.

ДЕПУТАТ МАҚОМИ — вакиллик давлат ҳокимияти органлари депутатларининг ҳуқуқий ҳолати бўлиб, у депутатлик мандатининг сиёсий-ҳуқуқий табиати, унинг юзага келиши, тўхтатилиши, амалда бўлиш муддати, депутатлар ваколати, улар фаолиятининг кафолатланганлиги, шунингдек, депутатларнинг ҳисобдорлиги, назорат қилиниши ва жавобгарлиги билан боғланган ижтимоий муносабатларни бошқарадиган ҳуқуқий нормалар мажмуи билан аниқланади. Депутат мақомини мустаҳкамловчи ҳуқуқий нормалар конституцияларда, махсус қонунлар, палаталар регламентларида берилади.

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОД – қонунда белгиланган тартибда давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига номзод сифатида тегишли сайлов комиссиялари томонидан рўйхатга олинган, пассив сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаро. Давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партиялар томонидан, қолаверса, халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эса сиёсий партиялар билан бир қаторда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилади.

ДЕПУТАТНИНГ РАСМИЙ (СЎРОВИ) ТАЛАБИ — вакиллик муассасаси депутатининг давлат бошқарув органига ёки мансабдор шахсга мазкур вакиллик муассасаси ваколатига кирадиган масала бўйича ахборот ва тушунтиришлар бериш талаби билан мурожаати.

ЁПИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ - акциялари фақат ўз муассислари ёки олдиндан белгиланган доирадаги шахслар орасида тақсимланадиган жамият.

ЖАМИЯТНИНГ ИЖРОИЯ ОРГАНИ - жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қиладиган орган бўлиб, у яккабошчилик асосидаги ижроия органи (директор) ёки коллегиал ижроия орган (бошқарув, дирекция) томонидан амалга оширилиши мумкин.

ЖАМИЯТНИНГ КУЗАТУВ КЕНГАШИ - жамиятнинг кузатув кенгаши жамият фаолиятига умумий раҳбарлик қиладиган орган.

ЖАМОАТ ТАШКИЛОТИ – фуқаролик жамияти институтларининг муҳим шаклларидан бири бўлиб, ўз ҳуқуқлари, эркинликларини хамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат ташкилоти сифатида эътироф этилади.

ЖАМОАТ ФОНДИ – юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий мулкий бадаллар қўшиш асосида ташкил этилган, хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий фойдали мақсадларни кўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади.

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ – фуқаролик жамиятининг муҳим белгиларидан бири бўлиб, у фуқаролик жамиятини шаклланитириш жараёнида давлатнинг иқтисодий соҳага, хўжалик юритувчи тузилмалар, айниқса, хусусий сектор фаолиятига аралашувини чеклаш ҳамда қонунлар ижроси бўйича давлат ҳокимияти органлари фаолияти устидан олиб бориладиган ижтимоий назорат шаклларидан биридир.

ИМЗО ВАРАҚАСИ – сиёсий партиянинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларда иштирок этишини қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплаш учун тузиладиган ҳужжат.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ – инсоннинг давлатга муносабати бўйича ҳуқуқий мақомини, унинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий соҳалардаги имконият ва даъволарини ифодаловчи тушунча. Инсон ҳуқуқларини эркин ва самарали амалга оширилиши ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятининг асосий белгиларидан бири ҳисобланади.

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА МИЛЛИЙ МАРКАЗ – инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини муҳофаза қилишнинг таъсирчан механизмларини янада кенгайтириш, халқаро ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари билан ҳамкорликни кенгайтириш, давлат муассасалари ходимлари ва барча аҳолининг инсон ҳуқуқлари бўйича маданиятини ошириш мақсадида ташкил этилган марказ.

ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ - активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-тамойилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

ИШОНЧЛИ ВАКИЛЛАР – сайлов жараёнида сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган номзодлар номидан ҳаракат қилувчи шахслар. Ишончли вакил истаган вақтда ўз ваколатларини зиммасидан соқит қилишга ҳақли. Ишончли вакил сайлов комиссиясига аъзо бўлиши мумкин эмас.

КАСАБА УЮШМАЛАРИ – касаба уюшмаси кўнгилли жамоат ташкилоти бўлиб, ҳам ишлаб чиқариш, ҳам ноишлаб чиқариш соҳаларидаги фаолият турига қараб, ўз аъзоларининг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун муштарак манфаатлар билан боғланган меҳнаткашларни бирлаштиради.

КРЕДИТ УЮШМАЛАРИ - кредитлар бериш ҳамда бошқа молиявий хизматлар кўрсатиш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар томонидан ихтиёрий тенг ҳуқуқли аъзолик асосида тузиладиган кредит ташкилотидир.

КУЗАТУВЧИ – Ўзбекистон Республикасида сайлов жараёнида депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, оммавий ахборот воситалари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлар томонидан тайинланадиган ҳамда конунда белгиланган тартибда кузатувчи сифатида рўйхатга олинадиган шахс. Кузатувчилар маҳаллий ва халқаро кузатувчиларга бўлинади. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

КЎППАРТИЯВИЙЛИК – ҳозирги демократик давлатларда сиёсий ҳаётни ташкил этишнинг асосий конституциявий принципларидан бири, сиёсий ва мафкуравий плюрализмни анча умумийрок бўлган принципининг ифодаси ҳисобланади. К. П. принципи юридик жиҳатдан давлат фуқароларнинг ўз дунёқарашларига мувофиқ тарзда сиёсий партияларга бирлашиш ҳуқуқини, барча сиёсий партияларнинг қонун олдида тенглигини, улар фаолияти эркинлигини тан олиши ва кафолатлашини англатади.

ҚОНУН – давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи томонидан ёки бевосита халқнинг хоҳиш - иродасига кўра (масалан, *референдум* ўтказиш йўли билан) қабул

қилинган ва қоида тариқасида, энг мухим ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи юридик ҳужжат.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ – қонун чиқарувчи органга қабул қилиш учун таклиф қилинаётган ёки референдумда кўришга киритиш учун тайёрланган қонуннинг матни.

ҚОНУН ЧИҚАРУВЧИ ҲОКИМИЯТ – бу Конституцияда мустаҳкамланган олий давлат вакиллик идорасининг қонунлар қабул қилиш, уларни ўзгартириш ва бекор қилиш бўйича алоҳида ваколатлари ҳисобланади. Қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг асосий вазифаси халқнинг (жамиятнинг) иродасини қонун шаклида ифода этишдир.

ҚОНУНИЙЛИК – бу жамиятдаги барча ҳуқуқ субъектлари томонидан қонун ва қонун ости ҳужжатларига тўла риоя қилинишидир.

ҚОНУННИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ – қонунни маълум нашрда босиб чиқариш йўли билан ҳаммага маълум қилиш. Қонунни эълон қилишнинг расмий ва норасмий турлари фарқланади.

ҚОНУНОСТИ АКТИ – давлат ҳокимияти органларининг қонунга нисбатан пастроқ юридик кучга эга бўлган ҳуқуқий акти. У қонунга асосан ва унинг ижросини таъминлаш юзасидан чиқарилади.

ҚОНУНЧИЛИК ТАШАББУСИ – белгиланган тартибга мувофиқ, (ваколатли орган ёки мансабдор шахс томонидан) қонунчилик муассасасига қонун лойиҳасини расмий киритиш. Қ.т.– қонунчилик жараёнининг биринчи босқичи ҳисобланади. Қ.т.шундай бир ҳаракатлар йиғиндисидирки, бунинг натижасида қонун чиқарувчи органга қонун лойиҳаси ёки қонунчилик таклифи киритилади ва парламент янги қонун чиқариш, амалдагисини ўзгартириш ёки бекор қилиш масаласини кўриб чиқиш учун қабул қилади.

ҚОНУНЧИЛИКНИ ТИЗИМЛАШТИРИШ – норматив-ҳуқуқий актларни тартибга солиш ва такомиллаштириш бўйича амалга ошириладиган фаолият бўлиб, уларни белгиланган ва ўзаро ички боғланган тизим ҳолига келтиришни англатади. Қ.т. қонуний тартибга солишни такомиллаштириш, қонунчиликни эскирган актлар ва ўзаро қарама-қарши нормалардан холос қилиш, норматив ҳужжатлардан фойдаланишни енгиллаштириш ва соддалаштириш, жамиятнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий тарбияси даражасини оширишда катта аҳамиятга эга.

ЛИЗИНГ - молиявий ижаранинг алоҳида тури бўлиб, унда бир тараф (лизинг берувчи) иккинчи тарафнинг (лизинг олувчининг) топшириғига биноан учинчи тарафдан (сотувчидан) лизинг шартномасида шартлашилган мол-мулкни (лизинг объектини) мулк қилиб олади ва уни лизинг олувчига шу шартномада белгиланган шартларда ҳақ эвазига эгалик қилиш ва фойдаланиш учун ўн икки ойдан ортиқ муддатга беради.

МАНДАТ (вакиллик, депутатлик) (*лот. mandatum - топшириқ*) — бирорта вакиллик муассасаси депутати ваколатларининг қонунийлигини, депутат ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳажмини тасдиқловчи ҳужжат, шунингдек, парламент ёки бошқа вакиллик ҳокимияти органи депутати зиммасига юклатиладиган оммавий вазифа, унинг мазмуни (мандат характери) конституция ва бошқа конституциявий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан белгиланади. Ҳозирги демократия давлатларида Мандатнинг ҳуқуқдорлиги депутатнинг дахлсизлиги (**иммунитет**) ва депутатлик фаолияти учун тақдирлов пули олиш (**имдемнитет**)ни ўз ичига олади. Мандат депутатнинг ўз сайловчилари билан ўзаро муносабат шаклини ҳам белгилайди. Ҳозирги демократия давлатларида **умуммиллий** Мандат деб аталмиш мандат бор, унга кўра депутат қандайдир аниқ бир сайлов округининг эмас, балки бутун миллат вакили ҳисобланади. Депутат ўз фаолиятида ҳеч қандай наказ билан боғланиб қолиши мумкин эмас (**императив** Мандат билан) ва ўз Мандати муддати тугамагунча чақириб олиниши мумкин эмас. Кўпгина давлатлар (Италия, РФР, Франция ва бошқалар) конституцияларида императив Мандатни бевосита тақиқловчи кўрсатма бор. Советлар типидаги конституциялар императив Мандатни, яъни депутатларнинг ўз сайловчилари олдидаги жавобгарлигини қарор топтиради, унга кўра сайловчилар ўз депутатларига наказлар бериш ва уларни қонунда белгиланган тартибда чақириб олиш

ҳуқуқига эга (шунингдек, *қ. Депутатлар наказлари. Депутатларни чақириб олиш Миллий вакиллик принципи*).

МАНДАТ КОМИССИЯСИ — қатор мамлакатлар давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш вакиллик органларида шу орган биринчи сессияси ишининг бошида депутатлардан сайланадиган доимий комиссиялардан бири. Депутатлар ваколатларини текширади ва вакиллик органига сайланган депутатлар ваколатларини тан олиш тўғрисидаги таклифни кўриб чикиш учун киритади, сайловлар тўғрисидаги қонунчилик бузилган ҳолларда эса - айрим депутатлар сайловларини қонуний кучга эга эмас деб тан олиш тўғрисида таклиф киритади. Мандат комиссияси ўз мажбуриятини муддатидан олдин тўхтатган депутатга боғлиқ барча саволлар бўйича ҳам хулоса беради

МАҲАЛЛИЙ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ – маҳаллий аҳамиятга эга бўлган масалаларни аҳолининг манфаатлари, унинг тарихий, ижтимоий-этник ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб, шу давлат конституцияси ва қонунлари асосида мустақил (масъулиятни зиммасига олиб) ҳал қилиш учун фуқаролар фаолиятини ташкил этиш тизими. Маҳаллий ўзини ўзи бошқаришни аҳоли ҳокимият вакиллик органлари (муниципал мажлис, кенгашлар, кўмиталар ва бошқалар), мувофиқ келувчи бошқарув органлари, маҳаллий референдумлар, фуқаролар кенгашлари, бевосита демократиянинг бошқа ҳудудий шакллари, шунингдек, аҳолининг ҳудудий ижтимоий ўзини ўзи бошқариш органлари орқали амалга оширади.

НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ТУШУНЧАСИ – нодавлат нотижорат ташкилоти - жисмоний ва юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни ўз қатнашчилари ўртасида таксимламайдиган ўзини ўзи бошқариш ташкилотидир. Нодавлат нотижорат ташкилоти жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, бошқа демократик қадриятларни ҳимоя қилиш, ижтимоий, маданий ва маърифий мақсадларга эришиш, маънавий ва бошқа номоддий эҳтиёжларни қондириш, хайрия фаолиятини амалга ошириш учун ҳамда бошқа ижтимоий фойдали мақсадларда тузилади.

ОВОЗ БЕРИШ – сайлов жараёнининг муҳим босқичларидан бири бўлиб, актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган фуқаронинг сайловда депутатликка ёки сайлаб қўйиладиган бошқа лавозимга номзодга ўз овозини беришга қаратилган хатти-ҳаракати.

ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ – сайлов округида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга раҳбарлик қилувчи, округдаги участка сайлов комиссияларига услубий кўмаклашувчи, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан тузиладиган, давлат ҳокимияти ваколатига эга бўлган махсус коллегиал орган.

ОМБУДСМАН – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) мансабдор шахс бўлиб, унга давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан парламент назоратини таъминлаш ваколатлари берилган.

ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ – оммавий ахборот воситалари фуқаролик жамиятининг муҳим институтларидан бири бўлиб, у демократияни чуқурлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини оширишда, фуқароларнинг мамлакат сиёсий ва ижтимоий ҳаётдаги вокеликка нисбатан дахлдорлик хиссини шакллантиришда, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолияти, шунингдек жамиятда юз бераётган барча ўзгаришлар, бўлаётган жараёнлар хусусида кенг жамоатчиликка етказишда муҳим аҳамият касб этади. Қонунчиликка мувофиқ оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг доимий номга эга бўлган ҳамда босма тарзда (газеталар, журналлар, ахборотномалар, бюллетенлар ва бошқалар) ва электрон тарзда (теле, радио, видео, кинохроникал дастурлар, умумфойдаланишдаги телекоммуникация тармокларидаги веб–сайтлар) олти ойда камида бир марта нашр этиладиган ёки эфирга бериладиган шакли ҳамда оммавий ахборотни даврий тарқатишнинг бошқа шакллари оммавий ахборот воситаси сифатида эътироф этилади.

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ - қатнашчилари ўзларига тегишли акцияларини ўзга акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга бериши мумкин бўлган акциядорлик жамияти.

ОШКОРАЛИК – демократиянинг зарур шарти бўлиб, жамоатчиликнинг муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар фаолиятига оид барча маълумот ва хабарларни билиш ҳуқуқи ҳамда тегишли ахборотларни муҳокама ва назорат этиш учун рўй-рост эълон қилишдир.

ПАЛАТАЛАРНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИ – икки палатали тузилмага эга бўлган парламентлар иш шаклларидан бири. Қатор мамлакатларда парламентнинг қўшма мажлиси парламент ваколатига кирадиган энг муҳим масалаларни: уруш ҳолати ёки сафарбарликни эълон қилиш, давлат бюджетини тасдиқлаш, республика Президентини сайлаш ва шу кабиларни ҳал қилиш мақсадида, бошқаларида эса фақат давлат бошлиғи мактубини тинглаш ва бошқа тантанали ҳолатлар ўтказилади.

ПАРЛАМЕНТ (депутатлар) ФРАКЦИЯСИ – парламент ёки унинг палатасида бир партияга мансуб депутатлар бирлашмаси. Одатда Парламент фракцияси таркибига партиянинг етакчилари ва кўзга кўринган арбоблари киради.

ПАРЛАМЕНТ (инг.л. parlament, франц. par1er — гапирмоқ) — демократик давлатларда олий вакиллик ва қонунчилик органининг номи. Буюк Британия, Франция, Италия, Канада Бельгия, Молдова, Қозоғистон ва бошқа мамлакатларда олий вакиллик органи "парламент" деб юритилади; АҚШда ва Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатларида п. конгресс деб, Россия Федерациясида – Федерал Мажлис – Россия Федерацияси П. деб, Литва ва Латвияда – Сейм деб аталади. Тузилишига кўра п. бир палатали ёки икки палатали бўлади (қаранг: Икки палатали тизим, Бир палатали тизим). Тарихда уч палатали п. ҳам бўлган (масалан, ЖАРда 1984-1994 йилларда). П. биринчи марта XIII асрда Англияда табақаларнинг вакиллик органи сифатида ташкил қилинди.

ПАРЛАМЕНТ ИНДЕМНИТЕТИ – (*инг.л. Indemnity лотинча indemnitasdan - зарарсизлик*) 1.Парламент депутатларининг жавобгар эмаслигини белгилайдиган имтиёзлар. Депутатларнинг жавобгар эмаслиги депутатни у депутатлик мажбуриятларини бажариш вақтида содир этган барча хатти-ҳаракатлари (парламентда нутқ сўзлаш, овоз бериш, комиссияларда иштирок этиш ва бошқалар) учун таъқиб этилмаслигини англатади. Ҳеч ким, шунингдек, парламентнинг ўзи ҳам бундай хатти-ҳаракат учун, ҳатто у парламент аъзолигидан чиққанидан кейин ҳам депутатни жавобгарликка тортаолмайди. Парламентдаги фаолияти учун (депутатларни) тақдирлаш, бунга қароргоҳ, ёзишмалар, сафарлар ва шу кабилар харажатларини қоплаш ҳам киради.

ПАРЛАМЕНТ КОМИССИЯЛАРИ – парламент ташкил қиладиган (палаталарнинг ҳар бирида ёки иккала палата биргаликда – бирлашган Парламент комиссиялари) ёрдамчи органлар. Қонунчилик Парламент комиссиялари муҳим ролни ўйнайди, чунки парламент қабул қиладиган қонунлар лойиҳалари қарор ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларининг катта қисми кўриб чиқиш учун шу комиссияларга берилади.

ПАРЛАМЕНТ МУЗОКАРАЛАРИ – парламент фаолияти шаклларидан бири бўлиб, депутатларнинг қонун лойиҳаси ёки қарорлар лойиҳаларини парламент ёки уни алоҳида палатаси умумий мажлисда муҳокама қилинишидан иборатдир. Парламент регламенти белгилаган тартибда ўтказилади.

ПАРЛАМЕНТ МУХОЛИФАТИ – ҳукуматни ташкил қилишда иштирок этмайдиган, қатор принципиал масалаларда ҳукумат сиёсатига қарши чиқадиган бирорта партиянинг парламентдаги депутатлари гуруҳи ёки парламент фракцияси. Қатор мамлакатларда (масалан, Буюк Британияда) парламент регламентлари ёки одатий ҳуқуқ нормалари Парламент муҳолифати мақоми ва ҳуқуқларини мустаҳкамлайди, жумладан, парламент мухолифати аъзоларининг парламент (ёки унинг палатаси) органларидаги вакиллик квотасини белгилайди, унинг етакчисига махсус маош тайинлайди.

ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ – давлат назорати шаклларидан бири. Асосан умуман сиёсий, баъзи ҳолда маъмурий тусда бўлади. Парламентар давлатларда ва президентлик

республикаларида ҳукумат фаолияти устидан Парламент назорати алоҳида аҳамият касб этади. Бундай назоратнинг асосий метод ва шакли ишонч тўғрисидаги масала, танбеҳ резолюцияси, интерпелляция, ҳукуматга оғзаки ва ёзма саволлар (парламент саволлари) парламент текширишидир.

ПАРЛАМЕНТ СЕССИЯСИ (*лот. sessio - йиғилиш*) – парламент (парламент палаталари) ва парламент комиссияларининг ялпи мажлиси бўлиб ўтадиган давр. Ҳар бир йил мобайнида навбатдаги Парламент сессиясининг неча марта бўлиши қонун ёки одат бўйича белгиланади. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати мажлислари заруратга қараб, йилига камида уч марта ўтказилади

ПАРЛАМЕНТ СЎРОВИ – парламентар давлатларда ҳукумат фаолияти устидан парламент назоратининг шаклларидан бири. Парламент саволларини депутатлар оғзаки ва ёзма беришлари мумкин. Парламент регламенти Парламент саволлари берилиши мумкин бўлган қоидаларни, уларни киритиш тартибини, шунингдек, ҳукумат ёки алоҳида вазир жавобни тақдим этиши лозим бўлган муддатни белгилайди. Умумий қоидага кўра, Парламент саволига жавоб Парламент саволи қандай шаклда (оғзаки ёки ёзма) берилган бўлса, шундай шаклда қайтарилади. Парламент сўровига жавобни давлат ҳокимияти бошқарув органларининг мансабдор шахслари Қонунчилик палатаси мажлисларида берадилар.

ПАРЛАМЕНТ ТАЪТИЛЛАРИ – парламент сессиялари ўртасидаги давр, бундан депутатлар дам олиш ва ўз округларида сайловчилар билан ишлаш мақсадида фойдаланишади.

ПАРЛАМЕНТНИ ТАРҚАТИБ ЮБОРИШ – парламентар давлатларда, шунингдек, аралаш турдаги республикаларда давлат ҳокимиятини амалга ошириш конституциявий механизмининг асосий элементларидан бири. Парламентни тарқатиб юбориш (муддатидан олдин парламентга сайловларни эълон қилиш) ҳуқуқи давлат бошлигига тегишли (гарчи бундан у, қоидага кўра фақат ҳукумат "илтимосига" биноан фойдалансада) ҳамда у ҳукуматнинг парламент олдидаги жавобгарлиги тартиботига (институтига) қарши қўйиладиган тартиб ҳисобланади.

САЙЛОВ – демократиянинг асосий белгиси бўлиб, овоз бериш ёрдамида давлат ҳокимиятининг вакиллик органларини ёки мансабдор шахсини, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини, жамоат бирлашмаларини ва бошқаларни бевосита халқнинг хоҳиш-иродасига асосланган ҳолда, улар томонидан ёки бошқа орган томонидан шакллантириш билан боғлиқ жараёндир. Сайлов тушунчаси кўпроқ давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини сайлашга нисбатан қўлланилади.

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ – Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли тартибда ва шаклда тасдиқланадиган, ўзида депутатликка номзод ҳақидаги маълумотлар (фамилияси, исми, ота-сининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва уни депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партияни)ни акс эттирган, фуқароларнинг яширин овоз бериш ҳуқуқини амалга оширишини таъминловчи сайлов ҳужжатидир. Сайлов бюллетенларига бирор-бир белги қўйиш мумкин эмаслиги, ҳамма бюллетенлар бир хил рангда ва ҳажмда, шаклда бўлиши яширин овоз беришни кафолатлайди. Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хонасида тўлдирилади, бюллетенни тўлдириш вақтида у ерда овоз берувчидан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади.

САЙЛОВ ВАРАҚАСИ – сайлов куни маълум сабабларга кўра ўзининг тураржойида бўлиш имконияти бўлмаган ҳолда сайловчининг овоз бериш ҳуқуқини амалга ошириш воситаси ҳисобланган. Марказий сайлов комиссияси томонидан тегишли тартибда тасдиқланган, номзодлар тўғрисидаги маълумотлар қайд этилган, сайловчиларнинг олдиндан овоз бериш ҳуқуқини таъминловчи ҳужжат. Сайлов варақалари давлат тилида, шунингдек округ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов округи ҳудудидаги кўпчилик аҳоли сўзлашадиган тилларда нашр этилади.

САЙЛОВ ЖАРАЁНИ – сайловларни ташкил этиш ва ўтказиш юзасидан амалга ошириладиган тадбир ва чоралар йиғиндисидир. Сайлов жараёни қуйидаги босқичларда амалга оширилади: а) сайлов кунини белгилаш; б) сайлов округларини белгилаш ва уларда сайлов участкаларини ташкил этиш, сайловчилар рўйхатини тузиш; в) сиёсий партиялар томонидан номзодларни кўрсатиш ва рўйхатга олиш; г) номзодлар ва сиёсий партиялар томонидан сайловолди ташвиқотини олиб бориш; д) овоз бериш ва овоз бериш натижаларини аниқлаш; е) сайлов натижаларини эълон қилиш.

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ – сайлов кампанияси бошланганлиги ҳақидаги Марказий сайлов комиссияси қарори расмий эълон қилинган кундан бошлаб сайлов натижалари расмий эълон қилинадиган кунгача бўлган оралиқдаги давр.

САЙЛОВ КАМПАНИЯСИ БОШЛАНГАНЛИГИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига депутатлар сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги аввалги чақириқ Қонунчилик палатаси депутатларининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинадиган давр.

САЙЛОВ КВОТАСИ – битта депутатни сайлаш учун зарур бўлган энг кам овоз сони. Сайлов квотаси ҳар бир сайлов округи учун алоҳида ҳамда ўтказилаётган сайлов турининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиқиб мамлакат бўйича ҳам аниқланиши мумкин.

САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ – сайловларни ўтказишга масъул бўлган ва уларни ташкилий-моддий жиҳатдан таъминлайдиган давлат ҳокимияти ваколатига эга махсус коллегиал органлар. Ўзбекистонда Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади ва у ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади.

САЙЛОВ МАДАНИЯТИ – сайловчиларнинг ўз сиёсий ҳуқуқларидан оқилона фойдаланиб, сайловларда фаол иштирок этиши, шунингдек, уларнинг ҳамда сайлов ташкилотчиларининг сайловларни ўтказиш, унда қатнашиш ва овоз бериш чоғида амалдаги қонунларга, ўрнатилган тартибларга амал қилиши, сайлов қатнашчиларининг бир-бирларини ҳурмат қилиши тушунилади.

САЙЛОВ ТИЗИМИ – демократик жамият сиёсий тизимининг муҳим қисми бўлиб, фуқароларнинг сайлаш ва сайланишдан иборат ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар йиғиндисини англатади. Ушбу тушунча давлатнинг сайлаб қўйиладиган органларини шакллантириш тартиб-тамойилларини ҳам ўз ичига қамраб олади.

САЙЛОВ ЎТКАЗИШ КУНИ – сайлов жараёнида фуқароларнинг ўз сиёсий хоҳиш-иродалари амалга ошириладиган, кўрсатилган номзодларга овоз берадиган кун ҳисобланади.

САЙЛОВ УЧАСТКАСИ – сайловчиларни тегишли маълумотлар билан, шунингдек барча сайлов ҳуқуқига эга фуқароларнинг овоз беришда иштирокини ҳамда берилган овозларни ҳисоблаб чиқишни таъминлайдиган, сайловчилар рўйхати тузиладиган ва ҳаммага маълум қилиш мақсадида ташкил қилинадиган ҳудудий бирлик.

САЙЛОВ ҲУҚУҚИ – сайлов билан узвий боғлиқ тушунча бўлиб, унинг мазмунини: а) сайловни ташкил қилиш ва ўтказишни тартибга солувчи ҳуқуқий меъёрлар йиғиндиси; б) сайланадиган давлат органлари шаклланишини тартибга солувчи ҳуқуқий нормалар тизими; в) сиёсий партияларнинг келгуси фаолият дастурлари билан танишиш ва муҳокама қилиш, сайланиш, сайлов комиссиялари таркибида иштирок этиш ва овоз бериш каби ҳуқуқлар ташкил этади.

САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТИ – Сайловолди ташвиқоти номзодларнинг шахси, билими ва салоҳиятини сайловчилар олдида тўла намоён қилишга, сайловчиларни номзодлар дастурларининг асосий йўналишлари, мазмун-моҳияти ва келгусидаги режалари билан яқиндан таништиришга, сайловчиларни номзод учун овоз беришга ишонтиришга қаратилган муҳим восита бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам барча демократик давлатларда, шу жумладан мамлакатимизда ҳам сайловлар жараёнида сайловолди ташвиқоти босқичига алоҳида эътибор берилади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, сайловолди ташвиқотининг

номзодлар рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланишига оид тажрибани Литва, Молдова, Арманистон давлатларида, сайлов куни ҳеч қандай ташвикот юритишга йўл қўйилмаслиги тартибини эса АҚШ, Италия, Франция, Россия давлатлари тажрибасида кузатиш мумкин.

САЙЛОВЧИ – актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси (қаранг: актив сайлов ҳуқуқи). Овоз беришни ўтказиш ва сайлов натижаларини аниқлаш учун актив сайлов ҳуқуқига эга фуқаролар сайловчилар рўйхатига киритилади.

САЙЛОВЧИ МАЖБУРИЯТИ – актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида қонунда белгиланган мажбуриятлари (муайян ҳаракатни амалга оширишга ёки муайян ҳаракатдан ўзини сақлашга қаратилган) мажмуидир.

САЙЛОВЧИ ҲУҚУҚИ – актив сайлов ҳуқуқига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш жараёнида қонунда белгиланган ҳуқуқлари мажмуидир. Жумладан, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунида сайловчининг бир қатор ҳуқуқлари ўз аксини топган.

САЙЛОВЧИЛАР РЎЙХАТИ – участка сайлов комиссияси томонидан тузиладиган расмий ҳужжат бўлиб, ушбу рўйхатга актив сайлов ҳуқуқига, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлигига сиёсий партия томонидан кўрсатилган номзодни сайлаш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар киритилади.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ – ўз аъзолари ва тарафдорларининг сиёсий иродасини ифода этадиган, шу давлат сиёсий йўналишини белгилашда, давлат ҳокимият органларини шакллантиришда, шунингдек, ҳокимиятни ўзининг вакиллик ҳокимият органларига сайланган вакиллари орқали амалга оширишда иштирок этишни ўзига вазифа қилиб олган барқарор тузилмага ва доимий фаолият характерига эга бўлган мустақил ижтимоий бирлашма. Партиянинг аниқ юридик таърифи муайян давлатлар қонунчилигида берилади ва улар маҳаллий сиёсий ва ҳуқуқий анъаналарга кўра жиддий фарқланиши мумкин.

СИЁСИЙ ПАРТИЯ – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир (Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги Қонуни 1-моддаси).

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ (ТАДБИРКОРЛИК) - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, тавакқал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолият.

ТАКРОРИЙ ОВОЗ БЕРИШ – сайловда номзодлар етарли овоз тўплай олмаганда такрорий овоз бериш ўтказилади. Такрорий овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган депутатликка номзод сайланган деб ҳисобланади. Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди.

ТАКРОРИЙ САЙЛОВ – "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 46-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатининг такрорий сайлови қуйидаги ҳолларда ўтказилади: а) агар сайлов округида сайлов ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган бўлса; б) агар такрорий овоз бериш Қонунчилик палатасига депутат сайланганлигини аниқлаш имконини бермаган бўлса; в) агар сайлов округи бўйича депутатликка кўпи билан икки номзод овозга қўйилган ва улардан биронтаси ҳам сайланмаган бўлса.

ТАФТИШ КОМИССИЯСИ - жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш учун жамият уставига мувофиқ акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан сайланадиган орган. Жамият тафтиш комиссиясининг ваколатлари қонун ҳужжатлари ва жамият устави билан белгиланади.

ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ - Ўзбекистон Республикаси юридик ва жисмоний шахсларининг хорижий давлатларнинг юридик ва жисмоний шахслари, шунингдек, халкаро ташкилотлар билан ўзаро фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

ТЕНГ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ – сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан бири сифатида сайловларда иштирок этувчи сайловчилар ҳуқукларининг тенглик тамойили асосида ҳимояланиши, яъни ҳар бир сайловчи бир овозга эга эканлиги, барчага сайлов талаблари бир хилда жорий этилиши, ҳамма учун бир хил ташкилий-ҳуқуқий шароит яратилишида намоён бўлади. Шунингдек, ушбу принцип Ўзбекистон Республикасининг барча фуқаролари жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавкеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъий назар, тенг сайлов ҳуқуқига эга эканликларини ҳам англатади.

ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ – сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан бири бўлган мазкур ҳукук орқали фуқаролар овоз беришда бевосита, ҳеч қандай қўшимча воситаларсиз иштирок этади. Ҳар қандай сайловда сайловчилар тўғридан-тўғри сайлов участкаларида овоз беради.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИ – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси референдумини ташкил этиш ва ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тузиладиган ҳамда ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширадиган, давлат ҳокимияти ваколатига эга махсус коллегиал орган. Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги ҳамда референдум тўғрисидаги қонунларига ва бошқа конунларга амал қилади.

УМУМИЙ САЙЛОВ ҲУҚУҚИ – сайлов ўтказишнинг асосий принципларидан бири бўлиб, ушбу принцип маълум ёшга етган, тўла муомала лаёқатига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси барча фукароларининг сайловда (сайлаш ва сайланишда) иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлигини англатади.

УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ – туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузиладиган сайлов участкасида сайловларга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга масъул бўлган, давлат ҳокимияти ваколатига эга махсус коллегиал орган.

ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ - ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъектдир.

ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ – шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллардаги маҳаллалар фуқароларининг йиғинлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди ва қонун билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудудда амалга оширади.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ – ҳар бир инсон манфаатини устувор билувчи, ҳуқуқий анъана ва қонунларга ҳурмат муҳити шакллантирилган, умуминсоний қадриятлар эъзозланадиган, инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари сўзсиз таъминланадиган, давлат ҳокимиятининг самарали жамоатчилик назорати механизмлари вужудга келтирилган, инсоний муносабатлар чуқур маънавий-маданий қадриятларга таянадиган эркин, демократик ҳуқуқий жамият.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ – фуқаролик жамиятини шакллантириш узоқ давом этадиган мураккаб жараён бўлиб, бу бевосита жамиятда фукаролик жамияти институтларининг нечоғлик ривожланганига боғлиқ бўлади. Фуқаролик жамияти институтлари орқали фуқаролар давлат ва жамият сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этади. Фуқаролик жамиятининг энг муҳим институтлари сирасига нодавлат-нотижорат ташкилотлари, жамоат бирлашмалари, ОАВлари, маҳалла, оила кабилар киради.

ХУСУСИЙ КОРХОНА - мулкдор ягона жисмоний шахс томонидан тузилган ва бошқариладиган тижоратчи ташкилоти. Хусусий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклидир.

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ – "жисмоний шахсларнинг" ва давлатга тааллуқли бўлмаган юридик шахсларнинг оммавий мулки объектларини ёки давлат акцияли жамиятларининг акцияларини давлатдан сотиб олишидир.

ҲИСОБ ПАЛАТАСИ – давлатдаги олий молиявий (молиявий-иқтисодий) назорат органининг дунёда энг кенг тарқалган номи. Худди шу номда Венгрия, Греция, Испания, Португалия, ГФР, РФ ва қатор бошқа мамлакатларда ишлатилади. АҚШда Бош ҳисобот бошкармаси, Бразилия, Жазоир, Франция, Руминияда – **хисоб суди** деб аталади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 27 июнда "Ҳисоб палатасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони қабул қилинди. Бу фармонга кўра, Ҳисоб палатаси ўзининг фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлисга ҳисобот беради. Ҳисоб палатасининг асосий вазифаси давлат бюджети ижросини назорат қилиш, давлат актив ва пассивларни ҳолати ва ҳаракатини назорат қилиш каби ваколатларни амалга оширади

ҲОКИМИЯТ ВАКИЛИ – давлатнинг бирор бир органининг номидан иш кўриб, муайян вазифаларни доимий ёки вақтинча амалга оширувчи ва ўз ваколатлари доирасида кўпчилик ёхуд барча фуқаро ёки мансабдор шахслар учун мажбурий бўлган ҳаракатларни содир этиш ёки фармойишлар бериш ҳуқуқига эга бўлган шахс.

ҲОКИМИЯТЛАР БЎЛИНИШИ – давлат назариясининг асосий принципларидан бири бўлиб, унга кўра ягона давлат ҳокимияти мустақил ва бир-бирига бўйсунмайдиган қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлинади (улар билан бир қаторда баъзан таъсис этувчи, сайловчи ва назорат ҳокимияти ҳам ажратилади).

ҲУКУМАТ – давлатнинг олий коллегиал ижро этувчи органи. Ҳукумат турли мамлакатларда турлича номланиши мумкин: Вазирлар кенгаши (Франция, Италия, Польша), Вазирлар Маҳкамаси (Буюк Британия, Ўзбекистон), Давлат кенгаши (ХХР) ва бошқалар. Ҳукумат **партиясиз**, бир партияли ва коалицион бўлиши мумкин. Президентлик республикаларида (шундай орган конституцияда назарда тутилганларида) Ҳукуматни президент тузади, бунда у тайинлаган Ҳукумат аъзоларидан ҳар бири қатор мамлакатларда (Беларусь, Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистонда) парламент томонидан тасдиқланиши керак.

ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ – давлат конституциявий-ҳуқуқий мақомининг тавсифи сифатида амал қилади ва давлатнинг қуйидаги тамойилларга сўзсиз бўйсунишини назарда тутади: халқ суверенитети, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг давлат томонидан бузилмаслиги, давлатнинг конституциявий тузум билан боғлиқлиги, конституциянинг бошқа барча қонунлар ва қонуности ҳужжатларидан устунлиги, ҳокимиятларнинг бўлиниши, ҳуқуқий давлатнинг ташкилий негизи бўлган ҳокимиятнинг органлари ва давлат хизматчиларининг жавобгарлиги институти, миллий ҳуқуқ нормаларидан халқаро ҳуқуқ нормаларининг устунлиги.

ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИ – чет эллик инвесторлар асосан даромад (фойда) олиш мақсадида тадбиркорлик фаолияти ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа турдаги фаолият объектларига қўшадиган барча турдаги моддий ва номоддий бойликлар ва уларга доир ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулкка доир ҳуқуқлар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестицияларидан олинган ҳар қандай даромадга айтилади.

ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ –табиий муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлаш қоида-талабларини барча вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, ташкилотлар, муассаса, мансабдор ва жисмоний шахслар томонидан бажарилишини текшириш, табиий муҳит ҳолатини ўрганиш ва кузатиш, чора-тадбирларни қўллаш билан боғлик сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий чора-тадбирлар йиғиндисини ўз ичига олади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.
2. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 12.
3. Ўзбекистон Республикасининг "Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2004. – № 5.
4. Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991. –№4.
5. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуни янги таҳрири // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003. – № 9–10.
6. Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1994. – № 10.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4057-сон.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида. 2008 йил 28 ноябрь, ПФ-4058-сон.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида. 2008 йил 19 ноябрь, Ф-4010-сон.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Уй-жой фондини фойдаланишга тайёр ҳолда топшириш шартларида реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ишларини кенгайтиришни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2010 йил 29 январь, ПҚ-1051-сон.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида. 2010 йил 27 январь, ПҚ-1271-сон.
15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. 2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида. 2009 йил 13 февраль.
16. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг "2002 йил 27 январдаги Ўзбекистон Республикаси референдуми якунлари бўйича қонунчилик фаолиятини асосий йўналишлари тўғрисида"ги қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси. – 2002. – № 4–5.
17. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. –Асарлар, 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996.

18. Каримов И.А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли– Т.: Ўзбекистон, 1993.

19. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., "Ўзбекистон", 1995.

20. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Асарлар, 7-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон", 1999.

21. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт –пировард мақсадимиз. - Т.: "Ўзбекистон", 2000,

22. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Асарлар, 11-жилд. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2003.

23. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Асарлар, 13–жилд. Т.: "Ўзбекистон", 2005.

24. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2007 йил 31 август.

25. "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби". Президент Ислом Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.

26. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари // – Т: Ўзбекистон, 2009. – 56 б.

27. "Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир". – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.

28. "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир". – Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

29. "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир". – Президент Ислом Каримовнинг 2009 йилнинг асосий якунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 30 январь.

30. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза), "Халқ сўзи", 2010 йил 13 ноябрь (№ 220),

31. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг "Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир" ҳамда "Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир" номли маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010.

32. Бу муқаддас Ватанда азиздир инсон. Ўзбекистоннинг 19 йил мустақил тараққиёт йўлида жамиятни модернизациялаш ва иқтисодиётни инновацион ривожлантиришнинг дадил одимлари ва муваффақиятлари: талаба ёшлар ва кенг жамоатчилик билан учрашувларда фойдаланиш учун ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий мавзуда илмий-оммабоп рисола. – Т.: "Иқтисодиёт", 2010. - 148 бет.

33. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг БМТ саммитининг Мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа. Тошкент: "Иқтисодиёт" нашриёти, 2010. – 146 бет.

34. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.

35. Абдумажидов Ғ.А., Саломов Б. Ўлим жазосини бекор қилишда ижтимоий-ҳуқуқий йўналишлар. Ўлим жазосини бекор қилишнинг ташкилий ҳуқуқий жиҳатлари. Илмий-амалий анжуман материаллари. /Масъул муҳаррир: Б.Ахроров. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2006.

36. Абулқосимов Ҳ. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар. –Т.: Akadimiya, 2008.

37. В будущее с новыми технологиями // Uzbekistan today.-2010.-23 сентября. №38.

38. Корнаи Я. Путь к свободной экономике: (Страстное слово в защиту экономических преобразований). М.: Экономика, 1990. – 26-бет.

39. Международное право в документах: Учеб. пособие. Сост.: Н.Т. Блатова, Г.М. Мелков. – 2-е изд., перераб. и доп. – М.: Инфра-М, 1997.

40. Международное право об отмене смертной казни. http://diplomnie.com/publ/31-1-0-4458

41. ОАВ: ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда // Халқ сўзи. – 2010. – 20 август.

42. Одилқориев Ҳ. Конституция ва фуқаролик жамияти. – Тошкент: Шарқ, 2002.

43. Одилқориев Ҳ.Т. Демократик сайловларнинг қонуний замини // Ҳуқуқ-Право-Law, 2001. - №1.

44. Отамуратов С. Ҳозирги босқичда жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишнинг долзарб вазифалари / "Ўзбекистонда жамиятни модернизация қилишнинг долзарб муаммолари" Республика илмий-назарий конференцияси материаллари. 2005 йил 19-20 май. ТКТИ. – Т., 2005, 9-б.

45. Отчёт Специального Докладчика Парламентской Ассамблеи Совета Европы по вопросу смертной казни, Ренаты Вольвенд (Лихтенштейн), «Europe, a Continent, Free of the Death Penalty», 1999

46. Результаты внедрения высоких технологий // Народное слово. - 2010 год. – 5 августа.

47. Смерная казнь в регионе ОБСЕ. Справочный документ. ОБСЕ/БДИПЧ, 2004/1.

48. Телевидение в цифровом формате // Народное слово. - 2010. - 27 июля.

49. Ўзбекистон Республикаси "Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида"ги конституциявий қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси. – 1994. – № 10.

50. Усмонов Қ. Ўзбекистонда парламент тараққиётининг янги босқичи.-Тошкент: Ғофур Ғулом номидаги нашрёт- матбаа ижодий уйи, 2004.

51. Через успехи к новым целям // Народное слово. - 2010 год. - 23 сентября.

52. Оммабоп иқтисодиёт: моҳияти ва асосий тушунчалари (ўзбек ва рус тилларида). Илмий-оммабоп қўлланма. (Бекмуродов А.Ш., Гимранова О.Б., Шамшиева Н.Н.) Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 92 б. (электрон версияси билан).

53. Ўзбекистон – иқтисодиётни модернизациялаш ҳамда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги ва юксак босқичи йўлида. (*Бекмуродов А.Ш., Ғафуров У.В.*) Т.: Иқтисодиёт, 2008. – 126 б. (электрон версияси билан).

54. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ахборотномаси. – 2010. – №1–2.

55. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1993. – 1-сон.

56. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. – 1994. – 1-сон.

57. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2003. – 9-10-сон.

58. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 2004. – 9-сон.

59. .Ўзбекистон иқтисодиётни либераллаштириш ва модернизациялаш йўлида. Экспресс-проспект. (Бекмуродов А.Ш., Беркинов Б.Б., Усмонов Б.Б., Ҳамидов О.М., Ғафуров У.В. ва Неъматов И.У.). - Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 10 б. (электрон версияси билан).

МУНДАРИЖА

Муқаддима **3**

Ўқув дастури **6**

(А. Бекмуродов, У. Ғафуров)

Ўқув қўлланма **15**

1. Ўзбекистонда ҳуқуқий демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этиш ва бозор ислоҳотларини амалга ошириш йўлидаги улкан қадамлар

(Н. Жумаев, А. Бекмуродов, Ш. Мустафакулов)

1.1. Иқтисодиётни тубдан ўзгартириш ва ислоҳ этишда ўзбек моделининг ўрни ва аҳамияти **16**

1.2. Иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлаш ва ҳаёт сифатини яхшилаш борасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар **19**

2. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси

2.1. Давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш **29**

(А. Мухторов, Т. Султонов)

2.2. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этиш **52**

(Р. Икрамов, А. Тошпўлатов)

2.3. Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш **69**

(Н. Жўраев, А. Муминов, Х. Дўстмухамедов, Д. Муитов)

2.4. Ўзбекистонда сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов қонунчилигини ривожлантириш **77**

(О. Хусанов, С. Хидиров, Ш. Асадов, О. Турғунов, И. Беков)

2.5. Фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш ва ривожлантириш **99**

(М. Балтабоев, Б. Алиев, А. Рахмонов)

2.6. Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш **111**

(А. Бекмуродов, У. Ғафуров)

Таълим технологияси **131**

(Ш. Мустафакулов, К. Ахметова)

Назорат саволлари **249**

Тестлар **252**

Глоссарий **264**

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати **277**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисидаги **“Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича ўқув-услубий мажмуа.** Тошкент: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2010. – 281 бет.

Нашр учун масъул ижодий гуруҳ:

А.Ш. Бекмуродов, И.У. Мажидов, У.В. Ғафуров, Ш.И. Мустафақулов

Тақризчилар:

Н.М.Маҳмудов – иқтисод фанлари доктори, профессор
М.Б. Бекмуродов – социология фанлар доктори, профессор
Р.А. Зуфаров – юридик фанлари доктори, профессор

Босишга рухсат этилди 17.12.2010. Қоғоз бичими 60x84 1/8.
Times TAD гарнитураси. Нашр б.т. 17,5.
Шартнома № 755 – 2010. 3300 нусхада. Буюртма № 1994

Тошкент давлат иқтисодиёт университети қошидаги
“Иқтисодиёт” нашриёти, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 49.

74
У340